



Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси
хузуридаги Фискал институт



СОЛИҚ ВА ҲАЁТ

ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ
ОММАБОП ЖУРНАЛ



www.soliqvahayot.uz

**“СОЛИҚ ВА ҲАЁТ” ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛИ
ТАҲРИРИЯТИ ҲАЙЪАТИ ТАРКИБИ**

Таҳририят кенгаши раиси: и.ф.д. Юсупов Каҳрамон Ахмедович

Бош муҳаррир: и.ф.д. проф. Қурбанов Зият Ниязович

Таҳририят аъзолари:

и.ф.д. Қудбиев Шерзод Давлатович

и.ф.д. проф. Засько Вадим Николаевич (Россия Федерацииси)

и.ф.д. проф. Роздольская Ирина Владимировна (Россия Федерацииси)

ю. ф. д. проф. Рустамбаев Мирзаюсуп Ҳакимович

т.ф.д.доц. Ақбаралиев Бахтиёр Бакирович

и.ф.ф.д. PhD Вассилис Полименис (Греция)

и.ф.н. доц. Эргашев Зафар Тоштургунович

и.ф.д. проф. Тошматов Шухрат Аманович

и.ф.д. проф. Хотамов Комил Раббимович

и.ф.д. проф. Қўзиева Наргиза Рамазановна

и.ф.д. проф. Худойқулов Садриддин Каримович

и.ф.д. проф. Исманов Иброҳим Набиевич

и.ф.д. проф. Ўрманов Жаҳонгир Жалолиддинович

и.ф.д. проф. Уразов Комил Баҳрамович

и.ф.д. доц. Исаев Фахриддин Икромович

Маъсул муҳаррир: Назаров Абдукарим Кушарович

Веб администратор: Қўйлиев Улуғбек Рашидович



СОЛИҚ ВА ҲАЁТ

www.soliqvahayot.uz



<i>Giyasov S.A.</i>	<i>Soliq mexanizmini takomillashtirish orqali iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirish</i>	5
<i>Islomov Sh.M.</i>	<i>Davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruvning nazariy asoslari va xorij tajribasi</i>	20
<i>Shermuxamedov B.U.</i>	<i>Depozit siyosatini shakllantirish bosqichlari</i>	27
<i>Xasanboyev O.X.</i>	<i>Ijara majburiyatlari hisobini yuritishning ayrim masalalari</i>	33
<i>Алимарданов F.Н.</i>	<i>Мамалакатимизда солиқ сиёсатининг расмий ва норасмий иқтисодий фаолиятга таъсири</i>	41
<i>Гафурова У.Ф.</i>	<i>Корхоналар инновацион самарадорлигини баҳолаш фоалияти таҳлили</i>	51
<i>Дўлабов З.А.</i>	<i>Солиқ маҷбуриятлари бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш</i>	60
<i>Курбонов М.А.</i>	<i>Хуфиёна иқтисодиёт органларида молиявий аҳамияти</i>	69
<i>Мамедова Г.К.</i>	<i>Тижорат банкларини соликка тортиш назарияси</i>	76
<i>Мухамаджсанов Ш.</i>	<i>Ўзбекистонда самарали инвестиция муҳитини шакллантиришининг ташкилий-хуқуқий асослари</i>	86
<i>Ниёзов А.О.</i>	<i>Хорижий инвестициялар иштироқидаги корхоналарнинг солиқ имтиёзларидан фойдаланишининг самарадорлигини ошириш йўллари</i>	94
<i>Нормурзаев У.Х.</i>	<i>Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсатини такомиллаштириш</i>	100



II СОН. 2024

Ортиков Э.Я.	<i>Устав капиталининг таомиллаштириш</i>	<i>аудитини</i>	109
Ортиков Э.Я.	<i>Акционерлик капиталининг жамиятларида бухгалтерия таомиллаштириш</i>	<i>устав ҳисобини</i>	114
Холмуродов О.Н.	<i>Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисобини таомиллаштириш</i>		120
Хотамов К.Р. Турсунбоев А.Ю.	<i>Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва солиқча тортишни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари</i>		127
Эргашев С.Х.	<i>Иш вақтини ҳисобга олиш масалалари</i>		136
Юсупова Ф.	<i>Молиявий натижалар: даромадлар ва харажатлар таърифини таомиллаштириш</i>		142



SOLIQ MEXANIZMINI TAKOMILLASHTIRISH ORQALI IQTISODIYOTNI INNOVATSION RIVOJLANTIRISH

(DSc), dotsent Giyasov S.A.
Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti

Annotasiya. Mazkur maqolada iqtisodiyotni innovation rivojlantirishda soliq mexanizmidan samarali foydalanish imkoniyatlari tadqiq etilgan. Shuningdek, innovation iqtisodiyotni soliqlar vositasida tartibga solishning ilmiy-nazariy jihatlari yoritilgan. Innovation faoliyatni soliqlar vositasida rag'batlantirishning amaldagi holati tanqidiy tahlil qilingan. Soliq mexanizmini takomillashtirish orqali iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirish, shu jumladan innovation faoliyatni samarali qo'llab-quvvatlashning dolzARB masalalari ko'rib chiqilgan. Amalga oshirilgan tadqiqot natijasida xulosalar shakllantirilib, ilmiy taklif va amaliy tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so'zlar: innovation iqtisodiyot, innovation faoliyat, soliq mexanizmi, soliq imtiyozlari, innovation rivojlanish, soliqlar vositasida rag'batlantirish.

Аннотация. В данной статье исследуются возможности эффективного использования налогового механизма в инновационном развитии экономики. Также интерпретируются научно-теоретические аспекты налогового регулирования инновационной экономики. Критически анализировано действующее состояние налогового стимулирования инновационной деятельности. Рассмотрены актуальные вопросы развития инновационной экономики, в том числе эффективного поддержания инновационной деятельности посредством совершенствования налогового механизма. В результате проведенных исследований были сформулированы выводы, разработаны научные предложения и практические рекомендации.

Ключевые слова: инновационная экономика, инновационная деятельность, налоговый механизм, налоговые льготы, инновационное развитие, налоговое стимулирование.

Annotation. This article examines the possibilities of effective use of the tax mechanism in the innovative development of the economy. The scientific and theoretical aspects of tax regulation of the innovative economy are also interpreted. The current state of tax incentives for innovation is critically analyzed and topical issues of the development of an innovative economy are considered, including the effective maintenance of innovation through the improvement of the tax mechanism. As a result of the conducted research, conclusions were formulated, scientific proposals and practical recommendations were developed.

Keywords: innovative economy, innovative activity, tax mechanism, tax benefits, innovative development, tax incentives.

1. Kirish.

Jahon tajribalari ko'rsatishicha, hozirgi kunda innovatsiyalar nafaqat alohida tashkilotlarning rivojlanishida, balki milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini ta'minlash, aholining hayot sifatini yaxshilash va uning farovonligini oshirishda muhim rol o'ynaydi. 46 makrotehnologiyalarga ega eng rivojlangan yettita mamlakat ushbu bozorning 80 foizini egallaydi. Har yili yuqori texnologiyali mahsulotlar eksportidan Amerika qo'shma shtatlari 740,0 mlrd., Germaniya 530,0 mlrd., Yaponiya 410,0 mlrd. AQSh dollar miqdorida daromad oladi. Bugungi kunda yuqori texnologiyali mahsulotlarning jahon bozoridagi hajmi 2,0 trln. 300 mlrd. AQSh dollaridan ziyod. Ushbu miqdorning 39 foizi AQSh, 35 foizi Yaponiya, 17 foizi Germaniya va 9 foizi boshqa mamlakatlar mahsulotlaridir (Gutgars, 2019).

Muvaffaqiyatli innovatsion rivojlanishning asosiy omillaridan biri xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatini davlat tomonidan tartibga solish va qo'llab-quvvatlashning samarali tizimi hisoblanadi. Iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishda davlat o'z qo'lidagi barcha iqtisodiy instrumentlardan, jumladan fiskal, tarif, pul-kredit, sug'urta va boshqa iqtisodiy mexanizmlardan foydalanadi (Giyasov, 2023).

Xalqaro valyuta fondi ma'lumotlariga ko'ra, jahonda ilmiy tadqiqot va tajriba konstruktorlik ishlarni (ITTKI) va innovatsion faoliyatni soliqlar vositasida rag'batlantirish usuli budjetdan bevosita moliyalashtirish usuliga nisbatan aksariyat mamlakatlar tomonidan faol foydalanib kelinmoqda. Masalan, Fransiya, Belgiya, Gollandiya, Portugaliya, Gresiya, Kanada, Irlandiya, Janubiy Koreya, Yaponiya va Avstraliya kabi mamlakatlarda bunga alohida e'tibor berilmoqda. Agar 1996 yilda ITTKI va innovatsion faoliyatni rag'batlantirishda soliq mexanizmlarining turli sxemalari jahonning 20 ta mamlakatlari tomonidan foydalanilgan bo'lsa, 2019 yilda 50 dan ziyod, Iqtisodiy hamkorlik va rivojlanish tashkilotining 35 ta a'zo mamlakatlaridan 30 tasi, shuningdek, Argentina, Chili, Kolumbiya, Peru, Kosta-Rika, Malayziya, Indoneziya, Tailand hamda BRIKS mamlakatlarining barcha beshtaligi tomonidan faol foydalanib kelinmoqda (IMF, 2019).

Mamlakatimizda so'nggi yillarda tadbirkorlik sub'ektlari uchun qulay soliq muhitini yaratish borasida izchil islohotlar amalga oshirilmoqda. Iqtisodiy o'sishning yangi turini shakllantirish va barqaror innovatsion rivojlanishga o'tish vazifasini amalga oshirish maqsadida so'nggi yillarda xo'jalik yurituvchi sub'ektlarning innovatsion faoliyatini rag'batlanti-rishga qaratilgan aniq chora-tadbirlar majmui amalga oshirildi, bunda soliq sohasidagi chora-tadbirlarga muhim o'rinn berildi.

So'nggi yillarda innovatsiyalarni rag'batlantirishga qaratilgan soliq qonunchiligiga ko'plab o'zgartirishlar kiritildi, biroq qabul qilingan yangiliklar innovatsion rivojlanish uchun qulay soliq muhitini yaratishda kerakli natijani bermadi. Shuningdek, soliq qonunchiligidagi o'zgarishlar tahlili shuni ko'rsatdiki, qabul qilingan o'zgarishlarda rag'batlantirish kerak bo'lgan soliq to'lovchilar toifasini aniqlashga hamda ularning har bir toifasi uchun foydalaniladigan samarali soliq mexanizmlari tarkibiga yagona metodologik yondashuv mavjud emasligini ko'rsatdi. Bundan tashqari, innovatsiyalarga bo'lgan talabni shakllantirish va qo'llab-quvvatlashga qaratilgan qoidalar soliq qonunchiligida yetarlicha aks ettirilmagan bo'lsa, innovatsion faoliyatni rag'batlantirish bilan birga cheklash xarakteridagi soliq vositalarini ham qo'llash maqsadga muvofiqligi masalasi lozim darajada ilmiy-nazariy ko'rib chiqilmagan.

Bugungi kunga kelib, iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishda xo'jalik yurituvchi sub'ektlarni innovatsion faoliyat bilan faol shug'ullanishlarini soliqlar vositasida rag'batlantirishning samarali tizimi yaratilmaganligi, shuningdek, innovatsion iqtisodiyotni rivojlantirish uchun soliq mexanizmlaridan, ularni qo'llashning murakkabligi va maqsadga muvofiqligi nuqtai nazaridan samarali foydalanishga yagona metodologik yondashuvni ishlab chiqish zaruratdir.

2. Adabiyotlar sharhi.

Soliq mexanizmi orqali iqtisodiyotni innovation rivojlantirish va innovation faoliyatni soliqlar vositasida rag'batlantirish masalalari qator iqtisodchi olimlar va mutaxassislar tomonidan tadqiq etilgan. Jumladan, Neokeys yo'nalishlari tarafdarlari iqtisodiyotni tartibga solishda davlatning roli muhimligini tan olishar ekan, soliq funksiyalari ichida rag'batlantirish funksiyasidan faol foydalanishni ilgari suradilar, soliq to'lovchilarning muayyan kategoriyalari uchun ITTKI va innovatsion faoliyatga soliq imtiyozlarni qo'llashni qo'llab-quvvatlashadi (Klavdienko, 2015). Ba'zi neoliberal yo'nalish vakillari esa davlatning iqtisodiyotga "yumshoq" aralashuvini yoqlaydilar va soliqqa tortishning turli neytral modellarini taklif etadilar (Rothbard, 2019).

Kiselev va Bezrukovalar fikriga ko'ra (2017) innovatsion iqtisodiyotni asosi hisoblangan ilmiy tadqiqot va innovatsion faoliyatni davlat tomonidan tartibga solish davlat organlari va ularning mansabdar shaxslari jamiyat oldida turgan ijtimoiy-iqtisodiy va texnik vazifalarga erishish uchun amalga oshiriladigan normativ, ma'muriy, tashkiliy, moliyaviy, resurs hamda boshqa xarakterdagi bevosita va bilvosita choralar majmui sifatida belgilaydi.

Klyuchisheva va Klyuchishevlar fikricha (2016) korxonalarini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash tizimini rivojlantirish va ularning innovatsion faoliyatini soliqlar vositasida samarali tartibga solishning eng muhim va bosh mexanizmi soliq imtiyozlari hisoblanadi. Samarali soliq mexanizmini baholashning asosiy mezoni sifatida ayrim soliq to'lovchilarning cheklangan real daromad manbalarini hisobga olgan holda, ular tomonidan soliq yukini ko'tarishning ob'ektiv qobiliyatidir. Samarali soliq mexanizmiga erishish mintaqaning o'ziga xos xususiyatlari va ijtimoiy ahamiyatini hisobga olgan holda, soliq siyosatining fiskal yo'nalishini cheklaydigan majburiy qo'shimcha shartlarni joriy etish bilan ta'minlanadi (Tyupakova va Bocharovalar, 2011).

Orlova va Muxametovlar (2016) o'z tadqiqotlarida innovation soliq imtiyozlarining samaradorligi masalalari va innovation faoliyatni soliqlar vositasida rag'batlantirishning instrumentlari ko'rib chiqilib, mualliflar tomonidan bu instrumentlar samaradorligi puxta baholanmasdan, innovation faoliyatni rivojlantiruvchi zamonaviy soliq mexanizmini shakllantirib bo'lmaydi degan xulosaga kelingan. Melnikovaning fikriga ko'ra (2011), innovatsion faoliyatni soliqlar vositasida rivojlantirish iqtisodiy munosabatlar sub'ektlariga ular tomonidan mazkur faoliyatni amalga oshirishlari uchun qulay sharoit yaratadigan soliq imtiyozlari va preferensiyalarni taqdim etish bo'yicha kompleks choralar orqali amalga oshiriladi.

Svoboda (2017) tomonidan innovation faoliyatni davlat tomonidan bevosita moliyalashtirish orqali rag'batlantirishdan ko'ra, bilvosita soliq mexanizmlari vositacida tartibga solish afzal va samaraliroq degan hulosaga ekonometrik tahlillari asosida kelingan. Shumyaskiy (2018) o'z tadqiqotlari asosida iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirish, birinchi navbatda, investitsiyalarni keng jalb etgan holda, tarmoqlarni innovation rivojlantirish orqali amalga oshirilishi kerak, degan xulosaga kelgan. Bunda, innovation va investitsion faoliyatni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashning samarali usullaridan biri soliqlar vositasida tartibga solish va rag'batlantirish hisoblanadi.

Vasilevaning fikriga ko'ra (2010), innovatsion jarayonning dastlabki bosqichlarida xarajatlarning tarkibiy qismlaridan biri bo'lgan zarur uskunalarini sotib olishga yo'naltirilgan xarajatlar hisoblanadi, shuning uchun iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishni soliqlar vositasida tartibga solishning muhim mexanizmi hisoblangan hamda soliq to'lovchilar uchun ham, davlat uchun ham muhim moliyaviy oqibatlarga olib keluvchi amortizatsiya xarajatlarini hisobdan chiqarish mexanizmidan foydalangan holda amalga oshirilishi kerak.

Nikulina va Serdyuklar fikricha (2016), aynan soliq imtiyozlari innovatsion jarayonlarni faollashtirishda eng muhim rol o'ynaydi, ularning umumiy maqsadi

korxonalarining soliq majburiyatlarini kamaytirish orqali innovatsion loyihalarni amalga oshirishga bo'lgan qiziqishini oshirishdir. Shu sabab ular innovatsiyalarni rag'batlantirish, fan va texnologiyalarni rivojlantirishga aniq e'tibor berish bilan ajralib turadi va dunyoning yetakchi mamlakatlarida o'zining samaradorligini isbotladi.

Baklikovaning fikriga ko'ra (2014), innovatsion rivojlanishni tartibga solish instrumentlaridan biri soliq to'lovchilarning majburiyatlarini kamaytirish yoki kechiktirish maqsadi bo'lgan soliq imtiyozlari hisoblanadi. Malkova fikricha (2011), innovatsion rivojlanishni soliqlar orqali tartibga solish odatda soliq imtiyozlarning innovatsion korxonalar faoliyatiga rag'batlantiruvchi ta'siriga asoslanadi.

Korostelkina va Androsovalar (2020) tomonidan amalga oshirilgan tadqiqotlari asosida kelingan fikriga ko'ra, har qanday mamlakat iqtisodiyotini modernizatsiya qilish va raqamlashtirish jarayonlari innovatsiyalarni joriy etish bilan chambarchas bog'liq. Xorijiy mamlakatlar tajribasi shuni ko'rsatadiki, modernizatsiya jarayonlarida moliyalashtirish, soliq imtiyozlari, imtiyozli davlat kreditlari va zarur infratuzilmani yaratish shaklida davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash muhim o'rinn tutadi.

Atanassov va Liular (2020), o'z tadqiqotlari asosida korporativ soliqning kamayishi patentlar soni va patentga iqtiboslar (patentlar sifati) ko'rsatkichi bilan o'lchanadigan, ayniqsa moliyaviy qiyinchiliklarni boshdan kechirayotgan, kichik garov aktivlariga va zaif korporativ boshqaruviga ega bo'lgan, soliq to'lashdan bo'yin tovslash strategiyasidan ko'p foydalanadigan firmalarning innovatsion mahsulotini ko'payishiga olib kelishini aniqlaydilar.

Karkinsky va Riedellar (2012) 1995 yildan 2003 yilgacha bo'lgan davrda roylati daromadiga soliq stavkasining 1 foizga oshirilishi mamlakatda patentlar sonining -3,5 foizdan -3,8 foizga kamayishiga olib kelganligini hisoblab chiqishdi. Romero-Jord'an va boshqalar (2014) tomonidan Ispaniyadagi ikkita soliq imtiyozlarining ITTKIga ta'sirini o'rganish uchun 1995-2015 yillardagi EESE so'rov ma'lumotlaridan foydalanib, ularning hisob-kitoblariga ko'ra, soliq kreditlari faqat yirik korxonalarining ITTKIga xususiy investitsiya kiritishga ijobji va sezilarli ta'sir ko'rsatgan.

Dechezlepretre va boshqalarning (2016) hisob-kitoblariga ko'ra, har bir funt subsidiya uchun ITTKIni 1,7 funt sterlingga (£) rag'batlantirdi va mazkur mexanizmning mavjud emasligida 2006-2011 yillar mobaynida ITTKI hajmi o'rtacha 10 foizga kam bo'lgan. Ularning xulosalari Guceri va Liular (2019) tomonidan tasdiqlangan, ular xuddi shu davrdagi Buyuk Britaniyaning korporativ soliqdan yo'qotilgan daromadining har bir funti uchun ITTKIga -1,6 va 1,3 funt sterling elastikligi baholangan. Chen va boshqalar (2021) tadqiqotlarida ITTKIga oldindan va belgilangan chegaradan yuqori investitsiya kiritgan kompaniyalar uchun soliqlarni sezilarli darajada kamaytirishi 2008 yildan 2011 yilgacha bo'lgan davrda ITTKIga investitsiyalarni jalg qilinishini sezilarli daraja oshirgan.


Rao (2016) 1981 yildan 1991 yilgacha bo'lgan davrda AQSh federal soliq kreditining ITTKIga ta'sirini o'rganib chiqib, ITTKIga xarajatlarning 10 foizga kamaytirilishi ITTKIga xarajatlar nisbati sifatida o'lchanadigan tadqiqotlarning intensivligi koeffitsientini qisqa muddatda 19,8 foizga oshishiga olib kelishini baholadi. Bernstein va Nadirilarning (1991) ekonometrik hisob-kitoblari natijalariga ko'ra, AQShning yuqori texnologik tarmoqlarida xususiy sektorning tadqiqot va ishlanmalarga kiritilgan investitsiyalar hajmining 1 foizga o'sishi ishlab chiqarilayotgan innovatsion mahsulotlarning o'zgaruvchan xarajatlar birligining 0,07-0,24 foizga pasayishiga olib kelgan.

3. Tadqiqot metodologiyasi.

Tadqiqot jarayonida uslubiy asos sifatida moliyaviy va iqtisodiy tahlilning bir qator usullaridan foydalanildi. Xususan, iqtisodiy, mantiqiy, ilmiy abstraksiyalash, qiyosiy tahlil, monografik tadqiqot, dinamikada o'rganish, ma'lumotlarni guruhlash, induksiya va deduksiya hamda tasviriy statistika tahlillardan foydalanildi.

4. Tahlil va natijalar.

Zamonaviy olimlar tomonidan barqaror iqtisodiy o'sishni ta'minlashda innovatsiyalar yetakchi rol o'ynashi qayd etilgan. Bunda, innovatsion jarayonning borishi ko'pincha davlatning iqtisodiy siyosatidan kelib chiqadi.




1-rasm. Ilmiy tadqiqotlar va ishlanmalarni soliqlar vositasida rag'batlantirish va budjetdan bevosita moliyalashtirish (OECD, 2020)

Ta'kidlash zarurki, innovatsion jarayonlarni soliq mexanizmlari orqali rag'batlantirish tobora ommalashib bormoqda (1-rasm). Zero, «soliqlar vositasida rag'batlantirish» tushunchasi xorij adabiyotlarida, asosan, ilmiy tadqiqot va innovatsion ishlanmalarga qo'llanilishi qayd etilmoqda. Bu sanoatda zamonaviy uskunalar va yuqori texnologiyalar hamda innovatsion mahsulotlarni ishlab chiqarishni birinchi navbatga qo'yish bilan bog'liq.


2017-2021 yillar uchun Global innovatsion va Global raqobatbardoshlik indekslar bo'yicha rasmiy hisobotlar o'r ganilganda, 2020 yilga qadar O'zbekiston Global innovatsion indeksdagi reytingiga kirmagan. 2020 yilda 132 ta mamlakat ichida 93-o'rinni, 2021 yilda 86-o'rinni egallagan bo'lsa, Global raqobatbardoshlik reytingiga hozirgi kunga qadar kirmagan (2-rasm). Qayd etilishicha, O'zbekiston inson kapitali rivojlanishi, infratuzilma darajasi va ichki bozorni rivojlantirish bo'yicha o'rtadan past daromadli mamlakatlar guruhida o'ninch o'rinni egalladi. Bu mamlakatimiz iqtisodiyotining innovatsion rivojlanishi holatidan darak beradi.

Sanoati rivojlangan mamlakatlarning iqtisodiy taraqqiyot yo'nalishlari tahlili shuni ko'rsatdiki, XX asrning ikkinchi yarmidan boshlab dunyoda ilm-fan va texnologiyalarni nafaqat rivojlangan mamlakatlar ichki bozorlarida, balki jahon sahnasida ham raqobatbardoshlikni belgilovchi omillarga aylantirish bilan bog'liq bo'lgan iqtisodiyot rivojinining sifat jihatidan yangi bosqichi namoyon bo'ldi.



2-rasm. 2021 yilda Global innovatsion va raqobatbardoshlik indekslaridagi O'zbekistonning o'rni (GII, 2021)

Innovatsion rivojlanishni davlat tomonidan rag'batlantirishning bevosita (budgetdan to'g'ridan-to'g'ri moliyalashtirish) va bilvosita (soliqlar vositasida rag'batlantirish) usullari mavjud. Iqtisodchi olimlarning ilmiy ishlari tahlili bevosita moliyalashtirish usuliga nisbatan soliqlar vositasida tartibga solishning bir qator afzalliklarini aniqlashga imkon berdi. Shunday qilib, iqtisodiyotni innovatsion rivojlanirishda soliqlar vositasida rag'batlantirish mexanizmlari bevosita tartibga solishni istisno qilmasada, unga nisbatan ustunroq va afzalroq, degan xulosaga keldik.




3-rasm. Iqtisodiyotni innovatsion rivojlanirishni qo'llab-quvvatlashning asosiy maqsadlari (Giyasov, 2020)

Iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishni soliqlar vositasida rag'batlantirishning asosiy maqsadlarini 3-rasm orqali ko'rib chiqar ekanmiz, uzoq muddatli iqtisodiy o'sishni va milliy iqtisodiyot raqobatbardoshligini ta'minlash maqsadi muhim ahamiyat kasb etadi. Mazkur maqsadni bosh maqsad deya e'tirof etishimiz joiz, chunki ushbu maqsad qolgan maqsadlarning pirovard yakuniy natijasi hisoblanadi desak mubolag'a bo'lmaydi.

Ma'lumki, zamonaviy iqtisodiyot rivojini innovatsiyalar va investitsiyalarsiz ta'minlab bo'lmaydi. Shu sababli, tadbirkorlik sub'ektlarini ilmiy tadqiqot va innovatsion faoliyat bilan shug'ullanish, mazkur faoliyatatlarga investitsiyalarni faol jalb qilish, innovatsion mahsulotlar ishlab chiqarishga rag'batlantirish har qanday zamonaviy davlatning iqtisodiyotni tartibga solishdagi asosiy vazifasi bo'lib hisoblanadi. Shu jumladan, O'zbekiston iqtisodiyotini jadal rivojlantirish, investitsiyalar oqimini kuchaytirish, fan-teknika yutuqlarini iqtisodiyot tarmoqlariga, ijtimoiy va boshqa sohalarga keng qo'llagan holda zamonaviy innovatsion texnologiyalarni tezkor joriy etish bugungi kunda va yaqin keljakda davlat hal qilishi lozim bo'lgan juda muhim, dolzarb masaladir. Soliq mexanizmi iqtisodiyotni tartibga solishda, shu jumladan innovatsion rivojlanishni qo'llab-quvvatlash va rag'batlantirishda davlat qo'lidagi eng samarali ta'sir ko'rsatish vositasi hisoblanadi.

Innovatsion iqtisodiyotning boshqa turdag'i iqtisodiy tizimlardan farqli jihat shundaki, iqtisodiy o'sishga dinamik, uzlusiz ishlab chiqarish va turli xil innovatsiyalarni joriy etish orqali erishiladi. Shuning uchun innovatsion faoliyat innovatsiyalarni yaratish, ularni ishlab chiqarishga joriy etish va tijoratlashtirish faoliyati sifatida namoyon bo'ladi.

Shuningdek, innovatsion faoliyatga berilgan ta'riflar tahlili shunday xulosaga kelishimizga imkon berdiki, iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishga soliq mexanizmining rag'batlantiruvchi ta'sirini kuchaytirish innovatsion faoliyat uzlusizligini ta'minlovchi innovatsion faoliyatning barcha bosqichlarini rag'batlantirish orqali erishish mumkin. Innovatsion faoliyat bosqichlari, shuningdek, uning uzlusizligini ta'minlash zarurati 4-rasm orqali innovatsion faoliyat bosqichlarida ko'rshimiz mumkin.



4-rasm. Innovatsion faoliyat bosqichlari (Giyasov, 2022).

Soliq mexanizmidan foydalanish asosida innovatsion rivojlanishni ta'minlash odatda soliq imtiyozlari va yengilliklarining innovatsion korxonalar faoliyatiga rag'batlantiruvchi ta'siriga asoslanadi. Ayni paytda, soliqlar iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solish vositasi sifatida foydalanimishi soliqlarning tartibga solish, shu jumladan rag'batlantirish,

chechkash va qoplab berish funksiyalaridan foydalanishga asoslangan. Tartibga solish funksiyasining ta'siri soliq to'lovchilarining turli ob'ektlari va toifalarini notejis soliqqa tortilishi bilan asoslanadi. Soliq yukining notejisligi, o'z navbatida, kerakli samarani yaratadi. Bunda, ustuvor yo'nalishda soliq yukini yumshatish orqali davlat ushbu yo'nalishda iqtisodiy rivojlanish uchun yanada qulay sharoitlar yaratadi, boshqa yo'nalishda soliq yukining oshishi rivojlanish uchun qo'shimcha to'siqlarni keltirib chiqaradi.

Ta'kidlash joizki, iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishda nafaqat rag'batlantirish (pasaytirilgan soliq stavkalari, soliq ta'tillari, soliq chegirmalari va boshqa imtiyozlar) xususiyatiga ega choralarini qo'llash, balki innovatsion faoliyotni oshirish bo'yicha choralarini ko'rmayotgan sub'ektlarga nisbatan chechkash (soliq stavkalarini oshirish, qo'shimcha soliqlarni joriy etish, imtiyozlardan foydalanishga cheklar) hamda qoplab berish (0 stavkasini qo'llash) xususiyatiga ega mexanizmlarni qo'llash maqsadga muvofiq.

Iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishni soliqlar vositasida rag'batlantirishning samaradorligi avvalo rag'batlantirish ta'siri yo'naltirilishi kerak bo'lgan soliq to'lovchilar doirasini aniq belgilash va tegishli soliq mexanizmlari majmuiga bog'liq. Innovatsion iqtisodiyot va uning ishtirokchilari bilan bog'liq yagona terminologiyaning mavjud emasligi iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishni soliqlar vositasida rag'batlantirish samaradorligini sezilarli darajada pasaytiradi.

Iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishga qaratilgan soliq qonunchiligi tahlili shuni ko'rsatdiki, «innovatsion korxona», uni aniqlash mezonlari va yagona reestri qonun hujjatlari bilan aniq belgilanmagan. Shuning uchun soliq to'lovchilarga innovatsion korxona maqomini berish algoritmi taklif etilmoqda.

Korxonaning innovatsion turi reestrini shakllantirish va ushbu reestr to'g'risidagi nizomni ishlab chiqish



Soliq to'lovchi zarur hujjatlar to'plamini taqdim etgan holda reestrga kiritilishi yuzasidan ariza beradi



Ekspert komissiyasi arizani ko'rib chiqib, soliq to'lovchini innovatsion korxonalar reestriga kiritadi



Soliq to'lovchiga innovatsion korxonalar reestriga kiritilganligi haqida guvohnoma beradi



Soliq to'lovchi olingan guvohnomaga asosan innovatsion korxona sifatida DXM orqali soliq organida ixtiyoriy ro'yxatdan o'tadi



Innovatsion korxona sifatida soliq organida ro'yxatdan o'tganligi innovatsion korxona toifasi uchun belgilangan soliq rag'batlarini olish uchun asos hisoblanadi

5-rasm. Soliq to'lovchiga innovatsion korxona maqomini berish algoritmi (Giyasov, 2022)

Shuningdek, innovatsion faoliyatni voqealar zanjiri sifatida ham ifodalash mumkin: yangi bilimlar (g'oyalar) paydo bo'lishi-g'oyaning intellektual mahsulotga (innovatsiyalarga) aylanishi-innovatsiyalarning ishlab chiqarishga joriy etilishi-innovatsiyalarning tijoratlashtiruvni (innovatsion mahsulotni tijoriy jihatidan muvaffaqiyatli ishlab chiqarish)-innovatsion mahsulotning iste'moli. Ushbu zanjirning quyidagi uch asosiy pog'onasini soliqlar orqali rag'batlantirish mumkin:

innovatsiyalarni ishlab chiqarish; innovatsiyalarni ishlab chiqarishga joriy qilish; innovatsiyalarning tijoratlashtiruvi; innovatsion mahsulot iste'moli.


Iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishni soliqlar vositasida rag'batlantirishning belgilangan yo'naliishlari faoliyatini rag'batlantirish talab etiladigan sub'ektlar doirasini aniqlashga imkon berdi. Bularga quyidagilar kiradi:

1) Innovatsiyalarni yaratuvchi korxonalar. Hozirgi kunda iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishni rag'batlantiradigan soliq vositalarining aksariyati ushbu toifadagi korxonalar faoliyatiga qaratilgan. Biroq, iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishni soliqlar orqali rag'batlantirishning natijadorligi rag'batlantiruvchi ta'sirini boshqa toifadagi sub'ektlarga ham adekvat taqsimlashga bog'liq. Aks holda, iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirish uchun muhim bo'lgan «innovatsiyalarni ishlab chiqarish-joriy qilish-tijoratlashtirish-iste'mol» zanjiri uziladi.

2) Innovatsion korxonalar yoki innovatsiyalarni ishlab chiqarishga joriy qiluvchi tashkilotlar. Fikrimizcha, ushbu toifadagi sub'ektlar ko'proq rag'batlantirishga muhtoj. Chunki, ishlab chiqarishga innovatsiyalarni joriy etish iqtisodiyotni innovatsion rivojlanishini ta'minlashning asosiy shartidir. Innovatsiyalar ishlab chiqarishni yoki innovatsion mahsulotlarni iste'mol qilishni alohida rag'batlantirish innovatsiyalarni eksport qilishga yoki innovatsion mahsulotlarni import qilishga olib kelishi mumkin.

3) Innovatsion mahsulot iste'molchilari bo'lgan korxonalar. Hozirgi kunda bunday korxonalar O'zbekistonda kam va ular ham innovatsion mahsulotlarga bo'lgan talabni oshirish uchun soliqlar vositasida rag'batlantirishga muhtoj.

4) Innovatsion infratuzilma korxonalar. Ushbu toifaning soliqlar vositasida rag'batlantirish talab etiladigan sub'ektlar tarkibiga kiritilishi innovatsion infratuzilma korxonalarining faoliyati innovatsion faoliyatning barcha bosqichlari bilan bog'liq bo'lib, innovatsion iqtisodiyotni normal ishlashi uchun muhimdir.



6-rasm. Korxonalarning innovatsion faoliyatiga taqdim etilgan soliq imtiyozlari va erishilgan natijalarning o'sish sur'atlari, %da (Giyasov, 2022)

Shuningdek, O'zbekistonda ilmiy tadqiqot va innovatsion faoliyatni soliq mexanizmi orqali tartibga solish, shu jumladan rag'batlantirish amaliyotini tahlil qilish natijasida shunday xulosaga kelish mumkinki, rag'batlantirish ob'ektlari aniq bo'lmasdan, erishilishi

lozim bo'lgan ko'rsatkichlar belgilanmasdan, mazkur faoliyatlar boshlanishi bilanoq, muayyan va nomuayyan muddatga asosan QQS, foyda solig'i va YaST (aylanmada soliq) kabi soliq turlaridan to'liq ozod qilish shaklidagi soliq imtiyozlari qo'llanilib kelangan. Zero, hozirgi kunda xalqaro tajribada ushbu faoliyat turlarini samarali rag'batlantirish instrumentlari sifatida asosan soliq kreditlari, soliq chegirmalari, soliq ta'tillari, pasaytirilgan va tabaqalashtirilgan soliq stavkalari qo'llanilmoqda.

6-rasmdagi ko'rsatkichlar dalolat berishicha, innovatsion faoliyatga amalga oshirilgan xarajatlarning o'rtacha o'sish sur'atlari soliq imtiyozlarining o'rtacha o'sish sur'atlariga monand kelsada, innovatsiyaning asosiy sharti hisoblangan innovatsion mahsulotlar, xizmatlar va ishlarning hajmi hamda innovatsiyalar joriy qilinishining o'rtacha o'sish sur'atlari qariyb 3 baravar past bo'lgan. Bunga birinchi sabab soliq imtiyozlarining samarali shaklidan foydalanilmagan bo'lsa, ikkinchi sabab soliq imtiyozlarini innovatsion jarayonning barcha bosqichlarini qamrab olmaganligidir.

Iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishni soliqlar vositasida rag'batlantirishda rag'batlantirish mexanizmlari samaradorligini baholash muhim ahamiyat kasb etadi. Soliq imtiyozlarini samaradorligini baholashning mavjud usullarini o'rganish shuni ko'rsatdiki, ularning aksariyati mamlakatimizda innovatsion korxonalar uchun taqdim etilgan soliq imtiyozlarining o'ziga xos xususiyatlari tufayli foydalanish uchun mos emas.


Soliq imtiyozlarini samaradorligini baholash uslubiyoti ko'plab iqtisodchi olimlar, tadqiqotchilar va mutaxassislar tomonidan tadqiq etilgan. Ulardan ayrimlari korxonalar innovatsion faolligini rag'batlantirishning o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda, miqdoriy ko'rsatkichlar orqali baholash uslubini ilgari surgan. Mazkur uslubiyotlarni tadqiq etish asosida aynan korxonalarning innovatsion faolligini qo'llab-quvvatlashga taqdim etilgan soliq imtiyozlarini samaradorligi, tadqiqotlar va ishlanmalarga qilingan xarajatlar samaradorligi, xarajatlarning innovatsion mahsulotga aylanishi darajasi hamda iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishga soliq imtiyozlarining umumiyligi ta'sir etish samaradorligini baholashning takomillashtirilgan uch koeffitsienti taklif qilinadi (1-jadval).

1-jadval

Innovatsion korxonalar uchun soliq imtiyozlarini samaradorligini baholash koeffitsientlari (Giyasov, 2022)

Koeffitsient, iqtisodiy ahamiyati va hisob-kitob formulasi	Shartli belgilanishi	Me'yoriy chegarasi
K₁ - O'_{ti} / Y_b Davlat tomonidan korxonalarning innovatsion faolligini qo'llab-quvvatlashga taqdim etilgan soliq imtiyozlarini (yo'naltirilgan har bir so'm) samaradorligi	O' _{ti} - soliq imtiyozlarini joriy qilinishi hisobiga korxonalarning tadqiqot va ishlanmalarga yo'naltirgan investitsiyalarining o'sishi (so'mda); Y_b - soliq imtiyozlarini joriy qilinishi natijasida budjetdag'i (davlatning soliqli daromadlari qisqarishi) yo'qotishlar (so'mda)	Birdan katta yoki unga teng
K₂ - O'S_i / O'S_{ti} Korxonalarning tadqiqot va ishlanmalarga qilingan xarajatlari samaradorligi, ularning innovatsion mahsulotga aylanishi darajasi (ulushi)	O'S_i - soliq imtiyozlarini taqdim etilishi natijasida innovatsion mahsulot hajmining o'sish sur'ati %; O'S_{ti} - soliq imtiyozlaridan foydalanishi natijasida tadqiqot va ishlanmalarga xarajatlari hajmining o'sish sur'ati %.	Birdan katta yoki unga teng
K₃ - ST_{im} / YaIM K₃ - IH_{im} / YaIM Iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishga soliq imtiyozlarining umumiyligi ta'sir etish samaradorligi	YaIM - YaIM hajmi (so'mda); IH_{im} - soliq imtiyozlaridan foydalangan korxonalarning innovatsion mahsulotlar, ishlar, xizmatlar hajmi (so'mda). ST_{im} - soliq imtiyozlaridan foydalangan korxonalarning innovatsion mahsulotlarini (tovar, ishlar, xizmat) sotishdan so'f tushumi (so'mda).	0≤K ₃ ≤1

Uchinchi koeffitsientni O'zbekiston misolida tahlil qilar ekanmiz, birgina innovatsion mahsulotlarni sotishdan sof tushumning YaIMga nisbati 2016-yilda 0,02 foizni, 2017-yilda 0,04 foizni tashkil etgan bo'lsa, 2018-2020 yillarda 0,01 foizni, 2021-yilda 0,07 foizni tashkil etmoqda (7-rasm).




7-rasm. Innovatsion mahsulotlar, ishlar, xizmatlar hajmi va ularni sotishdan sof tushumning YaIMdagi ulushi tahlili (Giyasov, 2022)

Innovatsion rivojlanishni rag'batlantirish bo'yicha amalga oshirilgan xorijiy tajriba tahlili natijasida innovatsion faoliyatning turli bosqichlarini qamrab olish nuqtai nazaridan, shuningdek, nafaqat bevosita innovatsion korxonalarga, balki innovatsion faoliyatning boshqa sub'ektlariga ham rag'batlantiruvchi ta'siri nuqtai nazaridan soliq mexanizmlaridan foydalanishga kompleks yondashuvi aniqlandi. Rivojlangan mamlakatlarning bunday tajribasini soliqlar vositasida rag'batlantirish masalalarida qo'llanishi mamlakatimiz iqtisodiyotini innovatsion rivojlanirishga yordam beradigan samarali mexanizmga aylanishi mumkin.

Innovatsion faoliyatning soliqlar vositasida rag'batlantirish samarasizligining eng muhim sababi soliq imtiyozlarini ishlab chiqish va taqdim etishga kompleks yondashuvning mavjud emasligidadir. Innovatsion faoliyatni rag'batlantiradigan mayjud soliq imtiyozlari orasida aksariyati innovatsion faoliyatning birinchi bosqichida, ya'ni innovatsiyalarni yaratish bosqichida amal qiladi. Ilmiy-tadqiqot natijalarini joriy etish va innovatsion mahsulotlarni iste'mol qilishni rag'batlantirishga qaratilgan samarali soliq mexanizmlar esa yetarli emas.

Amalga oshirilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, innovatsion iqtisodiyotning turli sub'ektlaridan ba'zilari ko'proq, boshqalari kamroq darajada soliqlar vositasida rag'batlantirishga muhtoj. Demak, innovatsionlik darajasi past bo'lgan bilimlarning kelib chiqish bosqichida innovatsiyalarni yaratadigan korxonalarni rag'batlantirish maqsadga muvofiq bo'ladi. Bilimlarni ishlab chiqarishga joriy qilish, ya'ni olingan bilimlarni aniq

innovatsion mahsulotga yoki texnologiyaga aylanishi bosqichida innovatsiyalarni joriy qiluvchi korxonalarini rag'batlantirish zarur.



8-rasm. Iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishda soliqlar vositasida kompleks rag'batlantirish tizimi (Giyasov, 2022)

Shuningdek, ushbu bosqichda yangi mahsulot yoki texnologiyani muvaffaqiyatli tijoratlashtirish uchun mahsulot yoki texnologiyaga bo'lgan talabni rag'batlantirish muhim o'rin tutadi, ya'ni soliqlar vositasida rag'batlantirish mexanizmini innovatsion mahsulot iste'molchilari hisoblangan korxonalarga yo'naltirish zarur. Va nihoyat, barcha bosqichlarda innovatsion iqtisodiyot rivojlanishiga investitsiyalarini ko'paytirish uchun innovatsion infratuzilma korxonalarini rag'batlantirish kerak. Har bir guruh korxonalarini faoliyatida mavjud farqlar, shuningdek ularning innovatsion jarayondagi o'rni va rolidan kelib chiqib, har bir guruh uchun soliqlar orqali rag'batlantirishning turli xil vositalaridan samarali foydalanish lozim. Bizningcha, iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishni soliqlar vositasida rag'batlantirishning kompleks tizimi 4 qismdan iborat bo'lishi kerak (8-rasm). Taklif etilayotgan mazkur kompleks tizim doirasida ishlab chiqiladigan mexanizmlar ikki yo'nalishda ifodalanishi mumkin.

Birinchidan, innovatsiyani iste'mol qiladigan, yaratadigan va innovatsion infratuzilma korxonalarini rag'batlantirishga qaratilgan mexanizmlarning kompleks to'plamini ishlab chiqish lozim. Shuningdek, ushbu yo'nalishda innovatsion faoliyatni soliqlar vositasida rag'batlantirish samaradorligini oshirish hamda eskirgan mahsulotlarni chiqarish, ishlab chiqarishda ma'nan va jismonan eskirgan uskunalardan foydalanishni cheklash bo'yicha tizimni yaratish zarur.

Ikkinchidan, bevosita innovatsion korxonalar uchun eng qulay soliq muhitini yaratish zarur. Ushbu yo'nalish innovatsion korxonalar uchun maxsus soliq rejimini ishlab chiqish va yangi tashkil etilgan innovatsion korxonalarga investitsion soliq kreditlari va soliq chegirmalarini joriy qilish orqali amalga oshiriladi.

Mazkur kompleks rag'batlantirish tizimi mamlakatimizda innovatsion iqtisodiyotni rivojlantirishda soliqlarning rag'batlantiruvchi ta'sirini kuchaytirishga yordam beradi. Chunki ularni taqdim etishda innovatsion faoliyatning barcha bosqichlarini ham,

faoliyatning barcha sub'ektlarini ham rag'batlantirish ta'siri bilan qamrab oladigan kompleks yondashuvdan foydalaniladi.

Iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishga qaratilgan zamonaviy soliq vositalari tizimining past samaradorligi ko'p jihatdan «ishlanma-ishlab chiqarishga joriy etish-tijoratlashtirish-iste'mol» kabi to'liq innovatsion siklini kompleks rag'batlan-tiradigan choralarning yetishmasligi bilan belgilanadi. Zero, ushbu siklning so'nggi bosqichlari mamlakatning barqaror innovatsion rivojlanishini ta'minlashda muhim ahamiyatga ega.

5. Xulosa.

Amalga oshirilgan ilmiy izlanishlarga tayangan holda quyidagi xulosalar shakllantirilib, amaliy tavsiyalar va ilmiy takliflar ishlab chiqildi:

1. Iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishni davlat tomonidan tartibga solishning ob'ektiv zarurati birinchidan, umumiyligida iqtisodiyot va jamiyat uchun innovatsion jarayonlarni ahamiyati ortib borayotganligidan kelib chiqsa, ikkinchidan, ilmiy ishlab chiqarish siklining davomiyligi, yuqori xarajatlar va yakuniy natijaning mavhumligi bilan izohlanadi. Zero, hozirda aynan innovatsiya iqtisodiyot rivoji istiqbollarini belgilamoqda.

2. O'zbekistonda ilmiy tadqiqot va innovatsion faoliyatni soliq mexanizmi orqali rag'batlantirish amaliyoti tahlili shuni ko'rsatdiki, rag'batlantirish ob'ektlari yetarli darajada aniq bo'lмаган holda, muayyan va nomuayyan muddatga asosiy soliq turlaridan to'liq ozod qilish shaklidagi imtiyozlar qo'llanilib kelingan. Zero, xalqaro tajribada ushbu faoliyat turlarini samarali rag'batlantirish instrumentlari sifatida asosan soliq kreditlari, soliq chegirmalari, soliq ta'tillari, pasaytirilgan va tabaqa lashtirilgan soliq stavkalari hisoblanadi.

3. Ilmiy tadqiqot natijalarini sifat jihatidan yaxshilash, ularni amaliyatga joriy qilinishini jadallashtirish hamda innovatsion faoliyat bosqichlarini to'liq qamrab olish maqsadida grant loyihibarida ilmiy tadqiqot faoliyatini amalga oshiradigan ishtirokchilarni loyiha doirasida olgan daromadlariga nisbatan jisoniy shaxslar daromad solig'inining pasaytirilgan stavkasini (amaldagi stavkaning 50 foizi) qo'llash, tadqiqot natijalarini joriy qilish va (yoki) tijoratlashtirish (patent olinishi) sharti asosida mazkur soliqdan ozod qilish orqali qoplab berish mexanizmini tatbiq etish lozim.

5. Soliqlar vositasida rag'batlantirish mexanizmlarini baholash uslubiyotining mavjud emasligi, ularning samaradorligini pasaytiruvchi asosiy omillardan biri hisoblanadi. Shuning uchun innovatsion korxonalar uchun taqdim etilgan soliq imtiyozlari samaradorligini baholashning uch bosqichli uslubiyotini joriy qilish taklif etiladi. Bunda, birinchi bosqichda korxonalarining innovatsion faolligini qo'llab-quvvatlashga taqdim etilgan soliq imtiyozlari samaradorligi baholanadi. Ikkinchi bosqichda korxonalarining tadqiqotlar va ishlanmalarga qilingan xarajatlari, ularning innovatsion mahsulotga aylanishi samaradorligi baholanadi. Uchinchi bosqichda iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishga soliq imtiyozlarining umumiy ta'sir etish samaradorligi baholanadi.

6. Iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishga qaratilgan soliq mexanizmining past samarasi ko'p jihatdan «ishlanma-ishlab chiqarishga joriy etish-tijoratlashtirish-iste'mol» to'liq innovatsion siklini kompleks rag'batlantiradigan choralarning yetishmasligi bilan izohlanadi. Zero, ushbu siklning so'nggi bosqichlari mamlakatning barqaror innovatsion rivojlanishini ta'minlashda muhim ahamiyatga ega. Shuning uchun iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishni tezlashtirish uchun innovatsion faoliyatning barcha bosqichlarini soliqlar vositasida oqilona va kompleks rag'batlantirish zarur.

7. Iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishning sharti va innovatsion faoliyatning muhim bosqichi hisoblangan yangi va innovatsion texnologiyalar joriy qilgan xo'jalik yurituvchi sub'ektlarni soliqlar vositasida rag'batlashtirish lozim. Ushbu mexanizmni qo'llanilishi natijasida innovatsion texnologiya iste'molchilarini rag'batlantirish orqali ularga bo'lgan talabni oshirishga erishiladi.

8. Rivojlangan mamlakatlarning ilg'or tajribalariga asoslanib, shuni ta'kidlash joizki, soliqni rag'batlantirish mexanizmlaridan nafaqat mamlakatda ilmiy-tadqiqot va innovatsion faoliyatni qo'llab-quvvatlash hamda rivojlantirish uchun samarali foydalanish kerak, balki ushbu mexanizmlardan birinchi navbatda yuqori qo'shilqan qiymatga ega texnologiyalar va innovatsion mahsulotlar importiga samarali va oqilona qollanilishi mazkur sohani sezilarli darajada yaxshilashga xizmat qiladi.

Adabiyotlar:

Atanassov Julian and Xiaoding Liu, (2020), "Can Corporate Income Tax Cuts Stimulate Innovation?" *Journal of Financial and Quantitative Analysis*, August, 55 (5), 1415-1465.

Bernstein J., Nadiri I., (1991), Product Demand, Cost of Production, Spillovers, and the Social Rate of Return to R&D // NBER Working Paper. № 3625.

Chen, Zhao, Zhikuo Liu, Juan Carlos Su'arez Serrato, and Daniel Yi Xu, (2021), "Notching R&D Investment with Corporate Income Tax Cuts in China," *American Economic Review*, 111 (7), 2065-2100.

Dechezlepretre, Antoine, Elias Eini'o, Ralf Martin, Kieu-Trang Nguyen, and John Van Reenen, (2016) "Do Tax Incentives for Research Increase Firm Innovation? An RD Design for R&D," *NBER Working Paper Series*, (22405).

Guceri, Irem and Li Liu, (2019), "Effectiveness of Fiscal Incentives for R&D: Quasi-Experimental Evidence," *American Economic Journal: Economic Policy*, 11 (1), 266-91.

Gutgars R. D., (2019), V plenu trenda «innovatsii» // Ekonomist. - № 2. - S. 70-84.

GII, (2021), Global Innovation Index 2021. Executive Summary. 14th Edition. WIPO. 28 p. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2021_exec.pdf#page=6; IMD World Competitiveness Ranking. <https://gtmarket.ru/ratings/imd-world-competitiveness-ranking>.

IMF, (2019), Fiscal policies for innovation and growth. International Monetary Fund. Fiscal monitor: Acting now, acting together. Chapter 2. Washington. USA. April. 29 r.

Karkinsky Tom and Nadine Riedel, (2012), "Corporate Taxation and the Choice of Patent Location within Multinational Firms," *Journal of international Economics*, 88 (1), 176-185.

OECD, (2020), Measuring Tax Support for R&D and Innovation. Direct government funding and tax support for business R&D, OECD R&D Tax Incentives Database, April 2022. <https://www.oecd.org/sti/rd-tax-stats.htm>.

Rao, Nirupama, (2016), "Do Tax Credits Stimulate R&D Spending? The Effect of the R&D Tax Credit in Its First Decade," *Journal of Public Economics*, 140, 1-12.

Rothbard M., (2019), Man, Economy, and State with Power and Market // 2-nd Edition. Ludwig von Misses Institute. Alabama. P. 1154-1155.

Romero-Jord'an, Desiderio, Mar'ia Jes'us Delgado-Rodr'iguez, Inmaculada Alvarez-Ayuso, and Sonia de Lucas-Santos, (2014), "Assessment of the Public Tools Used to Promote R&D Investment in Spanish SMEs," *Small Business Economics*, 43 (4), 959-976.

Svoboda P., (2017), The impact of tax incentives on research and development. *Acta Universitatis Agriculturae et Silviculturae Mendelianae Brunensis*, Czech. 65(2): 737-743.

Баклыкова Е.А., (2014), Механизмы налогового регулирования инновационного развития предприятий в условиях членства России в ВТО. Российское предпринимательство. Москва. № 20 (266) / 2014. стр. 158-164.

Васильева А.Г., (2010), Налоговое регулирование инновационного развития экономики. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. МагУ. Челябинск. 28 с.

Гиясов С.А., (2023), Иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солиш. Монография. -Т.: "Innovatsion rivojlanish nashriyoti-matbaa uyi", 148 бет.

Гиясов С.А., (2020) Инновацион-инвестицион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш. Монография. Молия. Тошкент. 197 б.

Гиясов С.А., (2022), Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқ механизмидан самарали фойдаланиш. Монография. –Т.: “Innovatsion rivojlanish nashriyoti-matbaa uyi”, 294 бет.

Клавдиенко В.П., (2015), Национальные инновационные системы в странах БРИКС // Общество и экономика. № 8–9. С.121-138.

Киселев А.О., Безрукова Т.Л., (2017), Методы государственного стимулирования инновационной деятельности// А.О. Киселев, //Актуальные направления научных исследований XXI века: теория и практика. – Т. 5. № 1 (27). – С. 411-415.

Ключишиева В.Г., Ключишин Д.А., (2016), Предпринимательство и его функции в современной рыночной экономике // В сборнике: Актуальные проблемы исследования региональных рынков Сборник статей Всероссийской научно-практической конференции. Под ред. Т.Н. Гоголевой, П.А. Канапухина. С. 119-123.

Коростелкина И.А., Андросова А.О., (2020), Эффективность налогового стимулирования инновационной деятельности в РФ: оценка и расчет // Тренды и управление. – 2020. – № 1. – С. 38 - 50. DOI: 10.7256/2454-0730.2020.1.33232 URL: https://nbpublish.com/library_read_article.php?id=33232.

Мельникова И.Н., (2011), Налоговое стимулирование инновационной деятельности в Беларуси / И.Н.Мельникова // Центр системного анализа и стратегических исследований НАН Беларуси [Электронный ресурс]. – 2011. – Режим доступа: <http://ru.forsecurity.org>. – Дата доступа: 15.09.2015.

Малкова Ю.В., (2011), Налоги как инструмент развития инновационной экономики. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. ФГОБУВПО «Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации» М. 2011. 27 с.

Никулина О.В., Сердюк А.А., (2016), Налоговое регулирование инновационной деятельности как фактор развития системы государственной поддержки инновационного предпринимательства. Бюджетно-налоговая система. Финансы и кредит. № 27. 2-19 с.

Орлова М.Е., Мухаметов Ф.А., (2016), Инструменты налогового стимулирования инновационной деятельности. Центр научного сотрудничества «Интерактив плюс». Казань. Стр. 1-5.

Тюпакова Н.Н., Бочарова О.Ф., (2011), Особенности функционирования налогового механизма в транзитивной экономике. Научный журнал КубГАУ, № 66 (02), сс. 1-13.

Шумяцкий Р.И., (2018), Некоторые аспекты налогового регулирования инновационно-инвестиционной деятельности. Сибирский институт управления - филиал Российской академии народного хозяйства и государственной службы при Президенте Российской Федерации. Новосибирск. 2018. 34-36 с.



DAVLAT ULUSHI MAVJUD AKSIYADORLIK JAMIYATLARIDA KORPORATIV BOSHQARUVNING NAZARIY ASOSLARI VA XORIJ TAJRIBASI

Islomov Sh.M.

Samarqand iqtisodiyot va servis instituti

Annotatsiya. Ushbu maqolada davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruv va uning samaradorligini baholash xususidagi ilmiy-nazariy va metodologik asoslar tadqiq etilgan, davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruvni takomillashtirishga oid xalqaro standartlar hamda ilg'or xorijiy tajriba o'r ganilgan.

Kalit so'zlar: korrelyasion-regression, AJ, korporativ, aktivlar, aksiyadorlik, prognoz, fundamental, deduksiya, tasniflash, iqtisodiy-statistik tahlil, qiyosiy va dinamik tahlil, reytinglash, ekspert.

Аннотация. В данной статье изучены научно-теоретические и методологические основы корпоративного управления и оценки его эффективности в акционерных обществах с государственной долей, международные стандарты и передовой зарубежный опыт совершенствования корпоративного управления в акционерных обществах с государственной долей. доли изучаются.

Ключевые слова: корреляционно-регрессионный анализ, АО, корпорация, активы, пакет акций, прогноз, фундаментальный, вычет, классификация, экономико-статистический анализ, сравнительно-динамический анализ, рейтинг, эксперт.

Abstract. In this article, the scientific-theoretical and methodological foundations of corporate governance and its effectiveness assessment in joint-stock companies with a state share are studied, international standards and advanced foreign experience for improving corporate governance in joint-stock companies with a state share are studied.

Key words: correlation-regression, JSC, corporate, assets, shareholding, forecast, fundamental, deduction, classification, economic-statistical analysis, comparative and dynamic analysis, rating, expert.

1. Kirish.

Jahonda globallashuv jarayonlarining kuchayib borishi sharoitida strategik ahamiyatga ega kommunal, transport, energetika va boshqa sohalarda faoliyat yurituvchi, davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlari faoliyatining aholi kundalik hayoti va iqtisodiyotning rivojlanishidagi o'rni jadal o'sib bormoqda. Jalon banki ma'lumotlariga ko'ra, "davlat ulushi mavjud korxonalar COVID-19 pandemiyasidan oldin muhim rol o'ynagan va pandemiyadan keyingi davrda ham shunday bo'ladi" [1]. Davlat ulushi mavjud korxonalar so'nggi 20 yil ichida eng yirik va eng tez rivojlanayotgan transmilliy kompaniyalardan bo'ldi. Xalqaro valyuta jamg'armasi tadqiqotiga ko'ra, "so'nggi 10 yil ichida dunyoning eng yirik korporatsiyalari orasida davlat ulushi mavjud korxonalarining ahamiyati ikki baravar oshgan: ularning aktivlari 45 trln. AQSh dollarini miqdorida jami

global yalpi ichki mahsulotning 50 foizini tashkil etdi”[2]. Bu esa jahon miqyosida davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruvni takomillashtirish masalalarining dolzarbligi oshib borayotganini ko’rsatadi.

Jahonda korporativ boshqaruv va uni joriy etishdagi muammolar va ularni takomillashtirish borasida ko’plab ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda. Korxonalar faoliyatining ochiqligi va shaffofligini oshirish, ularning hisobotlarini xalqaro standartlar asosida tuzish va uning to’g’riliгини та’minlash, ekologik, ijtimoiy va korporativ boshqaruv (ESG) tamoyillarini joriy etish, boshqaruv organlari faoliyatini samarali yo’lga qo’yish va korporativ boshqaruv samaradorligini baholash bu borada amalga oshirilayotgan ilmiy tadqiqotlarning ustuvor yo’nalishlaridan hisoblanadi.

O’zbekistonda so’nggi yillarda davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruv tamoyillarini joriy etish, ularning ochiqligi va shaffofligini ta’minlash, boshqaruv va nazorat organlari javobgarligini oshirish, korxonalarni isloh qilish va samaradorligini oshirish bo'yicha bir qator davlat dasturlari qabul qilinib, amaliy harakatlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 29-martdagи 166-son qarori bilan tasdiqlangan “2021-2025-yillarda davlat ishtirokidagi korxonalarni boshqarish va isloh qilish strategiyasi” ga muvofiq davlat ulushi mavjud xo’jalik jamiyatlari va davlat unitar korxonalarini boshqarish va isloh qilishning ustuvor yo’nalishlari belgilangan. Bundan tashqari, O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 11-sentabrdagi PQ-300-son qaroriga muvofiq ustav kapitalida davlat ulushi ustun mavqega ega korxonalarning tegishli boshqaruv organlarida ekologik, ijtimoiy va korporativ boshqaruv (ESG) tamoyillarini joriy etish ko’zda tutilgan. Biroq davlat ishtirokidagi korxonalarida transformatsiya jarayonlarini o’tkazmay va ularni isloh qilmay turib, korxonalarda korporativ boshqaruvni takomillashtirish qiyin kechishi mumkin. Shuning uchun davlat ishtirokidagi korxonalarda korporativ boshqaruv tamoyillarini takomillashtirish bugungi kundagi muhim vazifa hisoblanadi.

O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 8-apreldagi PF-101-son “Tadbirkorlik muhitini yaxshilash va xususiy sektorni rivojlantirish orqali barqaror iqtisodiy o’sish uchun shart-sharoitlar yaratish borasidagi navbatdagi islohotlar to’g’risida”gi, 2021-yil 13-apreldagi PF-6207-son “Kapital bozorini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi, 2020-yil 27- oktabrdagi PF-6096-son “Davlat ishtirokidagi korxonalarni isloh qilishni jadallashtirish hamda davlat aktivlarini xususiylashtirishga oid chora-tadbirlar to’g’risida”gi farmonlari, 2022-yil 8-noyabrdagi PQ-415-son “Korporativ munosabatlarning huquqiy asoslarini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi va 2023-yil 1-martdagи PQ-83-son “Davlat ishtirokidagi korxonalarni isloh qilish jarayonlarini jadallashtirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi qarorlari, O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 29-martdagи 166-son “2021-2025-yillarda davlat ishtirokidagi korxonalarni boshqarish va isloh qilish strategiyasini tasdiqlash to’g’risida”gi qarori hamda mazkur sohaga tegishli boshqa me’yoriy-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalarni amalga oshirishda muayyan darajada xizmat qiladi.

2. Adabiyotlar sharhi.

Davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruv masalalarini ko’rib chiqish, dastavval ularning iqtisodiyotdagi o’rni hamda korporativ boshqaruv xususidagi ilmiy-nazariy yondashuvlarni o’rganishni talab etadi.

Davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlarini boshqarish xalq manfaatlarini ifoda etgan holda amalga oshirilishi, ularning faoliyati fuqarolarning kundalik hayoti va iqtisodiyotning qolgan qismi raqobatbardoshligiga ta’sir qilishini e’tiborga olgan holda oxirgi yillarda davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlarini samarali boshqarishga milliy va xalqaro miqyosda alohida e’tibor qaratilmoqda.

J.Jonson va boshqalar (2007): Davlat ishtirokidagi korporatsiyalarning asosiy funksiyasi milliy ijtimoiy va iqtisodiy rivojlanishning strategik ustuvorliklarini korporativ mexanizmlar orqali amalga oshirish hisoblanadi.

R.Kloviyen va boshqalar (2015): Boltiqbo'yi mamlakatlaridagi davlat ishtirokidagi korxonalar energiya, suv, jamoat transporti, aloqa, sog'liqni saqlash, ta'lif singari davlat xizmatlarining asosiy subyektlari hisoblanadi.

L.Puterman va X.Dong (2000) Xitoydagi davlat korxonalarida iqtisodiy o'tish davrida yuqori bandlik ta'minlangan, ijtimoiy barqarorlik va umumiy farovonlik oshirilgan.


K.Naqvi va E.Ginting (2020) Davlat korxonalari energiya, transport, suv va tabiiy resurslarni o'rganishdek ko'plab sohalarda muhim infratuzilma va davlat xizmatlarini taqdim etishda munosib hissa qo'shadi.

F.Nita, S.Teguh (2022) Indoneziyadagi davlat korxonalarining davlat daromadidagi hissasi 24 foizni tashkil etadi.

3. Tahlil va natijalar.

Davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruvni takomillashtirish masalalari so'nggi yillarda mahalliy iqtisodchi olimlar, jumladan S.N.Yuldashev (2010) "O'zbekengilsanoat" DAKdagi davlat aksiyalar paketini boshqarish samaradorligini oshirish, Sh.Kurbaniyazov (2018) davlat ulushi 100 foizni tashkil qilgan "O'zqurilishmateriallari" Ajda korporativ boshqaruv samaradorligini oshirish, R.X.Karlibayeva (2018) davlat va xo'jalik boshqaruv organi ulushi birgalikda 100 foizni tashkil qilgan "Navoiyazot" AJ moliyaviy natijalar samaradorligini oshirish va balans passivlarini samarali boshqarish, N.Sh.Abdiyeva (2018) davlat ulushi 100 foiz bo'lgan "O'zbekiston temir yo'llari" Ajda ichki auditni takomillashtirish masalalari bo'yicha o'tkazgan tadqiqotlari o'rganib chiqilgan va tahlil qilingan.

B.Xaydarov (2023) fikricha, davlatning aksiyadorlik jamiyatlarida ishtirok etishi ular natijalarining yomonlashuviga olib keladi. Tadqiqotda ham davlat ishtirokidagi bir qator korxonalarning 2021-yil yakuni bo'yicha 6,0 trln. so'm zarar ko'rgani (1-rasm) va uning asosiy sabablari sifatida korxonalarga nisbatan notijorat maqsadlar belgilanmaganligi va korporativ boshqaruv darajasi pastligi ko'rsatilgan.



1-rasm. 2021-yil yakuni bo'yicha zarar ko'rgan davlat ishtirokidagi 20 ta korxona, mlrd. so'm (B. Xaydarov 2023)

Tadqiqotda O'zbekiston va xorijda davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlarining YAIMdag'i ulushi tahlili o'tkazilib (2-jadval), O'zbekiston Xitoy va Turkmanistondan keyin

YAIMdagi ulushi yuqoriligini e'tiborga olgan holda, ularda korporativ boshqaruvni joriy etish va uning holatini baholab borish yo'li bilan davlatning funksiyalarini faqat korporativ mexanizmlar orqali amalga oshirishni to'laqonli yo'lga qo'yish muhim, degan xulosaga kelindi.

Tadqiqot doirasida mualliflik ta'rifi shakllantirilgan bo'lib, unga ko'ra davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruv – aksiyadorlik jamiyatining boshqaruv organlari va boshqa manfaatdor tomonlar manfaati uyg'unligiga erishish uchun davlat nomidan aksiyador vazifalarini amalga oshiruvchi davlat organlari tomonidan davlat va xususiy aksiyadorlarning teng huquqlarini ta'minlagan holda davlatning aksiyadorlik jamiyatiga nisbatan tijorat va notijorat maqsadlarini korporativ boshqaruv mexanizmlari orqali amalga oshirishga qaratilgan harakatlar majmuidir.

Shuningdek, davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlari, masalan, "Olmaliq TMK" AJ va "Chilonzor buyum bozori" AJ uchun axborotlarni oshkor qilish, ichki auditni joriy etish va boshqa yo'naliishlar bo'yicha bir xil talab qo'yilganligi natijasida mazkur talablar bajarilmayotganligi ko'rsatib o'tilgan. Jumladan, faqat davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlari uchun tashkil etilishi belgilangan ichki audit xizmatini saqlash uchun o'rtacha yillik 40,0 mln. so'm xarajat qilinmoqda. Mazkur talabni aktivlari 30 mlrd. so'mdan ko'p bo'lgan aksiyadorlik jamiyatlari uchun tatbiq etish taklif etilib, buning natijasida davlat ulushi mavjud 80 ta aksiyadorlik jamiyatining bir yilda 3,2 mlrd. so'm xarajati iqtisod qilinishi hisob-kitob qilingan.

Bundan tashqari, Rahbarlik tamoyillariga muvofiq davlat xabardor va faol mulkdor sifatida harakat qilishi, shu orqali davlat korxonalarining shaffof va hisobdorligi hamda yuqori darajadagi professionallik va samaradorlik bilan boshqarilishini ta'minlashi kerakligi belgilangan bo'lib, dissertatsiyada mazkur tavsiyani amalga oshirish maqsadida davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlarining kuzatuv kengashi va aksiyadorlar umumiyligi yig'ilishi bayonlarini Davlat aktivlarini boshqarish agentligi axborot tizimiga joylashtirish talabini kiritish va mazkur axborot tizimiga aksiyador vazifasini amalga oshiruvchi davlat organlariga foydalanish huquqini berish taklif etilgan.

Davlat mulkiga egalik qilish mezonlari:

- 1** asosiy faoliyatni tabiiy monopoliyalar sohasida amalga oshirish;
 - 2** aholi uchun zarur bo'lgan, ko'rsatilgan xususiy sektor uchun norentabel bo'lgan tayanch xizmatlarni ko'rsatilgan;
 - 3** strategik manfaat, shuningdek, aholi xavfsizligini ta'minlash sohalari yoki milliy iqtisodiyot uchun muhim ahamiyatga ega
-

Uzbekistan Airports	O'zbekgidroenergo
O'zbektelekom	Hududgazta'minot
O'TY	O'zbekneftgaz
Toshshahartrans-xizmat	O'zbekiston pochta
NKMK	OKMK
Agrobank	Xalq banki

Korporativ boshqaruv tamoyillari

- 1** Mustaqil a'zoni kiritish
- 2** MHXS va reyting olish
- 3** Nosohavli aktivlarni qisqartirish
- 4** Korporativ boshqaruv tizimini har yili baholashdan o'tkazish

Davlat ulushi mavjud AJlar soni 80%ga qisqaradi

2-rasm. Davlat mulkiga egalik qilish mezonlari va korporativ boshqaruv bo'yicha talablarning qonun darajasida belgilanishi

Korporativ boshqaruvni takomillashtirishda ochiqlik va shaffoflik muhim o'rinnutishini inobatga olib, davlat mulkini boshqarish samaradorligi to'g'risidagi hisobot shakli ishlab chiqilib, uni har yili oshkor etib borish hamda tadqiqot doirasida ishlab chiqilgan 67 ta savoldan iborat savolnoma asosida davlat ulushi mavjud yirik aksiyadorlik jamiyatlarining ochiqlik va shaffoflik holatini baholash (1-jadval) va ularning shu asnoda reytingini shakllantirish amaliyotini yo'lga qo'yish taklifi ishlab chiqildi.

1-jadval

Davlat ulushi mavjud yirik aksiyadorlik jamiyatlarining ochiqlik va shaffoflik holati

	Savollar soni	Olish mumkin bo'lgan ball eng kam	Inganball eng ko'p
	67	-1000	1000
1. hisobot va muhimfaktlar	5	-225	175
2. Jamiyat veb-sayti	50	-610	660
3. Jamiyatning korporativ masalalar bo'yicha davlat oldidagi hisobdorligi	12	-165	165

Shuningdek, davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlaridagi korporativ boshqaruvholti ularga jalg etiladigan kuzatuv kengashi a'zolari malakasiga bog'liq degan xulosaga kelingan. Amaldagi tartibda nomzodlarni tanlab olish mexanizmi yetarli darajada shaffofemasligi hamda subyektiv omillar ta'siri yuqoriligini e'tiborga olib, ushbu jarayonlarni raqamlashtirgan holda elektron portal orqali barchaga teng sharoit yaratgan holda amalga oshirish taklif etildi.

Shu bilan birga, AQSh, Yaponiya, Koreya, Qozog'istonda ommabop bo'lgan biznes faoliyatini kutilmagan falokat yoki hodisa sabab jiddiy zarar ko'rishidan saqlab qolishni nazarda tutuvchi korxona faoliyati davomiyligini boshqarish (Business Continuity Management) tizimini joriy etish rejasি ishlab chiqilib, "O'zsuvta'minot" AJ, "O'zbekgidroenergo" AJ, "O'zbekiston temir yo'llari" AJ uchun muhimligi qayd etilgan.

4. Xulosa

Amalga oshirilgan ilmiy tadqiqotlar natijasida quyidagi xulosalarga kelindi:

1. Davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruv xususidagi ilmiy-nazariy yondashuvlar natijasida shunday xulosa qilish mumkinki, davlatning aksiyadorlik jamiyatlaridagi ishtiroki strategik sohalarda ijtimoiy vazifalarini hal qilish va barqarorlikni ta'minlash maqsadida amalga oshirilib, mazkur aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruv o'ziga xos xususiyatga ega.

2. Davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlarini va ularning sohada faoliyat yuritayotgan xorijdagi kompaniyalari bilan benchmarking tahlili asosida davlat samarali mulkdor emas, degan xulosaga kelingan. Mazkur xulosa asosida davlatning aksiyadorlik jamiyatlaridagi ishtirokini keskin qisqartirish va faqat muhim strategik sohalarda qoldirgan holda ularda korporativ boshqaruvni joriy etish taklif etiladi.

3. Davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruv - aksiyadorlik jamiyati boshqaruv organlari va boshqa manfaatdor tomonlar manfaati uyg'unligiga erishish uchun davlat nomidan aksiyador vazifalarini amalga oshiruvchi davlat organlari tomonidan davlat va xususiy aksiyadorlarning teng huquqlarini ta'minlagan holda davlatning aksiyadorlik jamiyatiga nisbatan tijorat va notijorat maqsadlarini korporativ boshqaruv mexanizmlari orqali amalga oshirishga qaratilgan harakatlar majmui sifatida qaralishi lozim.

4. Aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruv samaradorligini baholash metodologiyasini tadqiq qilish natijalariga ko'ra, korporativ boshqaruvni yaxshilashga

xalqaro standartlarni joriy etish, monitoring qilish, muammolarni aniqlash va ularni bartaraf etish, korporativ boshqaruv samaradorligini turli jihatlarda ko'rib chiqish va bunda nafaqat ochiqlik, boshqaruv va nazorat organlari faoliyati, balki jamiyatda ijtimoiy muhit va atrof muhim ahamiyat kasb etadi.

5. Davlatning iqtisodiyotdagi ulushini xorijiy davlatlar bilan qiyosiy tahlil qilish asosida shunday xulosa qilish mumkinki, davlat mulkiga egalik qilish asoslari mavjud bo'limganligi sababli O'zbekistonda davlatning ulushi boshqa mamlakatlarga nisbatan yuqori. Shuning uchun davlatning iqtisodiyotdagi ishtiroki mezonlari hamda davlat mulkini boshqarish munosabatlarini tartibga soluvchi "Davlat mulkini boshqarish to'g'risida"gi qonunini qabul qilish orqali davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlari faoliyati samaradorligi oshadi.

6. Davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlari uchun korporativ boshqaruv bo'yicha qonunchilik hujjatlarida belgilangan talablar tahlili asosida ular tarqoq holda hamda korxona aktivlari yoki boshqa ko'rsatkichlarini hisobga olmagan holda belgilangan. Talablarni korxonalarining aktivlaridan kelib chiqib belgilash maqsadga muvofiq. Mazkur amaliyot uncha yirik bo'limgan korxonalardagi moliyaviy qiyinchiliklarni bartaraf etishga xizmat qilgan.

7. O'zbekistonda davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlari uchun ochiq va shaffoflik bo'yicha talablar xalqaro standartlarga mos belgilangan. Mazkur yo'nalishda aniqlangan muammolarni bartaraf etish va axborotlarning oshkor etish mexanizmini takomillashtirish maqsadida quyidagilar taklif etiladi:

- ✓ vazirlik va idoralarning axborot tizimlarini integratsiya qilish orqali buxgalteriya balansi va moliyaviy natijalar to'g'risidagi hisobotni inson omilisiz olish imkonini yaratish;
- ✓ davlat ulushi mavjud bo'lgan aksiyadorlik jamiyatlari tomonidan axborotlarni oshkor qilish taqvimini aksiyadorlik jamiyatlariga yuborish va kuzatuv kengashi tomonidan mazkur taqvim ijrosini nazoratga olish;
- ✓ kuzatuv kengashi va aksiyadorlar umumiyligi yig'ilishi bayonnomalarini davlat aktivlarini boshqarish agentligi axborot tizimiga joylashtirish talabini kiritish va mazkur axborot tizimiga aksiyador vazifasini amalga oshiruvchi davlat organlariga foydalanish huquqini berish;
- ✓ davlat mulkini boshqarish samaradorligi to'g'risidagi hisobotni jamoatchilikka e'lon qilish;
- ✓ korporativ boshqaruv samaradorligi natijalariga to'g'risidagi hisobotni yagona manbada e'lon qilish hamda muallif tomonidan ishlab chiqilgan savolnomaga muvofiq davlat ulushi mavjud yirik aksiyadorlik jamiyatlarining shaffofliki holatini baholash va ularning shu asnoda reytingini shakllantirish amaliyoti yo'lga qo'yish.

Adabiyotlar:

Abdiyeva N.Sh. (2018) "O'zbekiston temir yo'llari" AJ korporativ boshqaruv tizimida ichki auditni takomillashtirish, falsafa doktori ilmiy darajasini olish uchun doktorlik dissertatsiyasi. – Toshkent.

Khaydarov B. Uzbekistan: The State's Role in the Economy. Building Effective, Accountable, and Inclusive Institutions in Europe And Central Asia. 2020 The International Bank of Reconstruction and Development/The World Bank. pp 102-105

Khaydarov B. Assessment of the efficiency of corporate management in joint stock companies. //2023: International Conference on Research Identity, Value and Ethics (USA) <https://conferenceseries.info/index.php/ICRIVE/issue/view/13>

Kurbaniyazov Sh.K. (2018) Qurilish materiallari sanoatida korporativ boshqaruvning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini joriy etish samaradorligi, iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. – Toshkent.

Karlibayeva R.X. (2018) Aksiyadorlik jamiyatlarida moliyaviy menejment tizimini samarali tashkil etish yo'llari, iqtisodiyot fanlari doktori ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan dissertatsiya. – Toshkent.

Kloviene Ruta, Edita Gimzauskiene and Dalius Misiunas. (2015) The Significance of SOEs Performance Measurement as Policy Instrument in Baltic Countries. Procedia - Social and Behavioral Sciences 213: 286-92;

Naqvi K, Ginting E. (2020) State Owned Enterprises and Economic Development in Asia. ADB Publication: Reforms, Opportunities, And Challenges For State Owned Enterprises, Chapter 1: 1-44;

Nita Ferdiana, Teguh Sugiyarto (2022) State-Owned Enterprises (SOEs): The Role in Economic Development and The Determinant of Its Performance, Jurnal Ekonomi dan Kebijakan Pembangunan 11(2): 91-107; Adeyemi Adebayo and Barry Ackers, 2022:

Puttermann, Louis, and Xiao- Yuan Dong. (2000) China's State-Owned Enterprises: Their Role, Job Creation, and Efficiency in Long-Term Perspective. Modern China 26(4): 403-47;

Yuldashev S.N. (2010) Aksiyadorlik jamiyatlarida davlat mulkini boshqarish va ishlab chiqarish samaradorligini oshirish yo'llari), iqtisod fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun dissertatsiya. – Toshkent.

Xaydarov B. (2023) Davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlar faoliyatining shaffofigi va ochiqligini ta'minlash orqali korporativ boshqaruvni takomillashtirish. // Biznes-Ekspert. – Toshkent, №5. 32-36-b.

Xaydarov B. Improving Corporate Governance in Joint-Stock Companies with State Participation. // European Journal of Business Startups and Open Society, Vol. 3 No. 5 (May - 2023): EJBSOS

Xaydarov B. Davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlar faoliyati davomiyligini (Business continuity) ta'minlash mexanizmlarini joriy etish istiqbollar. / Milliy korporativ boshqaruv tizimini xalqaro standartlar va zamonaviy ilg'or amaliyot asosida innovatsion rivojlantirish istiqbollar. Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman tezislар to'plami. – T.: TDIU, 2023. – 644 b.

Xaydarov B. Davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlarining iqtisodiyotdagi roli. / Milliy korporativ boshqaruv tizimini xalqaro standartlar va zamonaviy ilg'or amaliyot asosida innovatsion rivojlantirish istiqbollar. Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman tezislар to'plami. – T.: TDIU, 2023. – 644 b.

Xaydarov B. Davlat ishtirokidagi korxonalarining kuzatuv kengashi tarkibiga mustaqil a'zolarni jalb etish istiqbollar. //Biznes-Ekspert. – Toshkent, 2021, №8. 37-39-b.

Xaydarov B. Milliy iqtisodni samaradorligini hisoblashda iqtisodiy ko'rsatkichlarning ahamiyati. / Iqtisodiy oqimlar doiraviy aylanish jarayonining ijtimoiy yo'naltirilgan bozor iqtisodiyotini shakllantirishdagi roli: Nazariy qarashlar va zamonaviy talqinlar. Oliy o'quv yurtlararo respublika ilmiy-amaliy seminari materiallari (2009-yil 25-aprel). – Toshkent moliya instituti. 150-152-b.

Xaydarov B. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlari rivojlanishining ba'zi masalalari. / Tadbirkorlik menejmenti: nazariya, amaliyot, istiqbol. Respublika ilmiy-amaliy anjumani tezislар to'plami (2008-yil sentabr). – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti. 10-12-b.

Джонсон Дж., Шоулз К., Уиттингтон Р. (2007) Корпоративная стратегия. Теория и практика. – М.: Вильямс, С. 71.;

Хайдаров Б. Совершенствование порядка передачи в доверительное управление государственных пакетов акций. // Biznes-Эксперт. – Тошкент, 2018, №8. 89-91-b.



DEPOZIT SIYOSATINI SHAKLLANTIRISH BOSQICHLARI

DSc, Professor Shermuxamedov B.U.
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

Annotatsiya. Depozit siyosatini shakllantirish xar bir tijorat bankining muhim siyosatlaridan birdir, bu siyosat orqali tijorat banlari resurslarni samarali jalg qilish o'rganiladi. Umuman olganda, depozit operatsiyalari va ularni takomillashtirish bilan bog'liq bo'lgan muammolarning hal etilishiga qaratilgan ilmiy takliflar va amaliy tavsiyalarni ishlab chiqishning zarurligi ushbu maqola mavzusining dolzarbligini belgilaydi.

Kalit so'zlar: depozit, depozit siyosati, muddatli depozitlar, depozit operatsiyalari, passiv opersiyalar, marketing siyosati, depozit bazasi.

Аннотация. Формирование депозитной политики является одной из важных политик любого коммерческого банка, посредством этой политики изучается эффективное привлечение ресурсов коммерческих банков. В целом необходимость разработки научных предложений и практических рекомендаций, направленных на решение проблем, связанных с депозитными операциями и их совершенствованием, определяет актуальность темы данной статьи.

Ключевые слова: депозит, депозитная политика, срочные депозиты, депозитные операции, пассивные операции, маркетинговая политика, депозитная база.

Abstract: the formation of a deposit policy is one of the important policies of any commercial bank; through this policy, the effective attraction of resources of commercial banks is studied. In general, the need to develop scientific proposals and practical recommendations aimed at solving problems associated with deposit operations and their improvement determines the relevance of the topic of this article.

Key words: deposit, deposit policy, time deposits, deposit operations, passive operations, marketing policy, deposit base

1. Kirish.

Depozit siyosatini shakllantirish jarayoni bankning foiz siyosati bilan chambarchas bog'liq, chunki depozit foizi resurslarni jalg qilishning samarali vositasidir. Uy xo'jaliklari depozitlari bozorining o'ziga xos xususiyati - bu depozitlarga bo'lgan talabning shakllanishiga foiz stavkalarining sezilarli darajada ta'sir qilishi, ya'ni banklar tomonidan qo'yilgan depozitlar bo'yicha foiz stavkalarini asosan ularning resurs bazasining o'sish sur'atlarini belgilab beradi. Bundan tashqari, banklarning turli guruhlari uchun bu ta'sir har xil darajada namoyon bo'ladi. Bozorning bu xilma-xilligi banklar o'rtasida bozor ulushlarini sezilarli darajada qayta taqsimlanishiga olib keladi.

Mamlakatda milliy valyutaning qadrsizlanishining bir qancha sabablari mavjud. Bunga misol qilib, aholida bo'sh turgan pul mablag'larini o'z uyida jamg'arishi hisoblanadi.

Buning salbiy taraflari shundan iboratki, buning natijasida mamlakatdagi pul aylanish sikli axoli qo'lidagi jamg'armalarga kelganda uziladi va Markaziy bank mamlakatdagi pul massasini to'g'ri aniqlay olmaydi va shu sababli aholi qo'lida jamg'arma bo'lib turgan pul mablag'i tovar bilan ta'minlanmagan pul massasiga aylanadi. Bu esa mamlakatdagi milliy valyutaning qadrsizlanishiga olib keladi. Aholidagi bo'sh pul mablag'larini tijorat banklariga jalb etishda Prezidentimizning murojaatnomalarida quyidagicha fikr bildirilgan: "Bugungi kunda banklarga qo'yilgan depozitlarning 70 foizi qisqa muddatli bo'lgani holda, kreditlarning 90 foizi uzoq muddatga berilgan" (Murojaatnomma, 2020). Shu o'rinda banklarning depozit bazasini kengaytirishda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-sonli "2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi bank tizimini isloq qilishni chiqurlashtirish, depozit bazasini oshirish, ularning moliyaviy barqarorligi va ishonchlilikini mustahkamlash vazifalari belgilab qo'yilganligi mavzuning dolzarbligini ko'rsatadi.

Mamlakatimizda tijorat banklarining depozitlari jalb qilish amaliyoti tahlili natijalari shuni ko'rsatmoqdaki, mamlakatimiz bank amaliyotida raqobat muhiti yaxshi shakllanmagan. Masalan, yirik tijorat banklari depozitlari hajmi mamlakatimiz jami depozitlarining 50 foizini tashkil qilayotganligi bank tizimi depozit bazasining mustahkamlik darajasiga salbiy ta'sir ko'rsatmoqda.

O'zbekiston bank tizimini isloq qilish bank xizmatlarining ommabopligrini oshirish, banklarning mamlakat chekka hududlariga kirib borishini jadallashtirish bilan barcha aholi punktlarida bank xizmatlari turlarini kengaytirish, bank tizimiga zamonaviy servis yechimlari asosida axborot va moliyaviy texnologiyalarni keng joriy etish, shuningdek, moliyaviy xizmatlar ko'rsatishda inson omili ta'sirini kamaytirish, bank sektorini iqtisodiy transformasiyasi va jamiyat ehtiyojlariga mos ravishda rivojlanishini ta'minlash borasida strategik islohotlarni amalga oshirish bo'yicha ma'lum natijalarga erishilmoqda. "Zamonaviy moliyaviy xizmatlar, operatsiyalar va texnologiyalarni (fintex) hamda naqd pulsiz to'lovlarni rivojlantirish dasturini ishlab chiqish" (Farmon, 2022). Bo'yicha ustuvor vazifa belgilanganligi iqtisodiyot tarmoqlarini modernizasiya qilishni taqozo etmoqda. Shunga qaramasdan, "aktivlar va passivlar dollarlashuvining yuqori darajasi mavjudligi, kreditlar va depozitlarning yirik kompaniyalar va iqtisodiyotning alohida sektorlarida jamlanishi banklarni valyuta va kredit risklariga, shuningdek, likvidlik xavfiga duchor qiladi. 2020 yil boshida xorijiy valyutada nominallashtirilgan kreditlar jami kreditlar hajmining

48 foizini, chet el valyutasidagi depozitlar va fondlar esa jami depozitlar hajmining 44 foizini tashkil etadi" (Farmon, 2020). Mazkur holat tijorat banklarining depozit siyosatini metodologik asoslarini takomillashtirish borasidagi ilmiy tadqiqotlarning dolzarbligini asoslab beradi.

2. Adabiyotlar sharhi.

Tijorat banklarini depozit siyosatini shakllantirish oid xorijlik iqtisodchi olimlardan Vojjov A.P. (2006) tadqiqotlarida atroflicha o'rgaligan bo'lib, tadqiqot jarayonida mamlakat tijorat banklari depozit siyosatini muvofiqlashtirishda depozitlarni sug'urtalash va moliyaviy vositachilik: tizimini tashkil etish, bu borada depozitlarni sug'urtalash korporatsiyasi faoliyatini tashkil etish jarayonlari tadqiq etilgan. A.Eisdorfer (2010) tomonidan amalga oshiriladigan tadqiqotlarda tijorat banklari depozit siyosatini amalga oshirishda aktivlarni almashtirish masalasi yuqori xavf darajasini optimallashtirish imkoniyatini shakllantiruvchi omil sifatida qayd etiladi. Shuningdek, depozit siyosatida risk darajasini tahlil qilishda qat'iy tavakkalchilik natijasida kapital xavfi ko'tarilishi bilan bog'liq omilli jarayonlar tadqiqi o'z ifodasini topgan.

U.D.Ortiqovning (2008) fikricha, tijorat banklari depozit strategiyasini ishlab chiqish

va uni amaliyotga qo'llashda tijorat banklari depozit bazasining barqarorligini tavsiflovchi ko'rsatkichlarga rioya qilish muhim ahamiyat kasb etadi. Buning sababi shundaki, tijorat banklarining depozit siyosatida qo'llanilayotgan taktik vositalarning qay darajada depozit strategiyasiga mos kelayotganligini aniqlash imkoniyati tijorat banki depozit bazasining barqarorligini tavsiflovchi ko'rsatkichlarni tahlil qilish asosida yuzaga keladi. A.M.Rahimov (2019) bank va mijoz o'rtasida tuzilgan shartnomaga asosan muayyan maqsadlarda bankka pul mablag'larini jalg qilish va ularni saqlash bilan bog'liq operatsiya sifatida ta'kidlaydi va tijorat banklarining iqtisodiyotdagi bo'sh pul mablag'larni yetarli darajada jalg etishi va ushbu mablag'larni samarali joylashtirishi muhim vazifalardan biri hisoblanishini qayd etadi.

3. Tadqiqot metodologiyasi.

Mazkur maqolada tijorat banklari tomonidan depozit siyosatining amalgamashining joriy holati tahlil qilinib, bank resurs bazasining barqarorligiga ta'sir etuvchi omillar aniqlangan. Tahlil jarayonida ilmiy abstraksiyalash, ekspert baholash, induksiya va deduksiya, taqqoslash, tizimli tahlil usullaridan foydalilanigan.

4. Tahlil va natijalar.

Depozit bazasining barqarorligini ta'minlash uchun quyidagi ko'rsatkichlar dinamikasini kuzatish kerak: depozit so'mning o'rtacha muddati, omonatlarning hisob-kitob darajasi.

Depozit so'mni (O'R) o'rtacha saqlash muddati ko'rsatkichi 1-formula bo'yicha hisoblanadi:

$$O'R = O(o'r) / B D,$$

Bu erda $O(o'r)$ - davr uchun omonatlarning o'rtacha qoldig'ining ko'rsatkichi (ming so'mda);

D - davrdagi kunlar soni;

B - bank tomonidan depozitlarni chiqarish bo'yicha aylanma ko'rsatkichi (ming so'mda).

I.G.Shaposhnikovning fikricha depozit siyosatning yaxlitligi quyidagi aloqalar bilan tavsiflanadi:

1.Kredit tashkilotini depozit siyosatini yaxshilash va doimiy takomillashtirish ularning o'zaro (Genetik darajada) ham jixatlikda rivojlanishini taqozo etadi.


2.Boshqaruv aloqalari tanlovi: depozitlashtirish maqsadi va ustunliklari orqali aniqlanuvchi depozit siyosatining huquqiy baza va tashkiliy omillari orasida. Depozit operatsiyalarini amalgamashining prinsiplari va huquqiy asoslariga bog'liq bo'lgan depozit operatsiyalarini texnologiyalari va huquqiy bazalari.

Tashkiliy va texnologik unsurlar – banklarning depozit siyosati tashkil etilishi depozitlash texnologiyalarida namoyon bo'ladi.

Funksional alaoqalar – bir xil funksiyalarni bajaruvchi element (unsur)lardan iborat bo'ladi.

Yuqorida ko'rib chiqilgan barcha elementlar depozit siyosati tarkibiy qismi sifatida 1-rasmida keltirilgan.


Banklarning depozit siyosati asosida depozitlash jarayonini chegaralarini aniqlash muhim hisoblanadi.



1-rasm – Tijorat bankining depozit siyosatini shakllantirish tamoyillari
(V.A.Chelnokov, 2015).

V.A.Chelnokov (2015) ta'kidlaganidek. Depozit siyosatini maqsadini amalga oshirish, quyidagi masalalarni xal etishga yo'naltirilgan bo'ladi:

1. bank foya olish yoki kelgusida daromad olish uchun sharoit yaratish maqsaddida depozit operatsiyalarini amalga oshirish jarayonlariga yordam berish;
2. bank likvidligini kerakli darajada ta'minlay olish;
3. depozitlarning turli shakllari va depozit operatsiyalari sub'ektlarining diversifikasiyasini ta'minlash;
4. Kredit qo'yilmalari va depozitlar muddatlari bo'yicha ssuda to'lash operatsiyalari va depozit operayiyalari o'rtaida o'zaro kelishiish va aloqalarni vo'llab-quvvatlash;
5. depozit schetdagi erkin mablag'larni minimalligini ta'minlash;
6. o'zgaruvchan foyiz stavkasi siyosatini amalga oshirish;
7. jalb qilinayotgan resurslar foyizlarini kamaytirish manbalari va yo'llarini doimo qidirib topish;
8. mijozlarga xizmat ko'rsatish sifatini va madaniyatini oshirish hamda bank xizmatlarini rivojlantirish



2-rasm – Depozit siyosatining tuzilishi (V.A.Chelnokov, 2015).

Depozit siyosatini muvafaqiyatlama amalga oshirishda jismoniy va yuridik shaxslarning o'ziga xosligidan samarali foydalanish

Depozit siyosati va amaliy faoliyat ishlab chiqilgan tamoyillarga mos kelishi hamda quyidagi talablarga javob berishi kerak.

- Iqtisodiy jihatdan maqsadga muvofiqligi;
- Raqobatbardoshligi;
- Ichki yakdillik.

5. Xulosa.

Xulosa qilib aytganda, tijorat banklarining iqtisodiyotdagi bo'sh pul mablag'larni etarli darajada jalb etishi va ushbu mablag'larni samarali joylashtirishni boshqarish hozirgi kunda ularning muhim vazifalaridan biri hisoblanadi. Buning asosiy sababi, O'zbekistonda

bozor munosabatlarining tobora chuqurlashuvi va iqtisodiyotning yanada erkinlashtirilishi natijasida tijorat banklari o'rtasida moliyaviy resurslarga bo'lgan talabning yanada kuchayganligidandir. Natijada, banklarning arzon va muddati jihatdan "uzun" mablag'larga bo'lgan ehtiyojining ortib borishi ushbu mablag'larni shakllantirish va ularni samarali boshqarish muhim masalalardan biri bo'lib qoldi. Mazkur holat mamlakat miqyosida mavjud bo'lgan vaqtincha bo'sh pul mablag'larni banklar o'rtasida "taqsimlash"da va moliya bozoridan qo'shimcha resurslarni jalb etishda banklar o'rtasidagi erkin raqobatni kuchayishiga ijobjiy samara ko'rsatmoqda. Yuqoridagi tadqiq va tahlillar asosida quyidagi takliflar ishlab chiqildi:

- aholidagi vaqtinchalik bo'sh pul mablag'larini bank depozitlariga jalb etishni rag'batlantirish maqsadida soliq imtiyozlarini yaratish;

- tijorat banklari tomonidan aholi va xo'jalik yurituvchi sub'ektlar talab va istaklarini hisobga olgan holda omonat va depozitlarning yangi jozibador turlarini muntazam ravishda joriy qilib borish;

- Markaziy bank tomonidan tijorat banklari depozit siyosatiga qo'yiladigan talablar ishlab chiqish;

- tijorat banklariga depozitlar jalb qilish bo'yicha qisqa va uzoq muddatli bank strategiyalarini ishlab chiqish;

- banklar tomonidan depozit sertifikatlarini chiqarish amaliyotini rivojlantirish;

- aholining depozitga qo'yayotgan mablag'larining qaytarilishida banklarning nazoratini oshirish va shu orqali aholining banklarga bo'lgan ishonchini mustahkamlash; - banklararo depozitlarni jalb qilish amaliyotini kengaytirish orqali bankning resurs bazasini mustahkamlash. O'ylaymizki, yuqoridagi takliflarning amaliyotga joriy etilishi mamlakatimiz tijorat banklari depozit operatsiyalarini rivojlantirish hamda buning natijasida banklarning depozit bazasini kengaytirishga xizmat qiladi

Adabiyotlar:

Eisdorfer A. (2010). Risk-shifting and investment asymmetry. Finance Research Letters, 7(4): 232-237. doi: 10.1016/j.frl.2010.05.005

Murojaatnomalar (2020) O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisning Senati va Qonunchilik palatasiga Murojaatnomasi.

Farmon (2017) O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldag'i "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-soni.

Вожжов А.П. (2006) Процессы трансформации банковских ресурсов. Монография. Севастополь: СевНТУ, 339 с

Ортиков У.Д. (2008) Банк ресурслари ва уларни бошқариш. "Молия, пул муомаласи ва кредит" и.ф.н. дисс. автореферати. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси.-Т., -20 б.

Раҳимов А.М. (2019) Тижорат банклари депозит базаси ва уни кенгайтириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати, -Т.: "IQTISOD-MOLIYA" нашриёти, 54 б.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 yил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармонининг иловасини 116 банди.

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 yил 12 майдаги ПФ-5992-сон Фармони билан тасдиқланган «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегияси».

Челноков В.А. (2015) Банки и банковские операции: учебник / под ред. В.А. Челнокова. М.: Высшая школа, 296с.



IJARA MAJBURIYATLARI HISOBINI YURITISHNING AYRIM MASALALARI

Xasanboyev O.X.

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

Annotatsiya: Ushbu tadqiqot ijara munosabatlari ishtirokchilari o'rtasida yuzaga keladigan majburiyatlarni tan olishning tashkiliy asoslarini va uni rivojlantirish bilan bog'liq xalqaro tajribani o'rganadi.

Kalit so'zlar: Ijara majburiyati, diskontlash stavkasi, ijara to'lovleri, aktivdan foydalanish huquqi, ijara muddati, ijara majburiyati amortizatsiyasi.

Аннотация. В данном исследовании рассматриваются организационные основы признания обязательств, возникающих между участниками отношений аренды, и международный опыт, связанный с его развитием.

Ключевые слова: Обязательство по аренде, ставка дисконтирования, арендные платежи, право пользования активом, срок аренды, амортизация обязательства по аренде.

Abstract. This study examines the organizational foundations of the recognition of obligations arising between the participants of rental relations and the international experience related to its development.

Key words: Lease liability, discount factor, lease payments, right-of-use assets, lease term, lease liability amortization

1.Kirish.

Ijara munosabatlari insoniyat madaniyatining boshidanoq mavjud. Dastlab, ish va mehnat qurollari to'lov evaziga boshqalarga tegishli bo'lgan mulkdan vaqtincha foydalanishga to'g'ri kelgan. Ijtimoiy aloqalar rivojlanib borar ekan, boshqa shaxsning mulkidan vaqtinchalik haq evaziga foydalanish rivojlanib, iqtisodiyotda korxonalar faoliyatini amalga oshirishida ijaradan foydalanish amaliyoti rivojlandi. Bunda korxonalar o'z faoliyati uchun zarur investitsiyalarni ya'ni inshootlar, sanoat jihozlari va tabiiy resurslarni ijara evaziga foydalanishi shakllandi. Natijada iqtisodiyotda ijara munosabatlari ko'lami ortdi va ijara munosabatlariga kiruvchi tomonlarning burch va majburiyatlarini aniq belgilash zarurati paydo bo'ldi. Ijara bo'yicha majburiyatlarini aniqlash va moliyaviy hisobotlarda to'liq va to'g'ri taqdim etish uchun esa bugungi kunda mamlakatimizda yetarlicha metodologik qo'llanmalar mavjud emasligi, xalqaro tajribalarni amaliyotda qo'llash kamligi natijasida moliyaviy axborotlarda ijara munosabatlari bilan bog'liq operatsiyalarni axborotdan foydalanib qaror qabul qiluvchilar uchun yetarli darajada ishonchli va haqqoniy tarzda yetkazib berish zaruriyati yuzaga keldi. Bu esa o'z navbatida ijara muomalari bo'yicha yuzaga keluvchi majburiyatlarini yanada chuqurroq o'rganishni taqozo etadi.

2. Adabiyotlar sharhi.

Ijara hisobi muomalalarining o'ziga xos jihatlari bir qancha xorijlik va mahalliy iqtisodchi olimlar va tadqiqotchilar tomonidan o'rganib chiqilgan. Jumladan, Texas universiteti professori, iqtisodchi olim C.Lim Steve (2003) fikriga ko'ra, uzoq muddatli ijara muomalari hisobi buxgalteriyada qanday aks ettirilishidan qat'iy nazar, bu operatsiya qarz olish instrumenti sifatida tasniflashni ta'kidlagan.

Shuningdek, Michigan kolleji professori C. Terry Grant (2016) fikriga ko'ra ijara majburiyati sifatida aktivdan foydalanish evaziga to'lanadigan to'lovlarning qiymatini ijara majburiyati sifatida tan olish kerakligini taklif qilgan.

Yurtimizda faoliyat yuritayotgan bir qancha olimlar ham ijara muomalari hisobi va uni takomillashtirishning ayrim jihatlari to'g'risida o'z izlanishlarini olib borgan. Jumladan, A.A. Ibrohimov (2023) fikriga ko'ra ijara majburiyati ijara shartnomasiga muvofiq bu mol-mulkdan foydalanganlik uchun ijara haqini to'lashdan iboratdir degan fikrni bildirgan.

Yana bir tadqiqotchi I.I. Omonov (2023) fikriga ko'ra, ijara majburiyati ijaraga beriladigan aktivga egalik qilish bilan bog'liq xatarlar va mukofotlar qay tarzda ijaraga beruvchi yoki ijarachi o'rtaida taqsimlanishiga asoslangan to'lovlardan deb hisoblaydi.

B.B. Madazzimov (2022) bu borada fikr yuritib, ijara majburiyati komponentlari sifatida ijaraga beruvchi hisobot davri davomida hisoblangan amortizatsiya ajratmalarini miqdori, ijara shartnomasi bo'yicha ijaraga beruvchining komission mukofot puli, ijaraga beruvchi tomonidan xizmat ko'rsatganlik uchun to'lanadigan qo'shilgan qiymat solig'i va boshqa qo'shimcha xizmatlar uchun to'lanadigan to'lovlardan jamlanmasi sifatida qabul qilishni taklif qilgan.

Yuqorida ta'kidlab o'tilgan olimlarning qarashlarida ijara majburiyatini hisobga olishda ijara to'lovlarini haqqoniy qiymatini hisobga olish va majburiyatlarni muddatidan kelib chiqib hisobga olish yetarli darajada hisobga olinmagan deb hisoblaymiz.

16-sonli MHXS (IFRS 16) (2023)-Ijara standartiga muvofiq, ijara majburiyati bu ijaraga oluvchining buxgalteriya balansida qayd etilishi kerak bo'lган foydalanish huquqi shaklidagi aktivga mutanosib ravishda tan olinuvchi har qanday majburiyatning haqqoniy qiymatini anglatadi va standart talabiga muvofiq korxonaning moliyaviy hisobotlarida ijara shartnomasining kompaniyaning moliyaviy holatiga moliyaviy ta'sirini to'g'ri aks ettirish uchun ishlatiladi.

Biz ham standart ta'rifiga qo'shilgan holda ijara majburiyatlarini hisobga olishda ijara bo'yicha aktivdan foydalanish huquqiga mutanosib ravishda amalga oshiriladigan to'lovlarning haqqoniy qiymati bo'yicha majburiyatni tan olish, ularni tegishli muddatiga muvofiq tasniflash va moliyaviy hisobotlarda haqqoniy aks ettirish lozimligini ta'kidlamoqchimiz.

3. Tadqiqot metodologiyasi.

Ilmiy tadqiqotni amalga oshirishda qiyosiy va tizimli tahlil usullaridan foydalanilgan. Adabiyotlar tahlil qilishda Googlescolar, Web of science ilmiy ma'lumotlar bazasidan foydalanilgan. Ijara muomalari hisobi, ijara bo'yicha majburiyatlarini tan olish mezonzlari va ularni hisobotlarda aks ettirish yuzasidan yetakchi iqtisodchi olimlar izlanishlari o'rganilgan. Maqolada ijara bo'yicha majburiyatlarni tan olish bilan bog'liq tegishli xulosa va takliflar ishlab chiqilgan.

4. Tahlil va natijalar.

16-sonli MHXSga muvofiq, ijara majburiyatini tan olishda birinchi navbatda, ijara majburiyatini tan olish bilan bog'liq axborotlarni yig'ish zarur bo'ladi. Hamma ma'lumotlar aniqligiga va to'liqligiga ishonch hosil qilingach, ijara majburiyatini hisoblash mumkin.

Keling, ijara majburiyatini qanday qayd etishni bosqichma-bosqich ko'rib chiqaylik.

Buxgalteriya balansida ijara majburiyatini hisobga olish uchun dastlab uch omil aniqlanishi lozim (1-rasm)



1-rasm. Ijara majburiyatini aniqlashning zaruriy omillari

Ushbu axborotlar ijara majburiyatini hisoblash uchun kerak. Keling, barchasini qanday qilib birlashtirishni ko'rib chiqamiz:

Ijara muddati. Ijara majburiyatini hisoblash avvalo ijara muddatini aniqlashdan boshlanadi, u ijaraning bekor qilinmaydigan muddatini va agar ijaraga oluvchi va ijaraga beruvchi ijarani uzaytirish yoki bekor qilish imkoniyatiga ega bo'lsa, qo'shimcha muddatlarni o'z ichiga oladi. Ijara muddati muhim ahamiyatga ega, chunki u ijara majburiyati amortizatsiya qilinadigan vaqtini belgilaydi.

Ijara to'lovleri. Ijara to'lovleri ijara shartnomasida ko'rsatilgan to'lovlar kiradi. Ba'zi to'lovlar qandaydir shartlar asosida tuzilishi mumkin. Masalan, ijara shartnomasida ijara muddatini yangilash yoki tugatish imkoniyatlari mavjud bo'lganda, ular bilan bog'liq to'lovlardan iborat bo'ladi. Bunday to'lovlar o'zgaruvchanlik xususiyatiga ega bo'ladi, lekin ularning tabiatini yoki holati bo'yicha bajarilishi muqarrar va shuning uchun ular "mohiyat bo'yicha qat'iy ijara to'lovleri" hisoblanadi.

Diskontlash stavkasi. Ijara majburiyatini hisoblashda ijara oluvchi kelgusidagi ijara to'lovlarini tan olish sanasidagi haqqoniy qiymatini baholash uchun diskontlash stavkasini aniqlashi kerak. Bunda ijaraga oluvchi ijara muddati bilan taqqoslanadigan muddatda, shunga o'xshash shartlar bilan bir xil aktivni sotib olish uchun jalb qilishi mumkin bo'lgan qarz stavkasidan foydalilanadi. Diskontlash stavkasi ijaraga oluvchining kreditga layoqatliligi, aktivning asosiy garov qiymati va ijara boshlangan sanadagi amaldagi foiz stavkalari kabi omillarni hisobga olishi zarur. Diskontlash stavkasi ijaraga oluvchining eng yaxshi bahosidan foydalangan holda, ijara shartnomasi bo'yicha keljakdagi ijara to'lovlearning joriy qiymatini hisoblash uchun ishlataladi.

Zaruriy axborotlar (ya'ni, ijara muddatini, ijara to'lovini va diskont stavkasi) to'plaganidan so'ng, diskontlash stavkasi orqali ijara muddati davomida to'lanadigan kelgusi to'lovlearning haqqoniy qiymati aniqlanishi lozim. Ushbu qiymat buxgalteriya hisobida ijara majburiyati sifatida aks ettiriladi.

Ijara majburiyatini hisoblanishini aniqroq tushinish uchun quyidagi holatni ko'rib chiqamiz. Ijara majburiyati bilan bog'liq quyidagi ma'lumotlar mavjud deb qaraymiz:

-ijara muddati: 4 yil va bu muddatni uzytirish imkon mavjud emas;

-ijara to'lovi yiliga 40 000 000 so'm bo'lib, har yil oxirida to'lanadi;

-diskontlash stavkasi 12% (qarz olish mumkin bo'lgan stavka). Bunda diskontlash faktorini aniqlash uchun quyidagi formuladan (Kaplan publishing 2023-2024) foydalilanadi:

$$\frac{1}{(1+r)^n}$$

bu yerda

r -qarz olish stavkasi;

n -davrlar soni.

Ijara majburiyatini aniqlash uchun ijara muddatidan kelib chiqib, ijara to'lovlarini jadvali (1-jadval) tayyorlanadi:

1-jadval.

Ijara to'lovlarini jadvali (so'mda)

Ko'rsatkichlar	1-yil	2-yil	3-yil	4-yil
Kutilayotgan ijara to'lovlarini	40 000 000	40 000 000	40 000 000	40 000 000
Diskontlash stavkasi	12%			

Shundan so'ng, kelgusi ijara to'lovlarini diskontlash stavkasi hamda tegishli davrdan kelib chiqib aniqlangan faktor yordamida quyidagi tartibda diskontlanadi (2-jadval):

2-jadval

Ijara to'lovlarining haqqoniy qiymatini hisoblash jadvali (so'mda)

Davr	Ijara to'lovi	Diskontlash faktori	Joriy qiymat
1	40 000 000	$1/(1+0.12)^1$	35 714 286
2	40 000 000	$1/(1+0.12)^2$	31 887 755
3	40 000 000	$1/(1+0.12)^3$	28 471 210
4	40 000 000	$1/(1+0.12)^4$	25 420 723
Majburiatlarning jami joriy qiymati			121 493 974

Kelgusi ijara to'lovlarini joriy qiymatlarining yig'indisi ijara majburiyati sifatida tan olinadi. Jadvaldan ko'rindaniki, ijara majburiyatining dastlabki qiymati 121 493 974 so'mni tashkil qilgan.

Ijara majburiyatini dastlab tan olish uchun korxona buxgalteriyasida quyidagicha o'tkazma beriladi:

Dt Aktivdan foydalanish huquqi 121 493 974 so'm

Kt Ijara bo'yicha majburiyat 121 493 974 so'm

Yuqorida ko'rib chiqqan tartibimiz bugungi kunda 16-sonli MHXSga muvofiq ijara bo'yicha majburiyatni dastlabki tan olish tartibi hisoblanadi. Bizning hozirgi amaliyotimizda ijara majburiyatini dastlabki tan olishning ushbu shakli mavjud emas. Bu esa ijara bo'yicha majburiyatlarni bizning korxonalarimiz buxgalteriyasida tan olishidagi farqli jihat deb hisoblaymiz.

16-sonli MHXSga muvofiq, dastlab tan olinganidan keyin ijara majburiyati amortizatsiya qilish jadvaliga muvofiq hisobga olinadi. Ijara bo'yicha to'lovlar davr oxirida to'langanda majburiyatni amortizatsiya qilish jadvali quyidagicha ko'rinishga ega bo'ladi (3-jadval):

3-jadval

Ijara bo'yicha to'lovlar davr oxirida to'langanda, ijara majburiyatini amortizatsiya qilish jadvali

Davr	Davr boshiga ijara majburiyatining qoldiq qiymati	Diskontlash stavkasi bo'yicha foiz xarajati	Ijara to'lovi	Davr oxiriga ijara majburiyatining qoldiq qiymati
1	Majburiyatning hisoblangan dastlabki qiymati	X	(X)	X
2	X	X	(X)	X

Ijara bo'yicha to'lovlar davr oxirida amalga oshirilganda, majburiyatning joriy qismini ajratish uchun joriy yil oxiridagi va keyingi yil oxiridagi majburiyatlarning qoldiq qiymatlari orasidagi farq aniqlanadi. Aniqlangan farq summasi ijara majburiyatining joriy qismi, keyingi yil oxiridagi majburiyat qiymati esa ijara majburiyatining uzoq muddatli qismi hisoblanadi.

Ijara majburiyati jadvalini yuqoridagi amaliy vaziyat yordamida ko'rib chiqamiz (4-jadval):

4-jadval

Ijara bo'yicha to'lovlar dar oxirida to'langanda, ijara majburiyatini amortizatsiya qilish jadvali (so'mda)

Yil	Davr boshiga ijara majburiyatining qoldiq qiymati	Diskontlash stavkasi bo'yicha foiz xarajati	Ijara to'lovi	Davr oxiriga ijara majburiyatining qoldiq qiymati
1	121 493 974	14 579 277	(40 000 000)	96 073 251
2	96 073 251	11 528 790	(40 000 000)	67 602 041
3	67 602 041	8 112 245	(40 000 000)	35 714 286
4	35 714 286	4 285 714	(40 000 000)	0

Yuqoridagi hisob-kitob jadvalimizdan ijara bo'yicha majburiyatning joriy va uzoq muddatli qismini aniqlasak, quyidagi qiymatlarga teng bo'ladi:

Joriy majburiyat: 96 073 251-67 602 041=28 471 210 so'm

Uzoq muddatli majburiyat: 67 602 041 so'm

Agar ijara to'lovleri oldindan amalga oshirilsa, ijara bo'yicha majburiyat jadvali quyidagicha bo'ladi (5-jadval):

5-jadval

Ijara bo'yicha to'lovlar oldindan to'langanda, ijara majburiyatini amortizatsiya qilish jadvali

Davr	Davr boshiga ijara majburiyatining qoldiq qiymati	Ijara yillik to'lovi	To'lovdan keyingi qoldiq qiymat	Diskontlash stavkasi bo'yicha foiz xarajati	Davr oxiriga ijara majburiyatining qoldiq qiymati
1	Majburiyatning hisoblangan dastlabki qiymati	(X)	X	X	X
2	X	(X)	X	X	X

Ijara bo'yicha to'lovleri oldindan amalga oshirilganda, har yil oxiridagi majburiyatning qoldiq qiymati va keyingi yildagi to'lovdan keyingi majburiyat qiymati orasidagi farq majburiyatning joriy qiymatini tashkil qiladi. Uzoq muddatli majburiyat qismi esa hisobot davridan keyingi yildagi to'lovdan keyingi majburiyatning qoldiq qiymatiga teng bo'ladi.

Yuqorida ko'rib chiqilgan ijara munosabatlarida ijara to'lovleri oldindan, ya'ni davr boshida amalga oshirilganda ijara majburiyati quyidagicha aniqlanadi (6-jadval):

6-jadval

Ijara bo'yicha to'lovlar oldindan to'langanda, ijara to'lovlarining haqqoniy qiymatini topish jadvali (so'mda)

Davr	Ijara to'lovi	Diskontlash faktori	Joriy qiymat
1	40 000 000	1	40 000 000
2	40 000 000	$1/(1+0.12)^1$	35 714 286
3	40 000 000	$1/(1+0.12)^2$	31 887 755
4	40 000 000	$1/(1+0.12)^3$	28 471 210
Majburiyatlarning jami joriy qiymati			136 073 251

Jadvaldan ko'rindiki, ijara majburiyatlarining dastlabki qiymati 136 073 251 so'mni tashkil etadi.

Shundan so'ng ijara majburiyatining amortizatsiya jadvali quyidagicha tayyorlanadi (7-jadval):

7-jadval

Ijara bo'yicha to'lovlar oldindan to'langanda, ijara majburiyatini amortizatsiya qilish jadvali (so'mda)

Yil	Davr boshiga ijara majburiyatining qoldiq qiymati	Ijara yillik to'lovi	To'lovdan keyingi qoldiq qiymat	Diskontlash stavkasi bo'yicha foiz xarajati	Davr oxiriga ijara majburiyatining qoldiq qiymati
1	136 073 251	(40 000 000)	96 073 251	11 528 790	107 602 041
2	107 602 041	(40 000 000)	67 602 041	8 112 245	75 714 286
3	75 714 286	(40 000 000)	35 714 286	4 285 714	40 000 000
4	40 000 000	(40 000 000)	0		

Yuqoridagi hisob-kitob jadvalidan foydalananib ijara bo'yicha majburiyatning joriy va uzoq muddatli qismlari aniqlanadi. Unga ko'ra:

Joriy majburiyat: 107 602 041-67 602 041=40 000 000 so'm

Uzoq muddatli majburiyat: 67 602 041 so'mni tashkil etgan.

Ijara majburiyati tan olingandan so'ng, 16-sonli MHXSga muvofiq buxgalteriyada balansida, tegishinchal uzoq muddatli va joriy majburiyatlar tarkibida alohida qatorda aks ettiriladi. Majburiyatning amortizatsiya xarajatlari vaqt o'tishi bilan uning summasini kamaytirib boradi. Shuni ham ta'kidlash kerakki ijara majburiyati bo'yicha foiz xarajatlari samarali foizlar usuli asosida foya va zarar to'g'risidagi hisobotda alohida tan olinadi (IFRS 16, 2023).

Yuqoridagilardan ko'rishimiz mumkinki, xalqaro amaliyotda ijara bo'yicha majburiyatlarni tan olish 16-sonli MHXS ga muvofiq amalga oshirilib, hisobda yuritish va aks ettrish ancha tizimli va tartibli amalga oshiriladi. Bu esa, axborotdan foydalanuvchilar uchun aniq va ishonchli axborot taqdim etilishini ta'minlaydi.

O'zbekiston Respublikasida ijara bo'yicha munosabatlar hamda ular bilan bog'liq muomalalarni hisobga olish "Ijara to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi qonuni, O'zbekiston Respublikasi Moliya Vazirligining 11.05.2009 yildagi 54-son buyrug'i bilan tasdiqlangan "Buxgalteriya hisobida ijara operatsiyalarini aks ettirish tartibi to'g'risida"gi nizom, 6-son "Ijara hisobi" hamda 21-son "Xo'jalik yurituvchi subektlar moliyaviy-xo'jalik faoliyatining buxgalteriya hisobi schetlar rejasiga uni qo'llash bo'yicha yo'riqnomasi" nomli BHMSlar bilan tartibga solinadi va tan olinadi.

Yuqoridagi normativ hujjalarga ko'ra O'zbekistonda ijara moliyaviy va operativ ijaraga ajratilgan holda hisobga olinadi. Ijara majburiyatini tan olish tartibi ijara turiga ko'ra farqlanadi. Bunda moliyaviy ijara bo'yicha ijara muddati boshida ijara majburoylarini tan olinadi. Operativ ijarada esa ijara majburiyatlari yakunlangan ijara davrlariga mutanosib ravishda tan olinadi.

Operativ ijara shartnomasiga ko'ra tegishli davr yakunlangandan so'ng majburiyatni tan olish bo'yicha quyidagicha buxgalteriya o'tkazmasi beriladi:

Dt Ijara xarajati (operativ ijara shartnomasi bo'yicha olingan assosi vositalarning belgilangan maqsadiga qarab 2000, 2100, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400 va boshqa schyotlar)

Kt To'lanadigan operativ ijara scheti

Bundan ko'rindiki, O'zbekiston amaliyotida operativ ijara bo'yicha majburiyatlardan tegishli oy tugaganidan ijara to'lovining har oylik miqdoricha tan olinadi. Ya'ni ijara shartnomasi bo'yicha kutilayotgan jami to'lov larning haqqoniy qiymati ijara shartnomasi

boshlanishida baholanmaydi. Natijada moliyaviy hisobotlarda ijara munosabatlari bilan bog'liq majburiyatlar muddatiga nisbatan to'g'ri tasniflanmaydi va to'liq aks etmaydi deb hisoblaymiz.

5. Xulosa.

Yuqoridagi ilmiy tadqiqot va tahlil natijalriga tayangan holda quyidagi xulosaga kelindi:

Mamlakatimizda jahon tajribalari va xalqaro standart andozalariga muvofiq ijara majburiyatini tan olish natijasida:

-ijara majburiyati sifatida aktivni ijaraga olishdan kelib chiqadigan to'lovlarini ya'ni korxona amalga oshirishi shart bo'lgan kelajakdagi ijara to'lovlarining joriy qiymatini ifodalash korxonaning moliyaviy hisobotida majburiyatlarini to'g'ri aks ettirish;

-ijara bo'yicha majburiyatlarni tushunish va samarali boshqarish kompaniyalar uchun shaffoflikni ta'minlash va manfaatdor tomonlarni moliya, buxgalteriya hisobi va korporativ boshqaruv sohasida qarorlar qabul qilish uchun ishonchli ma'lumot bilan ta'minlash imkoniyati;

-investorlar, kreditorlar va tahlilchilar kabi manfaatdor tomonlarga ijara shartnomalaridan kelib chiqadigan moliyaviy majburiyatlar haqida asosiy ma'lumotlarni taqdim etish;

-ijara majburiyatlarini samarali boshqarish va oshkor qilish korxonaning moliyaviy holati va majburiyatlarini yanada shaffofroq tushunishga va manfaatdor tomonlarning ongli qarorlar qabul qilish imkonini oshirishga imkon yaratadi.

Amalga oshirilgan izlanishlar natijasida ijara majburiyati bo'yicha aniqlangan kamchiliklarni bartaraf etish va ijara majburiyati bo'yicha to'liq va to'g'ri ma'lumotlar shaklantirish uchun quyidagicha takliflar ishlab chiqildi:

1. Korxonalarda ijara majburiyatlarini hisobga olishda ijara majburiyatlarini aktivdan foydalanish muddatiga mutanosib ravishda ijara to'lovlarini haqqoniy qiymatini hisobga olgan holda majburiyatlarni uzoq va qisqa muddatli majburiyat sifatida aks ettirish;

2. Ijara muddati bo'yicha aktivdan foydalanish huquqini tan olish va moliyaviy hisobotlarda aks ettirish;

3. Ijara majburiyatlarini ijara turidan qat'iy nazar, agar ijara muddati 12 oydan ortiq muddatni tashkil qilsa, ijara to'lovlarining joriy qiymatiga teng miqdorlarda ijara majburiyatini tan olish va hisobotda aks ettirish;

4. Ijara majburiyatini to'lovlar amortizatsiya jadvalidan kelib chiqqan holda joriy va uzoq muddatli qismlarga ajratish;

5. Har hisobot sanasida ijara majburiyatlarini haqqoniy qiymanitini tekshirish va ularda o'zgarishlar mavjud bo'lsa, tegishli hisobot davrlarida aks ettirishni tavsiya qilamiz.

Adabiyotlar:

BHMS (2004) "Ijara hisobi"ni tasdiqlash to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2004-yil 22-iyunda 1374-sun bilan davlat ro'yxatidan o'tkazilgan BHMS

BHMS (2002) "Xo'jalik yurituvchi subektlar moliyaviy-xo'jalik faoliyatining buxgalteriya hisobi schetlar rejasи va uni qo'llash bo'yicha yo'riqnomा" nomli O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2002-yil 23-oktyabrda 1181-sun bilan davlat ro'yxatidan o'tkazilgan BHMS.

Lim, Steve C., Mann, Steven C. and Mihov, Vassil T. (2003) Market evaluation of off-balance sheet financing: You can run but you can't hide. EFMA 2004 Basel Meetings Paper

Ibrohimov A.A. (2023) "Ijara munosabatlarida ijara haqini to'lash bilan bog'liq masalalar" Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences 3(2), Feb. 2023

Madazimov B.B. (2022) " Ijaraga olingan asosiy vositalarning hisobga olishning o'ziga xos xususiyatlari" Scientific progress 3(4)

Nizom (2009) "Buxgalteriya hisobida ijara operatsiyalarini aks ettirish tartibi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Moliya Vazirligining 11.05.2009 yildagi 54-son buyrug'i bilan tasdiqlangan nizomi

Omonov I.I. (2023) "Ijara hisobi" Journal of new century innovations Volume-29, Issue-5, May 2023

Hisobot (2023) "Moliyaviy hisobotning xalqaro standardlari bo'yicha moliyaviy hisobot " o'quv qo'llanmasi. Kaplan bosma nashriyoti 2023-2024. Buyuk Britaniya, Wokingham shahri, Molly Millars Lane biznes markazi.

Terry C. Grant, CPA, Ph.D., (2016) at Mitchell College of Business, University of South Alabama, in Mobile, Ala. "No More Hiding Lease Liability"
<https://www.sfmagazine.com/articles/2016/july/no-more-hiding-lease-liability>

Qonun (1991) "Ijara to'g'risda" O'zbekiston Respublikasining Qonuni, 19.11.1991 yildagi 427-XII-son

Светлана Смирнова (2023) «Бухгалтерский учет аренды» и МСФО (IFRS) 16 «Аренда». Учет аренды и лизинга по новым правилам, Учебное пособие.



МАМАЛАКАТИМИЗДА СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ РАСМИЙ ВА НОРАСМИЙ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЪСИРИ

Алимардонов Ф.Н.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази

Аннотация. Мақолада мамалакатимиизда солиқ сиёсатининг расмий ва норасмий иқтисодий фаолиятга таъсири таҳлил қилинган. Солиқ сиёсатининг расмий ва норасмий иқтисодий фаолиятга таъсири бўйича иқтисодчи олимларнинг адабиётлари ўрганилган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг сўнгги 5 йилликдаги солиқ тушумларининг давлат бюджетидаги улуши ва солиқдан бўйин товлаш бўйича солиқ тўловчиларнинг фаолияти таҳлили келтирилган ва холосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: расмий иқтисод, норасмий иқтисод, солиқ, солиқ сиёсати, солиққа тортиш, солиқ ставкалари, имтиёзлар.

Аннотация. В статье анализируется влияние налоговой политики на официальную и неформальную экономическую деятельность в нашей стране. Изучена литература экономистов о влиянии налоговой политики на формальную и неформальную экономическую деятельность. Также представлен анализ доли налоговых поступлений в государственный бюджет Узбекистана за последние 5 лет и активности налогоплательщиков по уклонению от уплаты налогов и сделаны выводы.

Ключевые слова: формальная экономика, неформальная экономика, налог, налоговая политика, налогообложение, налоговые ставки, льготы.

Abstract. The article analyzes the impact of tax policy on official and informal economic activity in our country. The literature of economists on the impact of tax policy on formal and informal economic activity has been studied. Also, the analysis of the share of tax revenues in the state budget of Uzbekistan in the last 5 years and the activity of taxpayers on tax evasion is presented and conclusions are drawn.

Key words: formal economy, informal economy, tax, tax policy, taxation, tax rates, benefits.

1. Кириш.

Солиқ сиёсати давлатнинг солиққа тортиш стратегияси ва ёндашувини билдиради, у жисмоний ва юридик шахсларни қандай солиққа тортилишини белгиловчи тартиб, қоида ва ставкаларга оид маълумотларни ўз ичига олади. Шунингдек, ресурсларни тақсимлаш, инвестиция қарорлари ва умумий иқтисодий хатти-ҳаракатларга таъсир қилиш орқали иқтисодий фаолиятни шакллантиришда

ҳал қилувчи роль ўйнайди. Солиқ сиёсати иқтисодий ўсишга, бойлик тақсимотига ва давлат даромадлари даражасига таъсир қилиши мумкин. Солиқ ставкалари, имтиёзлар ва қоидаларни ўзгартириш орқали ҳукуматлар инвестицияларни, иш ўринлари яратишни рағбатлантириш ва солиқ юкининг адолатли тақсимланишини таъминлаш каби аниқ иқтисодий мақсадларга эришишни мақсад қиласди. Аслини олганда, солиқ сиёсати ҳукуматлар мамлакат ичидаги иқтисодий фаолиятни бошқариш ва тартибга солиш учун фойдаланадиган кучли восита бўлиб хизмат қиласди.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсидаги иқтисодий фаолият расмий ва норасмий секторларни қамраб олувчи икки томонлама характерга эга. Расмий сектор ҳукумат томонидан расман тан олинган, тартибга солинадиган ва назорат қилинадиган фаолиятни англатади. Бунга қонунчилик доирасида фаолият юритувчи, солиқ тўловчи ва белгиланган меъёрий-хуқуқий ҳужжатларга риоя қилувчи корхоналар ва жисмоний шахслар киради. Расмий сектор кўпинча йирик, рўйхатдан ўтган корхоналарни ва ҳужжатлаштирилган бандлиги бўлган шахсларни ўз ичига олади.

Бошқа томондан, норасмий сектор расмий қоидалар ва назорат доирасидан ташқарида ишлайдиган иқтисодий фаолиятни ўз ичига олади. Норасмий фаолият одатда рўйхатдан ўтмаган, расмий шартномалар мавжуд эмас ва кўпинча нақд пул операциялари билан тавсифланади. Бу секторга расмий хуқуқий ва солиқ тузилмаларига риоя қилмаслиги мумкин бўлган кичик бизнес, кўча сотувчилари ва якка тартибдаги тадбиркорлар киради. Норасмий иқтисодий фаолият кўпинча тез даромад олиш зарурати, расмий бозорларга киришнинг йўқлиги ёки тартибга солиш мураккабликларидан қочиш каби омиллар билан изоҳланади.

Иқтисодий фаолиятнинг икки томонлама хусусияти бу икки секторнинг ҳар бири ўзига хос афзаллик ва қийинчиликларга эга бўлган бирга яшашини таъкидлайди. Расмий сектор солиққа тортиш орқали давлат даромадларига ҳисса қўшса, белгиланган қоидаларга амал қиласа, норасмий сектор мослашувчанлик ва бандлик имкониятларини таъминлайди, айниқса расмий бандлик кам бўлган иқтисодларда. Иккала секторнинг ўзгарувчанлигини тушуниш учун иқтисодий ўсишни мувозанатлаш, тартибга солиш талабларига риоя қилиш ва ижтимоий тенгсизликни таъминлаш учун самарали стратегияларни ишлаб чиқишида жуда муҳимдир.

2. Адабиётлар шарҳи.

Солиқ сиёсатининг расмий ва норасмий иқтисодий фаолиятга таъсири турли адабиётларда ўрганилган бўлиб, ушбу тадқиқотлар солиқ сиёсати ўртасидаги мураккаб ўзаро алоқаларни, норасмий секторларнинг ўсишини ва иқтисодий ривожланиш ва бошқарув учун кенгроқ таъсирларни ёритиб беради. Жумладан, А.Жоши ва бошқалар (2014) фикрича, “норасмий иқтисодиётни солиққа тортиш бўйича баҳслар кўпинча унинг чекланган даромад салоҳияти ва кичик фирмаларга мумкин бўлган салбий таъсирларга қаратилади. Бироқ, сўнгги муҳокамалар иқтисодий ўсиш ва бошқарувни яхшилаш каби норасмий солиққа тортишнинг билвосита афзалликларини таъкидлаб, унинг харажатлари ва афзалликларини кўпроқ ўрганиш зарурлигини кўрсатади”.

Ф.Мпофу (2021) Африка мисолида, норасмий секторни солиқ тармоғига киритишга эътибор турли сабабларга кўра, жумладан, даромадларни сафарбар қилиш ва бошқарув ютуқлари билан боғлиқ деб ҳисоблайди. Ушбу танқидий кўриб чиқиши шуни кўрсатадики, норасмий секторда самарали солиққа тортиш ушбу мотивациялар ва расмийлаштиришга тўсқинлик қилувчи тўсиқларни чуқур тушунишни талаб қиласди.

Норасмийликка расмиятчилик ва ижро сиёсати харажатлари таъсир қиласи. Расмийлик харажатларини камайтиришнинг ўзи норасмийликни камайтирмаслиги мумкин, лекин ишлаб чиқариш ва маҳсулдорликни ошириш каби ижобий жами таъсир кўрсатиши мумкин. Норасмийликнинг кенг чегараси бўйича мажбуриятларнинг кучайиши ишсизликни кўпайтирмасдан ялпи ишлаб чиқаришда сезиларли ютуқларга эришиш потенциалини кўрсатади (G.Ulyssea, 2020).

Эътибор берадиган бўлсак, солиқ сиёсати расмий ва норасмий секторлар ўртасидаги динамикани шакллантиришда, тадбиркорлик, иқтисодий ривожланиш ва мувофиқлик хулқ-атворига таъсир кўрсатишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Норасмий иқтисодиётни солиққа тортишда қийинчиликлар мавжуд бўлсада, стратегик сиёсат расмийлаштиришни рағбатлантириши, солиққа риоя қилишни яхшилаши ва кенгроқ иқтисодий ва бошқарув имтиёзларини яратиши мумкин.

Кўришимиз мумкинки, солиқ сиёсати расмий иқтисодий фаолиятни шакллантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Яхши ишлаб чиқилган солиқ сиёсат ўсишни, инновацияларни ва иш ўринларини яратишни рағбатлантириши мумкин, ёмон ишлаб чиқилган ёки оғир солиқ чоралари расмий секторнинг ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин. Солиқ сиёсатининг самарадорлиги кўпинча даромадларни шакллантириш ва бизнеснинг расмий иқтисодиёт доирасида ривожланиши учун қулай мухит яратиш ўртасидаги мувозанатга эришишга боғлиқ. Мисол учун олайлик, инвестициялар учун имтиёзларни, кўпинча фойда солиқ ставкалари паст бўлса, корхоналарни сармоя киритиш, операцияларни кенгайтириш ва расмий иқтисодий фаолият билан шуғулланиш учун рағбатлантириш фаоллиги ортади. Натижаси капиталнинг кўпайиши ва иш ўринлари яратилишига олиб келиши мумкин. Ёки бўлмаса, фойда солиқ ставкалари рақобатбардош бўлган мамлакатлар учун иқтисодий ўсишга ва халқаро рақобатбардошликка ҳисса қўшиб, расмий секторда фаолият юритиш учун кўпроқ корхоналарни жалб қилиш имконини беради.

Умуман олганда, биргина солиқ имтиёзлари ва чегирмалар расмий сектордаги муйян фаолиятни рағбатлантириш учун ишлаб чиқилиши мумкин. Мамлакатимиз тажрибасидан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, кичик ва ўрта корхоналар учун солиқ имтиёзлар тадбиркорликни ва расмий иқтисодий фаолиятнинг ўсишини рағбатлантиришига олиб келишини тажрибада кўп бора кўрганмиз.

3. Таҳлил ва натижалар.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг сўнгги 5 йилликдаги солиқ тушумларининг давлат бюджетидаги улушкини таҳлил қилсакда, расмий сектор фаолияти натижалари қай ҳолатда эканлигини баёнини мулоҳаза қилиб кўрсак (1-жадвал).

1-жадвал.

2019-2023 йиллардаги солиқ тушумлари улуши таҳлили¹, млрд.сўмда

Кўрсаткичлар	2019 й	2020 й	2021 й	2022 й	2023 й (прогноз)
ЯИМ миқдори	529 391,4	602 193,0	734 587,7	888 342	1 066 569,0
Давлат бюджети даромадлари	112 165,4	132 938,0	164 680,3	202 042,9	183 442,8
Солиқ тушумлари	97 784,7	112 892,2	138 257,3	159 750	175 954,8
Бошқа даромадлар	14 380,7	20 045,8	26 423	43 112,8	7 488,0
Солиқ тушумларининг ЯИМга нисбати, фоизда	18,5	18,7	18,8	17,9	16,5

¹ Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида шакллантирилган.

Ушбу таҳлилга эътибор қаратадиган бўлсак, ЯИМ (Ялпи Ички Маҳсулот), давлат бюджети даромадлари, солиқ тушумлари, бошқа даромадлар ва солиқ тушумларининг ЯИМга нисбати каби иқтисодий кўрсаткичларнинг 2019 йилдан 2023 йилгача бўлган ўзгариш тенденциясини акс эттиради. Яъни ЯИМ миқдори 2019 йилдан бошлаб 2023 йилга қадар ортиб бормоқда, 529 391,4 млрд.сўмдан 1 066 569,0 млрд.сўмгacha қўтариленган. Бу ўсиш иқтисодиётнинг кенгайиб бораётганини кўрсатади.

Давлат бюджети даромадлари ҳам 2019 йилги 112 165,4 млрд.сўмдан 2023 йилга келиб 183 442,8 млрд.сўмгacha ошган, бироқ 2022 йилга нисбатан 2023 йилда бироз пасайиш кузатилган (202 042,9 млрд.сўмдан 183 442,8 млрд.сўмгacha). Солиқ тушумлари умумий даромадларнинг асосий қисмини ташкил этади ва 2019 йилдан 2023 йилгача узлуксиз ўсишни кўрсатган. Бошқа даромадлар 2022 йилга келиб кескин ўсишни (14 380,7 млрд.сўмдан 43 112,8 млрд.сўмгacha) кўрсатган, аммо 2023 йилда кескин пасайишга (7 488,0 млрд.сўм) учраган.

Солиқ тушумларининг ЯИМга нисбати 2019 йилдан 2021 йилгача бироз ортган (18.5% дан 18.8% гача), бироқ кейинги йилларда пасайиш кузатилган, 2019 йилдан 2023 йилгача солиқ тушумларининг ЯИМга нисбати пасайганлиги шуни кўрсатадики, иқтисодиёт ўсиб бораётган бўлсада, солиқ тушумларининг улуши ижобий суръатда эмас. Бу норасмий секторнинг ўсиб бораётганини ёки расмий секторда солиқ йиғищдаги самараисизлик ва бўшлиқларни кўрсатиши мумкин.

Норасмий иқтисодиётга худди расмий иқтисодий фаолият каби расмий келишувлар билан қамраб олинмаган, солиққа тортилмайдиган ва ЯИМ ҳисобига киритилмаган иқтисодий фаолият кириши бизга маълум. Солиқ тушумларининг ЯИМга нисбатининг пасайиши корхоналар ва жисмоний шахслар томонидан кам ҳисбот беришига ишора қилиши мумкин, бу эса солиқ тўлашдан бўйин товлашга олиб келади. Умуман олиб айтганда, тақдим этилган маълумотлар, биринчи навбатда, расмий иқтисодиётнинг динамикасини акс эттирасада, асосий тенденциялар ва номувофиқликлар норасмий иқтисодиёт ҳажми ва унинг расмий иқтисодий тузилмалар билан ўзаро таъсири ҳақидаги фикрни бериши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёев раислигига 2024 йил 16 январь куни 2024 йилда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Мазкур йиғилишда Президент Шавкат Мирзиёев: “Бугунги кундаги энг долзарб масала бу – яширин иқтисодиёт. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаги, хизматлар, қурилиш, саноат соҳаларида катта миқдордаги айланма “соя”да қолмоқда”. Давлатимиз раҳбари яширин иқтисодиёт адолатли рақобатга, ҳалол тадбиркорлар фаолиятига тўсиқ бўлаётганини айтиб, қўшимча чораларни кўрсатиб ўтди². Бу эса биз томонимиздан олиб борилаётган тадқиқотнинг ўта долзарб эканлигини кўрсатмоқда.

Бошқа томонлама ёндашиб кўрайлик, масалан, солиққа тортишнинг қатъий чоралари корхоналарни солиқ қоидаларига риоя қилиш учун ўз фаолиятини расмийлаштиришга ундаши мумкин. Бу расмий секторда шаффофлик ва жавобгарликни оширишга олиб келиши мумкин. Шунингдек, самарали солиқ сиёсати ва ижро механизmlари солиқ тўлашдан бўйин товлашни камайтиришга, солиқ юкининг адолатли тақсимланишини таъминлашга ва расмий иқтисодий тизимга ишончни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

² Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёев раислигига 2024 йил 16 январь куни 2024 йилда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши. <https://president.uz/uz/lists/view/6971>

Расмий қоидалар ва тузилмалардан ташқарида фаолият юритувчи иқтисодий фаолият билан тавсифланган норасмий секторга солиқ сиёсати сезиларли даражада таъсир қўрсатади. Солиқ сиёсатининг норасмий секторга таъсирини тушуниш норасмийлик, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва кенгроқ иқтисодиётнинг умумий динамикаси билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда жуда муҳимдир.

Биз айрим маълумотлар асосида ўз таҳлилларимизни давом эттирадиган бўлсақ, 2-жадвалда 2018-2022 йилларда солиқдан бўйин товлаш бўйича солиқ тўловчиларнинг фаолияти таҳлили келтирилган.

2-жадвал

2018-2022 йилларда солиқдан бўйин товлаш бўйича солиқ тўловчиларнинг фаолияти таҳлили³

№	Кўрсаткичлар	Йиллар кесимида				
		2018	2019	2020	2021	2022
1.	Бухгалтерия ҳисобини юритмаган корхоналар сони	944	615	358	1 160	491
2.	Солиқ объектини яширган корхоналар сони (СК-223)	5423	6871	2 323	20 031	7 406
3.	Солиқ органларида рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритган корхоналар сони	2641	1916	Пандемия муносабати билан текширувлар ўтказилмаган	1425	2 857
4.	Солиқ текширувларида қўшимча солиқ ҳисобланган корхоналар сони	24265	32444	41 105	88 404	107 197
5.	Назорат касса машиналарини юритмаган корхоналар сони	11245	9888	11854	8 241	65 764
6.	Солиқ турлари бўйича солиқ базасини асоссиз камайтириб қўрсатган корхоналар сони	1941	687	2 323	1 160	7 406

Ушбу маълумотларни таҳлил қилиб, унинг норасмий фаолият билан боғлиқ томонларини қўриб чиқадиган бўлсақ, бухгалтерия ҳисобини юритмаган корхоналар сони 2018 йилда 944 та бўлган, кейинги йилда камайган (615), 2020 йилда янада пасайган (358), аммо 2021 йилда кескин ортган (1 160) ва 2022 йилда яна камайган (491). Тегишли бухгалтерия ҳисобини юритмайдиган корхоналар сонининг ўзгариши иқтисодиётнинг расмий меъёрий-хуқуқий базадан ташқарида фаолият юритаётган сегментини қўрсатади. Бу субъектлар расмий назорат ва солиққа тортишдан қочиб, норасмий секторнинг бир қисми бўлиши мумкин.

³ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

Солиқ обьектини яширган корхоналар сони 2018 йилдан 2022 йилгача кўрсаткичда ўсиш ва пасайишлар кузатилган. 2021 йилда ушбу кўрсаткич кескин ошган (20 031), бу эҳтимол солиқ органларининг текширувлари самарадорлигини ошириши билан боғлиқ. Солиқ обьектларини яширадиган корхоналарнинг катта қисми солиқларни тўлашдан бўйин товлашга қасдан уринишдан далолат беради, бу эса норасмий фаолиятнинг умумий хусусияти ҳисобланади. 2021 йилда бундай ҳолатларнинг кескин ўсиши норасмий иқтисодий фаолиятнинг ўсиши ёки солиқ органлари томонидан аниқлаш ҳаракатларининг яхшиланганлигини кўрсатиши мумкин.

Солиқ органларида рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритган корхоналар сони 2020 йилда пандемия муносабати билан текширувлар ўтказилмаган. Бу кўрсаткич 2022 йилда 2 857 тага етган, бу пандемиядан кейинги текширувларнинг фаоллашувини кўрсатиши мумкин. Маълумотлар солиқ рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритувчи компаниялар сонининг ўзгаришини 2022 йилда сезиларли ўсиш билан кўрсатмоқда. Бу норасмий фаолиятнинг бевосита кўрсаткичидир, чунки бу корхоналар расман тан олинмаган ва шунинг учун солиқقا тортилмаганлигини англатса, бошқа томондан бюджетга тушадиган солиқ тушумларининг тўланмаслигига сабаб бўлган.

Солиқ текширувларида қўшимча солиқ ҳисобланган корхоналар сони 2018 йилдан 2022 йилгача мунтазам ошган, бу солиқ органларининг текширувлари самарадорлигини ва солиқ базасини кенгайтиришга бўлган уринишларни акс эттиради. Текширувлар давомида қўшимча солиқлар ҳисобланган корхоналар сонининг доимий ўсиб бориши қўпчилик хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз даромадлари тўғрисида кам ҳисбот беришлари ёки солиқ мажбуриятларини камайтириш учун бошқа усуллар билан шуғулланишларини кўрсатади. Бундай ҳолатларнинг ҳаммаси ҳам норасмий иқтисодиётга тегишли бўлмасада, бир қисми, айниқса, қасдан кам ҳисбот бериш ёки бўйин товлаш билан шуғулланадиганларнинг мавжуд эканлигини кўрсатмоқда.

Назорат касса машиналарини юритмаган корхоналар сони 2022 йилда кескин ошиш кузатилган (65 764), бу 2022 йилда назорат-касса машиналаридан фойдаланмаётган компаниялар сонининг кескин ўсиши транзакцияларни расмий қайд этиш усуllibаридан узоқлашганидан далолат беради, бу амалиёт норасмий секторда кенг тарқалган бўлиб, нақд пулда амалга оширилади ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш учун қайд этилмайди.

Солиқ турлари бўйича солиқ базасини асоссиз камайтириб кўрсатган корхоналар сони 2021 йилга нисбатан 2022 йилда кўпайган, бу солиқ базасини маҳсус текширишлар орқали аниқлаштириш жараёнларининг кучайтирилганини кўрсатиши мумкин. Бу хатти-ҳаракатлар расмий ва норасмий сектор фаолиятидан далолат беради. У даромадлар тўғрисида кам ҳисбот бериш орқали солиқ мажбуриятларини минималлаштиришга уринишларни акс эттиради, бу амалиёт иккала секторда ҳам кенг тарқалган бўлиши мумкин, лекин айниқса норасмий иқтисодий фаолиятнинг рамзи ҳисобланади.

Ушбу маълумотлар билан таъкидланган хатти-ҳаракатлар - бухгалтерия ҳисобини юритмаслик, солиқ рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритиш, назорат-касса машиналаридан фойдаланмаслик, солиқ базасини кам ҳисбот бериш каби норасмий иқтисодиётга хосдир. Бу фаолиятлар расмий тартибга солиш ва солиқقا тортиш тизимидан қочиб, давлат даромадларининг йўқолишига олиб келади ва иқтисодий сиёsat ва тартибга солиш учун қийинчиликлар туғдиради. Бундан ташқари, бундай амалиётларнинг кенг тарқалиши иқтисодий маълумотларни бузиб, сиёсий қарорлар ва ресурсларни тақсимлашга таъсир қилиши мумкин.

Маълумотлар иқтисодий фаолиятни расмийлаштиришни рағбатлантирадиган сиёsat зарурлигини таъкидлайди. Бу солиқ рўйхатидан ўтиш жараёнини соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларининг солиқ мажбуриятларини бажаришини осонлаштириш ва нақд пул операцияларига боғлиқликни камайтириш учун рақамли молиявий хизматлардан фойдаланишни кўпайтиришни ўз ичига олади. Расмий секторга норасмий фаолиятни жалб қилиш бўйича саъй-ҳаракатлар иқтисодий режалаштиришни яхшилаш, солиқ йиғишни яхшилаш ва пировардида барқарор иқтисодий ўсишга ҳисса қўшиши мумкин.

Келинг энди ушбу ҳолат натижасида бюджет қанча зарар кўрганини ҳам таҳлилини кўриб чиқсак, шундагина норасмий иқтисодиётнинг давлат бюджетига етказиб келаётган заарини қисман бўлсада англашимиз мумкин (З-жадвал)

З-жадвал

2018-2022 йилларда солиқ тўловчи ҳолатлари натижасида бюджет

манфаатларининг зарар кўрилиши таҳлили⁴ (млрд.сўм)

Кўрсаткичлар	Йиллар кесимида				
	2018	2019	2020	2021	2022
Бухгалтерия ҳисобини юритмаганлиги учун кўрилган зарар суммаси	1254,11	2471,32	1 599,85	3 659,87	1 352,13
Солиқ объектини яширганлиги учун кўрилган зарар суммаси	2451,67	2987,66	1 597,4	4 561,5	2 630,5
Солиқ органларида рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритганлиги учун кўрилган зарар суммаси	456,1	274,13	Пандемия муносабати билан текширувлар ўтказилмаган	116,1	165,11
Солиқ текширувларида қўшимча солиқ ҳисобланган солиқ суммаси	7466,1	8881,94	9 694,0	10 000,7	11 292,3
Назорат касса машиналарини юритмаганлиги учун яширилган солиқ суммаси	121,1	84,78	12,2	69,58	90,98
Солиқ турлари бўйича солиқ базасини асоссиз камайтириб кўрсатганлик учун зарар суммаси	2468,1	2226,9	1 597,4	4 561,5	2 630,5

⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

3-жадвалда 2018-2022 йилларда солиқ тўловчилар томонидан солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг турли шакллари ва мажбуриятларини бажармаслик оқибатида давлат бюджетига молиявий таъсир қўрсатилиб, миллиардлаб сўмларда зарар етказилганлигини кўришимиз мумкин.

Бухгалтерия ҳисобини юритмайдиган корхоналардан етказилган зарар 2021 йилда 3659,87 млрд.сўмга етди. Умумий тенденция корхоналарнинг бухгалтерия ҳисобини тўғри юритмаслиги сабабли давлат бюджетига сезиларли йўқотишларни кўрсатади. Солиқ объектларини яширган корхоналардан етказилган зарар 2021 йилда 4 561,5 млрд.сўмни ташкил этган, бу бюджет учун энг катта йўқотишлардан бири бўлиб, солиққа тортиладиган даромадлар ёки активлар тўғрисида кам ҳисобот бериш ёки яшириш билан боғлиқ доимий муаммони кўрсатади.

Солиқ органларида рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритувчи корхоналардан етказилган зарар 2021 йилда зарар 2018 ва 2019 йилларга нисбатан камайган (116,1 млрд.сўм), 2022 йилда (165,11 млрд.сўм) бироз ошган. Солиқ текширувлари пайтида ҳисобланган қўшимча солиқларнинг муттасил ортиб бораётгани ва 2022 йилда 11 292,3 млрд.сўмга етгани солиқ органлари томонидан, эҳтимол, аниқлаш усулларини такомилластириш орқали қўпроқ ҳисобот бериш ёки бўйин товлаш ҳолатлари аниқлананаётганидан далолат беради. Касса аппаратларидан фойдаланмаслик сабабли яширин солиқ суммаси 2022 йилда 90,98 млрд.сўм Бу норасмий иқтисодиётда солиқларни тўлашдан бўйин товлашнинг кенг тарқалган тактикаси бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг транзакцияларни аниқ қайд эта олмаслиги билан боғлиқ давом этаётган муаммоларни кўрсатади.

Ҳар хил турдаги солиқлар бўйича солиқ солинадиган базаларни кам ҳисобот берадиган корхоналардан етказилган зарар 2021 йилда сезиларли ўсиш ва 2022 йилда барқарор юқори даражага эга бўлган солиқ объектларини яширган корхоналар билан кузатилган намунани акс эттиради. Бу ўхшашлик турли солиқ турлари бўйича кам ҳисобот бериш билан боғлиқ кенг муаммони кўрсатади.

Беш йил давомида ушбу фаолиятдан давлат бюджетига жамланган зарар норасмий иқтисодий фаолиятнинг сезиларли молиявий таъсирини кўрсатади. Текширувлар давомида ҳисобланган қўшимча солиқлар ҳажмининг ўсиш тенденциялари, яширин солиқ объектлари ва кам ҳисобот берилган солиқ базаларидан 2021 ва 2022 йилларда кўп зарар кўриши солиқ органлари томонидан солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини аниқлаш ишлари такомиллашаётган бўлсада, муаммо кўлами жиддийлигича қолаётганидан далолат беради.

Бу йўқотишларга норасмий иқтисодиётнинг қўшган ҳиссаси кўп қиррали бўлиб, у рўйхатга олинмаган хўжалик операциялари, даромадлар тўғрисида етарлича ҳисобот бермаслик, операцияларни яшириш учун назорат-касса машиналаридан фойдаланмаслик, бухгалтерия ҳисобини тўғри юритмаслик натижасида юзага келади. Бундай амалиётлар нафақат давлат бюджетига тўғридан-тўғри молиявий йўқотишларга олиб келади, балки солиқ тизиминингadolatлилиги ва самарадорлигига путур етказади.

Тақдим этилган жадваллар солиқ тўлашдан бўйин товлаш оқибатлари, норасмий иқтисодий фаолият кўлами ва уларнинг расмий иқтисодий тузилмаларга таъсири, хусусан, 2018-2022 йиллардаги давлат бюджети даромадлари бўйича қимматли маълумотларни тақдим этади. Ушбу таҳлилдан олинган хулосалар солиққа оид янада самарали сиёsat ва стратегияларни ишлаб чиқишига ёрдам бериши мумкин.

4. Хулоса.

Солиқ сиёсати давлат бюджетига зарур даромадларни келтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Текширувлар давомида ҳисобланган қўшимча солиқлар ва қонунбузарликлардан келиб чиққан молиявий заарни кўрсатувчи маълумотлар давлат хизматлари ва инфратузилмани қўллаб-қувватлаш учун етарли маблағ ундирилишини таъминлашда солиқ сиёсатининг муҳимлигини таъкидлайди.

Солиқ текширувлари натижасида аниқланган ортиб бораётган суммалар ижро механизмлари солиқ сиёсатининг муҳим таркибий қисми эканлигидан далолат беради. Самарали ижро этиш нафақат ножӯя хатти-ҳаракатларни аниқлашга, балки мумкин бўлган қочишнинг олдини олишга ҳам хизмат қиласиди ва шу билан расмий иқтисодиётда мувофиқликни кучайтиради.

Солиқ органларида рўйхатдан ўтмаган, бухгалтерия ҳисобини юритмайдиган, солиқ объектларини яшираётган тадбиркорлик субъектларининг кўплиги норасмий секторнинг ҳажми ва мослашувидан далолат беради. Ҳаддан ташқари мураккаб ёки катта юк бўлган солиқ сиёсати корхоналарни солиқлар ва қоидалардан бўйин товладиган норасмий секторда ушлаб туриши мумкин.

Норасмий иқтисодий фаолият баъзи субъектларга солиқлар ва тартибга солувчи мажбуриятларни тўлашдан бўйин товлаш имконини бериб, иқтисодий тенгсизликни кучайтириши мумкин ва шу тариқа талабларга жавоб берадиган корхоналарга нисбатанadolatsiz устунликка эга бўлади. Солиқ сиёсати ўйин майдонини тенглаштиришга, солиқ юки ва қонунларга риоя қилишдаadolatlılikni таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Таҳлилларга суюнадиган бўлсак, самарали солиқ сиёсати даромадларни максимал даражада йиғиш, қонунчиликка риоя қилишни рағбатлантириш ва норасмий иқтисодий фаолиятни қисқартиришда муҳим аҳамиятга эга. Аммо солиқ сиёсати ҳақиқатан ҳам самарали бўлиши учун у ижро ва рағбатлантириш, соддалаштириш ваadolatlılik, давлат эҳтиёжлари ва солиқ тўловчиларнинг имкониятлари ўртасида мувозанатни сақлаши керак.

Норасмий иқтисодиёт қўяётган муаммоларни ҳал қилиш учун солиқ сиёсати расмийлаштириш ва риоя қилишни рағбатлантириш, расмий секторни янада қулайроқ ва жозибадор қилиш учун ишлаб чиқилиши керак. Бу нафақат риоя қилмаслик учун жазо чораларини, балки корхоналарни солиқ мажбуриятларини тушуниш ва бажариш учун қўллаб-қувватлаш ва ўқитишни ҳам ўз ичига олади. Бундан ташқари, солиқ сиёсатини доимий таҳлил қилиш ва мослаштириш иқтисодий фаолиятнинг ривожланаётган ҳолатига жавоб бериш ва ўсиб бораётган расмий иқтисодиётнинг ўзгарувчан эҳтиёжларини қўллаб-қувватлаш учун жуда муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, солиқ сиёсати норасмий секторга катта таъсир кўрсатади. Расмийлаштиришни рағбатлантирадиган ва норасмий бизнес дуч келадиган муаммоларни ҳал қиладиган ислоҳотлар билан даромад олиш эҳтиёжини мувозанатлаш янада барқарор иқтисодий муҳитни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

Joshi, A., Prichard, W., & Heady, C. (2014). Taxing the Informal Economy: The Current State of Knowledge and Agendas for Future Research. The Journal of Development Studies, 50, 1325 - 1347. <https://doi.org/10.1080/00220388.2014.940910>.

Mprofu, F. (2021). Informal Sector Taxation and Enforcement in African Countries: How plausible and achievable are the motives behind? A Critical Literature Review. Open Economics, 4, 72 - 97. <https://doi.org/10.1515/openec-2020-0114>.

Ulyssea, G. (2020). Informality: Causes and Consequences for Development. *Annual Review of Economics*. <https://doi.org/10.1146/annurev-economics-082119-121914>.

Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёев раислигига 2024 йил 16 январь куни 2024 йилда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши. <https://president.uz/uz/lists/view/6971>



КОРХОНАЛАР ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИЁТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

PhD Гафурова У.Ф.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муамолари» илмий тадқиқот маркази

Аннотация: Мақолада корхоналар инновацион фаолияти самарадорлигини баҳолаш услубиётини қўллаш тартиби ва корхоналар инновацион салоҳиятини тавсифловчи умумлаштирувчи кўрсаткичлар тизими ёритилган. Шу билан бирга корхоналар инновацион салоҳиятни баҳолаш механизмини такомиллаштириш борасида таклиф ва тавсифлар келтирилгандир.

Калит сўзлар: инновация, инновация маҳсулотлари, инновация жараёнлари, инвестицион мұхит, инвестицион мұхит жозибадорлиги, инновацион фаолият самарадорлиги.

Аннотация: В статье описан порядок применения методики оценки эффективности инновационной деятельности предприятий и системы общих показателей, характеризующих инновационный потенциал предприятий. В то же время приводятся предложения и рекомендации по совершенствованию механизма оценки инновационного потенциала предприятий.

Ключевые слова: инновации, инновационная продукция, инновационные процессы, инвестиционная среда, привлекательность инвестиционной среды, эффективность инновационной деятельности.

Abstract: The article describes the procedure for applying the methodology for assessing the effectiveness of innovative activities of enterprises and the system of general indicators characterizing the innovative potential of enterprises. At the same time, proposals and recommendations are provided for improving the mechanism for assessing the innovative potential of enterprises.

Key words: innovation, innovative products, innovative processes, investment environment, attractiveness of the investment environment, efficiency of innovation activities.

1. Кириш.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда изчил давом этаётган шиддатли ислоҳотлар жараёни иқтисодиётнинг реал секторида инвестицион ва инновацион фаолият самарадорлигини оширишни, жужладан корхоналар инвестицион ва инновацион фаолияти ривожланиши ва самарадорлигини баҳолаш амалиёти муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этиш юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиши, корхоналар иқтисодий тараққиёт барқарорлигини, уларнинг глобал

рақобатбардошликка эришишини таъминлаш – миллий иқтисодиётимизда корхоналар инвестицион ва инновацион фаолияти самарадорлигини баҳолаш амалиётининг замонавий ҳолатини таҳлил қилишни тақозо этади.

Корхоналар инвестицион ва инновацион фаолияти ривожланиши ва самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштириш ҳозирги замон амалиётини долзарб масалаларидандир. Бу борада қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш муҳим ҳисобланади:

- ташқи ва ички бозорлардаги маҳсулотнинг реал рақобатбардошлигини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш умумий харажатларини минимумга олиб келган ҳолда сифатнинг берилган даражасини таъминлаш;
- инвестицияларнинг зарурий ҳажмини ва уларни инновацион жараён босқичларини ҳамда иштирокчилари ўртасида тақсимланишини аниқлаш;
- янги маҳсулот сифатига бўлган харажатлар ва ишлаб чиқарувчининг инновацион фаолияти натижаларининг ўзаро алоқасини аниқлаш.

Инновация иқтисодиётни тақрор ишлаб чиқариш жараёнида юзага чиқадиган ғоялар трансформациясининг натижаси, изланишлар, ишланмалар, янги ёки такомиллаштирилган илмий-техникавий, ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва бошқарув қарорлари сифатида талқин этилади. Инновацияни инновацион жараённинг маҳсули сифатида бозорларда “ишлаб чиқарувчи” ва “истеъмолчи” ўрнида кўриш таҳлилни анчагина осонлаштиради. Бунинг учун “инновацион салоҳият” тушунчасини ёритиш ва корхонанинг иқтисодий ривожланишига баҳо беришда ундан кенг фойдаланиш илмий-методик жиҳатдан тўғри бўлади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Москвина О.С. (2012) фикрича, инвестицион фаолият самарадорлигининг тақрор ишлаб чиқариш жиҳатларини ўзида акс эттирган ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда инновацион салоҳият шаклланишининг функционал асослари каби хусусиятлар устунлик қиласди.

Кўпгина иқтисодчи-олимлар томонидан “инновацион салоҳият” категориясига берилган қуйидаги асосий қарашларни келтириш мумкин:

- Инновацион салоҳият – бу илмий, интеллектуал, ижодий ва илмий-техникавий ихтиrolарнинг йиғиндиси;
- Инновацион салоҳиятга инновацион фаолиятни амалга оширишни таъминловчи мавжуд ресурслар сифатида қараш;
- Инновацион салоҳият – инновацияни амалга оширишда ресурслардан унумли фойланишни таъминлашга хизмат қиласиган янги имкониятлар;
- Инновацион салоҳиятнинг интеграллашган кўриниши – ресурсларнинг жорий қиймати ва ундан фойдаланиш имконияти;
- Инновацион салоҳиятни инновацион фаолиятни амалга оширишга қодир бўлган иқтисодий субъектнинг тайёргарлиги ва қобилияти сифатида кўриш.

Иқтисодчи олимлар корхона инновацион фаолиятининг ривожланишини иккига бўлиб ўрганишни тавсия этадилар. Булар:

- инновацион ривожланишга ўтиш учун корхонада мавжуд бўлган барча шароит ва имкониятлар;
- инновацион фаолиятни фаоллаштиришга қодир бўлган иқтисодий субъектларнинг қобилиятлари.

Бизнингча, бу олим томонидан инновацияга берилган таъриф ва қарашлар қисман тўғри бўлиб, улар инновацион жараёнга берилган батафсил маълумотлар сифатида қайд этишимизга асос бўлмайди. Демак, инновация категориясини қараб

чиқиш ва инновацион жараёнларнинг ихтисослашган хусусиятларини талқин этиш, уни бошқариш учун ушбу категориянинг мазмун-моҳиятини тўла акс эттирган маҳсус классификацияни ишлаб чиқиш тақазо этилади. Инновацияни таҳлил этишининг муҳим асосий босқичи сифатида таснифлашнинг бир қатор аломатларини ўрганиш талаб этилади.

3. Тадқиқот методологияси.

Мазкур илмий мақолада гурухлаш, тизимли қиёсий таҳлил ва тизимли ёндошув, эксперт ва таққослама таҳлил, башоратлаш, маълумотларни статистик ишланмаси методлари ва бошқа замонавий усулларидан фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар.

Макродаражада инновациялар самарадорлигини аниқлашда мамлакатда яратилаётган инновацион маҳсулотлар, ишланмалар ва хизматларни амалиётга татбиқ этиш ҳамда ўзлаштириш сифатли, рақобатбардош, янги маҳсулот ишлаб чиқариш ёки янада самарали ва модификацияланган технологиялардан фойдаланиш асосида олаётган фойда миқдорини оширишга эришиш билан баҳоланади.

Турли мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг инновацион салоҳиятини баҳолашда эса қуидагиларни аниқ белгилаш лозим:

1. Корхоналарни инновацияларнинг рискли йўлига қадам қўйишига ундовчи рағбатлар.
2. Корхоналар учун инновацияларни амалга ошириш.

Корхоналарнинг инновацион салоҳиятини баҳолашда маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, уларни ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда сотиш ва шу асосда саноат ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланиши ва экспорт салоҳият ўсишини таъминлаш эътиборга олиниши зарурдир.

Миллий иқтисодиётнинг инновацион салоҳияти, корхоналар ишлаб чиқараётган товарларга доимий тарзда янги ўзгартиришлар киритилишига, янги маҳсулотлар яратилишига, истеъмолчилар талабларини қондириш учун илмий-техник тараққиётнинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этилишида намоён бўлади. Буларнинг барчаси бозордаги мавжуд мавқени ушлаб туриш, корхонанинг узоқ муддатли иқтисодий самарадорлигини таъминлаш ва жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувига имконият беради.

Корхоналарнинг давлат ва жаҳон миқёсида барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлашда турли тармоқлар тараққиётининг инновацион йўналиши ва бу борада ишлаб чиқилган дастурлар асос бўлиб хизмат қиласи. Дархақиқат, корхона иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлаш, уларни бир текисда ижтимоий ларзаларсиз ва кескин тафовутларсиз ривожланишини таъминлаш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Бундай ҳолда корхона молиявий стратегияси, албатта, унинг инновацион-инвестицион салоҳиятининг нечоғли тўғри ва аниқ сафарбар этилганлиги билан белгиланади. Зеро, корхоналарнинг барқарор иқтисодий ривожланишининг шарти - айнан инновацион ва инвестицион салоҳиятнинг ривожланиши ҳамда иқтисодий омиллардан оқилона фойдаланишга боғлиқ.


Инновация жараёнлар, ихтиrolар, дастлабки ғоялар маълум бир иқтисодий маънони касб этгани ҳолда, муваффақиятли янгиликлар (янги ғоялар) бозорда таклиф сифатида намоён бўлиб, истеъмолчилар бунинг учун пул маблағини тўлашга, яъни талабни қондиришга хизмат қиласи.

Шундай қилиб, ҳар қандай такрор ишлаб чиқариш жараёнининг бош омиллари бўлмиш меҳнат ва капитал ўртасидаги нисбатнинг турлича ишлатилишидан келиб чиқиб, меҳнат унумдорлигига капитал ресурсини ошириш орқали эришиш ёки капитал ресурсини камайтириб, яъни меҳнат ресурсини капитал билан таъминланганини камайтириш оқибатида ишлаб чиқариш самарадорлиги даражасининг ўзгаришини қайд этиш лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, инновацияни жорий этиш натижасида тез фурсатда иқтисодий самарага эришиш мумкин эмас, чунки инновацияни жорий этиш босқичида унинг капитал сифими юқори, уни эксплуатация қилиш давомида эса капитал тежамкорлиги юқори бўлади.

Зеро, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, уларни иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизга татбиқ этиш учун ҳудудий шарт-шароитлар ва инвестицион маблағларнинг мавжудлиги талаб этилади. Бугунги кунда корхоналар томонидан катта маблағлар илм-фанга, янги ихтиrolарни кашф этишга йўналтирилмоқда. Корхоналарнинг келажакда юқори фойдага эришиш мақсадида олиб бораётган сиёсати ҳамда рақобатбардошликни ошириш, ўз мақеини (имиджини) сақлаб қолишга қаратган саъй-ҳаракатининг ягона гарови – юқори унумдорликни таъминлайдиган замонавий технологияларни рақобатчилардан олдинроқ яратишдан иборатdir.

Натижавий кўрсаткичларнинг таъминланиши пассив (инновацияни ривожланиши учун мавжуд шароит) ёки актив (янгиликларни яратиш учун мавжуд бўлган мотивация ва ташаббус) усусларда амалга ошириш мумкин. (1-расм).



1-расм. Корхонанинг инновацион салоҳият заҳиралари таркиби¹

Пассив усул давлат томонидан берилган имтиёзлардан фойдаланиш, давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик, хуқуқий база, солиқ имтиёзлари ҳамда инфраструктуранинг ривожлангани билан белгиланади. Актив усулда эса натижавий (миқдорий ва сифат) кўрсаткичларни таъминлаш учун корхонада мавжуд бўлган рағбатлантирувчи функцияга асосий урғу берилади

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

Корхона иқтисодиёти даражасида инновацион салоҳият замирида, инновацион фаолиятни ташкил этиш ва рағбатлантиришга алоқадор мавжуд тизим субъектларининг (истеъмолчи, ижро ҳокимияти субъекти, субъект-новатор, бозор ва х.) мавжуд ёки янги вужудга келаётган эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган янги ҳолатга ўта олиш салоҳиятини тушуниш керак бўлади.

Корхона молиявий-иқтисодий сиёсати мазмун жиҳатидан унинг инновацион салоҳиятига боғлиқ бўлиб, у, ўз навбатида, корхонанинг келгусидаги молиявий-иқтисодий ҳолати ва имкониятларининг ривожланишини олдиндан белгилаб беради. Корхонанинг иқтисодий ривожланиши эса учта манбага асосланиши мумкин:

- ❖ ишлаб чиқариш омиллари (ўсишнинг экстенсив тури);
- ❖ инвестициялар (ривожланишнинг ўрта даражаси, ўсишнинг экстенсив-иқтисодий тури);
- ❖ инновациялар (олий даража, иқтисодий ўсишнинг интенсив тури).

Ҳар бир корхона бир вақтнинг ўзида ушбу ривожланишнинг уч манбасидан фойдаланади, бир вақтнинг ўзида, қоида тариқасида, улардан бири устувор ҳисобланиши сабабли, корхоналарнинг иқтисодий ўсиш даражаси ва сифати бўйича таснифлаш имконияти яралади.

Корхоналарнинг инновацион салоҳиятини таҳлил қилиш услубиётини аниқлаш учун корхоналар инновацион фаолияти самарадорлигига халқаро ва худудий баҳо бериш усулини қўллаш таклиф қилинади. Мазкур таҳлилни амалга ошириш учун Ф.Бергер (2018) томонидан кўриб чиқилган, корхонанинг инновацион салоҳиятини ўрганишнинг фундаментал таҳлил концепциясига таянуви алгоритмик кетма-кетлигини ишлаб чиқиш таклиф қилинади.

Мазкур концепция “юқоридан пастга” комплекс услугий ёндашувга асосланади, яъни таҳлилга ёндашиш, таҳлилни у ёки бу иерархиянинг юқори даражасидан бошлишни ва пастга, таҳлилнинг таянч бирликларига қараб ҳаракатланишини тақозо этади. Алгоритм иерархиясининг юқори босқичида инновацион салоҳиятга берилган халқаро баҳо ўрин эгаллайди, кейинги тадқиқот нуқтаси ҳудудий даражада бўлади ва ниҳоят охирги даражада инновацион салоҳият хусусий кўрсаткичларининг баҳоси акс этади (2-расм).

Корхоналар инновацион фаолияти самарадорлигини баҳолаш услубиётини тадқиқ қилиш кетма-кетлиги

Корхоналар инновацион фаолияти самарадорлигига халқаро баҳо

Корхоналар инновацион фаолияти самарадорлигига худудий баҳо

Корхоналар инновацион фаолияти самарадорлиги хусусий кўрсаткичларининг баҳоси

2-расм. Корхоналар инновацион фаолияти самарадорлигини баҳолаш услубиётини тадқиқ қилиш кетма-кетлиги².

² Муаллиф томонидан тузилган.

Корхона инновацион ривожланиш таҳлилиниң алгоритми аниқлаб олингандан сўнг, тадқиқот таҳлилиниң вақтга доир даврини ҳисоблаш зарур бўлади. Корхоналар инновацион фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг машҳур услубларидан бири Халқаро иқтисодий форумнинг (ХИФ) глобал рақобатбардошлиқ ҳисботлар учун ҳисобланадиган “Глобал рақобатбардошлиқ индексининг инновацион салоҳият субиндекси (GCI)” ҳисобланади.

Инновацион салоҳиятни баҳолаш алгоритми худудий даражада учта кўринишдаги кетма-кет амалга ошириладиган босқичларда тақдим этилиши мумкин. Қўйида К.Багриновский ва бошқаларнинг (2016) корхоналарнинг инновацион салоҳиятини баҳоловчи меъёрий услубларини умумлаштирган ҳолда, ўз таҳлилларимизни баён этамиз.

Корхоналар инновацион салоҳиятни баҳолаш алгоритми уч босқичда амалга оширилади (1-жадвал). Шу билан бирга, кўрсатилган алгоритмни амалга ошириш бир қатор услубий муаммоларни ҳал қилишни талаб этади. Биринчи муаммо инновацион салоҳиятни ресурс ва натижадорлик тузувчиларини таснифловчи кўрсаткичлар йиғиндисини танлаш зарурияти билан боғлиқ.

1-жадвал

Корхоналарнинг турли ривожланиш босқичларида қўлланиладиган субиндекслар³

Ривожланиш босқичи	Асосий (базавий) эҳтиёжлар, %	Самарадорликни кучайтирувчилар, %	Инновация ва модернизация, %
Ресурс ривожланиши босқичи	50	40	10
Самарадорликнинг ўсиши босқичи	40	50	10
Инновацион ривожланиш босқичи	30	40	30

Мазкур муаммони еча туриб, олимлар кўрсаткичлар жамланмаси умумлаштирувчи ва хусусий кўрсаткичлардан ташкил топган бўлиши кераклигини таъкидлайдилар. Улардан биринчиси, базавий таснифлагич сифатида юзага чиқади ва чегаравий ҳолатни аниқлашни талаб қиласди, иккинчиси эса, ёрдамчи вазифани бажариб, асосан ҳудуд инновацион ривожланишида мавжуд тенденцияларни тушунтириш учун хизмат қиласди.

Умумлаштирувчи кўрсаткичлар танлови қўйидагилардан келиб чиқиб амалга оширилади:

- кўрсаткичлар тизими инновацион жараёнларни комплекс равища таснифланган ҳолда, унинг асосий босқичларини ўз ичига олиши лозим: “фан-инновация-ишилб чиқариш ва тарқатиш”; индикаторлар йиғиндиси эластик бўлиши лозим, яъни корхонанинг инновацион соҳасида юз бераётган барча ўзгаришлар акс этиши керак (ресурс ва натижадорлик таснифларини қўшган ҳолда);

³ Муаллиф томонидан тузилган.

- корхоналар кесимида инновацион салоҳиятнинг таққослама баҳолашни олиб бориш учун кўрсаткичлар сони чекланган бўлиши ҳамда корхонанинг статистик хусусиятлари ва имкониятлари билан боғланган бўлиши лозим.

Шу муносабат билан барча умумлаштирувчи кўрсаткичлар корхонанинг инновацион салоҳиятини тавсифловчи бешта баҳолаш блокларига гурухланган (2-жадвал).

2-жадвал

Корхоналар инновацион салоҳиятини тавсифловчи умумлаштирувчи кўрсаткичлар тизими (О.С.Москвина, 2012)

Кўрсаткичлар гурӯҳи	Кўрсаткич ва унинг шартли мазмуни	Кўрсаткичларнинг шартли белгилари	Кўрсаткичнинг чегаравий тавсифи	
			R	Z
Кадрлар бўйича	Саноат-ишлиб чиқариш ходимларининг умумий ҳисобида олий маълумотли ходимларинг улуши, ш.б.	K1	0.25	0.8
	Ишчи кучига сарфланаётган умумий харажатлар ҳажмида касбий таълим учун харажатлар улуши, ш.б.	K2	0.15	0.5
	Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг миқдори, ҳар 10 минг аҳоли сонига нисбатан, киши	K3	100	150
Техник-технологик ташкил этувчи	Асосий ишлиб чиқариш фондларининг эскириш даражаси, % да	T1	60	25
	Асосий ишлиб чиқариш фондларининг янгилиниш коэффициенти, % да	T2	4.5	12.0
	Эксплуатация муддати 10 йилгача бўлган ускуналарнинг улуши, ш.б.	T3	0.33	0.7
Молиявий ташкил этувчи	Ишлиб чиқарилган маҳсулот ҳажмида фан ва илмий тадқиқотларга қилинган харажатларнинг улуши, %да	Φ1	2.5	5
	Ишлиб чиқарилаётган маҳсулотларнинг умумий ҳажмида инновацияларга сарфланган харажатларнинг улуши, %да	Φ2	2.5	5
	Ишлиб чиқарилган маҳсулот ҳажмида саноатга йўналтирилган инвестицияларнинг улуши, %да	Φ3	2.4	11.8
Илмий ташкил этувчи	Илмий тадқиқот олиб борувчи ходимларнинг миқдори, ҳар 10 минг аҳоли сонига нисбатан, киши	H1	13	40
	Фан кандидати ва фан докторларининг сони, ҳудуддаги ҳар 10 минг аҳолига нисбатан, киши	H2	0.4	4.0
	“Фан ва илмий хизмат кўрсатиш” тармоғидаги асосий воситаларнинг умумий ҳажмида машина ва ускуналарнинг қиймати, %да	H3	16	35
Натижавий компонент	Ихтиrolар учун патент идорасига берилган аризаларнинг сони, ҳар 10 минг аҳоли сонига нисбатан, %да	P1	2.5	5
	Саноат корхоналарининг инновацион фаоллик даражаси, %да	P2	40	10
	Саноат маҳсулотларининг умумий ҳажмида инновацион маҳсулотларнинг улуши, %да	P3	8	15

Иккинчи муаммо, танлаб олинган кўрсаткичларнинг чегаравий ҳолатини аниқлаш зарурлигидан келиб чиқади.

Учинчи муаммо, инновацион салоҳиятни норматив моделини шакллантириш билан боғлиқ. Унинг ечими умумлаштирувчи кўрсаткичларни уларнинг чегаравий тавсифлари билан боғлаб берувчи тенгиззиклар тизими орқали намоён бўлади.

Тўртинчи муаммо, салоҳиятнинг норматив ва фактик параметрларининг келишувчанлигини таҳлил қилиш билан боғлиқ. Бу ерда биринчи даражали белги умумлаштирувчи кўрсаткичларни баҳолаш жараёнида олинган натижаларни ўзаро солиштириш масаласини англатади.

5. Хулоса

Корхоналарнинг инновацион ривожланиши ва унга баҳо беришда инсон капиталининг ҳолати, корхонада мавжуд бўлган техник-технологик ишланмалар, ихтиrolарнинг сони, уларнинг жон бошига тўғри келиши билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлилини амалга ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу борада ривожланган мамлакатларда етакчи компанияларнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш бўйича орттирган илғор илмий-услубий тажрибаларни Ўзбекистон шароитига мослаштириш ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ушбу соҳада изланиш олиб бораётган тадқиқотчиларнинг асосий вазифаларидан биридир.

Корхонанинг инновацион салоҳиятига баҳо беришда корхонада мавжуд бўлган иқтисодий ресурслар, унинг интеллектуал салоҳияти ва ушбу салоҳиятдан амалда нечоғлик даражада фойдаланилаётгани, корхонанинг ресурс салоҳиятидан техник ва технологик жиҳатдан фойдаланиш имкониятлари ва мавжуд ресурсларнинг кўламидан келиб чиқиб, турли хилдаги ривожланиш дастурларининг ишлаб чиқилиши, давлатнинг таркибий-инвестицион стратегик мақсади ва бошқа бир қанча омилларнинг инобатга олиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Зеро, умум эътироф этилган ва амалиётда ўз тасдиғини топган ишланмаларни ўрганиш, уларнинг мазмун-моҳиятини англаб етиш корхоналарларнинг комплекс тарзда ривожланишини таъминлашга бағишлиланган дастурларни, концепцияларнинг самарали ишлаб чиқилишини таъминлайди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, инновация доимий равишда ҳаракатда бўлувчи, янги тур маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва янгиланиб турувчи иқтисодий ҳолатдир. Инновацион салоҳият иқтисодий ривожланишини илмий техникавий ёки ишлаб чиқариш жараёнини амалий жиҳатдан тубдан янгилаш ва такомиллаштиришнинг асосий омили эканлигидан келиб чиқсан ҳолда, фундаментал илмий тадқиқотлар асосан иқтисодиёт тармоқларини самарали ривожлантириш бўйича тегишли иқтисодий сиёсатга асосланган ҳолда олиб бориши лозим.

Шунингдек, инновацион салоҳият янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, мавжудларини рағбатлантириш ҳисобига янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва хизматларни кўрсатишни ташкил этишда ўз ифодасини топади. Мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналарнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш, келгусида ушбу соҳадаги бошқарув тизимини мустаҳкамлаш, янги тур маҳсулот ишлаб чиқариш ва янги технологияларни яратувчи ходимларни рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга боғлиқ бўлади.

Адабиётлар:

Бергер Ф. (2018) Что вам надо знать об анализе акций: Пер. с нем. -5-изд. М.: АОЗТ & laquo-Интерэксперт», 431 с.

Багриновский К., Бенников М., Хрусталев Е. (2016) Экономическая безопасность научного производства: Препринт. 5-изд. – М.: ЦЭМИ РАН, – с. 36-37;

Москвина О.С. (2012) Инновационный потенциал как фактор устойчивого развития хозяйствующих субъектов региона / art30_02.php.html



СОЛИҚ МАЖБУРИЯТЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Дўлабов З.А.
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. Ушбу мақолада солиқ мажбуриятларининг назарий асослари ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби масалалари ёритилган. Солиқ мажбуриятлари бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллашишининг йўналишлари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, солиқ, солиқ мажбурияти, солиқ харажати, МХХС.

Аннотация. В данной статье рассматриваются теоретические основы налоговых обязательств и вопросы их учета. Обозначены направления совершенствования учета налоговых обязательств на основе международных стандартов финансовой отчетности.

Ключевые слова: бухгалтерский учет, налог, налоговое обязательство, налоговый расход, МСФО.

Annotation: This article covers the theoretical basis of tax obligations and their accounting issues. Directions for improving the accounting of tax obligations based on international standards of financial reporting are indicated.

Keywords: accounting, tax, tax liability, tax expense, IFRS.

1. Кириш.

Солиқ маъмуриятчилиги муаммоларини ўрганиш ва уни такомиллаширишда солиқ мажбуриятлари тизимини тадқиқ этиш зарур ҳисобланади. Солиқ мажбуриятиларининг бухгалтерия ҳисоби муаммоларини ўрганишда унинг назарий ва ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам солиқ мажбуриятлари бухгалтерия ҳисоби тизими ва унинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш ҳамда унга баҳо бериш асосида муаммолар ечимиға оид таклифлар ишлаб чиқиши мүҳимдир.

Солиқ мажбуриятларини бухгалтерия ҳисобини МХХС асосида ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарорида асосий вазифа қилиб белгиланди¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

2. Адабиётлар шарҳи.

Адабиётларда мажбуриятлар ва солиқ мажбуриятлари турлича талқин қилинмоқда ва таърифлар берилмоқда. Шуларни кўриб чиқишига ҳаракат қиласиз.

Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясининг (2024) 63-моддасига мувофиқ, “Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаши шарт. Солиқ ва йиғимлар адолатли бўлиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий хуқуқларини амалга оширишига тўсқинлик қилмаслиги керак”лиги белгиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (2023) 234-моддасида мажбурият тушунчасига қўйидаги таъриф берилган: Мажбурият — фуқаролик хуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишига, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса — қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (IAS) 37 "Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар"да (2022) мажбуриятга қўйидагича таъриф берилган: "Мажбурият - бу ташкилотнинг бўлиб ўтган ҳодисалардан юзага келадиган мавжуд жавобгарлиги бўлиб, унинг сўндирилиши натижасида ташкилотдан ўзида иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетиши кутилади".

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (2023) 85-моддасида солиқ мажбурияти қўйидагича эътироф этилган: Солиқ тўғрисидаги қонунчилик билан солиқ тўловчилар зиммасига юклатилган солиқларни ва йиғимларни тўғри ҳисоблаб чиқариш ҳамда ўз вақтида тўлаш мажбурияти уларнинг солиқ мажбуриятидир.

Солиқ тўғрисидаги қонунчилик билан солиқ агентларининг зиммасига юклатилган, ўзига нисбатан ушбу шахслар солиқ агентлари деб эътироф этиладиган муносабатлар доирасида солиқларни тўғри ҳисоблаб чиқариш, ушлаб қолиш ва ўз вақтида ўтказиш мажбурияти солиқ мажбуриятияга тенглаштирилади.

Солиқ мажбурияти ушбу Кодекс ёки бошқа солиқ тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган асослар мавжуд бўлганда юзага келади, ўзгартирилади ва тугатилади.

Ҳар бир солиққа нисбатан солиқ мажбурияти солиқ тўловчига солиқ тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган ушбу солиқни тўлашни назарда тутувчи ҳолатлар юзага келган пайтдан эътиборан юклатилади (2023).

А.Тўйчиевнинг (2011) фикрича, "мажбурият дейилганда хўжалик юритувчи бир субъектнинг бошқа субъектга мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва бошқа ҳаракат натижасид аюзага келадиган ҳамда кейинги ўзаро ҳисоблашишларга асос бўлувчи ҳуқуқий муносабатлар"ди.

З.Н.Қурбанов (2016): "корхона харажатлари биринчидан, унинг молиявий натижаларини аниқлашда қатнашса, иккинчидан, солиққа тортиш базасини аниқлашда қатнашади. Солиққа тортиш базасини аниқлашда қатнашиши натижасида солиқ харажатлари тушунчаси намоён бўлади. "Солиқ харажатлари" тушунчаси янги иқтисодий категория эмас, балки бу тушунчани биз кўпроқ солиқ ва бошқа мажбурий ажратмаларга тўловлар сифатида қўллаб келганмиз" деган фикри билдирган.

С.Н.Ташназаров (2021) солиқ мажбурияти бўйича қўйидаги фикри билдирган: Стандартларда ва иқтисодий адабиётларда солиқлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятларни эътироф этиш бўйича ҳам тортишувга сабаб бўлувчи мавзулар

мавжуд. 21-сон БҲМСда муддати узайтирилган мажбуриятларга ҳукумат қарорлари билан амалдаги қонунчилик асосида корхонанинг солиқлар ва мажбурий тўловлари бўйича тўлов муддатлари узайтирилган мажбуриятлари киритилган.

К.Ларсон ва бошқалар (1995) солиқ қонунчилиги ва GAAPда қўлланиладиган, жумладан асосий воситалар депрессияси усуллари ўртасидаги фарқ туфайли даромад солиги бўйича қонунчилик асосида ҳисобланган сумма GAAP бўйича ҳисобланган суммадан кам бўлган тақдирда, фарқ суммаларининг тўлаш муддатини кейинги даврларга ўтказишга рухсат этилганлигини кўрсатишган. Ушбу ҳолларда солиқлар бўйича мажбуриятлар муддати узайтирилган деб тан олиниши кўрсатилган. Бошқа адабиётларда бу модда тўғрисида тавсифланиш келтирилмаган.

БҲХС 12 “Фойдадан солиқлар” стандартида (2018) солиқ мажбуриятлари борасида қўйидаги норма келтирилган:*Муддати узайтирилган солиқ мажбуриятлари* -бу келгусида солиқ солинадиган вақтинчалик фарқлар бўйича келгуси даврларда тўланадиган фойда солиқларининг суммаси. Жорий ва олдинги даврлар учун жорий солиқнинг тўланмаган қисми мажбурият сифатида тан олиниши керак. Агар жорий ва олдинги даврлар учун тўланган солиқ суммаси ушбу даврларда тўланиши керак бўлган солиқ суммасидан кўп бўлса, ортиқча сумма актив сифатида тан олиниши керак.

3. Тадқиқот методологияси.

Солиқ мажбуриятларини бухгалтерия ҳисобини тадқиқ қилишда илмий-тадқиқотларда қўлланиладиган мавжуд назарий ва эмпирик тадқиқот методларидан фойдаланилди. Жумладан, амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни ўрганишда мантиқий фикрлаш, далиллар тўплаш, тасаввур этиш, қиёслаш, шакллантириш ва муаммони қўйиш каби назарий-тадқиқот методларидан фойдаланилди. Шунингдек, илмий адабиётлар, хўжалик фаолиятини ўрганиш, кузатиш ва давр оралиғида тадқиқ қилиш каби эмпирик тадқиқот методлари қўлланилди. Бу албатта, мақола мавзусига доир ўтказилган илмий-тадқиқот ишларининг методологик асосини ташкил этади.

4. Таҳлил ва натижалар.


Кечикирилган солиқ активлари (кейинги ўринларда КСА деб юритилади) фойда солиғининг бир қисми бўлиб, бухгалтерия ҳисобида ва солиқ ҳисобида турли даврлардаги харажатлар ёки даромадларни акс эттириш туфайли фойда солиғни келажакда тўланишини камайтиради. Кечикирилган солиқ активларидан фойдаланиш бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисобини ажратиш муносабати билан халқаро бухгалтерия амалиётидан олинган.

Мажбуриятлар таркиби 1-расмда акс эттирилган.



1-расм. Мажбурият ва хусусий капитал таснифи

Солиқ мажбуриятлари МХХС бўйича “Молиявий ҳолат” тўғрисидаги ҳисоботда акс этирилса, БҲМС бўйича “Баланс”нинг пассив қисмида акс этирилади. Уларнинг қиёсий таҳлили 2-расмда келтирилди. МХХС ҳисоботларида фойда солиғи мажбуриятлари алоҳида қаторда кўрсатилади.



2-расм. МХХС ва БҲМС талаблари бўйича мажбуриятлар бухгалтерия ҳисобининг қиёсий таҳлили натижалари

Б.Ибрагимовнинг (2023) таъкидлашича, солиқ муносабатларини тартибга солиш механизмларининг тарихий ривожланиши бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида қўйидаги қонуниятларни кузатиш мумкин:

- солиқ мажбуриятлари ва уни ижросини тартибга солиш мезонлари

жамиятнинг иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқ;

• жамиятда аҳоли фаровонлигини оширишда давлат томонидан солиқ юки камайтирилади;

• солиқ тўлашдан бўйин товлаш учун жазо даражаси янада либераллаштирилади.

Бугунги кунда солиқ мажбуриятлари ва уни тартибга солувчи меъёрлар аниқ шакллантирилган².

МХХСлари ташкилотдан молиявий ҳисоботда тан олинган операциялар ва бошқа ҳодисаларнинг жорий ва келгуси солиқ оқибатларини тан олишини талаб қилади. Ушбу тан олинадиган солиқ суммалари жорий солиқ ва кечиктирилган солиқдан ташкил топади. Жорий солиқ - бу жорий ёки ўтган даврлар учун солиқ солинадиган фойда (солиқ зарари) бўйича тўланадиган (қопланадиган) фойда солиғи. Кечиктирилган солиқ - бу келгуси даврларда тўланадиган ёки қопланадиган фойда солиғи бўлиб, одатда ташкилот ўзининг активлари ва мажбуриятларини уларнинг жорий баланс қиймати билан қопланишидан ёки сўндирилишидан ҳамда фойдаланилмаган солиқ заарлари ва солиқ имтиёзларини келгуси даврларга ўтказилишининг солиқ бўйича таъсири натижасида келиб чиқади.

Мажбуриятнинг солиқ солиш мақсадларидағи қиймати – мажбуриятнинг келгуси даврларда ушбу мажбурият бўйича солиқ мақсадларида чегириладиган ҳар қандай қийматга камайтирилган баланс қиймати. Тушумни олдиндан олиш натижасида юзага келадиган мажбуриятнинг солиқ солиш мақсадларидағи қиймати унинг келгуси даврларда солиқ солинмайдиган ҳар қандай тушум қийматига камайтирилган баланс қийматидир.

МХХС 12 “Фойда солиқлари” стандартига асосан фойда солиғи бўйича жорий қарздорлик қуйидагича тан олинади.

Жорий ва ўтган даврлар учун жорий солиқнинг тўланмаган қисми мажбурият сифатида тан олиниши лозим. Агар жорий ва ўтган даврлар учун тўланган солиқ суммаси ушбу даврларда тўланиши лозим бўлган солиқ суммасидан кўп бўлса, ошган сумма актив сифатида тан олиниши лозим.

Фойда солиғи базаси ва бюджетта тўланадаган солиқ миқдори корхона жами даромадини шакллантириш манбалари ва фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар таркибиға боғлиқ.

Фойда солиғи ҳисоби обьектлари айнан даромад ва харажат билан боғлиқ қуйидаги жараёнлар ҳисобланади:

товарларни (ишларни, хизматларни) реализациясидан олинган даромадлар;

товарларни (ишларни, хизматларни) реализациясидан олинган даромадга тузатиш киритиш билан боғлиқ жараёнлар;

бошқа даромадлар;

асосий воситалар ва бошқа мол-мулклар чиқимидан олинган даромадлар;

• мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар;

• текин олинган мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар;

• мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;

• илгари чегирилган харажатлар ёки заарларнинг ўрнини қоплаш тарзида олинган даромадлар;

• хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан олинган даромадлар;

• курсдаги ижобий фарқдан олинган даромадлар;

• солиқ базасидан чегириладиган харажатлар;

² Ибрагимов Б.Б. Солиқ мажбуриятлари тизими ва уни тартибга солишни такомиллаштириш масалалари. Scientific Journal of “International Finance & Accounting” Issue 2, April 2023. ISSN: 2181-1016.

- келгусида солиқ базасидан чегириладиган харажатлар;
- имтиёзлар ва солиқ ҳисоб-китоби³.

Фойда солиғини асосий солиққа тортиш манбаи бўлиб товарларни (ишларни, хизматларни) реализациясидан олинган даромадлар ҳисобланади. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган тушум юклаб жўнатилган товарлар (бажарилган ишлар, қўрсатилган хизматлар) қийматидан келиб чиққан ҳолда товарларни жўнатиш, ишларни бажариш, хизматлар қўрсатиш ҳажмларини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар асосида аниқланади.

12-сон БХХС “Фойдадан солиқлари” стандартида қуийдаги атамаларнинг таърифи берилган: Бухгалтерия фойдаси – бу давр учун фойда солиғи харажати чегириб ташланишидан олдинги фойда ёки заардир.

Солиқ солинадиган фойда (солиқ заари) – бу солиқ органлари томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ аниқланган(аниқланадиган) ва натижада фойда солиқлари тўланадиган (қопланадиган) давр учун фойда (заар) ҳисобланади.

Фойда солиғи харажати (фойда солиғи даромади) –бу жорий ва кечиктирилган солиқ бўйича давр фойдаси ёки заарини аниқлашда ҳисобга олинган жамланган суммадир.

Жорий солиқ - бу давр учун солиқ солинадиган фойда (солиқ заари) бўйича тўланадиган (қопланадиган) фойда солиқлари суммасидир.

Фойда солиғи харажати (фойда солиғи даромади) жорий фойда солиғи бўйича харажатни (жорий фойда солиғи бўйича даромадни) ҳамда кечиктирилган фойда солиғи бўйича харажатни (кечиктирилган фойда солиғи бўйича даромадни) қамраб олади .

“O'ZBEKNEFTGAZ” AKSIYADORLIK JAMIYATIning 2023 йил учун бюджетга солиқлар бўйича тўловлари 1-жадвалда келтирилди.

“O'ZBEKNEFTGAZ” AKSIYADORLIK JAMIYATIning 2023 йил учун бюджетга жами 3 312 160 317 минг сўм солиқлар ҳисобланган, ва 3 306 387 007 минг сўм бюджетга тўланган. Шундан, фойда солиғи 481 730 211,5 минг сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг фойда солиғи билан боғлиқ баъзи нормалар бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилишини кўриб чиқамиз. Фойда солиғини ҳисобга олишда иштирок этадиган счёtlар 2-жадвалда келтирилган.

1-жадвал
**“O'ZBEKNEFTGAZ” AKSIYADORLIK JAMIYATIning 2023 йил учун БЮДЖЕТГА
ТЎЛОВЛАРИ ТАҲЛИЛИминг сўм**

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган	Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисоблангандан ҳақиқатда тўлангани
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	280	481 730 211,53	473 865 830,00
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	290	122 244 103,56	120 728 675,00
шу жумладан:шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобвақларига ажратмалар	291	291 598,00	293 912,00
Кўшилган қиймат солиғи	310	525 459 412,36	637 934 256,00
Акциз солиғи	320	142 290 313,22	147 928 500,00
Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	330	1 624 339 525,76	1 635 767 037,00
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	340	5 113 228,21	11 707 724,00

³ Курбанов З.Н. ва бошқалар. Солиқ ҳисботи. Тошкент. 2020.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	350	127 157 329,21	1 239 051,00
Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	360	132 186 526,84	127 141 152,00
Бошқа солиқлар	400	32 600 962,85	34 469 945,00
Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар	410		848,00
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар	420		1 472,00
Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари	440	119 038 703,83	115 602 260,00
Жами бюджетга тўловлар суммаси (280 дан 470 сатргача 291 сатрдан ташқари)	480	3 312 160 317	3 306 387 007

Биз фойда солиғи билан боғлиқ бўлган барча операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби счёtlарида акс эттиришни баён этишдан воз кечган ҳолда, БХМС-21 келтирилмаган операцияларнинг баъзиларини очиб беришга ҳаракат қиласиз.

2-жадвал

Фойда солиғини бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда иштирок этадиган счёт тизими⁴

Счётнинг рақами	Счётлар номи
4010	Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счёtlар
4310	ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар
4410	Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)
6240	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кечикирилган мажбуриятлар
6310	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар
6410	Бюджетга тўловлар бўйича қарз
7250	“Вақтинчалик фарқлар бўйича кечикирилган фойда солиғи бўйича узок муддатли мажбуриятлар” счёti;
9010	Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар
9020	Товарларни сотишдан даромадлар
9110	Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи
9120	Сотилган товарларнинг таннархи
8840	“Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари” счёti;
9810	“Фойда солиғи бўйича харажатлар” счёti;
9820	“Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича харажатлар”
9910	Якуний молиявий натижа
8710	Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси

2-жадвалдан кўриниб турибдики, солиқ мажбуриятлари, шу жумладан, фойда солиғи бўйича мажбуриятларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун қўп счёtlардан фойдаланинади.

Йирик солиқ тўловчи бўлган корхонанинг бухгалтерия ҳисобида фойда солиғи бўйича мажбуриятлар билан боғлиқ операциялар 3-жадвалдаги тарзда акс эттирилади.

⁴ БХМС №21.

3-жадвал

**Корхоналарнинг бухгалтерия ҳисобида фойда солиғи бўйича
мажбуриятлар билан боғлиқ операциялар⁵.**

Хўжалик операциясининг мазмуни	ДЕБЕТ	КРЕДИТ
Бюджетга тщланган бўнак тўловлар суммасига	4410-"Бюджетга солиғини бўйича фойда бўнак тўловлари"	5110 - "Ҳисоб-китоб счёти"
Ҳисобот даври учун ҳисобланган фойда солиғини суммасига	9810 "Фойда солиғи бўйича харажатлар" счёти	6410-"Фойда солиғини бўйича қарздорлик" счёти
Фойда солиғини бўйича бўнак тўловлар ҳисобга олинди	6410-"Фойда солиғини бўйича қарздорлик"	4410-"Фойда солиғини бўйича бўнак тўловлари"
Фойда солиғи тўлаб берилди	6410-"Фойда солиғини бўйича қарздорлик"	5110 "Ҳисоб-китоб счёти"

"O'ZBEKNEFTGAZ" AKSIYADORLIK JAMIYATIning 2023 йил учун фойда солиғи ҳисоб-китобидан фойдаланган ҳолда фойда солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш бўйича бухгалтерия ёзувларини келтириб ўтамиз (3-жадвал):

Ҳисобот йилида фойда солиғи бўйича тўланган бўнак суммасига:

Дебет –4410-"Бюджетга фойда солиғини бўйича бўнак тўловлари" 148 950 000 сўм

Кредит –5110 - "Ҳисоб-китоб счёти" 148 950 000 сўм

Ҳисобланган фойда солиғи суммасига:

Дебет – 9810-“Фойда солиғи бўйича харажатлар” счёти 481730 211 минг сўм.

Кредит – 6410 “Бюджетга фойда солиғи бўйича тўловлар бўйича қарзлар” счёти 481730 211 минг сўм.

Фойда солиғини бўйича бўнак тўловлар ҳисобга олинди:

Дебет – 6410-“Фойда солиғини бўйича қарздорлик” 148 950 000 сўм

Кредит –4410-“Фойда солиғини бўйича бўнак тўловлари” 148 950 000 сўм

Фойда солиғи бўйича мажбуриятни бюджетга тўланди:

Дебет – 6410 “Бюджетга фойда солиғи бўйича тўловлар бўйича қарзлар” счёти 473 865 830 минг сўм.

Кредит –5110 “Ҳисоб китоб” счёти 473 865 830 минг сўм.

Юқоридагилардан кўриниб турибдик, солиқ мажбуриятларини бухгалтерия ҳисоби мураккаб жараён экан.

5. Хулоса.

Солиқ мажбуриятларининг бухгалтерия ҳисоби муаммоларини ўрганишда унинг назарий ва хукуқий асосларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам солиқ мажбуриятлари бухгалтерия ҳисоби тизими ва унинг хукуқий асосларини ўрганиш ҳамда унга баҳо бериш асосида муаммолар ечимиға оид таклифлар ишлаб чиқиш муҳимдир.

Солиқ мажбуриятларини бухгалтерия ҳисобини МҲҲС асосида ташкил этиш

⁵ Жадвал муаллиф томонидан тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарорида асосий вазифа қилиб белгиланд

Солиқ мажбуриятларини бухгалтерия ҳисоби мураккаб жараён бўлиб, у молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этишда янада мураккаблашади.

Адабиётлар:

IAS (2023) 37 "Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар" Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (АВ томонидан 09.12.2022 й. 3400-сон билан рўйхатга олинган молия вазирининг 10.11.2022 й. 61-сон бўйруғига 22-илова).

Larson, Kermit D. (1995) Financial Accounting /Kermit D. Larson, Paul B. W. Miller. 6th ed. Irwin, 686 p.

БХҲС (2018) 12 "Фойдадан солиқлар" стандарти

Ибрагимов Б.Б. (2023) Солиқ мажбуриятлари тизими ва уни тартибга солишни такомиллаштириш масалалари. Scientific Journal of "International Finance & Accounting" Issue 2, April ISSN: 2181-1016.

Конституция (2024) Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси.

Кодекс (2023) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.

Кодекс (2023) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 85-моддаси.

Тўйчиев А. (2011) "Мажбуриятлар бухгалтери ҳисоби ва таҳлилиниң назарий методологик муаммолари" диссертация. Тошкент. ТМИ.

Ташназаров С.Н. (2021) Мажбуриятларни ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш. "Экономика и социум" №5(84)

Курбанов З.Н. (2016) Солиқ харажатлари ҳисобининг назарий масалалари. "Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ҳамда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда солиқ сиёсатининг ўрни" мавзусидаги конференция материаллари. Тошкент, 147-148 бетлар.



ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА СОЛИҚ ОРГАНЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

PhD Қурбонов М.А.

Тошкент давлат иқтисодиёт Университети

Аннотация. Мазкур мақолада Республика давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада автоматлашириш орқали солиқса оид назорат йўллари тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада мавзуга оид адабиётлар шарҳи ва айrim ҳуқуқий жиҳатлари баён этилган. Бундан ташқари, солиқ назоратларни келиб чиқиш сабаблари, уларга таъсир этувчи омиллар ҳамда АКТ орқали олдини олиш имкониятлари ёритилган. Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида холосалар шакллантирилиб, тегишли илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: солиқ назорати, ахборот-коммуникация технологиялари, маълумотлар базаси, интеграция, автоматлашириш, солиқ тўловчилар, давлат солиқ хизмати.

Аннотация. В данной статье исследуются способы налогового контроля путем дальнейшей автоматизации деятельности органов государственной налоговой службы республики. Также в статье представлен обзор литературы по теме и некоторым правовым аспектам. Кроме того, выделены причины налогового контроля, факторы, влияющие на него, а также возможности профилактики с помощью ИКТ. В результате проведенных исследований были сформированы выводы, разработаны соответствующие научные предложения и практические рекомендации.

Ключевые слова: налоговый контроль, информационно-коммуникационные технологии, база данных, интеграция, автоматизация, налогоплательщики, государственная налоговая служба.

Annotation. The article discusses ways to prevent tax offenses by automating the activities of the state tax service. It also provides an overview of the literature related to this topic and some legal aspects. In addition, the factors that influence the occurrence of tax offenses and the possibility of prevention them with ICT are highlighted. As a result of the study, conclusions were formed and appropriate scientific proposals and practical recommendations were developed.

Keywords: Tax offenses, information and communication technologies (ICT), databases, integration, automation, taxpayer, state tax service.

1. Кириш

Мамлакатда солиқ юкини солиқ тўловчилар ўртасида адолатли тақсимлаш ва бозорда ҳалол рақобат муҳитини шакллантиришда самарали солиқ маъмуриятчилигини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Солиқ назоратининг самарадорлиги эса солиқ тўловчилар ва солиқ обьектларини тўлиқ қамраб олинганлиги, солиқ мажбуриятлари ҳисобини тўғри ва аниқ юритилиши ҳамда солиқ назоратини муваффақиятли амалга оширилиши билан белгиланади. Иқтисодий фаолият турлари ва шакллари кундан-кунга кенгайиб бораётган замонавий дунёда солиқ базасини тўлиқ қамраб олишни фақатгина ахборот-технологиялари ёрдамида, бизнес жараёнларни автоматлаштирган ҳолда амалга ошириш мумкин. Солиққа оид муносабатларни рақамлаштириш, идоралараро ўзаро электрон ахборот алмашишни кенгайтириш ва замонавий таҳдил механизмларини йўлга қўйилиши солиқ обьектларини тўлиқ қамраб олиш ва солиққа оид ҳуқуқбузарликларни олдини олишни таъминлайди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги “Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-1257-сон қарорига мувофиқ Давлат солиқ қўмитасининг Ягона интеграциялаштирилган ахборот-ресурс базаси ташкил этилди. Ягона интеграциялаштирилган ахборот-ресурс базаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг эски таҳрирдаги 84-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1843-сон қарорига мувофиқ 50 дан ортиқ вазирлик ва идоралар билан интеграция қилиниб, давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада автоматлаштириш ва солиқ тўловчилар учун электрон хизматлар жорий қилиш имкониятини тақдим этди.

Маълумотлар базаларини ўзаро интеграция қилиш натижасида давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектлари, бюджет ва бюджетдан ташқари маҳсус жамғармаларга тўловлар, кўчмас-мулк обьектлари ва улар бўйича олди-сотди шартномалари ва бошқа шу каби 120 турдаги бошқа вазирлик ва идораларга тааллуқли маълумотларни электрон тарзда қабул қилиш йўлга қўйилди. Қўшимчасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6098-сон Фармони билан реал вақт режимида идоралараро электрон алоқа орқали солиқ органларига тақдим этиладиган қўшимча маълумотлар рўйхати тасдиқланган. Мазкур Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси» АЖ, Кадастр агентлиги, «Худудий электр тармоқлари» АЖ, Молия вазирлиги Ғазначилиги, «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Худудий газ тармоқлари» томонидан ҳам солиқ органларига қўшимча маълумотлар тақдим қилиниши белгиланди.

2. Адабиётлар шарҳи.

Тадқиқот жараёнида адабиётларни ўрганиш натижалари шуни қўрсатдики, солиққа оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларнинг қўламини камайтириш бўйича муаллифларда турли фикр ва мулоҳазалар мавжуд.

Жумладан, F.Schneider ва C.C.Williamснинг (2013) фикрича, солиқ риски – давлат, худудий муниципиалларнинг ўз фаолиятидаги режалаштирилмаган молиявий йўқотишдир. Солиқ рискларининг юзага келиши ва жиловланмаслиги ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ҳолати учун катта йўқотишга сабаб бўлади. Шу

сабабдан, вазиятни ўз вақтида ва тўғри баҳолаш, уни бартараф этиш чораларини кўриш муҳим аҳамият касб этади. Одатда солиқ тўловчилар солиқларни минималлаштириш учун солиқ объектларини яширадилар ва “хуфёна” иқтисодиёт иштирокчисига айланадилар.

Солиқ рискларининг юзага келтирувчи асосий сабаблар: солиқ қонунчилигининг нобарқарорлиги, янги турдаги солиқ ва мажбурий тўловларни жорий этилиши, маълумхудудда қўлланилаётган нарх сиёсати ва солиқ юкидир. Солиқ рискларини юзага келишини камайтириш ва олдини олиш учун: биринчидан, солиқ қонунчилигини барқарорлаштириш ва ижросини таъминлаш механизмини тартибга солиш; иккинчидан, барча турдаги солиққа тортишга оид унсурларни тўлиқ рўйхатга олинишини ташкиллаштириш; учинчидан, солиқ юкини асосий қатлам учун солиқдан қочиш оқибатини келтириб чиқариш нормасидан пастда ушлаш лозим бўлиши таъкидланган. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан 2020 йилда “Tax Administration 3.0: The Digital Transformation of Tax Administration” қўлланмаси чоп этилган (OECD, 2017). Ушбу қўлланмада бугунги кунда иқтисодий фаолият турлари ва шакллари кескин ўзгариб бораётганлигидан келиб чиқиб, солиқ идораларининг олдида турган долзарб масалалар тўғрисида фикр юритилган ва солиқ идоралари учун самарали маъмуриятчилик олиб бориш бўйича интеграциялаштирилган платформа модели таклиф этилган. Унга кўра, солиқ органларининг маълумотлар базаси қандай ташқи манбалар билан ўзаро интеграция қилишини лозимлиги, интеграция жараёнидаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича сўз юритилган (D.A.Artemenko ва бошқалар, 2017).

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда қиёсий ва статистик таҳлил ҳамда тасвирий статистика усуllibаридан фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар.

Маълумки, солиқ солиш объектига эга ҳар қандай шахсада солиқ мажбурияти юзага келади. Ушбу шахс энг аввало солиқ тўловчи сифатида ҳисобда туриши, солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиши ва уларни ўз вақтида тўлаши шарт. Мазкур мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги солиққа оид хукуқбузарликни келтириб чиқаради. Тадқиқот жараёнида республикамизда сўнгги беш йилда ўтказилган солиқ назорати жараёнида қайд этилган энг кўп кузатилган хукуқбузарликлар сони таҳлил қилинди.

Бироқ, норасмий иқтисодиётни жиловлашда билвосита солиқлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Канада тажрибаси шуни кўрсатадики, 1991 йилда савдо солиги жорий қилиниши натижасида кўплаб тадбиркорлик субъектлари норасмий иқтисодиётга ўтиб кетган. Шунингдек, Россия да акциз солигининг замонавий тажрибаси ҳам бунга мисол бўла олади (Е.Федорова, Т.Васильева, 2006).

Норасмий иқтисодиётга қарши қурашишда хорижий мамлакатларда солиқ механизмлари орқали турли усуllibар қўлланилган ва уларнинг натижалари бўйича ўтказилган илмий изланишларда ҳам турли хил хulosалар олинган.

Хусусан, M.Loana (2016) томонидан ўтказилган тадқиқот ишида 147 та мамлакатларнинг норасмий бозорлари ҳақида тўпланган 46 йиллик кўрсаткичлари турли ўрганишлар натижасида тўпланган ва норасмий бозорлар билан унга қарши давлатлар томонидан қўлланилган иқтисодий санкциялар ўртасидаги мувофиқлик ўрганилган. Бунда иқтисодий санкцияларнинг норасмий иқтисодий фаолликка таъсири баҳоланган.

Сўнгги 5 йиллиқда солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш ҳолати энг кўп қайд этилмоқда. Ушбу хуқуқбузарлик тури 2016 йилда 34.6 минг маротаба, 2017 йилда 45.7 минг маротаба қайд этилиб, 2018 йилда кескин камайган ҳолда 14.8 минг маротаба қайд этилган. Бироқ, 2019 йилда яна 3 баробарга ошиб, 48.8 минг маротаба содир этилган. 2020 йилда эса ушбу хуқуқбузарлик турини қайд этиш 2 баробарга қисқариб, 22.2 мингтани ташкил этган. Кейинги ўринда энг кўп қайд этилган хуқуқбузарлик тури бу тўлов интизомининг бузилишидир.

Ушбу хуқуқбузарлик тури 2016 йилда 18.4 минг маротаба, 2017 йилда 14.4 минг маротаба ва 2018 йилгача 10.3 минг маротаба кузатилган. 2019 йилда кескин ошиб, 34.3 мингтага етган ва 2020 йилда яна пасайиш кузатилиб, 13.6 минг маротаба қайд этилган.

Шунингдек, 2016-2020 йиллар давомида ўртача йилига 12.1 мингта ҳолатда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмай фаолият юритиш ҳолати кузатилган. Ушбу ҳолатлар бир томонидан солиқ қонунчилигига мувофиқ, солиқ тўловчига нисбатан маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради ва унинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатмай қолмайди. Иккинчи томонидан эса, солиқ тизими учун бюджет даромадларини шакллантириш жараёнига ва солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Хусусан, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтмай фаолият юритиш, ҳисбот кўрсаткичларини ҳақиқатдан фарқ қилиш, даромадларни яшириш каби хуқуқбузарликлар нафақат солиқ тизими балки бутун иқтисодиёт учун ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқариши турган гап. Яъни, бозордаги соғлом рақобат мұхитига путур етади, макроиқтисодий индикаторлар нотўғри баҳоланишига сабаб бўлади. Аксарият ривожланган давлатларда, хусусан Ўзбекистон Республикасида ҳам тадбиркорликни ташкил этиш жараёни электрон кўринишда амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Бироқ, яратилган қулайликларга қарамай, хуқуқбузарлик ҳолатлари кўламининг кенглиги – солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда. Солиқ ҳисбетини тақдим этиш тартибини бузиш ҳолатини олдини олиш учун дунёнинг ривожланган давлатлари хусусан, Жанубий Корея, Дания ва Германия каби давлатларнинг солиқ органлари маълумотлар базаси солиқ тўловчиларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича ахборот тизимлари билан интеграция қилинган (D.A.Artemenko ва бошқалар, 2017).

Бунда, солиқ тўловчининг ҳисоб юритиш бўйича ахборот тизими белгиланган муддат ва даврда солиқ органларига тегишли маълумотларни автоматик тарзда юборади.

Бугунги кунда Давлат солиқ қўмитасининг Ягона интеграциялашти-рилган ахборот-ресурс базаси орқали 45 та электрон давлат хизматларидан, 40 дан ортиқ солиқ маъмуриятчилигига оид дастурий маҳсулотлар фойдаланилмоқда.

Солиқ тўловчилар учун жорий этилган электрон хизматлар доирасида солиқ ва молиявий ҳисбетларни тақдим этиш, солиқларни тўлаш, солиқ органларидаги шахсий карточка маълумоти билан танишиш, ортиқча тўловни қайтариб олиш ёки бошқа солиқ турига ўтказиш, ҳисобварақ-фактура юбориш каби мажбуриятлар электрон тарзда бажарилиши мумкин. Бироқ, давлат солиқ хизмати органларининг маълумотлар базаси бир қатор вазирлик ва идоралар билан интеграция қилинганлиги, солиққа оид муносабатлар электрон кўринишга ўтказилганлигига қарамай, иқтисодиётимизда солиққа оид хуқуқбузарлик ҳолатлари етарлича қўзга ташланмоқда.

Хусусан, жамиятда “Обнал иши” деб ном олган – давлат солиқ хизмати органлари томонидан пул маблағларини нақдлаштириш билан шуғулланувчи 396 та

«бир кунлик фирмалар» аниқланиши ва уларнинг хизматидан фойдаланган 10 мингга яқин ташкилотларнинг қўшилган қиймат солиғи суммасини ноқонуний ҳисобга олиш деб топилиши шулар жумласидандир. Бу каби ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ёки уларни юзага келишини олдини олиш фақатгина ривожланган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда замонавий ахборот технологиялари орқали амалга оширилишининг зарурлиги мазкур мавзунинг долзарблигини англаатади.

1-жадвал

Реал вақт режимида идоралараро электрон алоқа орқали солиқ органларига тақдим этиладиган қўшимча маълумотлар рўйхати.¹

т/р	Маълумотлар номи	Маълумотни тақдим қилувчи идоралар
1	ҚҚСнинг қайтарилиши бўйича ҳақиқий харажатлар тўғрисида маблағ оловчилар кесимида маълумот	Молия вазирлиги
2	Берилган давлат нафақалари тўғрисида оловчилар кесимида маълумот	
3	Биржа савдолари орқали амалга оширилган битимлар тўғрисида (савдо предмети, нарх ва ҳисоб-китоб шартлари) савдо иштирокчилари кесимида маълумот	«Ўзбекистон Республикаси товархомашё биржаси» АЖ
4	Хуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари томонидан олиб қўйилган (олинган) мол-мулк ва маблағлар тўғрисида маълумот	Суриштирув органлари, терговгача текшириш, дастлабки тергов, суд органлари
5	Кўчмас мулк ва ер участкалари тўғрисида тоифалар бўйича маълумот	Кадастр агентлиги
6	Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва «пул ювиш» билан боғлиқ маълумотлар	Бош прокуратура
7	Юридик ва жисмоний шахслар кесимида ҳақиқатда фойдаланилган электр энергияси тўғрисида маълумот	«Худудий электр тармоқлари» АЖ
8	Юридик ва жисмоний шахслар кесимида ҳақиқатда фойдаланилган табиий газ ҳажми тўғрисида маълумот	«Ўзтрансгаз» АЖ, «Худудий газ тармоқлари»
9	Юридик ва жисмоний шахслар кесимида ҳақиқатда фойдаланилган сув ҳажми тўғрисида маълумот	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги
10	Йўловчи ва юқ ташиш ҳақида маълумот	Транспорт вазирлиги
11	Юридик ва жисмоний шахсларнинг автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) ва улар томонидан амалга оширилган тўловлар тўғрисида маълумот	Ички ишлар вазирлиги
12	Юридик шахсларнинг мансабдор шахсларига қўлланилган жарималар тўғрисида маълумот	
13	Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг жойлаштириш воситаларида даволаш муассасаларида вақтинча рўйхатга олинганлиги тўғрисида маълумот	Ички ишлар вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси
14	Рўйхатдан ўтган фуқаролик ҳолати далолатномалари ва уларнинг таркиби тўғрисида маълумот	Адлия вазирлиги
15	Давлат харидлари тўғрисида маълумот	Молия вазирлиги Ғазначилиги

Мамлакатимизда ушбу йўналишда ҳам қатор ишлар амалга оширилган. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш

¹ Тадқиқотчи томонидан мустақил шакиллантирилган

тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-2646-сон қарорига мувофиқ, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатдан ўтказиш соддалаштирилди ва онлайн тартибда амалга ошириш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартиба солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4742-сон қарорига мувофиқ, ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган фаолият турлари белгилаб берилди ва электрон рўйхатдан ўтказиш жорий этилди.

Шунингдек, солиқ мобил иловаси орқали “Солиқ ҳамкор” электрон хизматидан фойдаланган ҳолда хуқуқбузарлик тўғрисида солиқ органига хабар бериш имконияти мавжуд.

Бундан ташқари, онлайн назорат касса машиналари орқали шакллантирилган чеклар воситасида ютуқли ўйин иштирокчисига айланиш ва қимматбаҳо совғаларга эга бўлиш мумкин. Бироқ, солиқ маъмуриятчилигимизда ушбу механизмларни янада такомиллаштириш имконияти йўқ эмас.

Хулоса.

1. Солиқ ва молиявий ҳисоботларни топшириш тартибини бузиш билан боғлиқ хуқуқбузарликни олдини олиш ва камайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ахборот алмашибни йўлга қўйиш. Яъни, солиқ органи ва банк ўртасида солиқ тўловчи ҳисобот даврида банк оборотига эга ёки эга эмаслиги бўйича ахборот алмашибни йўлга қўйиш лозим (амалда Банк сирига амал қилган ҳолда солиқ тўловчининг обороти суммаси эмас, фақатгина оборотга эгами ёки йўқлиги белгиси тақдим этилади). Ушбу маълумотдан келиб чиқиб, тегишли солиқ даврида банк айланмасини амалга оширган солиқ тўловчиларни айланмага тааллуқли солиқлар бўйича ҳисобот топшириш мажбуриятидан озод этиш.

2. Солиқ ҳисоботини топшириш жараёнига ҳисобот бўйича ҳисобланган солиқ суммасини автомат тарзда солиқ тўловчининг банк ҳисобрақамидан ундириш бўйича оферта жойлаштириш. Агар солиқ тўловчи ушбу офертани қабул қиласидиган бўлса, унинг ҳисоб рақамидан солиқларни ундириш.

3. Тадбиркорлик субъектлари томонидан ресурс солиқлари бўйича ҳисобот топшириш жараёнини автоматлаштириш. Яъни, солиқ органи ва ресурс солиғи обьектлари ҳисобини юритувчи ташкилотлар жумладан, Кадастр агентлиги, Сувсоз корхонаси каби ташкилотлардан солиқ тўловчиларнинг обьектлари ва уларнинг миқдори тўғрисида маълумотларни олиб, солиқ ҳисоботи билан интеграция қилиш.

4. Онлайн назорат касса машиналари орқали шакллантирилган чеклар бўйича ўтказилаётган ютуқли ўйинларнинг ўрнига, ҚҚС суммаси ҳисобидан CASHBACK тизимини йўлга қўйиш. Бунга сабаб, бугунги кунда ютуқли ўйинлар орқали саноқли харидорлар тақдирланмоқда. CASHBACK тизими эса барчага хариди миқдоридан маълум суммани чегириш имконини беради ва барчани бирдек рафбатлантиради.

Адабиётлар:

Artemenko D.A., Aguzarova L.A., Aguzarova F.S., Porollo E.V. (2017) “Causes of Tax Risks and Ways to Reduce Them”. Pages 454-458.

Loana M. (2016) “The Effects of Economic Sanctions on the Informal Economy”. Management Dynamics in the Knowledge Economy Vol.4 no.4, pp.623-648.

OECD (2017). Shining Light On The Shadow Economy: Opportunities And Threats, [online] p.60. URL: <https://www.oecd.org/tax/crime/shining-light-on-the-shadow-economy-opportunities-and-threats.pdf>

OECD (2020), "Tax Administration 3.0: The Digital Transformation of Tax Administration". Pages 10-24.

Schneider F., Williams C.C. (2013) The Shadow Economy. The Institute of Economic Affairs, London. P. 44.

Кодекс (2023) Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси.

Федорова Е., Васильева Т. (2006) Налоги как фактор возникновения и развития теневой экономики. Вестник Чувашского университета. № 6

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги "Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-6098-сон.

Қарор (2010) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги "Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-1257-сон.

Қарор (2012) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ1843-сон.

Қарор (2016) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида" ПҚ-2646-сон.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-4742-сон.



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ НАЗАРИЯСИ

Мамедова Г.К.

ТДИУ ҳузуридаги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий тадқиқот маркази

Аннотация. Мақола тижорат банкларини солиқ тортиш назариясига бағишиланган бўлиб, тадқиқот доирасида хорижлик ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари ўрганилган. Шунингдек, тижорат банклари фаолиятида юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг асосий ҳусусиятлари, тижорат банкларининг солиққа тортишини турли манбаатдор томонларга таъсири ва солиққа тортишининг макроиктисодий оқибатлари ҳусусида фикр-мулоҳазалар келтирилган ҳамда якуни холоса шакллантирилган.

Калит сўзлар: солиқ, тижорат юанки, фискал сиёсат, инвестиция, ликвидлик.

Аннотация. Статья посвящена теории налогообложения коммерческих банков, в рамках исследования изучены исследования зарубежных и отечественных ученых. Также представлены основные особенности налога на прибыль, взимаемого с юридических лиц при деятельности коммерческих банков, влияние налогообложения коммерческих банков на различных заинтересованных лиц и макроэкономические последствия налогообложения и сформирован окончательный вывод.

Ключевые слова: налог, коммерческий юань, фискальная политика, инвестиции, ликвидность.

Abstract. The article is devoted to the theory of taxation of commercial banks, and researches of foreign and local scientists are studied in the framework of the research. Also, the main features of the profit tax collected from legal entities in the activity of commercial banks, the impact of taxation of commercial banks on various interested parties and the macroeconomic consequences of taxation are presented and the final conclusion is formed.

Key words: tax, commercial yuan, fiscal policy, investment, liquidity.

1. Кириш.

Тижорат банкларининг солиққа тортилиши банкларнинг иқтисодиётдаги ҳал қилувчи роли туфайли давлат молияси ва иқтисодий сиёсатида ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Тижорат банклари молиявий воситачи бўлиб, маблағларни жамғармачилардан қарз олувчиларга йўналтиради ва инвестициялар, истеъмол ва иқтисодий барқарорликка таъсир кўрсатади. Ушбу ноёб роль уларнинг самарадорлиги ва барқарорлигини сақлаб қолган ҳолда давлат даромадларига адолатли ҳисса қўшишини таъминлаш учун қандай солиққа тортилиши кераклиги бўйича қаттиқ текширувга олиб келди.

Солиқ солиш бир нечта мақсадларга хизмат қиласы: у ҳукуматлар учун даромад келтиради, бойликни қайта тақсымлады ва бозордаги носозликларни тузатади. Тижорат банклари учун солиққа тортиш таваккалчылык хатти-харакатларини юмшатыш ва молиявий барқарорликни таъминлаш учун тартибга солувчи восита сифатида ҳам хизмат қилиши мүмкін. Аммо банк операцияларининг мураккаблиги ва уларнинг иқтисодиётдаги ҳал құлувчи роли банклар учун солиқ сиёсатини ишлаб чиқыш ва амалға оширишни айниқса қийинлаштиради.

Тижорат банкларини солиққа тортишнинг назарий асослари ва амалий оқибатларини тушуниш иқтисодчилар ва молиявий тартибга солувчилар учун жуда мұхимдир. Самараполи солиққа тортиш сиёсати молиявий барқарорликни ошириш, давлат даромадларига адолатли ҳисса құшиш ва иқтисодий үсишгә ёрдам беради. Аксинча, нотүғри ишлаб чиқылған солиқ сиёсати молиявий бозорларни бузиши, солиқдан қочишиңи рағбатлантириши ва иқтисодий барқарорликка путур етказиши мүмкін.

2. Адабиётлар шархи.

Классик солиққа тортиш назариялари солиқларнинг тузилиши ва құлланилиши ҳақида асосий тушунчаларни беради. А.Смит, Д.Рикардо ва Ж.С.Милл каби таниқли иқтисодчилар томонидан ишлаб чиқылған бу назариялар ҳозирги замон солиқ сиёсати ва иқтисодий тафаккурға таъсир үтказища давом этмоқда. Адам Смит томонидан ифодаланған фойдага асосланған солиққа тортишнинг классик мантиғи жисмоний шахснинг солиқ мажбуриятини давлатдан оладиган имтиёзлары билан боғлайды, бу уларнинг даромад олиш қобилиятыни акс эттиради (М.Веинзиерл, 2014).

Уилям Петти томонидан асос солинган ва Адам Смит, Рикардо ва бошқалар томонидан ишлаб чиқылған классик иқтисодий мактаб назариялари замонавий солиқ сиёсатига сезиларли таъсир құрсатувчи фискал ва солиқ назарияларининг кенг қамровли тизимини ташкил этади (М.Хай-тао, 2010).

Иқтисодий үсиш назарияларда солиқлар ҳал құлувчи роль үйнайды, классик, кейнс ва монетаристик тизимларда турли хил таъсирлар күзатилади. Ҳар бир назария солиқларнинг иқтисодий тараққиёттә турли функциялари ва таъсирини таъкидлайды (М.Исмайилов, 2023).

Солиқ тизимларининг классик даврдан ҳозирги давргача бўлган эволюцияси шуни құрсатадики, солиққа тортишнинг асосий иқтисодий тамойиллари доимий бўлиб қолсада, солиқларнинг ўзига хос шакллари, турлари ва функциялари сезиларли даражада ўзгарган (Б.Федосимов, 2020). Солиққа тортишнинг классик назариялари имтиёзларга асосланған солиққа тортиш тамойиллари, солиқларнинг иқтисодий үсишдаги ўрни ва солиқ сиёсатида адолатга интилиш ҳақида мұхим тушунчалар беради. Бу назариялар замонавий солиқ тизимларини шакллантиришда давом этиб, уларнинг долзарблиги ва бугунги иқтисодий шароитда құлланилишини таъминламоқда.

Банк секторида солиққа тортиш иқтисодий сиёсатнинг мұхим соҳаси бўлиб, молиявий барқарорликка, молия институтларининг хатти-харакатларига ва умумий иқтисодий үсишгә таъсир қиласы. Молиявий барқарорликни сақлаган ҳолда давлат даромадларига адолатли ҳисса құшишини таъминлаш мақсадида банкларга нисбатан турли шаклдаги солиқлар ва тартибга солиш чоралари құлланилади.

Молиявий инқизордан кейин молия институтларига турли солиқлар таклиф қилинди ёки қонунга киритилди. Буларга молиявий операциялардан олинадиган солиқлар, бонуслы солиқлар ва банк мажбуриятларидан олинадиган солиқлар киради. Ушбу солиқлар банк фаолиятининг кенгроқ ижтимоий ҳаражатларини

бартараф этишга ва банк раҳбарларининг рағбатлантиришларини жамоат манфаатларига мослаштиришга қаратилган (Д.Шаккелфорд ва бошқалар, 2010).

Халқаро солиққа тортиш трансчегаравий банк фаолиятининг ҳажми ва нархига сезиларли таъсир кўрсатади. Чет эл манбаларидан олинадиган даромад солиғи корпоратив даромад солиғи банк секторидаги тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни камайтиради ва чет элда фоиз маржасини оширади, бу халқаро икки томонлама солиққа тортиш банк фаолиятини бузайтганлигини кўрсатади (Х.Хуизинга ва бошқалар, 2011).

Фойда солиққа тортиш ва тартибга солиш банкнинг хатти-ҳаракати ва самарадорлигига таъсир қилиши мумкин. Оптимал солиқ тузилмаси ижара тўловларини хукumatга ўтказишида молиявий воситачиларнинг фаолиятини бузмаслик учун тўлиқ қайтарилиши мумкин бўлган пул оқими солиқларини ўз ичига олади (Р.Боадвей ва бошқалар, 2020).

Молиявий секторни солиққа тортишнинг турли хил варианлари молиявий хизматларни ҚҚС доирасида киритиш, молиявий фаолият солиқларидан фойдаланиш ва банк йиғимларини ўз ичига олади. Банк йиғимлари молиявий фаолият солиғидан кўра ортиқча леверажни яхшироқ йўналтириш қобилияти учун афзалдир (Б.Локвуд, 2021).

Ҳиндистонда товар ва хизматлар солиғини жорий этиш ҚҚС ўрнини босишга ва солиқларнинг кўплигини камайтиришга қаратилган эди. У солиқ режимини соддалаштирган бўлсада, банк сектори учун ҳар бир штат учун алоҳида рўйхатдан ўтишни талаб қилиш ва банклар учун солиқ юкини ошириш каби муаммоларни ҳам келтириб чиқарди (Р.Реватҳи ва бошқалар, 2018). Банк секторидаги солиққа тортиш кўп қиррали масала бўлиб, молиявий барқарорликни ва давлат даромадларига адолатли ҳисса қўшишни таъминлаш учун тартибга солиш ва солиқ сиёсатини мувозанатлаштиришни ўз ичига олади. Самарали солиққа тортиш стратегиялари таваккалчиликни камайтириши ва умумий иқтисодий самарадорликни ошириши мумкин.

Тижорат банкларининг солиққа тортилиши қўплаб назарий асослар ва амалий мулоҳазалар таъсирида мураккаб соҳадир. Ушбу асосларни тушуниш молиявий барқарорликни таъминлайдиган, таваккалчиликни олдини оладиган ва адолатли рақобатни рағбатлантиридиган солиқ тизимларини лойиҳалашда ёрдам беради.

Банк солиққа тортиш пруденциал меъёрларга муқобилдир. У солиқ тизимидағи бузилишларни бартараф этиш орқали ҳал қилиш механизмларини молиялаштириш ва молиявий барқарорликни таъминлаш учун ишлатилиши мумкин (С.Чаудхрӣ ва бошқалар, 2014).

Бизнес солиқлари тижорат банкларининг оптимал кредит хулқ-атворига таъсир қиласи ва уларнинг фаолиятини бузади. Аксинча, корхона даромад солиғи бундай таъсирга эга эмас, бу солиқ нейтраллигининг мухимлигини таъкидлайди (Л.Вен-ҳонг, 2005).

Киёсий таҳлил шуни кўрсатадики, фойда солиққа тортиш амалиёти мамлакатларда сезиларли даражада фарқланади. Солиқ имтиёзлари ва самарали солиққа тортиш усууллари банк барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга (Э.Конвисарова ва бошқалар, 2016).

Қарз ва капиталга нисбатан солиққа тортишнинг асимметриклиги банкларнинг капитал тузилмаларига ва левераге қарорларига таъсир қиласи. Солиқларга нисбатан сезгирилик банклар бўйлаб фарқ қиласи, бу молиявий барқарорликка таъсир қиласи (М.Кеэн ва де Мооиж, 2012).

Юқори солиқ ставкалари солиққа тортилгунга қадар юқори фойда самарадорлигига олиб келиши мумкин, аммо бу муносабатлар чизиқли эмас. Бозор

концентрацияси солиққа тортишнинг банк самарадорлигига таъсирига ҳам таъсир қиласы (С.Гаганис ва бошқалар, 2012).

Турли мамлакатлардаги банкларнинг солиққа тортиш амалиёти самарали солиқ сиёсати ҳақида тушунча беради. Масалан, турли мамлакатларда банк фаолиятини табақалаштирилган солиққа тортиш солиқ сиёсатининг иқтисодий жараёнлардаги ролини тушунишга ёрдам беради (О.Сеч ва О.Козачук, 2022).

О.С.Комолов (2009) фикрича, тижорат банкларини солиққа тортиш, бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фарқли ўлароқ, ўзига хос хусусиятларга эга. Тижорат банкларининг солиқ тизимида ўзига хослик иккита бир-бирига мос бўлмаган ҳолатда намоён бўлади. Биринчидан, тижорат банклари солиқ тўловчилар билан давлат ўртасида солиқлар ундирилиши ва уни назорат қилиш юзасидан воситачи ҳисобланади. Иккинчидан, тижорат банклари бир қатор солиқларни тўловчилари бўлиб ҳисобланади.

З.А.Абдуллаев (2019) фикрича, “фойда солиғининг банклар ҳулқ-авторига ва даромадлилигига таъсирини кўрсатувчи назарий модел ҳамда эмпирик таҳлил натижалари қуйидаги иккита асосий механизмни белгилайди. Биринчидан, банк соҳасида фойдага солиқ солиш капитал қийматини ўзгартиради ва капиталга талабни кўпайтиради ёки пасайтиради. Иккинчидан, янада юқори ставкадаги фойда солиғи корпоратив сектордан инвестицияларнинг қисқаришига ҳамда банк кредитлари ва хизматларига бўлган талабнинг пасайишига олиб келади”.

Юқоридагиларга асосланадиган бўлсақ, тижорат банклари солиққа тортишнинг назарий асослари бузилишларни минималлаштирадиган, самарадорликни оширадиган ва молиявий барқарорликни таъминловчи солиқ тизимларини лойиҳалаш муҳимлигини таъкидлайди. Қиёсий тадқиқотлар ва халқаро тажрибалар мутаносиб ва самарали солиқ режимларини яратиш учун сиёсатчиларга қимматли тушунчалар беради.

3. Таҳлил ва натижалар.

Тижорат банкларининг солиққа тортилиши турли тузилмаларни ўз ичига олади, уларнинг ҳар бири аниқ иқтисодий, тартибга солиш ва фискал вазифаларни ҳал қилишга қаратилган. Мамлакатимиз тижорат банклари янги таҳрирда тасдиқланган Солиқ кодексида йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган. Жумладан, тижорат банклари йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилганлиги ҳамда уларнинг алоҳида бўлинмалари ҳисобга олиниб, Солиқ кодексининг 20-моддасига асосан банклар (Бош банк) марказлашган ҳолда солиқ ҳисботини тақдим этиши ва белгиланган тартибда солиқларни (йигимларни) тўлаши қайд этилди¹.

Юридик шахсларнинг фойда солиғи тижорат банклари томонидан қўлланиладиган солиққа тортишнинг энг кенг тарқалган шакли ҳисобланади. У бошқа юридик шахслар каби банклар томонидан олинган фойдадан ундирилади. Тижорат банклари фаолиятида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг асосий хусусиятлари ва мулоҳазалари қуйидагилардан иборат (1-расм):

¹ https://cbu.uz/oz/press_center/releases/117924/

Солиқ базаси

- Банкларнинг солиқ солинадиган даромади, жами даромадлардан фоизлар, операцион харажатлар ва кредит йўқотишлари учун захиралар каби рухсат этилган чегирмалар олиб ташланган.

Солиқ ставкаси

- Юрисдикцияга қараб ўзгариб турадиган конуний фойда солиқ ставкаси. Баъзи мамлакатлар барча корпорациялар учун ягона ставкани қўллайди, бошқалари эса молиявий институтлар учун фарқли ставкаларга эга.

Солиқ имтиёзлари

- Банклар кўпинча кредитларни йўқотиш учун захиралар ва маълум инвестициялар учун солиқ имтиёзлари каби маҳсус чегирмалар ва кредитлардан фойдаланадилар

Банк хатти-харакатларига таъсири

- Фойда солиғи банкларнинг кредитлаш, инвестициялар, капитал тузилиши ва рискларни бошқариш бўйича қарорларига таъсир қиласди. Юқори солиқлар банкларнинг рентабеллигини пасайтириши мумкин, бу эса кредит беришнинг пасайишига ёки қарз олувчилар учун фоиз ставкаларининг ошишига олиб келади.

1-расм. Тижорат банклари фаолиятида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг асосий хусусиятлари²

Фойда солиғига қўшимча равишда, кўпгина давлатларда банкларга хос солиқлар қўлланилади. Ушбу солиқлар молиявий барқарорлик ва рискларни бошқариш каби банк сектори билан боғлиқ алоҳида ташвишларни ҳал қилиш учун мўлжалланган. Банкларга хос солиқларнинг умумий шаклларига қуидагилар киради (2-расм):

Молиявий транзакция солиқлари (МТС): Акциялар, облигациялар, деривативлар ва валюта савдоси каби муайян молиявий операциялардан ундирилади. МТСларнинг мақсади спекулятив савдони чеклаш, бозор ўзгарувчанлигини камайтириш ва даромад олишdir. Бироқ улар транзакция харажатларини ошириши ва бозор ликвидлигига таъсир қилиши мумкин.

Банклар балансининг маълум жиҳатларига, одатда, мажбуриятларга қаратилган. Банк йиғимлари ҳаддан ташқари таваккалчиликни олдини олишга қаратилган. Масалан, Буюк Британия банки йиғими ва Германия банки йиғими банклар мажбуриятларининг ҳажми ва таркибиغا қараб ҳисобланади.

² Ўрганишлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Молиявий транзакция солиқлари

Банк йиғимлари

Омонатларни суғурталаш бўйича мукофотлар

2-расм. Банкларга хос солиқларнинг умумий шакллари³

Гарчи ўз-ўзидан солиқ бўлмасада, депозитларни суғурталаш тўловлари банкларга харажатларни қўйиш орқали худди шундай ишлайди. Ушбу мукофотлар омонатларни суғурталаш схемаларини молиялаштиради, бу эса омонатчиларни банк муваффақиятсизликка учраган тақдирда ҳимоя қиласи ва молиявий барқарорликни таъминлайди.

Тижорат банкларининг солиқقا тортилиши кенг кўламли иқтисодий оқибатларга олиб келади, бу банкларнинг хатти-ҳаракатларига, молиявий барқарорлигига ва кенгроқ макроиктисодий натижаларга таъсир қиласи. Ушбу таъсиrlарни тушуниш даромадларни ишлаб чиқариш билан иқтисодий ўсиш ва барқарорликни мувозанатлаштирадиган самарали солиқ сиёсатини ишлаб чиқишида жуда муҳимdir. Солиқ солиш банкларнинг кредитлаш амалиётига бир неча жиҳатдан таъсир қиласи:

- Юқори солиқлар банклар учун капитал нархини ошириши мумкин, бу эса кредитлар бўйича юқори фоиз ставкаларига олиб келади. Бу кредитга бўлган талабни камайтириши ва иқтисодий ўсишни секинлаштириши мумкин.

- Молиявий операциялар бўйича солиқлар ва банк йиғимлари каби солиқлар банкларнинг рискларни бошқариш стратегияларига таъсир қилиши мумкин. Масалан, хавфли активларга солиқлар банкларни рискларни бошқаришнинг янада оқилона усулларини кўллашга ундаши мумкин.

- Солиқ сиёсати турли активларнинг нисбий жозибадорлигини ўзгартириш орқали банкларнинг инвестиция қарорларига таъсир қилиши мумкин. Мисол учун, молиявий операцияларнинг айрим турлари бўйича юқори солиқлар спекулятив савдони тўхтатиши ва янада барқарор, узоқ муддатли инвестицияларни рағбатлантириши мумкин.

Банклар капитали таркибига, шу жумладан уларнинг қарзларининг ўз капиталига нисбати ҳам солиқقا тортиш таъсир қиласи:

- Қарз бўйича фоизларни солиқقا тортилишига имкон берувчи корпоратив даромад солиги тизимлари банкларни қарзни молиялаштиришга кўпроқ таянишга ундаши мумкин. Аксинча, мажбуриятларни мақсад қилган банк йиғимлари солиқдан қочиш учун кўпроқ ўз маблағларини молиялаштиришни рағбатлантириши мумкин.

- Фойдага солинадиган солиқлар банкка қайта инвестиция қилиш учун мавжуд бўлган тақсимланмаган фойда миқдорига таъсир қилиши мумкин. Бу банкнинг янги технологиялар ёки бозорларни кенгайтириш ва сармоя киритиш қобилиятига таъсир қилиши мумкин.

³ Ўрганишлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Солиқ сиёсати молиявий барқарорликни рағбатлантириш ёки бузища муҳим роль ўйнайди:

Депозитларни суғурталаш ва бошқа хавфсизлик тармоқлари банкларни ҳаддан ташқари таваккал қилишга ундаш орқали маънавий хавф туғдириши мумкин. Тўғри тузилган солиқлар, масалан, рискга асосланган депозитларни суғурталаш тўловлари, суғурта харажатларини банкнинг риск профилига мослаштириш орқали бу муаммони юмшата олади.

Тижорат банкларининг солиққа тортилиши турли манфаатдор томонларга таъсир қилувчи муҳим тақсимлаш оқибатларига эга (1-жавдал):

1-жавдал

Тижорат банкларининг солиққа тортилиши турли манфаатдор томонларга таъсири⁴

Таъсир тури	Моҳияти
Акциядорлар	
Инвестицияларнинг даромадлилиги	Банк фойдасига солиқлар акциядорлар даромадини камайтириши мумкин, бу банк акцияларига инвестиция қилишнинг жозибадорлигига таъсир қилиши мумкин. Бу акциялар нархига ва банкларнинг умумий баҳосига таъсир қилиши мумкин.
Дивиденд сиёсати	Юқори солиқлар банкларни дивидендер тўловларини камайтириш ёки бизнесга қайта инвестиция қилиш учун кўпроқ даромадларни сақлаб қолиш орқали дивиденд сиёсатини ўзгартиришга олиб келиши мумкин.
Ходимлар	
Компенсация ва бандлик	Банкларнинг рентабеллигига таъсир қилувчи солиқлар уларнинг рақобатбардош иш ҳақини тўлаш ва янги ходимларни ёллаш қобилиятига таъсир қилиши мумкин. Бу банк секторидаги умумий бандлик даражасига таъсир қилиши мумкин.
Бонуслар ва рағбатлантиришлар	Ҳаддан ташқари таваккалчиликка йўналтирилган банкларга хос солиқлар бонус тузилмаларининг ўзгаришига ва ходимлар учун бошқа самарадорликка асосланган рағбатлантиришга олиб келиши мумкин.
Харидорлар	
Хизматлар нархи	Банклар солиққа тортиш харажатларининг бир қисмини мижозларга банк хизматлари учун юқори тўловлар ёки депозитлар бўйича паст фоиз ставкалари шаклида ўтказиши мумкин. Бу истеъмолчилар ва бизнес учун банк хизматларининг арzonлиги ва улардан фойдаланиш имкониятига таъсир қилиши мумкин.
Кредитнинг мавжудлиги	Банкларга юқори солиқлар кредит бериш имкониятларини камайтириши мумкин, бу эса молиялаш учун банк кредитларига таянадиган истеъмолчилар ва корхоналарга таъсир қиласи.

Тижорат банкларининг солиққа тортилиши кенгроқ макроиқтисодий оқибатларга эга (2-жавдал):

⁴ Ўрганишлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

2-жавдал**Тижорат банкларини солиқقا тортишнинг макроиқтисодий оқибатлари⁵**

Таъсир тури	Моҳияти
Инвестициялар ва иқтисодий ўсиш	
Капитални тақсимлаш	Солиқлар банкларнинг капитални қандай тақсимлашига таъсир қиласи дарагасига таъсир қиласи. Банкларга юқори солиқлар уларнинг янги лойиҳаларни молиялаштириш қобилиятини пасайтириб, иқтисодий ўсишни секинлаштириши мумкин.
Кредит даврлари	Солиқ сиёсати иқтисодий тебранишларни барқарорлаштириш ёки кучайтириш орқали кредит даврларига таъсир қилиши мумкин. Мисол учун, юксалиш даврида ҳаддан ташқари кредит беришни тўхтатадиган солиқлар молиявий инқизорзларнинг олдини олишга ёрдам беради.
Фискал барқарорлик	
Даромадларни шакллантириш	Тижорат банклари солиқлари ҳукуматлар учун муҳим даромад манбаи ҳисобланади. Ушбу даромад умумий фискал барқарорликка ҳисса кўшадиган давлат хизматлари ва инвестицияларни молиялаштириш учун ишлатилиши мумкин.
Циклларга қарши сиёсатлар	Солиқ сиёсати контр-тцикллик бўлиб ишлаб чиқилиши мумкин, бунда юксалиш даврида юқори солиқлар ва турғунлик даврида пастроқ солиқлар мавжуд. Бу иқтисодий тебранишларни юмшатиш орқали иқтисодиётни барқарорлаштиришга ёрдам беради.
Трансчегаравий таъсирлар	
Глобал молиявий барқарорлик	Йирик молия марказларида солиқ сиёсати глобал молиявий барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Мисол учун, бир мамлакатда спекулятив савдога нисбатан юқори солиқлар глобал бозор ўзгарувчанлигини камайтириши мумкин.
Тартибга солиш рақобати	Мамлакатлар банк фаолиятини жалб қилиш учун қулайроқ солиқ режимларини таклиф қилиш орқали тартибга соловчи рақобатга киришиши мумкин. Бу ички молия секторларини кучайтириши мумкин бўлсада, солиқ ставкалари бўйича пойгага олиб келиши ва глобал молиявий барқарорликка путур этказиши мумкин.

Юқоридагиларга асосланадиган бўлсак, тижорат банкларининг солиқка тортилиши банк хатти-ҳаракатларига, молиявий барқарорликка ва кенгроқ макроиқтисодий натижаларга таъсир қилувчи муҳим иқтисодий таъсирга эга. Самарали солиқ сиёсати даромадларни шакллантиришга бўлган эҳтиёжни молиявий барқарорликка кўмаклашиш, солиқ юкларининг адолатли тақсимланишини таъминлаш ва иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш мақсадлари билан мувозанатлаши керак.

⁵ Ўрганишлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

4. Хулоса.

Тижорат банкларини солиққа тортиш мураккаб, аммо молиявий барқарорликни,adolatli даромад олиш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган сиёсатчилар учун муҳим вазифадир. Назарий асосларни, иқтисодий оқибатларни ва амалий муаммоларни тушуниш орқали биз ушбу мақсадларни самарали мувозанатлаширадиган солиқ сиёсатини ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз мумкин. Технологиядан фойдаланиш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш келажакдаги муаммоларни ҳал қилиш ва банк солиққа тортишнинг ривожланаётган шароитидаги имкониятлардан фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади.

Солиққа тортишда тенглик адолатлиликка ургу бериб, банклар, айниқса, даромад келтирувчи банклар, уларнинг иқтисодий фаолияти ва фойдасига нисбатан солиқларнинг тегишли қисмини тўлашини таъминлайди. Прогрессив солиққа тортиш моделлари ва фойда солиғи банкларни рентабеллигидан келиб чиқкан ҳолда солиққа тортиш орқали ушбу тамойилга мослашишга қаратилган.

Самарадорлик солиқлардан келиб чиқадиган иқтисодий бузилишларни минималлаширишга қаратилган. Самарали солиқ тизимлари кредитлаш амалиёти, инвестиция стратегияси ва капитал тузилиши каби банкларнинг қарор қабул қилиш жараёнларини сезиларли даражада ўзгартиришга йўл қўймасликка қаратилган. Масалан, фойда солиғи банкларни ўз фаолиятини кенгайтириш ёки янги технологияларга сармоя киритишдан ортиқча тўхтатмаслиги керак.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларининг солиққа тортиш назариялари тенглик, самарадорлик, молиявий барқарорлик ва халқаро ҳамкорликни рағбатлантирадиган, банкларнинг иқтисодий ўсиш ва барқарорликни қўллаб-куватлаган ҳолдаadolatli ҳисса қўшишини таъминловчи мувозанатли солиқ тизимини яратишга ургу беради.

Адабиётлар:

Broadway, R., Sato, M., & Tremblay, J. (2020). Efficiency and the taxation of bank profits. International Tax and Public Finance, 28, 191-211. <https://doi.org/10.1007/s10797-020-09616-3>.

Chaudhry, S., Mullineux, A., & Agarwal, N. (2014). Balancing the Regulation and Taxation of Banking. Monetary Economics eJournal. <https://doi.org/10.2139/ssrn.1141090>.

Fedosimov, B. (2020). THE ESSENCE OF TAXES AND TAXATION SYSTEM STRUCTURE IN MODERN TAX THEORIES. , 10, 2352-2363. <https://doi.org/10.35679/2226-0226-2020-10-10-2352-2363>.

Hai-tao, M. (2010). A Review of the Fiscal and Tax Theories of Classical Economic School. Contemporary Finance and Economics.

Huizinga, H., Voget, J., & Wagner, W. (2011). International Taxation and Cross-Border Banking. Public Economics: Taxation. <https://doi.org/10.1257/POL.6.2.94>.

Gaganis, C., Pasiouras, F., & Tsaklanganos, A. (2012). Taxation and Bank Efficiency: Cross-Country Evidence. International Journal of the Economics of Business, 20, 229 - 244. <https://doi.org/10.1080/13571516.2013.782984>.

Konvisarova, E., Stihiljas, I., Koren, A., Kuzmicheva, I., & Danilovskih, T. (2016). Principles of Profit Taxation of Commercial Banks in Russia and Abroad. International Journal of Economics and Financial Issues, 6, 189-192.

Keen, M., & Mooij, R. (2012). Debt, Taxes, and Banks. IMF Working Papers. <https://doi.org/10.5089/9781463937096.001>.

Lockwood, B. (2021). Options for Taxation of the Financial Sector. Tax by Design for the Netherlands. <https://doi.org/10.1093/oso/9780192855244.003.0021>.

Matthew Weinzierl, Revisiting the Classical View of Benefit-based Taxation, The Economic Journal, Volume 128, Issue 612, 1 July 2018, Pages F37–F64, <https://doi.org/10.1111/ecoj.12462>

Maharramov, M. (2023). THE ROLE OF TAXES IN THEORIES OF ECONOMIC GROWTH AND DEVELOPMENT. PAHTEI-Procedings of Azerbaijan High Technical Educational Institutions. <https://doi.org/10.36962/pahtei30072023-378>.

Revathi, R., , M., & Aithal, P. (2018). Impact of Implementation of Goods and Service Tax on Indian Banking Sector. ERN: Value-Added Tax; Goods & Services Tax (Topic). <https://doi.org/10.47992/ijcsbe.2581.6942.0039>.

Shackelford, D., Shaviro, D., & Slemrod, J. (2010). TAXATION AND THE FINANCIAL SECTOR. National Tax Journal, 63, 781 - 806. <https://doi.org/10.17310/ntj.2010.4.10>.

Sych, O., & Kozachuk, O. (2022). INTERNATIONAL EXPERIENCE OF BANK TAXATION. Intellect XXI. <https://doi.org/10.32782/2415-8801/2022-3.3>.

Wen-hong, L. (2005). Tax Structure and Credit Behavior of Business Banks. Research on Financial and Economic Issues.

Абдуллаев З.А. Тижорат банкларини солиққа тортиш механизмларини тақомиллаштириш. 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит. Иқтисодиёт фанлари бүйічі фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т – 2019.

Комолов О.С. “Тижорат банкларини солиққа тортиш тартибини тақомиллаштириш масалалари” 08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит” и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати Т -2009.



ЎЗБЕКИСТОНДА САМАРАЛИ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

PhD Мухамаджсанов Ш.С.

Таълимни ривожлантириш Республика
иммий-методик маркази

Аннотация. Ушбу мақолада қулай инвестиция муҳитини шакллантиришининг хуқуқий асослари кўриб чиқилган, жумладан, Ўзбекистон иқтисодиёти учун инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиши мақсадида қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, инвестор ва тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган. Шунингдек, инвестиция муҳитини яхшилаш ва унинг жозигандорлигини ошириш бўйича бўйича таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: инвестиция муҳити, хорижий инвестиция, инвестори, солиқ имтиёзлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, маҳсус иқтисодий зоналар.

Аннотация. В данной статье рассматриваются правовые основы создания благоприятной инвестиционной среды, в том числе принятые нормативно-правовые документы по формированию благоприятной инвестиционной среды в целях привлечения инвестиций, в том числе прямых иностранных, и защиты законных прав и интересов инвесторов, и субъектов хозяйствования для экономики Узбекистана. Также имеются предложения и рекомендации по улучшению инвестиционной среды и повышению ее привлекательности.

Ключевые слова: инвестиционная среда, зарубежные инвестиции, инвестор, налоговые льготы, права и обязанности, специальные экономические зоны.

Annotation. This article discusses the legal basis for creating a favorable investment environment, including the adopted regulatory documents on the formation of a favorable investment environment in order to attract investment, including foreign direct investment, and protect the legal rights and interests of investors, and business entities for the economy of Uzbekistan. There are also proposals and recommendations for improving the investment environment and increasing its attractiveness.

Keywords: investment environment, foreign investments, investor, tax benefits, rights and obligations, special economic zones.

1. Кириш

Жаҳонда молиявий ресурсларни жалб этишга бўлган рақобатнинг тобора кучайиб бориши натижасида мамлакатлар, уларнинг ҳудудлари, иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ҳамда соҳаларида инвестиция муҳитини яхшилашга жиддий

эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими 2023 йилда пандемиядан олдинги ҳолатга қайтди ва 1,8 триллион АҚШ долларни ташкил этди. Бунда трансчегаравий битимлар ва халқаро лойиҳаларни молиялаштириш кўлами кескин кенгайди. Бироқ ривожланаётган мамлакатларда инвестиция муҳитининг тикланиши заифлигича қолмоқда. Ҳозирда дунёда кечеётган нотинч ижтимоий-сиёсий вазият озиқ-овқат, ёқилғи, молиявий инқирозлар ва ҳали ҳанузгача давом этаётган COVID-19 пандемияси ҳамда иқлим ўзгаришлари инвестиция муҳитидаги стрессни янада кучайтируммоқда” [World Investment Report, 2023]. Ҳудудларга инвестицияларни фаол жалб этишда, молиявий механизмларни такомиллаштириш, инвестиция муҳити жозибадорлигини ошириш ва яхшилаш ҳамда солиқ имтиёzlаридан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Ҳудудларнинг инвестиция муҳитини шакллантириш ва яхшилаб бориш, унинг жозибадорлигини таъминлаш, биринчи навбатда, инвестиция муҳитининг ҳуқуқий асосларига боғлиқ ҳисобланади. Айтиш керакки, Ўзбекистонда бутун мамлакат ва ҳудудлар иқтисодиёти учун инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, инвестор ва тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси шакллантирилган.

Ривожланган ва ривожланаётган давлатлар тажрибасидан маълумки, ҳудудларга инвестицияларни жалб этишдаги асосий мезонлардан бири – инвестиция муҳитини яхшилаш, унинг жозибадорлигини таъминлаш, ҳудудлардаги ишлаб чиқариш инфратузилма тармоқлари ва ишлаб чиқариш кучларини қулай тарзда жойлаштириш орқали ишбирламонлик муҳитини ривожлантириш ҳисобланади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Тадқиқот жараёнида адабиётларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича муаллифларда турли фикр ва мулоҳазалар мавжуд.

Жумладан, Ж.Д.Дэниелс ва Л.Х.Радеба (2014) кабилар “инвестиция муҳити” тушунчасини “бизнес муҳити” тушунчасига нисбатан ўзаро синоним сифатида баҳолаб, ўтган асрнинг 70-80-йиллардаги трансмиллий корпорациялар ҳозирда “бизнес муҳити” талабларига мослашув шартларини тўлиқ қўчириб олишга улгуришганликларини таъкидлайдилар.

А.М.Басенко, П.В.Тарановларнинг (2016) илмий-тадқиқотларида “инвестиция муҳити” ҳамда “инвестиция иқлими” каби терминологик жиҳатларга капитални қўйиш давомидаги рисклилик даражаси, аниқ режа қилинган объектга нисбатан инвестиция киритищдаги жозибадорлиги даражасини шакллантирувчи ички ва ташқи шарт-шароитлар, қулийликлар сифатида ёндашилганлигини гувоҳи бўламиз.

Ж.Каримқуловнинг (2019) фикрича, “дунё миқёсида ривожланган ва янги индустрiali мамлакатларида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Бу борада эркин иқтисодий ҳудудларда яратилган инфратузилма тармоқлари ва қулай инвестициявий муҳит хорижий инвестицияларни ўзлаштиришда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда”.

Ш.Мустафақуловнинг (2017) таъкидлашича, “мамлакатнинг интеграл инвестицион жозибадорлиги – бу мамлакатнинг ҳўжалик ривожланиш шароитларини тавсифловчи ва ундаги инвестицион фаолликнинг шаклланишига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатадиган объектив ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, табиий-географик ва экологик кўрсаткичларнинг умумий даражасидир”.

3.Т.Мамадиев, Ф.С.Махмудовларнинг (2020) қайд этишича, инвестиция муҳити жозибадорлиги мамлакат ёки алоҳида олинган тармоқ инвестицияларининг даромадлилиги, инвестиция муҳити, инфратузилма, ривожланиш истиқболлари ва инвестиция риски даражаси нуқтаи назаридан баҳоланишидир. Инвестиция жозибадорлиги мамлакат инвестиция салоҳияти ва инвестиция риски даражасининг бир вақтда таъсир этиши орқали аниқланади. Бу каби қўрсаткичларга баҳо бериш орқали инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда жозибадорлигини аниқлаш мумкин бўлади. Инвестиция риски даражаси инвестиция муҳитига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Pernia Ernesto, Salas John Michael Ian Sioson (2005) томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларига асосан, “инвестицион муҳит кенг маънода “инвестициялар билан боғлиқ даромад ва хавфларга таъсир қилувчи мавжуд ва кутилаётган сиёsat, институтционал ва хатти-ҳаракатлар муҳити” сифатида таърифланиши мумкин”.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда қиёсий ва статистик таҳлил усусларидан фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар.

Тадқиқотларнинг қўрсатишича, “Инвестиция фаолиятининг самарали ташкил этилиши унинг хуқуқий жиҳатдан таъминланганлик даражасига ҳам боғлиқдир. Ўтган йиллар давомида тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш учун қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг самарали фаолият юритиши учун бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Аммо, қатор инвестиция тўғрисидаги қонун хужжатлари хуқуқни қўллаш амалиётида айrim мураккабликларни келтириб чиқараётган эди. Аниқроқ қилиб айтганда, инвестиция фаолияти ва чет эл инвесторлари хуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ аксарият тартиб-таомиллар тарқоқ ҳолда бир нечта қонунлар билан тартибга солинганлиги, аксарият қоидаларнинг тақорланиши, шунингдек айrim муҳим масалалар қонун даражасида эмас, балки низом ва йўриқномалар билан белгиланганлиги улар ўртасида баъзи номувофиқлик ва қарама-қаршиликларни вужудга келтираётган эди” [Сайдов, 2020].

Шу муносабат билан, худудларнинг инвестиция муҳити жозибадорлигини оширишга қаратилган, айни дамда амалиётда кенг фойдаланиб келинаётган қонунлар жумласига Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 25 августдаги ЎРҚ-392-сон “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”, 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-598-сон “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”, 2009 йил 6 апрелдаги ЎРҚ-205-сон “Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимни ратификация қилиш ҳақида”, 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”, 2020 йил 17 февралдаги ЎРҚ-604-сон “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонунларни қабул қилинди.

Тузилишига кўра 12 боб, 69 моддадан иборат бўлган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонун илгари инвестицияга оид қонун хужжатларида мавжуд бўлмаган янги тартиб ва қоидалар билан янада такомиллаштирилди. Хусусан:

Бу борада, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-598-сон “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни “Чет эллик ҳамда маҳаллий инвесторлар томонидан амалга ошириладиган инвестициялар ва инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиши” билан

аҳамиятлидир. Сабаби, мазкур Қонун марказлаштирилган инвестицияларга оид муносабатларни ўзида акс эттирмайди.

Мазкур қонунда инвестиция фаолияти ва муҳитига дахлдор бўлган қатор асосий тушунчалар моҳияти келтирилган. Улар жумласига қуидагиларни келтириш мақсадга мувофиқ:

Инвестиция фаолияти ва муҳитига дахлдор бўлган асосий тушунчалар

инвестиция лойиҳаси — иқтисодий, ижтимоий ва бошқа фойда олиш учун инвестицияларни амалга оширишга ёхуд жалб этишга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуи
инвестиция мажбурияти — белгиланган мақсадларга эришиш учун инвестор томонидан қабул қилинадиган мажбурият
инвестиция шартномаси — инвестиция фаолияти субъектлари ўртасида тузиладиган, инвестиция шартномаси тарафларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайдиган ёзма битим
инвестициялар — инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари обьектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар
маҳаллий инвесторлар — инвестиция фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси резиденти мақомига эга бўлган чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари
чет эл инвестициялари — чет эллик инвестор томонидан ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари обьектларига киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар
маҳаллий инвесторлар — инвестиция фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси резиденти мақомига эга бўлган чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари
чет эллик инвесторлар — чет давлатлар, чет давлатларнинг маъмурӣ ёки худудий органлари, давлатлар ўртасидаги битимларга ёки бошқа шартномаларга мувофиқ тузилган ёки халқаро оммавий ҳуқук субъекти бўлган халқаро ташкилотлар, чет давлатларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган ва фаолият кўрсатадиган юридик шахслар, ҳар қандай бошқа ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар, чет давлат фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар
тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари — чет эллик инвесторнинг ҳукumat кафолатларисиз, таваккалчилик шароитларида ўз маблағлари ёки қарз маблағлари ҳисобидан инвестициялари
Ўзбекистон Республикаси худудидаги чет эл инвестициялари иштироқидаги корхоналар - акцияларининг (улушларининг, пайларининг) ёки устав фондининг (устав капиталининг) камидаги ўн беш фоизини чет эл инвестициялари ташкил этадиган корхоналар

1-расм. Инвестиция фаолияти ва муҳитига дахлдор бўлган асосий тушунчалар

Юқоридаги қонуннинг аҳамиятли жиҳатларидан яна бири – инвестиция фаолиятини амалга оширишда қатор принципларга амалга қилиниши белгиланган. Ушбу принциплар инвестиция муҳитининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади, албатта.

Мазкур қонун билан, инвесторлар қатор ҳуқуқлари, мажбуриятлари мавжудлиги ҳақидаги норма киритилган. Бу борада маҳаллий ва хорижий инвесторлар қатор ҳуқуқлар, мажбуриятларга эгалик қиласди. Қонун билан белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни қиёсий кўриниши қуидаги жадвал орқали ифодаланган:

1-жадвал

**Инвестор ва инвестиция фаолияти иштирокчиларининг
хуқуқ ва мажбуриятлари**

ИНВЕСТОРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ	ИНВЕСТОРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ
<p>Инвестиция фаолиятини эркин амалга оширишга, инвестиция қилишни амалга ошириш ҳажмларини, турларини, шаклларини, соҳасини ва йўналишларини мустақил равишда белгилашга;</p> <p>ўз инвестицияларига ва инвестиция фаолияти натижаларига эгалик қилишга, улардан фойдаланишга ҳамда уларни тасарруф этишга, шунингдек инвестиция фаолияти натижаларини сотишга ва олиб чиқишга;</p> <p>инвестиция фаолияти натижасида олинган даромадларни солиқлар, йиғимлар ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа тўловлар (бундан буён матнда солиқлар ва тўловлар деб юритилади) тўланганидан сўнг мустақил ва эркин тарзда тасарруф этишга;</p> <p>ўзи қабул қилган барча турдаги мажбуриятларнинг, шу жумладан қарз маблағларини жалб этишга қаратилган мажбуриятларнинг таъминоти сифатида ўзига мулк хуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк ва ҳар қандай мулкий хуқуқлардан фойдаланишга;</p> <p>ўз инвестициялари ва бошқа активлари реквизиция (экспроприация) қилинган тақдирда муносиб компенсация олишга;</p> <p>кредитлар ва қарзлар тарзидаги пул маблағларини жалб этишга;</p> <p>давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари натижасида етказилган заарлар учун товон олишга ҳақли.</p>	<p>солиқлар ва тўловларни тўлаши; инвестиция қилиш муносабати билан ўзи қабул қилган шартнома мажбуриятларини бажариши; қонунчилик талабларига, шу жумладан рақобат тўғрисидаги, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги, инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги, меҳнат тўғрисидаги, шаҳарсозлик тўғрисидаги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига, шунингдек техника хавфсизлигига, санитария нормалари ва қоидаларига риоя этиши;</p> <p>шартнома шартларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли инвестиция фаолияти иштирокчисига етказилган заарларнинг ўрнини қоплаши; ваколатли давлат бошқаруви органларининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз ваколатлари доирасида қўйиладиган талабларини бажариши шарт.</p>
ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ	ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ
<p>нормалар, қоидалар ва стандартларга, шу жумладан рақобат тўғрисидаги, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги, инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги, меҳнат тўғрисидаги, шаҳарсозлик тўғрисидаги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя қилиши;</p> <p>шартнома шартларини ўз вақтида ва лозим даражада бажариши;</p> <p>шартнома шартларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли инвесторга етказилган заарларнинг ўрнини қоплаши;</p> <p>давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз ваколатлари доирасида қўйиладиган талабларини бажариши шарт.</p>	<p>биржа, танлов ва тендер савдоларининг, электрон дўйонларнинг ва ким ошди савдоларининг иштирокчиси бўлишга;</p> <p>инвесторлар билан уларнинг буюртмаларини бажариш юзасидан шартномалар тузишга;</p> <p>агар шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ўзининг инвестор мажбуриятларини бажаришга бошқа шахсларни жалб қилишга ҳақли. қонунчилика белгиланган</p>

1-жадвалда кўрсатилган инвестор ва инвестиция фаолияти интирокчиларининг хукуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги Қонуни билан кафолатланган. Инвесторларнинг мавжуд хукуқларининг қонун асосида анқи белгиланиши ва муҳофаза этилиши худудларга жалб этиладиган инвестициялар учун муҳим кафолат ҳисобланиб, инвестиция муҳитининг шаклланишига ижобий таъсир этувчи омилдир.

Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун қўлланиладиган имтиёз ҳамда преференциялар қўйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:



3-расм. Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми

Солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар қонунда белгиланган тартибда берилади. Назарда тутилган инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун қўлланиладиган преференциялар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан, шу жумладан муниципал обьектларга нисбатан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан берилиши мумкин. Имтиёзлар ва преференциялар тегишли худудга инвестициялар киритишни назарда тутувчи инвесторларга мазкур худуд инфратузилмасининг ривожланиш даражасидан келиб чиқсан ҳолда берилади. Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда ташкил этилган ва қонун ҳужжатлари билан тасдиқланадиган рўйхат бўйича иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришга (хизматлар кўрсатишга) ихтисослашган корхоналарга Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган тартибда алоҳида солиқлар юзасидан имтиёзлар қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилади.

Имтиёзлар борасида қўлланиладиган механизмларни шартли равища иккисига ажратиш мумкин, яъни тариф ва нотариф йўналишдаги имтиёзлар:

2-жадвал**Инвестицион фаолликни оширишдаги тариф ва нотариф механизмларнинг умумий гурухланиши**

Механизмлар	Дастаклар	Кўллаш соҳаси	
		Экспорт	Импорт
Тариф	Божхона божлари		+
	Тариф квотаси		+
Нотариф	Миқдорий	Квоталаш	+
	Яширин	Лицензиялаш	+
		Экспортни ихтиёрий чеклаш	+
		Давлат харидлари	+
	Молиявий	Маҳаллий кмпонентларни ушлаб туриш	+
		Техник тўсиқлар	+
		Солиқлар ва йигимлар	+
		Субсидиялар	+
		Кредитлаш	+
		Демпинг	+

2-жадвалда назарда тутилган имтиёзлардан солиқ имтиёzlари борасида инвесторларга, жумладан маҳсус иқтисодий зоналарга киритилган инвестицияларнинг ҳажмига мувофиқ, амалдаги Солиқ кодексининг тегишли нормаларига асосан имтиёзлар тақдим этилади (Умирзоқов, 2020).

Инвесторлар ҳисобланган маҳсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига нисбатан Солиқ кодексининг 68-боби, яъни “Маҳсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари” белгиланган. Унга кўра, кодекснинг 473-моддасида “Маҳсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига солиқ солиш шартлари” аниқ кўрсатилган. Жумладан, “Маҳсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига киритилган инвестициялар ҳажмига қараб, мол-мулк солиғидан, ер солиғидан ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланган муддатга озод қилиш тарзида солиқ имтиёзлари берилади.

Хулоса.

Умуман олганда, худудларда инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида қабул қилинган ҳуқуқий асослар доимий таомиллаштириб борилиши зарур. Бунинг натижасида, худудлар иқтисодиётiga инвестицияларни жалб этишда қулай инвестиция муҳити шакллантирилишига, унинг жозибадор бўлишини таъминлашга эришиш мумкин.

Мамлакат ва унинг худудларида қулай инвестиция муҳити жозибадорлигини таъминлаш, инвестиция фаолиятининг самарали ташкил этилиши, биринчи навбатда, инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланганлик даражасига боғлиқ. Тадқиқотда кўрилганлар асосида айтиш мумкинки, ўтган давр мобайнида тўғридан-тўғри инвестициялар, хусусан хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг самарали фаолият юритиши учун бир қатор ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилган. Аммо, уларнинг таъсирчанлигини таъминлаш, бу борадаги қонун устуворлигини кучайтириш, инвесторлар ва ваколатли органлар ўртасида субъектив муносабатлар кўламини тобора қисқартириш муҳим жиҳатлардан биридир.

Адабиётлар:

Басенко А.М., Таранов П.В. (2016) Особые экономические зоны как институциональный инструмент мобилизации инвестиционно-финансового потенциала территориального развития // Финансовые исследования. №1 (50).

Дэниэлс Дж.Д., Радеба Л.Х. (2014) Международный бизнес: внешняя среда и деловые операции. 4-е изд. – М.: Дело ЛТД. 438 с.

Каримкулов Ж. (2019) Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари. и.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент.

Кодекс (2023) Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси.

Мустафакулов Ш.И. (2017) Инвестицион мұхит жозибадорлиги. Т.:Baktria press, – 18-б.

Мамадияров З.Т., Махмудов Ф.С. (2020) Мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларнинг ўзига хос жиҳатлари. <https://www.econferencezone.org/index.php/ecz/article/view/484>

Pernia Ernesto M. Salas John Michael Ian Sioson (2005) Investment climate and regional development in the Philippines, UPSE Discussion Paper, No01, University of the Philippines, School of Economics (UPSE), Quezon City.

Сайдов Р. (2020) Инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг яхлит механизми ишга тушди. ЎзА. <https://uza.uz/posts/204964>

Умирзоқов Ж. (2022) Maxsus иқтисодий зоналарда инвестицион фаолликни ошириш истиқболлари. иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати. Тошкент. Б.: 55.

World Investment Report 2023. International tax reforms and sustainable investment. <https://unctad.org/publication/world-investment-report-2023>.

Қонун (2009) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 6 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимни (Тошкент, 2008 йил 15 август) ратификация қилиш ҳақида”ги ЎРҚ-205-сон.

Қонун (2015) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 25 августдаги “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги ЎРҚ-392-сон.

Қонун (2019) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги “Давлатхусусий шериклик тўғрисида” ЎРҚ-537-сон.

Қонун (2019) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-598-сон.

Қонун (2020) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Maxsus иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ЎРҚ-604-сон.



ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ниёзов А.О.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. Мақолада мамлакатимиз иқтисодиётидаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга бериладеган солиқ имтиёzlари ёритилган. Шунингдек, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва қўшма корхоналар фаолиятини солиқла тортишнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: корхона, қўшма корхона, инвестиция, инвестиция сиёсати, солиқ, солиқ имтиёзи.

Аннотация. В статье описаны налоговые льготы, предоставляемые предприятиям с иностранными инвестициями в экономике нашей страны. Также анализируются особенности налогообложения деятельности предприятий и совместных предприятий с иностранными инвестициями.

Ключевые слова: предприятие, совместное предприятие, инвестиции, инвестиционная политика, налог, налоговая льгота.

Abstract. The article describes the tax benefits provided to enterprises with foreign investment in the economy of our country. The features of taxation of the activities of enterprises and joint ventures with foreign investment are also analyzed.

Key words: enterprise, joint venture, investment, investment policy, tax, tax benefit.

1.Кириш.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Учинчи Тошкент Халқаро инвестиция форумида сўзлаган нутқида “йилдан-йилга яхши анъанага айланиб бораётган ушбу формат доирасида юртимиизда дунёниг барча қитъаларидан янгидан-янги ишончли ҳамкорларимиз жам бўлмоқда”. “Ўтган уч йил давомида мазкур форум икки ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, энг долзарб муаммоларни муҳокама қилиш, илфор ғоя ва ёндашувларни ишлаб чиқиш учун самарали мулоқот майдонига айланди”, деб таъкидлади. Бугунги кунда мамлакатимизда инвестициялар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, иқтисодиётнинг ёқилғи-энергетика, машинасозлик, тоғ-кон саноати, кимё ва енгил саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа тармоқларига инвестиция лойиҳаларини жалб этишга кўмаклашувчи самарали инвестиция сиёсати амалга оширилмоқда. Халқаро инвестиция ҳуқуқи нормаларига мувофиқ инвестиция қонунчилиги такомиллаштирилмоқда. “Хорижий инвестициялар тўғрисида”; “Инвестиция фаолияти тўғрисида”; “Чет эллик инвесторлар

хуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида”; “Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумат қарорлари шаклида қабул қилинган бир қатор норматив-хуқуқий ҳужжатлар унинг асоси бўлиб хизмат қилади¹.

Мамлакатимизда 2023 йилда жами 22,4 млрд доллар хорижий инвестисиялар жалб қилинди, шу жумладан 19,5 млрд доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестисия ва кредитлар (193 %) ўзлаштирилди. Давлат инвестисия дастури доирасида умумий қиймати 9,4 млрд доллар бўлган 306 та лойиҳа ишга тушиши ҳисобига 56 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилишига эришилди. Юқоридагилар мамлакатимизда чет эллик инвесторларга яритилаётган қулай шарт-шароитлар ва уларни раҳбатлантириш мақсадида берилаётган солиқ имтиёzlари натижасидир.

2. Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодий адабиётларда йирик солиқ тўловчиларнинг инвестициявий фаоллигини солиқ имтиёzlари орқали раҳбатлантириш борасида турли фикрлар берилган ва мунозарали масалалар келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (2023) 75-моддасида солиқлар ва ийғимлар бўйича имтиёzlарга қуйидагича таъриф берилган:

“Солиқ тўловчиларнинг айrim тоифаларига бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган афзалликлар, шу жумладан солиқни тўламаслик ёки уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқ имтиёzlари” деб эътироф этилади.

А.А.Козлова ва Е.Н.Харламовалар (2018) хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиациявий фаоллигини давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг икки шаклни эътироф этишган: бевосита раҳбатлантириш, бу давлат бюджетидан маблағ ажратиш, билвосита раҳбатлантириш-бу солиқлар воситасида раҳбатлантириш.

В.М.Авдеева (2021) хориж тажрибаси асосида инвестиациявий фаолиятни раҳбатлантиришда қуйидагиларни бўлишлигини баён қилган:

1. Фойда солиғи бўйича солиқ имтиёzlарини бериш.
2. Инвестицион солиқ кредитларини бериш тартиби ва шартларини қайта кўриб чиқиш ва ўзгартириш зарурати борлигини.

3. Инновацион ва юқори технологияли фаолият билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятига инвестицияларни раҳбатлантиришнинг қўшимча нормаларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш нуқтai назаридан солиқ қонунчилигига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ва бошқалар.

Н.В. Балабанова ва Т.Р.Валинуровларнинг (2015) фикрича, солиқ имтиёzlари билвосита солиқларни тартибга солиши усусларидан бири бўлиб, уларни олувчилар учун янада қулай бизнес шароитларини яратишидир.

Б.А.Федосимов (2022) бу борада қуйидагиларни такидлаган: Солиқ имтиёzlари хуқуқий имтиёzlарнинг бир тури бўлиб, чунки улар тегишли жараён доирасида иқтисодий муносабатлар субъектларининг манфаатларини таъминлашн мақсадида солиққа тортилувчи томонидан солиқ ва йиғимларни тўлашни камайтириш ёки умуман тўламасликдир.

Н.Р.Қўзиева (2017) ўзининг илмий ишларида, Республикамизда фаолият кўрсатадиган эркин иқтисодий зоналарга хорижий инвестицияларни жалб қилишни янада раҳбатлантириш ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга солиқлар ва божхона тўловлари бўйича берилган имтиёzlарнинг самарали амал

¹ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Учинчи Тошкент Халқаро инвестиция форумида сўзлаган нутқи. 2 май 2024 йил.

қилиш механизмини янада такомиллаштириш юзасидан қатор таклифлар берганган.

З.Курбанов ва Ф.Акрамов (2015) солиқ имтиёзларининг моҳиятини очиш мақсадида уни назарий жиҳатдан уч гуруҳга бўлиб ўрганишган:

- солиқдан тўлиқ ёки қисман озод этиш;
- солиқдан чегирмалар;
- солиқ кредитлари (солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечикирилган мажбуриятлар).

Ж.Ж.Урмонов (2018) фикрича “солиқ имтиёзи – Солиқ кодекси ва бошқа қонун хужжатларига мувофиқ, солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятини қисқартириш, солиқ ставкаси ва солиқ базасини камайтириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти”.

Юқоридаги таърифларни умумлаштирган ҳолда хulosса қилишимиз мумкинки, солиқ имтиёзлари бу-солиқ тўловчиларни молиявий рағбатлантириш мақсадида солиқлардан қисман озод этиш, солиқларни камроқ тўлаш, солиқ кредитлари беришдир.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотимиз методологияси бўлиб, инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилаётган солиқ имтиёзлари бўйича иқтисодий муносабатлар ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида амалий материалларни таққослаш ва гурухлаш каби усуллардан фойдаланилиб, хulosса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

4. Таҳлил ва натижалар:

Учинчи Тошкент Халқаро инвестиция форуми якунига кўра жами қиймати 26,6 млрд долларга teng келишувлар имзоланди. Маълумот учун: 2023 йилда ТХИФда 11 млрд долларлик 167 та ҳужжат имзоланганди.Хусусан, қуйидаги йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди:

- Data Volt компанияси (Саудия Арабистони) билан ҳамкорлиқда Янги Тошкентда шаҳар инфратузилмасини қуриш (\$1 млрд) ва яшил технологияларга асосланган «маълумотлар марказларини» қуриш (\$3 млрд);
- Acwa Power компанияси (Саудия Арабистони) билан Қорақалпоғистон Республикасида қуввати 5 ГВт шамол электр станциясини ҳамда қуввати 2 ГВт бўлган электр энергиясини сақлаш қурилмаларини қуриш (\$6,2 млрд);
- Amea Power компанияси (БАА) билан Қорақалпоғистон Республикасида қуввати 1000 МВт бўлган шамол электр станциясини қуриш (\$1,1 млрд);
- Saudi Tabrid компанияси билан Нукус, Фарғона ва Кувасой шаҳарларида иссиқлиқ тизимини модернизация қилиш (\$750 млн);
- Nil Shugar компанияси (Миср) билан Жиззах вилоятида қанд лавлаги етишириш ва шакар ишлаб чиқариш (\$500 млн);
- Shanghai Knud International компанияси (Хитой) билан Наманган вилоятида текстил ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш (\$205 млн);
- Wilmar International компанияси (Сингапур) билан Тошкент вилоятида озиқовқат маҳсулотлари ва чорва учун озуқа ишлаб чиқариш (\$200 млн).

Бугунги кунда мамлакатимизда инвестициялар учун қулай шарт-шароитлар яратилиши ва солиқ имтиёзлари билан рағбатлантирилиши натижасида ҳолатига чет эл инвестицияси иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони ошиб бормоқда.

Статистика агентлиги маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 2024 йил 1 апрель ҳолатига чет эл инвестицияси иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони

14 226 тани ташкил этган. Шундан 4 576 таси қўшма ва 9 650 таси хорижий корхоналарди Улар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича:

савдо соҳасида – 5 056 та;
саноат соҳасида – 3165 та;
қурилиш соҳасида – 956 таахборот ва алоқа соҳасида – 917 та;
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида – 527 та;
ташиш ва сақлаш соҳасида – 474 та;
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳасида – 443 та;
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида – 195 та;
бошқа соҳаларда – 2 493 та

Мамлакатимизда киритилаётган инвестицияларнинг асосий қисми ЭИЗларда ташкил этилган. Уларда фаолият кўрсатаётган корхоналар ва уларга берилган солиқ имтиёзлар бўйичв маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2016-2021 йилларда Эркин иқтисодий зоналар ва уларнинг асосий кўрсаткичлари таҳлили (млрд.сўм)²

Т/ р	Кўрсаткич номи	Йиллар					
		2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
	ЭИЗ сони	2	11	15	19	23	23
	Иштирокчилар сони	248	376	526	654	721	755
1.	Товар айланма	2159,9	4194,4	6741,3	9239,0	12859,1	10848
2.	Ходимлар сони	7 519	12687	14131	28 047	32246	34170
3.	Иш ҳақи жамға.	78,7	113,0	176,0	408,9	583,6	476,6
4.	Экспорт ҳажми	168,0	469,3	674,3	1221,9	1579,4	1930,9
5.	Солиқ тўловлари	91,8	135,2	142,9	381,1	451,0	440,3
6.	Солиқ имтиёзи	17,9	35,6	203,0	127,4	148,3	157,5

1-жадвалда эркин иқтисодий зоналар ва уларнинг иштирокчилари тўғрисида таҳлил қилинганда 2016 йилда ЭИЗлар сони 2 тани ташкил этиб, 248 та иштирокчилар сони ташкил этган. Уларнинг товар айланмаси 2159,9 млрд.сўмни, ходимлар сони 7519 нафарни, экспорт ҳажми 168,0 млрд. сўмни, солиқ имтиёзи 17,9 млрд. сўмни, 2018 йилда ЭИЗлар сони 15 тани ташкил этиб, 526 та иштирокчилар сони ташкил этган. Уларнинг товар айланмаси 6741,3 млрд.сўмни, ходимлар сони 14131 тани, экспорт ҳажми 674,3 млрд.сўмни, солиқ имтиёзи 203,0 млрд.сўмни, 2021 йилда ЭИЗлар сони 23 тани ташкил этиб, 755 та иштирокчилар сони ташкил этган. Уларнинг товар айланмаси 10848 млрд.сўмни, ходимлар сони 34170 нафарни, экспорт ҳажми 1930,9 млрд.сўмни, солиқ имтиёзи 157,5 млрд.сўмни ташкил этган.

Таҳлилларимизга кўра 2020 йил 4-чорак якуни билан ЭИЗ иштирокчиларининг 202 тасида фойда олинган бўлиб, шулардан 133 таси (66 %)да 26 млрд.сўмлик имтиёз қўллаган бўлса 69 таси томонидан бюджетта 2,9 млрд.сўм фойда солиғи ҳисобланган. Шу билан бирга 263 та ЭИЗ иштирокчилари томонидан солиқ солинадиган фойдага эга бўлмаган.

² Жадвал Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги: 2023 йилда саноат зоналарида жойлашган корхоналар томонидан 53,4 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 972 миллион долларлик экспорт амалга оширилди³.

2024 йилда саноат зоналарида 841 та лойиҳани ишга тушириш режалаштирилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда очиқ, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш, инвестициялар ва саноатни ривожлантириш, ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш, маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун жозибадор ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган қатор изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Мутахассислар таъкидлаганидек, амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлиги ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаси, миллый иқтисодиёт имкониятлари ва мамлакат раҳбариятининг янгиланиш аҳоли турмуш даражасини яхшилаш борасидаги сиёсий иродаси билан уйғуналиги орқали таъминланмоқда.

Ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини жадал ривожлантириш, инвестицияларни жалб этишнинг илғор жаҳон тажрибасидан бири бу маҳсус иқтисодий ва саноат зоналарини ташкил этишdir.

2024 йил 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизда 766 та саноат зонаси, жумладан, 24 та маҳсус иқтисодий зона, 532 та кичик саноат зонаси, 210 та ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ташкил этилди.

5. Хуносা.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини солиқча тортишнинг бир қанча ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун қўлланиладиган имтиёз ҳамда преференциялар ичида солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар бериш муҳим иқтисодий аҳамиятга эга.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида яратилган шароитлар натижасида уларнинг сони ва киритилаётган инвестицияларнинг ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда.

Адабиётлар:

Авдеева В.М. (2021) Налоговые методы стимулирования внедрения цифровых инноваций // Налоги и налогообложение. – № 6. – С. 1 - 11.

Балабанова Н.В., Валинуров Т.Р. (2015) Льготы и преференции в системе налогового регулирования. «Современные научноемкие технологии. Региональное приложение» №4 (44).

Кодекс (2023) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 75-моддаси. 2023.

Козлова А.А. Харламова Е.Н. (2018) Развитие системы налоговых льгот в России. // Сборник научных трудов межвузовской научно-практической конференции. С. 48-51.

Кўзиева Н.Р. (2017) Хорижий инвестицияларни жалб қилишда солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари. Ҳалқаро молия ва ҳисоб электрон журнали. №6, декабрь.

Курбанов З., Акрамов Ф. (2015) “Солиқ имтиёзларининг молиявий ҳисобини такомиллаштириш масалалари” Бизнес-эксперт илмий журнали №9.

³ <https://uzconsulate-aktau.kz/uz/2024/2024.16.05>.

Федосимов Б.А. (2022) Совершенствование правовой регламентации института налогового льготирования в Российской Федерации. Правоприменение. Т. 6, № 1. С. 88–99

Урмонов Ж.Ж. (2018) Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишини такомиллаштириш масалалари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Учинчи Тошкент Халқаро инвестиция форумида сўзлаган нутқи. 2 май 2024 йил.

Қонун (2019) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрда тасдиқланган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тұғрисида”ги ЎРҚ-598-сон.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОЛИҚ СИЁСТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

(DSc) Нормурзаев У.Х.
Йирик солиқ тўловчилар бўйича инспекция

Аннотация. Мазкур мақолада мамлакатда солиқ соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қуладай шарт-шароитлар яратиш, бизнес доираларнинг ишончини янада мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар ёритилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон солиқ тизимида амалга оширилаётган айрим муҳим ислоҳотлар ўрганилиб, хориж тажрибаси, мамлакатимизда уни қўллаш бўйича илмий-амалий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: солиқ сиёсати, солиқ тушумлари, таҳлика-таҳлил, хавфлар, самарадорлик, рақамли платформа, усууллар ва воситалар, илғор ахборот-коммуникация технологиялари, таҳлил, оптималлаштириш, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси, бюджет сиёсати, инқироз, бюджет, солиқ маъмурчилиги, тадбиркорлик субъектлари, солиқ ҳисоботи.

Аннотация. В данной статье рассматриваются масштабные реформы, направленные на создание благоприятных условий для ведения предпринимательской деятельности в налоговой сфере страны, дальнейшее укрепление доверия деловых кругов. При этом были изучены некоторые важные реформы, реализованные в налоговой системе Узбекистана, разработан зарубежный опыт, научно-практические выводы и предложения по его применению в нашей стране.

Ключевые слова: аналитика-анализ, риск, эффективность, цифровая платформа, методология и инструменты, информационно - коммуникационные технологии, анализ, оптимизация, льготы, ставки, бюджетная политика, инклюзивность, бюджет, администрирование, меры субъекта, налоговое отчетность.

Abstract. This article covers large-scale reforms aimed at creating favorable conditions for conducting business activities in the country's tax spheres, and further strengthening the confidence of business circles. At the same time, some important reforms implemented in the tax system of Uzbekistan have been studied, and scientific and practical conclusions and proposals for the application of foreign experience in our country have been developed.

Key words: analytics-analysis, risk, efficiency, digital platform, methodology and tools, information and communication technologies, analysis, optimization, benefits, rates, budget policy, inclusivity, budget, administration, measures of the subject, Solik reporting.

1. Кириш.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодий сиёсатининг энг муҳим элементларидан бири – солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиқса тортиш тартибини соддалаштириш, солиқ юкини пасайтириш, хўжалик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳисобланади. Сўнгги йилларда кўплаб мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон солиқ тизимида муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Ушбу ислоҳотлар кўпинча иқтисодий ўсишни таъминлайдиган, инвестицияларни рағбатлантирадиган ва давлат функциялари учун етарли даромад йиғилишини таъминлайдиган янада самарали, шаффоф ва адолатли солиқ тузилмасини яратиш зарурати билан боғлиқ.

Солиқ тизимидағи ислоҳотлар мамлакатнинг иқтисодий манзарасини шакллантиришда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон иқтисодиёти ўсиб бораётган, ички ва хорижий инвестицияларни жалб этиш истагида бўлган мамлакат сифатида солиқ тизимини ислоҳ қилиш муҳимлигини эътироф этди. Ушбу ислоҳотлар нафақат даромадларни йиғишни кучайтиришга, балки бизнеснинг ўсиши, инновациялар ва барқарор ривожланиш учун қулай муҳит яратишга қаратилган.

2.Адабиётлар шарҳи.

Жўраев (2005) фикрича, ғарб иқтисодчилари солиқ сиёсати мустақил тушунча ҳисобланмайди. Улар солиқ сиёсати тушунчасига фискал сиёсат тушунчasi орқали ёндошадилар. Фискал сиёсат эса давлатнинг ўз даромадлари ва харажатлари бўйича қарор қабул қилиши бўлиб ҳисобланади - деб таъкидлашади.

Кенэ (1960), инглиз иқтисодчиси Кейнс (1993) ва бошқаларнинг илмий қарашларида муҳим ўрин тутиб келган. Улар давлат иқтисодиётни тартиблашда солиқ сиёсатини юритишнинг турли хил услублари ва ёндошувлари ҳақида кўплаб баҳслар юритган, солиқ сиёсатининг бош мақсади нимадан иборат бўлиши лозимлиги кўрсатиб беришда, кўпроқ, солиқларни ундириш масалаларига алоҳида эътибор қаратган.

Байбородина (2010) “солиқ ислоҳотлари – солиқ тизимини кенг қўламли қайта қуриш ва уни бошқариш механизмини ўзгартириш асосида солиқ муносабатларининг чекланган ёки тубдан ўзгариши сифатида” таърифлайди.

Майбуров (2007) “солиқ ислоҳоти солиқ тизимини тубдан ўзгартиришни давлат солиқ сиёсатининг янги мазмунига мослаштириш” деб таъкидлайди.

Богатыреванинг (2014) фикрича, “солиқ ислоҳоти бу давлат солиқ тизимидағи қонуний равишда белгиланган ўзгариш, бу давлат солиқ сиёсати стратегиясини ўзгартиришга асосланади. Шундай қилиб, солиқ сиёсати тактикасининг ўзгариши солиқ ислоҳотига олиб келмайди. Фақат солиқ тизимиға тегишли амалдаги қонунчиликдаги ўзгариш ва қўшимчалар сифатида кўриб чиқилади. Солиқ сиёсати стратегиясидаги ўзгаришлар мамлакатда солиқ ислоҳотларини амалга ошириш учун асосдир.

Дементьевна (1689) солиқ сиёсатини давлат иқтисодий сиёсатининг инъикоси эканлигини, у мустақил аҳамиятга эгалиги ва солиқларнинг илмий назариясига асосланиши лозимлигини таъкидлайди. “Амалга оширилаётган солиқ сиёсатининг натижалари кўп жиҳатдан давлат ўз иқтисодий сиёсатига қандай тузатишлар киритишга мажбур эканлигини, солиқ тизимини қандай қуриш кераклигини белгилайди”.

Карп (2001) Солиқ сиёсати давлатнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги умумий молиявий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, солиқ соҳасидаги давлат

фаолияти концепцияси, солиқ механизми, солиқ тизимини бошқариш қаби тушунчаларни ўз ичига олади.

Петрунин, Панов, Логуновалар (1995) эса, солиқ сиёсати ва унинг стратегик мазмунини “солиқ қонунчилигидаги корхоналарга солиқ тўлашдан қочиш имконини берувчи бўшлиқларни аниқлашдан иборат” деган фикрни илгари суради.

Аронов, Кашиналар (2007) ўзининг тадқиқотида еса, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг хориж ва Россия Федерациясида ундириш механизмини ўрганган ҳолда солиқ тўлашдан бош тортган солиқ тўловчилар билан ишлаш сиёсати, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, келгусида ҳар бир солиқ тўловчи ўз хоҳиши билан солиқ тўлаш мажбурияти бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқишиган ҳамда ушбу тавсияларни солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш соҳасида қўллаб уни исботлашган ва бир қатор амалий чораларни амалга оширишган.

3. Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усулларидан фойдаланилди. Қиёсий усулдан фойдаланилиб, тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингинига доир маълумотлар ва уларни таҳлиллар амалга оширилиб илмий хуласалар берилди.

4. Таҳлил ва натижалар.

Солиқ сиёсати ва маъмурчилигидаги муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари бўйича қуйдаги муаммо ва таклифларни берамиз.

Фойда солиги бўйича:

Амалда Солиқ кодексининг 315-моддасига асосан банклар қонунчилик талабларига мувофиқ ташкил этилган захира фондларининг 80 фоизидан кўп бўлмаган миқдорини харажатлар таркибида акс эттиришга ҳақли.

Таҳлил Россия банкларига яратилган захира харажатларини харажатлар таркибида жами даромаднинг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорида акс эттиришлари мумкин. Россия тажрибаси асосида мамлакатимиздаги 14 та банклар томонидан 2023 йил 9 ойлик якуни билан чегирилмайдиган захира харажатлари 6 993,7 млрд сўмни ташкил этганда, яъни 1 398,7 млрд.сўм фойда солиги кўпроқ ҳисобланиши ҳисоб-китоб қилинди.

Таклифимиз банклар томонидан захира фондларига ажратмалар қонунчилиқда назарда тутилган тартибда жами даромаднинг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорида харажатлар жумласига киритилишини белгилаш лозим.

Амалдаги қонунчилиқда мазкур харажат солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланадиган харажат жумласига киритилган.

Таҳлил амалиётда олиб кирилаётган товарларнинг божхона расмийлаштируvida божхона органига товарнинг фактура қийматини экспорт қилувчи мамлакатда товарнинг маълум қилинган қийматига нисбатан асоссиз равишида ошириш мақсадида нотўғри маълумотлар кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилиши кўп учрайди. Дастребки ҳисоб-китобларга кўра 121 та корхона томонидан 506,3 млн. АҚШ долларлик товарлар асоссиз равишида нархни оширилиши натижасида 653,6 млн. АҚШ долларлик маҳсулотлар импорт қилинган. импорт ва экспорт қиймати ўртасидаги фарқ 147,3 млн АҚШ долларини ташкил этган.

Таклифимиз фойда солиги бўйича солиқ базасини ҳисоблашда чегирилмайдиган ҳаражатлар таркибига, олиб кирилаётган товарларнинг божхона расмийлаштируvida божхона органига товарнинг фактура қийматини экспорт қилувчи мамлакатда товарнинг маълум қилинган қийматига нисбатан асоссиз

равишда ошириш натижасида юзага келган фарқи (юқори нарх) суммасини қўшиш лозим.

Амалда трансмиллий рақамли корпорациялар (Facebook, Amazon, Google ва бошқалар) Ўзбекистонда жисмоний шахсларга электрон хизматлар қўрсатишдан олинган даромаддан солиқ тўламайди.

Шу билан бирга, 2020 йилдан бошлаб бундай корпорациялар учун Ўзбекистонда ҚҚС тўлаш мажбурияти юкланди. Шунга ўхшаш солиқ Франция, Испания, Италия, Буюк Британия, Австрия, Венгрия, Туркияда амал қиласди. Бу ставка ўртача 2% дан 7,5% гача ташкил этади.

Таклифимиз Ўзбекистонда жисмоний шахсларга электрон хизматлар қўрсатишдан даромад оладиган трансмиллий рақамли корпорациялар (Facebook, Amazon, Google ва бошқалар) учун фойда солигини жорий этиш керак.

Трансферт нархни белгилашда солиқ назорати бўйича:

Амалда: Солиқ кодексининг 137-моддасида солиқ текширувлари - камерал солиқ текшируви, сайёр солиқ текшируви ва солиқ аудити турларида ўтказилиши белгиланган.

Таҳлил: трансферт нархни белгилашдаги солиқ назорати назорат қилинадиган битимлар тузилганлиги муносабати билан солиқларнинг тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланишини текширишни ўз ичига олган ҳолда Солиқ кодексининг 176-202-моддалари билан тартибга солинади. Шу жумладан, Кодекснинг 194 ва 195-моддаларида Трансферт нархни белгилашда солиқларнинг тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши текширувини амалга ошириш тартиби белгиланган. Мазкур текширув Солиқ назоратининг алоҳида тури бўлиб, уни камерал, сайёр ёки солиқ аудити доирасида ўтказиб бўлмайди. Солиқ кодексини турли талқин қилинишини олдини олиш мақсадида 137-моддада белгиланган солиқ текширувларининг турларига ушбу текширувни қўшиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Таклифимиз: трансферт нархни белгилашда солиқларнинг тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши текширувини солиқ текшируви турлари сифатида белгилаш лозим бўлади.

Амалда: Солиқ кодексининг 176-моддасига мувофиқ трансферт нархни белгилаш чоғидаги солиқ назоратини амалга оширишда акциз солиғи тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланишини текшириш, агар битимнинг тарафларидан бири тегишли солиқ тўловчиси бўлмаган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор бўлса, амалга оширилиши белгиланган.

Таҳлил: Солиқ кодексининг 176-моддаси тўққизинчи қисмидан “ва акциз солиғига” жумласини чиқариб ташлаш. Бир акциз солиғи тўловчи субъект томонидан бошқа акциз солиғи тўловчи субъектга товарлар (хизматлар) бозор нархидан кам миқдорда реализация қилинган тақдирда Кодекснинг мазкур таҳририга асосан назорат қилинадиган битимга тушмайди. Ваҳоланки, мазкур ҳолатда трансферт нархлар шаклланиши натижасида айrim солиқ тўловчилар томонидан солиқ базасини камайтириб қўрсатишлари учун шароит мавжуд.

Таклифимиз эса: трансферт нархни белгилаш чоғидаги солиқ назорати акциз солиғи доирасида, агар битимнинг тарафлари акциз солиғи тўловчиси бўлган ҳолларда ҳам амалга оширилишини жорий қилиш. Мазкур меъёр киритилиши билан трансферт нархлар доирасида назорат қилиш механизми такомиллаштирилади.

Амалда: Солиқ кодексининг 194-моддасига кўра назорат қилинадиган битимлар тузилганлиги муносабати билан солиқларнинг тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланишини текшириш Кодекснинг 182-моддасида белгиланган тартибда юборилган назорат қилинадиган битимлар ҳақидаги билдиришнома ёки

худудий солиқ органининг хабарномаси асосида, шунингдек солиқ текширувни ўтказиш натижасида назорат қилинадиган битим аниқланган тақдирда ўтказилиши белгиланган.

Таҳлил: назорат қилинадиган битимлар тўғрисидаги хабарнома, трансферт нарх бўйича текширув ўтказишнинг асоси ҳисобланади. Ушбу хабарномани тақдим этмаганлик учун жавобгарлик белгиланмаганлиги хабарномани тақдим этилмаслигига ва натижада текширув ўтказиш имкониятини чеклашга олиб келади.

Таклифимиз: солиқ тўловчи томонидан назорат қилинадиган битимлар ҳақидаги билдиришнома ёки худудий солиқ органи томонидан хабарнома тақдим этилмаган ҳолатда ҳам солиқ органига назорат қилинадиган битимлар тузилганлиги муносабати билан солиқларнинг тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланишини текшириш ҳуқуқини бериш. Бу эса солиқ тўловчи томонидан назорат қилинадиган битимлар мавжуд бўлса-да, хабарнома тақдим этилмаган бўлса, солиқ органларида назорат қилинадиган битим мавжуд эканлигини аниқлаган тақдирда ҳам текширув ўтказиш имконини беради.

Шунингдек, Таҳлил трансферт нарх белгиланиши резидент юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойда суммаси камайишига сабаб бўлади. Бу эса, тақсимланмаган фойда суммаси камайиши ҳисобига дивиденд солиғи ҳисобланмаслигига олиб келади. Хорижий сармояли корхоналар томонидан 2022-2023 йилда амалга оширилган назорат қилинадиган ташқи савдо битимларида трансферт нархлар шаклланиши юзасидан ўтказилган таҳлиллар натижасида жами 1,8 трлн сўмдан ортиқ фойда камайтирилганлиги (харажатлар оширилганлиги) хавфи аниқланган.

Таклифимиз: назорат қилинадиган ташқи савдо битимлари доирасида трансферт нархнинг белгиланиши натижасида олинмаган даромад ёки кўпайтирилган харажат суммасини дивидендга тенглаштириш.

Мол-мулк солиғи бўйича:

Амалда: Солиқ кодексининг 411-моддасида солиқ солиши объекти белгиланган бўлиб, кредит ташкилоти томонидан қарзни сўндириш ҳисобига сотиш мақсадида ундирилган мол-мулк (гаров мол-мулки) солиқ солиши объекти сифатида қаралмаган.

Таҳлил: юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича ушбу объектлар солиқ базаси сифатида қаралмасдан келган лекин кўчмас мулк объекти жойлашган ер участкаси майдони юридик шахсларнинг ер солиғи базаси сифатида қаралиб солиққа тортилиб келинмоқда. Солиқ кодекси ёки бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда ушбу объект солиқ базаси сифатида қаралмаслиги белгиланмаган.

Таклифимиз: кредит ташкилоти томонидан қарзни сўндириш ҳисобига сотиш мақсадида ундирилган мол-мулк (гаров мол-мулки) мулк ҳуқуқи ўтган ойдан мол-мулк солиғининг солиқ солиши объекти ҳисобланишини жорий этиш.

Ер солиғи бўйича:

Амалда: қишлоқ ҳўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун солиқни тўлаш куйидагича амалга оширилади:

айланмадан солиқ тўловчилар учун йиллик солиқ суммасининг тўртдан бир қисми миқдорида, ҳар чорақ учинчи ойининг 20 санасидан кечиктирмай;

айланмадан солиқ тўловчи бўлмаган солиқ тўловчилар учун йиллик солиқ суммасининг ўн иккidan бир қисми миқдорида, ҳар ойининг 10-санасидан кечиктирмай. Бунда январь ойи учун 20 январдан кечиктирмай амалга оширилади.

Таҳлил: АОС ва ҚҚС тўловчилари ушбу солиқлар учун тўловларни ҳар ойда амалга оширадилар. Юридик шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғини эса ҚҚС тўловчилар ҳар ойда, АОС тўловчилари ҳар чораклиқда тўлайди. Солиқ

тўловчиларга бир хил шароит яратиши таъминланади. Бугунги кунда ер солиғи бўйича 31,3 мингта субъект 464,3 млрд сўм солиқ суммасини ҳар чоракда бир марта тўламоқда.

Таклифимиз: қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун солиқни тўлаш йиллик солиқ суммасининг ўн иккidan бир қисми миқдорида, ҳар ойнинг 10-санасидан кечиктиrmай, январь ойи учун 20 январдан кечиктиrmай амалга оширилишини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича:

Амалда: белгиланган лимит доирасида ер усти ва ер ости манбаларидан олинадиган сув ресурслари учун солиқ ставкалари мутлақ миқдорда бир куб метр учун қўйидаги миқдорларда белгиланади:

Алкоголсиз ичимликларни ҳамда пиво ва винодан ташқари алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми Саноат корхоналари 1 куб. метр учун ер усти сув ресурслари манбалари – 638 сўм, ер ости манбаси – 760 сўм;

Алкоголсиз ичимликларни ҳамда пиво ва винодан ташқари алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган 1 куб. метр учун ер усти ва ер ости сув ресурслари манбалари – 34 160 сўм.

Таҳлил: Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 1 июндаги 345-сон қарори билан тасдиқланган “Алкоголсиз ичимликларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент”га асосан, Алкоголсиз ичимликларга сут ва мевалар ва (ёки) сабзавотлардан олинган шарбат маҳсулотлари кирмаслиги кўрсатилган. Натижада таркибида шарбат бўлган мевали ва сабзавотли ичимликлар, яъни мева ёки сабзавот пюреси, концентрация қилинган мева ёки сабзавот пюресини ичимлик сув билан аралаштириш йўли билан ишлаб чиқарилган ичимликлар (сок) учун сув солиғи ставкаси саноат корхоналари учун белгиланган ставкаларда ҳисобланмоқда. Агар шарбат ичимлиги учун хам алкогольсиз ичимликларга қўлланиладиган 34 160 сўм ставкада белгиланса, сув солиғи суммаси 34,16 сўм, улуши 0,44% бўлади.

Таклифимиз: мевалар ва (ёки) сабзавотлардан олинган шарбат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкасини алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчilar тўлайдиган ставкада тўлаш тартибини жорий этиш лозим.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича:

Амалда: солиқ тўловчига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар мулкий даромадлар ҳисобланади.

Таҳлил: Солиқ кодексига ушбу норманинг киритилиши:

Биринчидан: Жисмоний шахснинг юридик шахс устав фондидағи (устав капиталидаги) ҳиссасини шакиллантириш мақсадида пулсиз киритган мол-мулклари қийматининг асоссиз кўпайтириб кўрсатилишининг;

Иккинчидан: Аслида киrim ҳужжатлари бўлмаган товарларни, устав фонди (устав капитали) орқали юридик шахс балансида акс эттириб, кейинчалик юридик шахс балансидаги нақд пулга тез сотилувчан бўлган товарларни ҳеч қандай солиқларни тўламасдан дастлабки киритган ҳиссаси сифатида ҳисобдан чиқарилишини олди олинади ва солиқ солиш базаси кўпаяди.

Таклифимиз: жисмоний шахснинг юридик шахс устав фондидағи (устав капиталидаги) ҳиссасини шакиллантириш учун берган пулсиз кўринишдаги мол-мулкларини ҳам мулкий даромадлар деб эътироф этиш лозим бўлади. Шунингдек, Ўз.Р. Президентининг 2022 йил 8 ноябрдаги 415-сонли қарорининг 4-бандида 2023 йил 1 апрелдан бошлаб, масъулияти чекланган жамият устав фондига (устав капиталига) қўшиладиган, қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн минг

бараваридан кўп бўлган пулсиз ҳиссалар баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланиши ва баҳолангандан юқори бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган бўлиб, таклиф этилаётган меъёр Солиқ кодекси билан ушбу қарордаги меъёrlарни мувофиқлаштиради.

Айланмадан олинадиган солиқ бўйича:

Амалда: Солиқ кодексига асосан, айланмадан олинадиган солиқ тўловчилар учун асосий ставка 4 фоиз, чакана савдо соҳасидаги солиқ тўловчиларга жойлашган жойига қараб 4, 2, 1, улгуржи ва чакана дорихоналарга аҳоли сонига қараб 3, 2, 1 ва электрон савдо учун 2 фоиз ставка белгиланган. Шунингдек, қатъий белгиланган суммадаги айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ставкаси жами даромади 500 миллион сўмдан ошмаган солиқ тўловчилар учун 25 миллион сўм, жами даромади 500 миллион сўмдан юқори бўлган солиқ тўловчилар учун эса – 34 миллион сўм белгиланган.

Таҳлил: қатъий белгиланган суммадаги айланмадан олинадиган солиқни тўлаш солиқ тўловчилар учун даромад мавжудлиги ва юқори солиқ юқидан қатъий назар, ушбу солиқни тўлаш мажбурияти мавжудлиги сабабли муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Хусусан, қатъий белгиланган суммадаги айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтган 61 минг солиқ тўловчилардан 6,6 минг ёки 11 фоизи ўз фаолиятини тўхтатганлиги сабабли Давлат бюджетига йилига 104,6 млрд сўм даромад йўқотилишига олиб келмоқда. Қатъий белгиланган суммадаги айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтган солиқ тўловчилар жорий йил охиригача стандарт айланмадан солиқни тўлашга қайтишга ҳақли эмас, бу эса ўз навбатида солиқ тўловчиларнинг молиявий ҳолатига ҳам салбий таъсир қиласи. Аксинча даромади ошиб бориши натижасида ҚҚСга ўтиши керак бўлган солиқ тўловчилар даромадни яшириш орқали қатъий белгиланган суммадаги солиқни тўлашга ўтмоқда. Ҳиндистон, Латвия каби мамлакатларнинг тажрибасида айланмадан олинадиган солиқнинг ягона ставкаси 8% ва 9% бўлиши назарда тутилган.

Таклифимиз: қатъий белгиланган суммадаги айланмадан олинадиган солиқ тўлаш тартибини бекор қилиш лозим.

Кўшилган қиймат солиғи бўйича:

Амалда: Солиқ кодексининг 266-моддасига мувофиқ 1-қисм 4-бандида хизматлар импорти ва давлат мол-мулки ҳарид қилинганида солиқ бюджетга тўланганда ҳисобга олиниши белгиланган. Хизматлар импорти ва давлат мол-мулки ҳарид қилинганилиги учун тўланган солиқ суммаси ҳисобга олинади.

Таҳлил: бунда мавжуд ортиқча тўлов суммаси ҳамда ҳақиқатда ҳарид қилинган хизматлар импорти ҳамда давлат мол-мулки ҳаридида ҳисобланган солиқ суммаси инобатга олинмаган. Шунингдек, солиқ агентлари томонидан ортиқча тўланган солиқ суммалари қайтариб олинганилиги ҳисобга олинмаган.

Таклифимиз: солиқ даврида ҳақиқатда тўланган солиқ суммаси (ортиқча тўловларни инобатга олган ҳолда) ва ҳақиқатда ҳарид қилинган хизматлар импорти ҳамда давлат молғулки ҳаридида ҳисобланган солиқлардан келиб чиқсан ҳолда аниқланиши лозим. Бу эса солиқ агентлари томонидан ҳақиқатда ҳарид қилинган хизматлар импорти ва давлат мол-мулклари учун тўланган солиқлар ҳисобга олинади. Солиқ кодекси талаблари тўлиқ бажарилади.

Амалда: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.04.2006 йилдаги “ОИТС, СИЛ ва безгак касалликларига қарши кураш бўйича халқаро глобал жамғармаси грант маблағларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-315-сон қарорининг 4-банд. ОИТВ/ОИТС, сил ва безгак касалликлари тарқалишига йўл қўймасликка қаратилган стратегик дастурлар доирасида Глобал жамғарманинг

грант маблағлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган ва сотиб олинаётган дори-дармонлар, тиббий ва лаборатория асбоб-ускуналари, хизматлар ва бошқа товарлар Ўзбекистон Республикасининг ҳиссаси сифатида божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) ва қўшилган қиймат солиғидан озод этилган.

Таҳлил: Солиқ кодексининг 75-моддасида, солиқ имтиёзлари ушбу Кодекс билан тақдим этилади. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-599-сон қонунининг 2-моддасида Вазирлар Маҳкамасига давлат бошқаруви органлари Солиқ кодексига зид бўлган ўз норматив-хуқуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминлаш топширилган. Ушбу қонуннинг 4-моддасида Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича 2020 йилнинг 1 январигача қабул қилинган солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган имтиёзлар уларнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар амал қилиши белгиланган. Ушбу қонунда НҲҲлар билан тақдим қилиниб, амал қилиш муддати кўрсатилмаган солиқ имтиёзлари тўғрисида аниқ кўрсатмалар берилмаганлиги сабабли, солиқ тўловчиларда кўплаб саволлар туғилиб, тушунмовчиликлар келиб чиқмоқда. ҚҚС бўйича солиқ имтиёзлари Солиқ кодекси билан тартибга солиниши мақсадга муофиқ.

Шунингдек, СК 246-моддасида, давлатлар, хукуматлар, халқаро ташкилотлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда - бошқа ташкилотлар ва шахслар йўналишлари бўйича хайрия ёрдами мақсадларида, шу жумладан техник ёрдам кўрсатиш (грантлар) учун олиб кириладиган товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ҚҚС солиғидан озод этилган.

Таклифимиз: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.04.2006 йилдаги “ОИТС, СИЛ ва безгак касалликлариға қарши кураш бўйича халқаро глобал жамғармаси грант маблағларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-315-сон қарорининг 4-банд. ОИТВ/ОИТС, сил ва безгак касалликлари тарқалишига йўл қўймасликка қаратилган стратегик дастурлар доирасида Глобал жамғарманинг грант маблағлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган ва сотиб олинаётган дори-дармонлар, тиббий ва лаборатория асбоб-ускуналари, хизматлар ва бошқа товарлар Ўзбекистон Республикасининг ҳиссаси сифатида божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

5. Хулоса.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, солиқ органлари яширин иқтисодиётни камайтириш ва солиқ тўлашдан бўйин товлашга қарши курашда муҳим рол ўйнайди. Улар ўзларининг саъй-ҳаракатлари, ҳамкорликлари, таълим олишлари ва технологиялардан фойдаланишлари орқали солиқ тизимининг адолатлилиги ва яхлитлигига ҳисса қўшадилар, барча жисмоний шахслар ва корхоналар солиқ мажбуриятларини бажаришларини ва иқтисодиётга ўзларининг адолатли ҳиссаларини қўшишларини таъминлайдилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, teng рақобат муҳитини яратиш ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларининг олдини олиш чора-тадбирларини давом эттириш, шу жумладан солиқ тўламаслик хавфи юқори бўлган солиқ тўловчилари учун қўшимча чекловлар ўрнатиш тизимини жорий қилиш керак. Тенг рақобат муҳитини яратиш ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларининг олдини олиш

чора-тадбирларини давом эттириш, шу жумладан солиқ тўламаслик хавфи юқори бўлган солиқ тўловчилари учун қўшимча чекловлар ўрнатиш тизимини жорий қилиш керак бўлади.

Адабиётлар:

Normurzaev, U. (2022). Hukumatimiz tomonidan soliq ma'murchiligi bo'yicha 2018-2022 yillarda amalga oshirilgan soliq islohotlari natijalari. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, 10(5), 325-330.

Normurzayev Umid Xolmurzayevich, O'zbekiston Respublikasining 2024-yilgi soliq qonunchilik hujjatlariga kiritilgan asosiy o'zgarish va soliq imtiyozlari berish tartibini takomillashtirish masalalari, Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot: Том 1 № 1 (2024):«Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot» jurnali

Аронов А. ва Кашин В. (2007) Налоги и налогообложение М.: Магистр.

Байгородина В.Г. (2010) Налоги и налогообложение: учебное пособие / Хабаровск: РИЦ ХГАЭП, 108 с..

Богатырева Е.Н. (2014) Теоретические детерминанты налоговых реформ. ISSN 2221-7347 Экономика и право.

Дементьева Н.М. (1689) налоговая политика государства. https://nsuem.ru/science/publications/science_notes/issue.php?ELEMENT_ID=1689.

Дж.М.Кейнс (1993) Общая теория занятости, процента и денег. – М.:

Жўраев А., Сафаров Ф. (2005) Солиқ назарияси. Ўқув қўлланма. –Т.: "Iqtisod-moliya", 48-бет.

Карп М.В. (2001) Налоговый менеджмент: Учебник для вузов. – М.: Юнити-дана, – 39 с.

Кенэ (1960) Избранные экономические произведения.-М.Соцэкгз.;

Кодекс (2020) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Faфур Гулом нашриёт уйи. 640 б.

Майбуров И.А. (2007) Налоги и налогообложение: учебник для студентов вузов, обучающихся по специальностям; под ред. И.А.Майбурова. –М.: юнити-дана, -655с.).

Нормурзаев, У. (2024). Ўзбекистонда 2024 йилги солиқ қонунчилик хужжатларига киритилган асосий ўзгаришлар таҳлили. *Iqtisodiy Taraqqiyot va Tahlil*, 2(2), 522-531. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2024-vol2-iss2-pp522-531>

Нормурзаев, У.(2024). Ўзбекистонда солиқ сиёсатини такомиллаштириша худудлараро солиқ инспекцияси ўрни ва аҳамияти. *Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil*, 2(4), 457-467. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2024-vol2-iss4-pp457-467>

Нормурзаев, У. (2023). Ўзбекистонда солиқ сиёсатини такомиллаштириш бўйича таҳлил ва таклиф. *Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil*, 1(7), 329-336. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2023-vol1-iss7-pp329-336>

Нормурзаев, У. (2023). Солиқ имтиёзлари бериш тартибини такомиллаштириш масалалари. *Iqtisodiy Taraqqiyot Va ta'lim*, 24(1), 334-339. https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a51

Нормурзаев У. Х. Солиқ имтиёзларининг самарадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Монография. Т.: «IQTISODIYOT»- 2023. 242 бет. 8



УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ортиков Э.Я.
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. Мазкур мақолада устав капиталининг аудитини таомиллашириши масалалари ёритилган. Устав капиталининг аудитини ташкил этишида аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш ва аудит ўтказиш масалалари баён этилган.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот, МХХС, ҳусусий капитал, устав капитал, аудит, аудитнинг халқаро стандартлари.

Аннотация. В данной статье освещены вопросы совершенствования аудита уставного капитала. При организации аудита уставного капитала описаны вопросы признания международных стандартов аудита и проведения аудита.

Ключевые слова: бухгалтерский учет, финансовая отчетность, МСФО, собственный капитал, уставный капитал, аудит, международные стандарты аудита.

Annotation. This article highlights issues of improving the audit of authorized capital. When organizing an audit of the authorized capital, the issues of recognizing international auditing standards and conducting an audit are described.

Key words: accounting, financial reporting, IFRS, equity capital, authorized capital, audit, international auditing standards.

1. Кириш.

Ўзбекистонда аудиторлик ташкилотларнинг халқаро тармоқقا жалб этилганлик даражасини ошириш ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан «Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатларини таомиллашириш, шу жумладан халқаро стандартлар асосида, аудиторлик хизматлари сифатини оширишга ва иш билармонлар ҳамжамиятининг аудиторлик ташкилотлари иши натижаларига ишончини қўллаб-қувватлашга қаратилган аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назорат қилишнинг таъсирчан тизимини шакллантириш» вазифаси белгиланиши аудиторлик текширувининг энг муҳим объектларидан бири бўлган ҳисоб сиёсати аудитини халқаро стандартлар асосида ўтказишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сон, 2023 йил 17 июлдаги ЎРҚ-856-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳисоб палатасининг фаолияти янада таомиллаширилиши

муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги ПҚ-128-сон "Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги, 2020 йил 24 февралдаги "Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4611-сон, 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-73-сон «Ўзбекистон Республикасининг "2022 йил Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонуннинг ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида", 2022 йил 30 декабрдаги ПҚ-471-сон "Ўзбекистон Республикасининг «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 апрелдаги 171-сон «Ўзбекистон Республикаси худудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари мамлакатимизда аудиторлик фаолиятининг меъёрий-хуқуқий асоси яратилганинидан далолатдир.

2. Адабиётлар шарҳи.

Хусусий капитал, шу жумладан устав капиталининг аудити тўғрисида адабиётларда турли фикрлар билдирилган.

С.К. Барышева ва А.Ж.Турлыбековалар (2017) капитал аудити тўғрисида қуйидаги фикрларни билдирган: капитал аудити корхонанинг молиявий-иктисодий кўрсаткичларининг ички ҳолатини ифодалайди. Хусусий капитал аудитининг мақсади корхонанинг ҳақиқий ҳолатини, унинг маълум бир даврдаги қийматининг ишончлилигини аниқлашдир.

А.Н.Семенова ва А.И. Евстратьевалар (2017) ўзларининг илмий ишларида қуйидагиларни келтирган: аудитнинг асоси, хусусан, хусусий капитал аудити, 300-сонли "Молиявий ҳисботлар аудитини режалаштириш" халқаро стандарти билан тартибга солинадиган режалаштириш жараёнидир. Аудит хусусий капиталнинг барча йўналишлари ва алоҳида капитал объектлари бўйича ўтказилади. Яна бир манбада, устав капитали аудитининг мақсади жамият устав капиталининг тўғри шакллантирилиши ва фойдаланилганлигини текширишдан иборат. Аудиторлар барча таъсисчиларнинг ҳиссалари тўғри баҳолангандиги ва жамиятнинг устав капиталида ҳисобга олингандигига ишонч ҳосил қилиш учун устав капиталига оид ҳужжатларни кўриб чиқадилар деб байён қилинган (2024).

Я.Я.Парасоцкая (2010) эса хусусий капитал аудитида устав капиталининг таркиби ва акциялар чиқариш, давлат рўйхатидан ўзказиш, акцияларнинг номинал қийматларини текширишни ҳам кўрсатиб ўтган.

М.Е.Василенко, Д.Д.Шакиналар (2018) хусусий капитал аудитида қуйидагиларни текширишни режалаштиришни қайд этишган: устав капитали, қўшилган капитал, захира капитали, тақсимланмаган фойда.

Д.А.Туйчиев ва В.А.Грековларнинг (2017) қайд этишиша, хусусий капитал аудитида, тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)нинг аудити, устав капитали аудити, қўшилган капиталнинг шаклланиши аудитлари унинг ташкил этишининг таркибий қисмлари бўлиб ҳисобланади.

Т.Т.Сатторов (2023) эса устав капитал аудитининг вазифаларини келтирган:

- устав капитали аудити ташкил килишнинг ахамияти ва зарурлигини таддик килиш;

- устав капитали аудити ташкил етишнинг назарий ва хукукий асосларини ёритиб бериш;
- устав капитали аудитнинг хисоботи ва ишчи дастурини тузишни такомиллаштириш буйича тавсиялар бериш;
- устав капитали аудитини утказишда устав капиталининг тугри хисобхисоботларда конун хужжатларида курсатилган нормаларга амал килинишини таъминлашдан иборат.

Э.Ортиқов (2024) ўзининг ишларида қуидагиларни қайд этган: Халқаро амалиётида хусусий капиталнинг ҳисоби молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларининг бир қанча стандартларда ўз аксини топган. Буларга МХХС (IAS) -1 “Молиявий ҳисботни тақдим этиш”, МХХС (IAS)-8 “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолашлардаги ўзгаришлар ва хатолар”, МХХС (IAS) -12 “Фойдадан солиқлар”, МХХС (IAS) -32 “Молиявий инструментлар, ахборотларни тақдим этиш”, МХХС (IAS) -33 Акцияга фойда”, МХХС (IAS) -37 “Захиралар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар” ва бошқа стандартларни мисол келтириш мумкин.

3. Тадқиқот методологияси.

Устав капиталининг аудити методологиясини такомиллаштириш муаммолари илмий жиҳатдан тадқиқ этилган. Мавзууни ёритишида адабиётлар шарҳи, маълумотларни гурухлаш ва таққослаш методларидан фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар.

Устав капитали аудитида асосий текшириладиган масала бу устав капитали бўйича бухгалтерия ҳисобидаги 8300 – “Устав капиталини ҳисобга оловчи счёtlар” яъни 8310, 8320 ва 8330 счёtlардаги ёзувларни ўрганиши ва “Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисбот” ҳисбот шаклидаги ахборотларнинг счёtlардаги маълумотларга мос келишслигини ўрганишdir. Бунда асосан қуидагиларга эътибор бериш лозим:

текшириш даври учун жами умумлашган даромад, бунда ушбу суммани бош ташкилот мулқдорларига тегишли ва назорат кучига эга бўлмаган улушларга тегишли жами суммаларини алоҳида акс эттирилган ҳолда;

хусусий капиталнинг ҳар бир компоненти учун МХХС 8-“Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолари ва хатолар”га мувофиқ тан олинган ретроспектив қўллаш ёки ретроспектив қайта ҳисоблаш таъсирлари;

хусусий капиталнинг ҳар бир компоненти учун давр бошидаги ва охиридаги баланс қиймати ўртасидаги солиштирма, бунда қуидагилардан юзага келадиган ўзгаришларни алоҳида ёритиб берган ҳолда:

-фойда ёки зарар;

-бошқа умумлашган даромад;

-мулқдорлар сифатида амал қиладиган мулқдорлар томонидан инвестициялар ва уларга дивиденdlар суммалари, бунда акциялар чиқарилиши, сотиб олинган ўз акциялари операциялари, мулқдорларга дивиденdlар ва бошқа тақсимлашлар ҳамда назоратни йўқотишга олиб келмайдиган шўъба ташкилотлардаги эгалик улушининг ўзгаришларини алоҳида кўрсатган ҳолда.

Аудитор устав капиталининг шаклланишини текширганда таъсисчилар улушларини ўз муддатида ва тўлиқ устав капиталига киритганлигини ўрганиши лозим. Шунингдек, таъсисчилар томонидан улуш сифатида киритилган активлар (бино, транспорт воситалари, номоддий активлар ва бошқалар) нинг тўғри баҳолангандигини текшириши ва бухгалтерия ҳисби счёtlарида тўғри акс эттирилганлигини ўрганиши мақсадга мувофиқ.

Устав капитали билан боғлиқ операцияларни текширишда қуйидаги бухгалтерия счёtlари текширилади: 8310 "Оддий акциялар"; 8320 "Имтиёзли акциялар"; 8330 "Пай ва улушлар". Таъсисчилар томонидан ҳисобварағига киритилган маблағларнинг тўлиқлиги ва ўз вақтида киритилиши касса кирим ордерлари маълумотлари, жорий ва валюта ҳисобварақларидан банк кўчирмалари ёрдамида текширилади. Аудиторлик амалиётида хорижлик таъсисчи устав капиталига ўз қисмини қўшишдан қочадиган ҳолатлар мавжуд

Устав капиталининг шаклланишини аудит қилишда аудитор 4610-“Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи” счётининг дебети ва кредитида акс эттирилган суммаларни хўжалик юритувчи субъект устави ва таъсис хужжатларига мос келишлигига алоҳида эътибор бериши зарур.

Устав капиталини аудиторлик текширувидан ўтказиша аудитор маълумотлар манбанин тўғри танлаши зарур. Ахборот манбай сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати;
- ҳисоб юритишнинг автоматлаштирилган шакли- “1-С бухгалтерия” дастури;
- ишчи счёtlар режасидаги устав капитали билан боғлиқ счёtlар маълумотлари;
- хўжалик юритувчи субъектнинг текшириш даврига тегишли бўлган молиявий ҳисботлари;
- олдинги аудиторлик текшируви материаллари;
- солиқ органларининг текшириш материаллари ва бошқалар.

Ўзбекистонда АХСнинг аудиторлик фаолиятига жорий этилиши босқичмабосқич юз бермоқда.

Аудитнинг халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикасида қўллаш Ўзбекистонда аудиторлик фаолияти халқаро аудит стандартлари (2021) ҳамда Халқаро бухгалтерлар федерациясининг Аудит ва ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари бўйича кенгаши томонидан эълон қилинадиган бошқа аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 171-сон қарори билан “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низом” тасдиқланди.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, устав капиталини аудиторлик текширувидан ўтказиша аудитнинг халқаро стандартлари қўлланинади.

5. Хулоса.

Устав капитали аудитини ишончли бўлишлиги аудит ўтказиша тўғри танланган методикага боғлиқ деган хулоса қилинди.

Устав капитали аудитини ўтказиша Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва меъёрий талабларга мос келган ҳолда устав капиталининг шаклланишини ўрганиш билан биргаликда АХСдан кенг фойдаланишни тавсия этамиз.

Адабиётлар:

Аудит уставного капитала и расчетов с учредителями: основные понятия и важность для бухгалтерии // Научные Статьи.Ру — URL <https://nauchniestati.ru/spravka/audit-ustavnogo-kapitala-i-raschetov-s-uchreditelyami/> (дата обращения: 30.04.2024).

Барышева С.К., Турлыбекова А.Ж. (2017) Аудит собственного капитала: задачи и основные процедуры проверки. Вестник КазНУ. Серия экономическая. №2 (120).

Василенко М.Е., Шакина Д.Д. (2018) Собственный капитал организации и особенности его аудита. <https://cyberleninka.ru/article/n/sobstvennyy-kapital-organizatsii-i-osobennosti-ego-audita-1>. 21.10.2020.

Ортиков Э.Я. (2024) Хусусий капиталнинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш. Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, -сон.

Парасоцкая Я.Я. (2010) Аудит собственного капитала предприятия. Ж. Аудит. №8 (248).

Сатторов Т.Т. (2023) Корхоналар устав капитали ва ундаги узгаришларни аудиторлик текширувидан утказиш услугияти. ЖУРНАЛ.Journal of marketing, business and management.апрел.

Семенова А.Н., Евстратьева А.И. (2017) Аудит собственного капитала обществ с ограниченной ответственностью. Журнал «Экономические исследования и разработки».

Туйчиев, Д.А. (2017) Аудит нераспределенной прибыли как составляющей собственного капитала / Д. А. Туйчиев, В. А. Грекова. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. № 17 (151). — С. 389-391.

Қонун (2021) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги ЎРҚ-677-сон.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси 2020 йил 24 февралдаги "Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4611-сон.

Қарор (2022) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 171-сон.



АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ортиков Э.Я.
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. Мазкур мақолада устав капиталининг бухгалтерия ҳисоби молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш масалалари ёритилган. Устав капиталининг ҳисоби амалиётдан олинган маълумотлар асосида счётларда акс эттирилган.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот, МХХС, хусусий капитал, устав капитал.

Аннотация. В данной статье освещены вопросы совершенствования учета уставного капитала на основе международных стандартов финансовой отчетности. Расчет уставного капитала отражается в отчетности на основании информации, полученной из практики.

Ключевые слова: бухгалтерский учет, финансовая отчетность, МСФО, собственный капитал, уставный капитал.

Annotation. This article highlights issues of improving the accounting of authorized capital on the basis of international financial reporting standards. The calculation of the authorized capital is reflected in the reporting based on information obtained from practice.

Key words: accounting, financial reporting, IFRS, equity capital, authorized capital.

1. Кириш.

Устав капиталининг шаклланиши ва унинг бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎРҚ-404-сон ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сон қонунлари билан тартибга солинади. Ҳозирги вақтда устав капиталининг бухгалтерия ҳисобини МХХС лари талаби асосида ташкил этиш ва такомиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Жаҳон амалиётида хусусий капиталнинг ҳисоби масалалари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг бир қанча стандартларда ўз аксини топган. Булар қаторига МХХС (ИАС) -1 “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш”, МХХС (ИАС)- 8 “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолашлардаги ўзгаришлар ва хатолар”, МХХС (ИАС) -12 “Фойдадан солиқлар”, МХХС (ИАС) -32 “Молиявий инструментлар, ахборотларни тақдим этиш”, МХХС (ИАС) -33 “Акцияга

фойда", МҲХС (ИАС) -37 " Захиралар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар" ва бошқа стандартлар¹.

2. Адабиётлар шарҳи.

Устав капитали ва унинг бухгалтерия ҳисоби борадаги иқтисодчиларнинг фикрларини келтириб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун ЎРҚ-370-сон қонунининг 3-моддасида "Устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти акциядорлик жамияти" деб эътироф этилган.

Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак. Жамиятнинг устав капитали жамият молмулкининг жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

Жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори жамият уставида белгиланади. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) жамият уставида назарда тутилган миқдорда шакллантиришнинг энг кўп муддати жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак².

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги ЎРҚ-404-сон қонуннинг 19-моддасида устав капитали қўйидагича ифодаланган: Хусусий капитал устав фонидан (устав капиталидан), қўшилган, захира капиталидан ва тақсимланмаган фойдадан таркиб топади.

Устав капитали таъсис хужжатларида белгиланган ҳиссаларнинг (пулда ифодаланган ҳолдаги) йиғиндисини акс эттиради. Устав фондига (устав капиталига) ҳиссалар шаклида киритиладиган моддий ва номоддий активлар таъсисчилар (иштирокчилар) ўртасидаги келишувга кўра баҳоланади, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланиши керак.

А.С.Агафонованинг (2020) фикрича, корхонанинг капитали ўзининг ва қарзга олинган капиталга бўлинади. Хусусий капитал-бу барча мажбуриятларни айриб ташлангандан кейин қолган корхонанинг активларининг бир қисмидир.

Н.А.Сафроновнинг (2016) ёзишича, "Хусусий капитал-бу корхона қарамоғида бўлган ўз маблағларининг тўлиқ ҳажмдаги қийматидир.Хусусий капитал суммаси бухгалтерия балансидаги жами активлардан компаниянинг шу дарвга тегишли бўлган ҳамма мажбуриятларини айриш йўли билан аниқланади".

В.В.Сопко (2004) хусусий капиталга бухгалтерия ҳисобининг обьекти сифатида қараб қўйидагича таъриф беради: "Хусусий капитал бухгалтерия ҳисобининг обьекти сифатида – бу корхона мулкининг манбаи бўлиб, улар қайтарилиш муддати белгиланмаган ҳолда, таъсисчилар-жисмоний ёки юридик шахслар томонидан киритилган ёки улар (таъсисчилар) томонидан фойда солиғи тўлангандан кейин корхонада қолдирилган маблағлардир".

В.Ф.Палийнинг (2013) фикрича: "Хусусий капитал-бу мажбуриятларнинг оғирлиги бўлмаган активларнинг қийматидир". Бунда иқтисодчи активлардан мажбуриятларни айриб ташлагандан кейинги активларнинг қиймати тўғрисида фикр юритган.

¹ International financial reporting standards.2018.

² Шу ерда, 16, 17 моддалар.

Н.А.Лытневанинг (2006) фикрича: "Хусусий капитал деганда, корхонанинг фаолияти давомида инвестиция қилинган ва шаклланган маблағларидан мажбуриятларни қоплагандан кейин унинг ихтиёрида қолган соф активлар тушунилади".

З.Удалова ва бошқалар (2018) хусусий капитални бухгалтерия ҳисоби тизими нуқтаи назардан тадқиқ этиб, қуидаги фикрни билдиришган: "Хусусий капитал-бу ўз ичига устав, қўшилган, резерв капиталлари ва тақсимланмаган фойдани олиб, келажакда фойда келтирадиган корхонага тегишли бўлган, қуилган ва жамғарилган, мажбуриятларни чиқариб ташлагандан кейинги активларнинг умумий қийматини акс эттирувчи иқтисодий ресурслардир".

Э.Ф.Гадоев (2010) томонидан чоп эттирилган бухгалтерлар учун амалий қўлланмада, "Устав капитали - корхонани ташкил этиш чоғида муассисларнинг асосий воситалар, номоддий активлар, пул, мулкий ҳуқуқлар, акциялар ва бошқа турдаги мол-мулк кўринишидаги улушлари" -деб таъриф берилган.

И.А.Саяпинанинг (2016) фикрича: Устав капитали - бу пул шаклида ҳисобланган, жамият мулкининг минимал миқдорини акс эттирувчи, унинг кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган ва жамият иштирокчиларининг номинал акциялари қийматининг йиғиндиси билан белгиланадиган қиймат.

С.Н.Поленова ва Н.А.Миславскаялар (2013) ҳам юқоридаги таърифга яқин таъриф берган: Акциядорлик жамиятининг устав капитали акциядорлар томонидан сотиб олинган жамият акцияларининг номинал қийматидан иборат. У компания мулкининг энг кам миқдорини белгилайди, бу унинг кредиторлари манфаатларини кафолатлайди.

А.Эрматов (2020) ўзининг илмий ишларида хусусий капитал тушунчасини қуидагича ифодалайди: Хусусий капитал – ишлаб чиқариш ресурсларининг ўтган даврлардаги фойдаланилиши натижасида жамланган, келгусида иқтисодий наф келтириш имкониятига эга ҳамда мулқдорларга тегишли бўлган қийматлар мажмуудир.

3. Тадқиқот методологияси.

Хусусий капитал ва хусусий капиталнинг ҳисоби бўйича иқтисодчилар томонидан берилган таъриф ва фикрлар умумлаштирилган. Мавзууни ёритища адабиётлар шарҳи, маълумотларни гурухлаш ва таққослаш методларидан фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар.

Устав капиталининг шаклланиши ва таркиби таъсисчилар томонидан улуш сифатида киритиётган активларнинг таркибига боғлиқ (1-расм).

Устав капиталининг таркиби

Унинг таркиби таъсисчилар томонидан киритиладиган активлар таркибига боғлиқ. Пул, кимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулкий хуқуклар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга хуқуклар жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) қўшиладиган хиссалар бўлиши мумкин.

Таъсисчиларниң улуши

Асосий воситалар

Номоддий активлар

Товар моддий захиралар

Пул маблағлари

1-расм. Устав капиталининг таркиби.

Мақолада "ЎЗБЕКНЕФТГАЗ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ"нинг 2020-2023 йиллардаги ҳисобот маълумотларидан фойдаланган ҳолда, хусусий капитал таркиби таҳлили 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

"ЎЗБЕКНЕФТГАЗ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ" хусусий капитали таркиби улушининг таҳлили³(млн. сўмда)

№	Элементлар	31.12. 2020	31.12. 2021	31.12. 2022	31.12 2023
1	Устав капитали	21536403,0	21,536,466,0	21 243 473,3	21 273 593,3
2	Кўшилган капитал	-	-	-	
3	Резерв капитали	10023593,9	9,925,768,6	10,069,403,0	8 956 228,4
4	Тақсимланмаган фойда	3440817,3	6,678,988,4	6,250,163,9	5 722 788,2
5	Мақсадли тушумлар	11761832,0	11,877,733,9	11,895,362,2	12 042 099,8
6	Ўз маблағлари манбалари жами:	46762646,2	50 018 956,4	49 458 402,5	47 994 709,7

2-жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ушбу АЖнинг хусусий капитали 2020 йил 31 декабрь ҳолатга 46 762 646,2 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йил 31 декабрь ҳолатига 50 018 956,4 млн. сўмни, 2022 йил охирига

³ АЖ молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

эса 49 458,402,5 млн сўмни ва 2023 йил якуни билан 47 994 709,7 млн. сўм бўлган. Устав капитали 2023 йил 31 декабрь ҳолатига 21 243 473,3 млн. сўмни ташкил этган. "ЎЗБЕКНЕФТГАЗ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ"нинг оддий акцияларига эга ягона акциядорияинг 2023 йил 16 июндаги 10 - сонли қарори билан тасдиқланган янги таҳрирдаги уставида устав капиталининг миқдори 21 243 473 351 минг сўм этиб белгиланган.

Устав капиталининг шаклланиш жараёни бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

Дт 4610 "Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи" счёти 21 243 473 351 сўм

Кт 8300 "Устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар" счётлари 21 243 473 351 сўм.

Таъсисчилардан бири ўзнинг улушкини транспорт воситаси кўринишида киритди:

Д-т 0160-«Транспорт воситалари»

К-т 4610-«Устав капиталига бадаллар бўйича қарзи».

Таъсисчилардан бири ўз улушкини хом-ашё кўринишида киритди:

Д-т 0110-«Хом-ашё ва материаллар»

К-т 4610-«Устав капиталига бадаллар бўйича қарзи».

Халқаро амалиётида хусусий капиталнинг ҳисоби молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг бир қанча стандартларда ўз аксини топган. Буларга МХХС (IAS) -1 "Молиявий ҳисоботни тақдим этиш", МХХС (IAS)- 8 "Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолашлардаги ўзгаришлар ва хатолар", МХХС (IAS) -12 " Фойдадан солиқлар", МХХС (IAS) -32 "Молиявий инструментлар, ахборотларни тақдим этиш", МХХС (IAS) -33 " Акцияга фойда", МХХС (IAS) -37 " Захиралар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар" ва бошқа стандартларни мисол келтириш мумкин.

5. Хуноса.

Устав капиталининг бухгалтерия ҳисобини МХХС асосида ташкил этиш долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Устав капитали ҳисобини такомиллаштириш мақсадида МХХС (IAS) 1 - «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш», МХХС (IAS) 8 - «Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолашлардаги ўзгаришлар ва хатолар», МХХС (IAS) 12 - «Фойда солиғи», МХХС (IAS) 32 - «Молиявий инструментлар, ахборотларни тақдим этиш», МХХС (IAS) 33 - «Акцияга фойда», МХХС (IAS) 37 - «Захиралар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар» ва бошқа молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан фойдаланиш бўйича ўзининг ҳисоб сиёсатига киритиш ва хиссий капитал ҳисобини юритишида фойдаланиш мақсадида майвофиқdir.

Устав капиталининг ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш мамлакатимиз бухгалтерия ҳисобини жаҳон амалиётига яқинлаштиради.

Адабиётлар:

Агафонова А. С. (2020) Методика анализа структуры капитала.

Гадоев Э.Ф. (2010) Бухгалтерлар учун амалий қўлланма: икки жилдлик/.- Тошкент: "НОРМА", 344 б.

Лытнева Н.А. (2006) Методология концепции учета, анализа и аудита собственного капитала 08.00.12 - Бухгалтерский учет, статистика АВТОРЕФЕРАТ диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук Москва. 13 с.

- Палий, В.Ф. (2013) Международные стандарты учета и финансовой отчетности: учебник / В.Ф. Палий - 6-е изд., испр. и доп. - М.: ИНФРА-М, - 506 с.
- Поленова С.Н., Миславская Н.А. (2013) Уставный капитал: понятие и бухгалтерский учет. Журнал Экономика и социум. 2 (7)
- Саяпина И.А. (2016) Функции и структура уставного капитала общества с ограниченной ответственностью // Право и политика. № 6. С. 109-114.
- Сафонов Н.А. (2016) Экономика организаций (предприятия): учебник для спр. спец. учеб. заведений.-2-е изд., с изм. / Н. А. Сафонов.- М.: Магистр: ИНФРА-М, -256 с
- Сопко В.В., Завгородній В.П. (2004) Організація бухгалтерського обліку, економічного контролю та аналізу: Підручник. – К.: КНЕУ,– 412 с.
- Удалова З.В., Салтанова А.Г., Тарасов А.Н. (2018) Развитие учетно-аналитического обеспечения управления собственным капиталом в сельскохозяйственных организациях: монография – Ростов н/Д ФГБНУ ВНИИЭин; Изд-во ООО «Азов Принт», 180 с.
- Қонун (2014) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-370-сон.
- Қонун (2016) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎРҚ-404-сон.
- Эрматов А.А. (2020) Хусусий капиталнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш муаммолари. 08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация.



МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ҲАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Холмуродов О.Н.

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти

Аннотация. Мақолада хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг молиявий натижалари ҳисобини молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартлари асосида ташкил этиш ёритилган. Амалиётдан олинган маълумотларни асосида молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисоби счёtlарда акс эттирилган.

Калит сўзлар: даромад, харажат, фойда, молиявий натижса, бухгалтерия ҳисоби, счёт.

Аннотация. В статье описана организация финансовых результатов хозяйствующих субъектов на основе международных стандартов финансовой отчетности. На основе данных, полученных из практики, в бухгалтерском учете отражаются финансовые результаты.

Ключевые слова: доход, расход, прибыль, финансовый результат, бухгалтерский учет, счет.

Annotation. The article describes the organization of financial results of business entities based on international financial reporting standards. Based on data obtained from practice, financial results are reflected in accounting.

Keywords: income, expense, profit, financial result, accounting, account.

1. Кириш.

Жаҳонда турли давлатларда чуқурлашиб бораётган глобаллашув ва интеграция ҳамда рақамлаштириш натижасида фаолиятини, шу жумладан ҳисоб тизимини ҳалқаро даражада қабул қилинган стандартлар асосида юритиш, уларга бўлган талабларнинг кучайишига ва молиявий ҳисоботларни ушбу амалиётга мослаб тузишни заруриятини келтириб чиқармоқда. “Дунёда турли соҳаларда фаолият юритаётган барча акциядорлик компаниялари, 45 мингдан ортиқ трансмиллий корпорациялар ва йирик компаниялар ўзларининг 250 мингдан ортиқ шўъба ва бошқа боғлиқ компаниялари билан биргаликда МХХСларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни ихтиёрийлик асосда тузмоқдалар” (Ибрагимов ва бошқалар, 2020).

Акциядорлик жамиятлари томонидан молиявий ҳисоботларнинг ҳалқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш, активларни тан олиш, капитал, молиявий натижаларни ҳисобда акс эттириш ва бухгалтерия ҳисоби ахборот таъминотини такомиллаштириш, ҳалқаро стандартларни жорий қилиш ва

баҳолаш масалалари ўз ечимини топишга доир кўплаб илмий ишланма ва изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида Республикасиз Президенти таъкидлаганидек, 2021 йил 1 январдан бошлаб, МХХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисботни МХХС асосида тайёрлайди, қонун ҳужжатларида МХХСга ўтишнинг эртароқ муддатлари назарда тутилган юридик шахслар бундан мустасно”¹. Ушбу Қарорга кўра, акциядорлик жамиятлари 2021 йил 1 январдан бошлаб бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳўжалик фаолиятини молиявий ҳисботларини тайёрлашни молиявий ҳисботнинг ҳалқаро стандартлари асосида амалга оширади.

Молиявий натижаларни аниқлаш ва улар тўғрисидаги маълумотлар бериш молиявий ҳисбот маълумотларидан фойдаланувчилар учун ўта аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам ҳар қандай тузумда фаолият юритаётган ҳўжалик субъектлар ўз фаолиятларининг молиявий натижаларини аниқлайди.

2. Адабиётлар шарҳи.

Молиявий ҳисботнинг ҳалқаро стандартларининг моҳияти, унга ўтишнинг зарурияти иқтисодий адабиётларда турлича ёритилган.

А.К.Ибрагимовнинг (2023) ёзишича, “Молиявий ҳисботларни ҳалқаро стандартларга мослаштириш, айниқса компания ва фирмалар молиявий кўрсаткичларига баҳо беришда ва уларнинг ҳалқаро миқёсда ҳаракат қилишида ва муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан ҳам Ўзбекистон Республикаси корхона ва ҳўжалик субъектларида молиявий ҳисботларни ҳалқаро стандартлар асосида тайёрлаш ва молиявий ҳисботларнинг ҳалқаро стандартларни келиб чиқиш тарихи ва унинг эволюцияси асосида ҳўжалик юритувчи субъектлар бўйича молиявий ҳисботнинг ҳалқаро стандартларини қўллашнинг ишчи режаси ва амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга қўллаш жараёнини кўриб чиқиш лозим”.

А.А.Каримов ва Л.С.Жўрақулловларнинг (2022) фикрича, ҳар бир корхона молиявий ҳисбот трансформацияси бўйича ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши шарт. Шу боис, компанияда молиявий ҳисбот трансформациясини амалга ошириш учун қуийдаги шарт-шароитлар мавжуд бўлиши керак: - компанияда МХХСлари бўйича тузилган молиявий ҳисботига зарурият бўлиши керак. Компаниянинг ички ва ташқи ахборот фойдаланувчиларида МХХС бўйича тузилган молиявий ҳисботдан фойдаланиш ва унинг асосида қарорлар қабул қилишига муҳит юзага келиши шарт; - миллий стандартлар асосида тайёрланган молиявий ҳисбот объектив, ишончли, уйғун ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартларига тўлиқ мувофиқ келиши керак.

Л.Б.Трофимова (2018) томонидан компания ва фирмалар молиявий ҳисботнинг ҳалқаро стандартларини қўллаш жараёнida ўхшаш операциялар, бошқа ҳодисалар ва шароитларга тегишли ҳисоб сиёсатини изчил равишда танлаши ва қўллаши керак, деган фикр билдирган. Демак ушбу фикрдан хулоса қилишимиз мумкинки, молиявий ҳисботнинг ҳалқаро стандартлари моддаларнинг тоифаларга бўлинишини талаб этса ёки рухсат этса, бундай ҳар бир тоифага тегишли бўлган ҳисоб сиёсати изчил равишда танланиши ва қўлланилиши лозим деган фикрни билдиради.

И.Н.Исманов (2017) МХХСни моҳиятини қуийдагича ёритади: “МХХС корхона фаолияти тўғрисида молиявий ахборотларнинг манбай бўлган ва фойдаланувчилар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисботнинг ҳалқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон қарори.

учун хизмат қиладиган молиявий ҳисобот тайёрлашга йўналтирилган. Ушбу стандартлар алоҳида олинган мамлакатнинг қонунчилигига боғланмаган ва фаолият тури, ўлчами, ташкилий-хуқуқий шаклидан катъий назар барча корхона ҳисботини шакллантириш учун йўналтирилган”.

С.Н.Ташназаровни (2021) такидлашича, мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқа корхоналарнинг ихтиёрийлик асосида ўз ташаббуслари билан МҲҲСлари асосида молиявий ҳисботга ўтишларига эришишимиз лозим. Корхона ва ташкилотлар ўзлари МҲҲСларига ўтишда наф олишлари, унинг афзалликларини ҳис қилишлари лозим. МҲҲСлар орқали инвестициявий жозибадорлигига эришиш йўли билан корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегик аҳамиятга эга бўлган вазифа сифатида қаралиши лозим.

З.Н.Курбанов ва А.Акрамовларнинг (2015) фикрича “Республикамиизда бухгалтерия ҳисобини босқичма-босқич молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш ва молиявий ҳисботларни тузиш жаҳон интеграциясига янада кенгроқ кириб бориш имкониятини беради. Бу эса Республикамиизда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги босқичи бўлиб қолади”.

Е.Л.Путникова, В. А.Урбанлар (2022) молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтишни қўйидагича изоҳлайди: “Беларусь Республикасининг молиявий ҳисботларини халқаро молиявий ҳисбот стандартларига мувофиқ ўзгартириш МҲҲСга ўтиш йўлидаги биринчи, жуда муҳим ва мажбурий қадамdir”.

Б.Қ.Бобобековни (2022) қайд этишича, Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш, корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий, мулкий ва молиявий ҳолатини, уларнинг ўтган даврлардаги молиявий натижаларини қиёсий ўрганиш ва объектив баҳолаш орқали келгусидаги фаолиятни кенгайтириш, ташқи молиявий манбаларни излаб топиш, халқаро молиявий институтлардан капитал жалб қилиш имконини беради.

Юқорида келтирилган Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш бевосита молиявий натижаларни бухгалтерия ҳисобини ташкил этишга ҳам тегишлидир.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотимиз методологияси бўлиб, даромадлар, харажатлар ва молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисобини МҲҲС асосда ташкил этиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида амалий материалларни таққослаш ва гурухлаш каби усуллардан фойдаланилиб, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

4. Таҳлил ва натижалар:

Молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисоби 1-сон БҲҲС “Молиявий ҳисботни тақдим қилиш”, 12-сон БҲҲС “Фойда солиғи”, 15-сон БҲҲС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” ва бошқа стандартлар билан тартибга солинади.

Молиявий ҳисботлар тадбиркорлик субъектига тегишли бўлган қўйидаги жиҳатлар тўғрисидаги маълумотларни таъминлайди:

- активлар;
- мажбуриятлар;
- капитал;
- даромад ва харажатлар, жумладан фойда ва зарарлар;
- мулк эгалари томонидан уларнинг мулк эгалари сифатида амал қилишидаги қилинган қўйилмалар ва уларга тақсимланадиган суммалар; ва

-пул оқимлари.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами қуидагиларни қамраб олади:

-давр охирига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот;

-давр учун фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот;

-давр учун капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот;

-давр учун пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;

-изоҳлар, яъни аҳамиятли ҳисоб сиёсатларининг ва бошқа тушунтириш маълумотларининг қисқа баёнини қамраб олган изоҳлар.

Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот (умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот), фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар бўлимларига қўшимча тарзда, қуидагиларни тақдим этиши лозим:

-фойда ёки зарар;

-жами бошқа умумлашган даромадлар;

-жами фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадларни қамраб олган ҳолда, давр учун умумлашган даромадлар.

Бошқа МҲҲСларда талаб этилган моддаларга қўшимча тарзда, фойда ёки зарар бўлими ёки фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисобот давр учун қуидаги суммаларни акс эттирадиган, сатрларда кўрсатиладиган моддаларини ўз ичига олиши лозим:

-одатдаги фаолиятдан олинадиган даромад;

-амортизацияланган қиймат бўйича ҳисобга олинадиган молиявий активларни тан олишни тўхтатишдан юзага келадиган фойда ва зарарлар;

-молиявий харажатлар;

-улуш бўйича ҳисобга олиш усули бўйича ҳисобга олинган қарам тадбиркорлик субъектларининг ва қўшма корхоналарининг фойда ёки зараридағи улушки;

-агар молиявий актив қайта таснифланиб, ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олинадиган бўлса, олдинги баланс қиймати билан унинг қайта таснифлаш санасидаги ҳаққоний қиймати ўртасидаги фарқдан юзага келадиган ҳар қандай фойда ёки зарар (МҲҲС 9 да таърифланганидек);

-солиқ харажати.

Молиявий натижаларни характерловчи кўрсаткичлар бўлиб даромад ва тушум кўрсаткичлари ғисобланади. 15-сон БҲҲС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” стандартда даромад ва тушум тушунчаларига таъриф келтирилган. Даромад бу - ҳисобот даври давомида активларнинг келиб тушиши ёки сифатининг яхшиланиши ёки мажбуриятлар миқдорининг камайиши кўринишида иқтисодий нафнинг кўпайиши, қайсики унинг натижасида капитал иштирокчиларининг бадали билан боғлиқ бўлмаган ҳолда хусусий капиталнинг кўпайиши юз беради. Тушум бу - компаниянинг одатий фаолияти давомида юзага келадиган даромади².

Солиқ ҳисоботларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мослаштириш бўйича маълум ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасиининг “Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан солиқ ҳисоботларининг шакллари тасдиқланди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 февралда рўйхатдан рақами 3221 ўтказилди³. Ушбу қарор билан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга ўтган юридик шахсларнинг

² 15-сон МҲҲС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” 2018.

³ Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасиининг “Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан солиқ ҳисоботларининг шакллари тасдиқланди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 февралда рўйхатдан рақами 3221 ўтказилди.

солиқларини ҳисоблаб чиқиш учун зарур бўлган қўрсаткичлар бўйича алоҳида 13-илова киритилди.

1-жадвал

**Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларга ўтган "UZBAT АО"
AKSIYADORLIK JAMIYATI томонидан тақдим этилган умумлашган даромадлар
тўғрисидаги
МАЪЛУМОТ**

минг сўм

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	2022 йил	2023 йил
1	2	3	4
Соф тушум, (сатр.020+030+040+050)	010	2 042 488 831,00	2 753 975 643,00
маҳсулот сотишдан	020	1 948 023 602,00	2 562 708 403,00
хизматлар қўрсатишдан	030	552 598,00	583 736,00
курилиш шартномалари бўйича	040		
Бошқалар	050	93 912 631,00	190 683 504,00
Сотилган маҳсулот (товар, хизмат)ларнинг таннахи	060	743 345 681,00	1 040 230 588,00
Ялпи даромад , (сатр.010-060)	070	1 299 143 150,00	1 713 745 055,00
Бошқа операцион даромадлар	080	7 899 452,00	20 042 564,00
Сотиш харажатлари	090	237 198 471,00	379 459 530,00
Маъмурий харажатлар	100	74 637 831,00	90 555 823,00
Бошқа харажатлар	110	141 991 659,00	120 614 721,00
Операцион даромад, (сатр.070+080-090-100-110)	120	853 214 641,00	1 143 157 545,00
Қадрсизланиш бўйича заарлар/тикланиш (сатр. 140+150+160)	130		-10 654 215,00
Молиявий активлар бўйича	140		-1 680 008,00
Товар моддий захиралар бўйича	150		-8 974 207,00
Бошқа активлар бўйича	160		
Дивиденлар тарзидаги даромадлар	170		
Валюта курси фарқидан фойда ва заарлар *	180	-951 254,00	-2 034 774,00
Фоиз тарзидаги даромадлар	190	17 280 161,00	11 180 702,00
Фоиз тарзидаги харажатлар	200		
Молиявий ижарадан даромадлар	210		
Молиявий ижара бўйича харажатлар	220		
Бошқа даромад ва харажатлар *	230		
Солиққа тортиладиган фойда/зарар (сатр. 120+130+170+180+190-200+210-220+230)	240	869 543 548,00	1 141 649 258,00
Фойда солиги	250	144 257 214,00	153 049 155,00
Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	260		
Соф фойда/зарар (сатр. 240-250-260)	270	725 286 334,00	988 600 103,00
Бошқа умумлашган даромад/харажатлар	x	x	x
Асосий воситалар бўйича қайта баҳолаш резервлари	280		
Бошқа умумлашган даромадлар	290		
Бошқа умумлашган даромадлар (зарарлар) (сатр.280+290)	300		
Жами умумлашган даромадлар (сатр. 270+300)	310	725 286 334,00	988 600 103,00

1-жадвалда эса Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга ўтган "UZBAT АО" AKSIYADORLIK JAMIYATI томонидан тақдим этилган умумлашган даромадлар тўғрисидаги маълумотлар ўз аксини топган. 2023 йилда соф тушум 2022 йилда 2 042 488 831 минг сўм бўлган бўлса, 2023 йилда 2 753 975 643 минг сўмни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан ўсиш бўлган. 2023 йилда 153 049 155 минг сўм фойда солиги ҳисобланган. Соф фойда 988 600 103 минг сўм бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Солиқ қўмитаси билан биргаликда 2023 йил якуnlари бўйича молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиш бўйича қуидагиларни маълум қилади. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишга доир қоидалари бухгалтерия ҳисоби стандартлари асосида амалга оширилади, шунингдек, халқаро стандартлар асосида тузиладиган молиявий ҳисоботга доир талаблар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида (МХХС) белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги 4611-сонли "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ⁴, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар (кейинги ўринларда – ташкилотлар) 2021 йил 1 январдан бошлаб, МХХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиши ва 2021 йил якуnlаридан бошлаб молиявий ҳисоботни МХХС асосида тайёрлаши, қонун хужжатларида МХХСга ўтишнинг эртароқ муддатлари назарда тутилган юридик шахслар бундан мустасно эканлиги белгиланган. Шунингдек, молиявий ҳисоботни ихтиёрий равишда МХХСга мувофиқ тайёрлайдиган ташкилотлар бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС) бўйича молиявий ҳисобот тақдим этишдан озод этилади. Ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси худудида қўллаш учун тан олинган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матни асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этади ва молиявий ҳисоботларни тайёрлайди.

5. Хуносা.

Мамлакатимиз молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш борасида маълум ишлар амалга оширилмоқда.

Молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисоби 1-сон БХХС "Молиявий ҳисоботни тақдим қилиш", 12-сон БХХС "Фойда солиги", 15-сон БХХС "Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум" ва бошқа стандартлар билан тартибга солинади.

Мамлакатимиз молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиши чет эл инвестицияларни жалб қилиш йўлларидан биридир.

Адабиётлар:

Бобобеков Б.К. (2022) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаблари асосида товар моддий захираларнинг ҳисобини ташкил этиш методологияси. Iqtisodiyot va ta'lim / 1-son.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги 4611-сонли "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ти қарори.

Ибрагимов А.К., Умаров З.А., Хотамов К.Р., Ризаев Н.Қ. (2020) Тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Дарслик. -Т.: «Iqtisod-Moliya», 560б.

Ибрагимов А. К. (2023) Ўзбекистон банк тизимида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш масалалари. Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, iyul.

КаримовА.А, Жўрақулов Л.С. (2022) Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни мҳҳс асосида ташкил этишдаги трансформацияси зарурати. . O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali 8-son.

Исманов И. Н. (2017) Бухгалтерия ҳисоби тизимининг молиявий ҳисоботларнинг халкаро стандартларига трансформациясининг зарурияти. Иктисад ва мolia / Экономика и финансы 3

Путникова Е. Л., Урбан В. А. (2022) Подготовка бухгалтерской отчетности согласно международным стандартам финансовой отчетности. Весник Белорусской государственной сельскохозяйственной академии. №2

Ташназаров С.Н (2023) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишдаги тажрибалар ва жадаллаштириш омиллари. Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, noyabr.

Трофимова Л.Б. (2018) Международные стандарты финансовой отчетности: учебник, М.: Издательство Юрайт. -242 с

Ташназаров С.Н. (2021) Мажбуриятлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш."Экономика и социум" №5(84).

Курбанов З.Н., Акрамов Ф.А. (2015) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг долзарб масалалари."Бизнес-эксперт" журнали. 4-сон.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24-февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-4611-сон.



ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

и.ф.д., профессор Ҳотамов К.Р.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети,

Турсунбоев А.Ю.

Давлат солиқ құмитаси бошқарма бошлиғи

Аннотация. Мазкур мақолада ер ости бойликларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи ва солиққа тортишда юзага келадиган муносабатлар бүйича қабул қилингандык норматив-хуқуқий хужжаттар үрганиб чиқилған және тегишили тавсиялар шаллантирилген.

Калит сүзлар: Ер қаъри, минерал хом ашё, норуда фойдаои қазилма, углеводородлар, қымматбаҳо, ранги, нодир ва радиоактив металлар, имзоли бонус, тижоратбоп топилма бонуси.

Аннотация. В данной статье исследованы нормативные правовые документы, принятые по правовому регулированию и налогообложению недр, и даны соответствующие рекомендации.

Ключевые слова: Недра, минеральное сырье, полезные ископаемые, углеводороды, драгоценные, цветные, редкие и радиоактивные металлы, подписной бонус, бонус коммерческого обнаружения.

Abstrak. In this article, the normative legal documents adopted on the legal regulation and taxation of underground resources are studied and relevant recommendations are made.

Keywords: Underground, mineral raw materials, mineral, hydrocarbons, precious, non-ferrous, rare and radioactive metals, signature bonus, commercial discovery bonus

1. Кириш.

Мамлакатимизда ер ости бойликларига әгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солищда асосий ҳуқуқий хужжатнинг қабул қилиниши тарихий ахамияттаға эга.

Ер ости бойликларининг ҳуқуқий ҳолати – ер ости бойликларини муҳофаза қилиш, минерал хом ашёдан ўта самарадорлик билан фойдаланиш ва унинг натижасыда бузилған табиий комплексларни қайта тиклашда юзага келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишидір.

Ўзбекистон Республикасида ер ости бойликларининг ҳуқуқий ҳолати Конститутцияда белгиланған императив нормалар ва унинг асосида ишлаб чиқилған умумлаштирилған нормалар (*Табиатни муҳофаза қилиш түғрисида, Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар түғрисида* каби), кодификатсияланған (*Ер кодекси, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик*

тўғрисидаги кодекс, Фуқаролик кодекси каби) ва ихтисослаштирилган (Ер ости бойликлари тўғрисида, Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида, Қимматбахо металлар ва қимматбахо тошлар тўғрисида) қонунлар ва улар асосида ишлаб чиқилган қонун ости норматив хужжатлар асосида тартибга солинади.

Ер ости бойликларини ҳуқуқий тартибга солиш мазмuni – рухсат берувчи, олдини оловчи ва тақиқловчи ҳуқуқий меъёрлар орқали уларни муҳофаза қилиш ва улардан ўта самарадорлик билан фойдаланишдан иборатдир. Шу билан бирга ер ости бойликларидан самарали фойдаланишда солиққа тортиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

2. Адабиётлар шарҳи.

Ер ости бойликларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари ва уни солиққа тортиш масалалари бўйича бир қанча тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Череповициын (2000) ўзининг илмий ишида қурилиш материаллари саноати стратегиясида ер ости бойликларининг ролини ва аҳамиятини ёритиб ўтган. Унинг илмий ишлнмасида, табиий бойликлар кенг тарқалган минтақалар билан бошқа худуларнинг қурилиш материаллари саноати таққосланиб, ўрганилган.

Рубанованинг (2005) фикрича, қурилиш материаллари саноатида экологик ҳисобни шакллантириш долзарб ҳисобланади. Экологик меъёрларни ишлаб чиқиши орқали фойдали қазилмалардан фойдаданиш, уни ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш мумкинлиги қайд этилган.

Налетов (2006) ўзининг илмий ишида кончилик муносабатларини тартибга солувчи маҳаллий ва хорижий қонун хужжатлари, ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги шартномалар, доктринал манбалар, ер ости бойликлари соҳаси бўйича маъмурӣ, фуқаролик ва экологик ҳуқуқ нормларининг хориж давлатларининг ҳамда халқаро тижорат арбитраж органларнинг қарорлари билан қиёсийлигини ёритган.

Юхимованинг (2008) фикрича, қаттиқ турдаги (норуда) фойдали қазилмларни солиққа тотищда ушбу фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ харажатлар инобатга олинмаганлиги баён қилинган.

Суткевичнинг (2013) тадқиқотида Россия Федерациясининг 2030 йилгача геология саноатини ривожлантириш стратегиясида белгилаб берилган вазифалар таҳлил қилинган. Бунга кўра, мазкур даврда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва солиқ бўлмаган тўловларни ҳисоблаш тизимини такомиллаштириш назарда тутилган. Шунингдек, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва солиқ бўлмаган тўловларни тўлашда жамоатчилик назоратини кучайтириш тадқиқот объекти сифатида қаралган.

Юқоридагилардан кўришимиз мумкинки, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уни солиққа тортиш масалалари алоҳида тадқиқот сифатида чуқур ўрганилмаган. Шу боис, мазкур мақола доирасида ушбу масалага чуқурроқ тўхталишни лозим топдик.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида олинган маълумотларга ишлов беришда мантиқий мушоҳада, адабиётларни танқидий ўрганиш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, таққослаш, маълум белгилар асосида класификациялаш, ҳуқуқий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва солиққа тортишни ҳуқуқий тартибга солишга оид бир қанча ҳуқуқий хужжатлар мавжуд бўлиб, улар мазкур

бойликлардан фойдаланиш билан бирга уни солиққа тортиш масалаларини ҳам тартибга солади.

Биз томонимиздан, ўрганишлар асосида, ер ости бойликларидан фойдаланишни хуқуқий тартибга солиш ҳамда солиққа тортишни такомиллаштириш бўйича қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжатларнинг айримлари билан яқиндан танишиб чиқилди ҳамда тизимга келтирилди. Тадқиқот давомида Хукумат томонидан қабул қилинган бир қанча Қонунлар, Фармон ва қарорлар таҳлил қилинди ҳамда ер ости бойликларидан фойдаланиш ва бевосита солиққа тортиш йўналиши бўйича гурӯҳларга ажратилди (1,2-жадваллар).

1-жадвал

Ер ости бойликларидан фойдаланишга доир меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар¹

T/p	Рақами ва санаси	Хужжатнинг қисқача мазмуни
Ўзбекистон Республикаси Қонуни		
1.	13.12.2002, 444-II-сон	Ер ости бойликларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.
2.	07.12.2001, 312-II-сон	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида конларни аниқлаш, қидириш ва фойдали қазилмаларни кавлаб олишга инвестициялар киритилганда маҳсулот тақсимотига оид битимларни тузиш, ижро этиш ва бекор қилиш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.
3.	23.08.2021, 710-сон	Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.
Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори		
4.	25.09.2017 й илдаги 3286-сон	Дарёлар ўзанларида қум-шағал материалларини қазиб олиш учун шартномалар тузиш ва уларнинг ҳисобини юритиш бўйича ягона оператор сифатида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги "Хавфсиз дарё" давлат унитар корхонаси белгиланди.
5.	26.12.2018, 4078-сон	Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини молиялаштирган юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзлари қидириб топган кондан фойдали қазилмаларни қазиб олишга рухсатнома олишда уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқлари сакланиб қолиниши белгиланди
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори		
6.	04.12.2018, 983-сон	Фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун кон ажратиш, қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун кон ажратмаси бериш, қазиб олиш жараёнида қазиб олинган ва йўқотилган фойдали қазилмалар захираларини ер қаъридан фойдаланувчининг ҳисобидан чиқариш тартиби, Ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги ҳамда Фойдали қазилмаларни қазиши чоғида ер қаърини муҳофаза қилишнинг ягона қоидлари тасдиқланган
7.	01.07.2019, 546-сон	Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензиялар бериш тартиби
8.	11.12.2019, 981-сон	Каналлар, сугориш ва коллектор-дренаж тармоқларининг соҳил бўйидаги тупроқ уюмлари эгаллаган майдонлар улардан фойдаланувчи ташкилотлар билан келишилган ҳолда фермер ва дехқон хўжаликлини ҳамда бошқа ташкилотларга ўз маблағлари ҳисобидан тупроқ уюмларини олиб ташлаш ёки текислаш ишларини бажариб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, шунингдек, тупроқ уюмларини қурилиш материаллари сифатида ишлатиш учун муддатли (вақтинча) фойдаланишга ёки ижарага шартнома асосида берилиши мумкинлиги белгиланган
9.	03.12.2018, 981-сон	Дарёлар ўзанларини тозалаш мақсадида ишлаб чиқилган лойиҳаларни амалга ошириш ҳуқуқини электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилиш учун материалларни тайёрлаш тартиби белгиланган
10.	23.06.2020, 403-сон	Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби белгиланган
11.	02.08.2021, 483-сон	Ер қаъридан қазиб олинган норуда фойдали қазилмалар автотранспорт воситаларида ташилиши таҳлилини, ташиш ҳужжатларидағи юкни жўнатувчилар ва олувчилар, юклаб жўнатиладиган норуда фойдали қазилмаларнинг ҳар бир турининг номи ва миқдори (ҳажми) тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашни назарда тутувчи «Норуда фойдали қазилмаларни назорат қилиш» автоматлаштирилган ахборот тизимини давлат-хусусий шериклик асосида ишлаб чиқиш белгиланган
12.	25.03.2022, 133-сон	Қарорда ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома бериш тартиб-таомилларини қамраб олган барча босқичлар такомиллаштирилди

¹ Муаллиф томонидан шакллантирилган

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, республикамизда ер қаъридан фойдаланиш, ер ости бойликларини ишлатишга доир тартиб-қоида, тамойиллар ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустқаҳкамланган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисидаги” Қонуни билан ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ер қаъридан оқилона ва комплекс фойдаланиш тартибга солиб берилди.

Ушбу Қонун 52 та моддадан иборат бўлиб, мазкур моддаларда кончилик муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши, ер қаъридан фойдаланишнинг турлари, ер қаъридан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг талаб ва шартлари акс эттирилган.

Ер қаъридан фойдаланишнинг асосий турлари ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, олтин изловчилар усулида кавлаб олиш ҳамда техноген минерал ҳосилалардан фойдаланишдан иборат

Уларнинг ҳар бир турини расмийлаштириш бўйича талаблар белгиланган бўлиб, ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш тўла-тўқис бўлишини ва ундан комплекс фойдаланишишини таъминлаш, фойдали қазилмаларнинг ўзбошимчалик билан кавлаб олинишига ва улар жойлашган майдонларда иморат қурилишига йўл қўймаслик, фойдали қазилмалар захираларининг давлат ҳисоби юритилишини амалга ошириш ва шу билан боғлиқ бир қанча шартлар белгиланган.

Кейинги асосий ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида”ги Қонуни ҳисобланиб, ушбу ҳужжат кончилик муносабатларига инвестициялар киритилганда маҳсулот тақсимотига оид битимларни тузиш, ижро этиш ва бекор қилиш жараёни билан боғлиқ муносабатарни тартибга солади.

Мазкур Қонуннинг З-моддасида маҳсулот тақсимотига оид битимга таъриф берилган бўлиб, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳақ олиш асосида ва муайян муддатга чет эллик инвесторга битимда кўрсатилган ер қаъри участкасида конларни аниқлаш, қидириш ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ҳамда шулар билан боғлиқ бўлган ишларни олиб бориш учун мутлақ ҳуқуқлар беради, инвестор эса мазкур ишларни ўз маблағлари ҳисобига ва таваккал қилиб амалга ошириш мажбуриятини олади.

Битимда кончилик муносабатларидаги мажбурият ва ҳуқуқлардан ташқари солиқ солиш ва бошқа тўловлар тўлаш шартлари билан боғлиқ алоҳида бандлар кўрсатилган бўлади.

Янги Ўзбекистон тараққиёт даврида кончилик муносабатлари соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш якуний тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш орқали қўшилган қиймат занжирини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мазкур йўналишда Ўзбекистон Республикасининг “Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Ушбу Қонун қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб, металларнинг асиллик даражаси, аффинаж, ёмби, стандарт қўймалар ва шу билан боғлиқ йўналишдаги асосий тушунчаларга таърифлар берилган.

Кон металлургия саноатининг жадаллик билан ривожланиши амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш эҳтиёжини келтириб чиқарди. Ўша даврда амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда етарли эмас эди.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг “Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, қимматбаҳо металлар ва

қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солинди.

Мазкур қонунда асилик даражаси, аффинаж корхоналари, стандарт қўймалар, қимматбаҳо металлар, қимматбаҳо тошларнинг таъриф ва тушунчалари ишлаб чиқлган.

Қолаверса, мазкур Қонунга мувофиқ қимматбаҳо металларнинг ва қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши соҳасига таркибида қимматбаҳо металлар ҳамда қимматбаҳо тошлар бўлган ер қаъри участкаларини геологик жиҳатдан ўрганиш ва қидириш, ушбу металлар ҳамда тошларни қазиб олиш, ишлаб чиқариш, шунингдек қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ операциялар мажмуи қамраб олинган.

Кейинги вақтларда дарёлар ўзанлари, кўллар, сувни муҳофаза қилиш зоналари, каналлар, коллекторлар ва бошқа сув обьектларини тозалаш, шунингдек, уларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини ўтказиш кўринишида амалга ошириладиган қум-шағал материалларини назоратсиз қазиб олиш ҳолатлари кузатилди.

Юзага келаётган вазиятнинг салбий оқибатларини бартараф этиш мақсадида Ҳукумат томонидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги “Сув обьектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3286-сон қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш тартибининг бузилишини аниқлаш ва олдини олиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи Идоралараро гуруҳ ташкил этилди.

Шунингдек, дарёлар ўзанларида қум-шағал материалларини қазиб олиш учун шартномалар тузиш ва уларнинг ҳисобини юритиш бўйича ягона оператор сифатида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги “Хавфсиз дарё” давлат унитар корхонаси белгиланди.

Мазкур тартибнинг жорий қилиниши республикамиз ички бозорларида қум-шағал материалларига бўлган талабни тўлиқ таъминлаш учун замин бўлди.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ихтисослаштирилган отрядлари ва бошқа ташкилотлар норуда фойдали қазилмалар қайта ишланган ва сотилган ҳолларда ер қаъридан фойдаланганлик учун белгиланган тартибда солиқ тўланиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Шу билан бирган уларни солиқقا тортиш масаласи бўйича Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексидан ташқари бир қатор ҳужжатларда ўз аксини топган (2-жадвал)

Мамлакатимизда фаол тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шартшароитлар яратиш, дарё ўзанларини тозалаш жараёнида қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш, бу соҳада давлат-хусусий ҳамкорлигини ривожлантириш, шунингдек, ички бозорни қум-шағал материаллари билан барқарор таъминлаш мақсадида ислоҳотлар давом эттирилиб борилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички бозорни қум-шағал материаллари билан барқарор таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 9 июлдаги ПҚ-3841-сон қарори қабул қилинди.

2-жадвал

Ер ости бойликларини солиқقا тортишга доир меъёрий-хуқуқий хужжатлар²

Т/р	Норматив хуқуқий хужжат	Рақами ва санаси	Норматив хуқуқий хужжат номи	Хужжатнинг қисқача мазмуни
4.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	03.12.2020 йилдаги ПФ-6121-сон	Ресурс солиқлари ва молмулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида	Давлат солиқ қўмитасига фойдали қазилмаларни ҳақиқий қазиб олишга нисбатан кўлланиладиган ва фойдали қазилмаларни меъёрдан ортиқ йўқотиш тўғрисидаги геологик-маркшайдерлик маълумотларининг ҳаққонийлигини назорат қилиш хукуқи берилган.
5.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	06.10.2021 йилдаги ПФ-6319-сон	Геология-қидирув ишларини янада рағбатлантириш ва ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солишиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	Ер қаъридан фойдаланувчиларнинг капитал харажатларини ҳисобга олган ҳолда янги конларда нефть, табиий газ, газ конденсати, қимматбаҳо, рангли, нодир ва радиоактив металларни қазиб олиш (ажратиб олиш)ни амалга оширувчи ер қаъридан фойдаланувчилар учун рента даромади солиғи жорий этилди.
8.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори	09.07.2018 йилдаги ПҚ-3841-сон	Ички бозорни қум-шағал материаллари билан барқарор таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	Дарё ўзанларини тозалаш натижасида олинган қум-шағал материалларининг ҳар бир куб метри учун Тошкент шахри ва Тошкент вилояти худудларига шартнома тузилган кундаги БХМнинг 2 фоизи ва республиканинг бошқа худудлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,1 фоиз миқдоридаги тўловлар ундирилиши белгиланди.
14.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	10.09.2018 й 720-сон	Табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлашнинг ҳамда давлат бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида	Давлат геология қўмитаси ва давлат солиқ қўмитасига ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ҳақиқатда қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилмалар ҳажмининг маркшайдерлик хуносасига мувофиқлиги юзасидан мониторинг ўтказиш хукуқи берилган.

Қарорда тадбиркорлик субъектлари томонидан “Хавфсиз дарё” давлат унитар корхонасининг молявий манбалари шакллантириб берилди.

Бунга кўра дарё ўзанларини тозалаш натижасида олинган қум-шағал материалларининг ҳар бир куб метри учун Тошкент шахри ва Тошкент вилояти худудларига шартнома тузилган кундаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 фоизи ва республиканинг бошқа худудлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,1 фоиз миқдоридаги тўловлар ундирилиши белгиланди.

² Муаллиф томонидан шакллантирилган

Шунингдек, ушбу қарор ижроси юзасидан электрон савдо майдончаси орқали тадбиркорлик субъектларини дарёлар ўзанларини тозалаш ишларига жалб қилиш тартиби ишлаб чиқилди.

Сўнгги йилларда норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларини фойдаланишга беришда шаффофоникни таъминлаш, қазиб олиш ва қайта ишлаш жараёнларида илғор технологияларни кенг қўллаш ҳамда соҳага салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш зарурати пайдо бўлди.

Ўзбекитон Республикаси Президентининг “Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4078-сон қарорининг қабул қилиниши соҳанинг ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Мазкур қарорда дарё ўзанларидан ташқарида жойлашган норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномалар Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан “E-auksion” электрон савдо майдончасидаги электрон аукцион якунлари асосида тақдим этилиши белгиланди.

Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини молиялаштирган юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзлари қидириб топган кондан фойдали қазилмаларни қазиб олишга рухсатнома олишда уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқлари сақланиб қолиниши белгиланди.

Мазкур қарорнинг жозибадорлик жиҳати шундаки, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун четдан олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган табиий пардозбоп тошларни қазиб олиш, уларга ишлов бериш, шунингдек, табиий пардозбоп тошларнинг техноген минерал ҳосилаларини қайта ишлашга мўлжалланган маҳсус техника ва ускуналар божхона тўловларидан (божхона ийғимларидан ташқари) озод қилиди.

Шунингдек, табиий пардозбоп тошларни қазиб олиш, уларга ишлов бериш, шунингдек, табиий пардозбоп тошларнинг техноген минерал ҳосилаларини қайta ишлаш фаолияти бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблашда мазкур солиқ бўйича белгиланган ставка икки баробарга пасайтирилди.

Кейинги йилларда ер қаъридан қазиб олинадиган фойдали қазилмалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Давлат органларига қўшимча ваколатлар берилиши бошланди.

Бу билан фойдали қазилмалар ҳисобини юритиш ва талон тарож қилинишини олдини олиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ресурс солиқлари ва молмулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2021 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сон Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармон билан ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан солиқ органларига фойдали қазилмалар захираси ҳаракати тўғрисидаги ҳисботни ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича йиллик солиқ ҳисботини тақдим этиш билан бир вақтда, солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон қўринищда тақдим этиш тартиби белгиланди.

Шунингдек, Давлат солиқ қўмитасига фойдали қазилмаларни ҳақиқий қазиб олишга нисбатан қўлланиладиган ва фойдали қазилмаларни меъёрдан ортиқ йўқотиш тўғрисидаги геологик-маркшайдерлик маълумотларининг ҳаққонийлигини назорат қилиш учун зарур ускуналарни харид қилган ҳолда вилоятлар солиқ бошқармаларининг штат бирликлари доирасида 3 штат бирлигигача маркшайдерларни жалб қилиш ҳуқуқи берилди.

Бундан ташқари ваколатли орган ва судларга ер қаъридан фойдаланувчи томонидан солиқ қонунчилиги мунтазам равишида бузилган ва (ёки) фойдали қазилмалар захираси ҳаракати тўғрисидаги ҳисбот тақдим этилмаган тақдирда лицензияни чақириб олиш ёки тўхтатиб туриш масаласи бўйича ташабbus билан чиқиш ваколати берилди.

Сўнгги йилларда табиий бойликларни тасдиқланган захираларини тўлиқ ҳисбога олиш ва уларни кейинчалик талон тарож бўлишига йўл қўймаслик бўйича самарали ишлар олиб борилди.

Шундай бўлсада, ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ҳақиқатда қазиб олинган (ажратиб олинган) норуда фойдали қазилмалар миқдорини ҳисботларда камайтириб кўрсатиш ҳолатлари давом этиб, бу эса солиқ суммаларининг тўлиқ ҳисобланишига салбий таъсир қўрсатмоқда.

Табиий қазилма бойликлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ҳамда уларнинг ҳаққоний ҳисбини юритишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлашнинг ҳамда давлат бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида” 2018 йил 10 сентябрдаги 720-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ҳақиқатда қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилмалар ҳажмининг маркшайдерлик хуносасига мувофиқлиги юзасидан мониторинг ўтказиш тартиби белгиланди.

Мониторинг тадбирлари ер қаъри участкаларига борган ҳолда, солиқ тўловчи фойдаланадиган обьектларда ва ҳудудларда солиқ тўловчининг мансабдор шахслари ёки уларнинг вакиллари иштирокида, қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилмалар ҳажмини аниқлаш ҳамда маълумотнома билан расмийлаштириш орқали амалга ошириладиган бўлди.

Ўтган давомида ваколатли органлар томонидан ҳамкорликда мониторинг тадбирлари амалга оширилиб, бюджет тушумларининг барқарорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшилмоқда.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси давомида соҳага салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш ҳамда кам аҳамиятли конлардаги фойдали қазилмаларни қазиб олинишини рағбатлантириш мақсадида қатор қурайликлар яратилмоқда.

Хусусан, бунга яққол мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Геология-қидирув ишларини янада рағбатлантириш ва ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2021 йил 6 октябрдаги ПФ-6319-сон Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармон билан фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳуқуқи учун ундириладиган тижоратбоп топилма бонуси ҳамда фойдали қазилмаларни аниқлаш ва разведка қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун ундириладиган имзоли бонус 2022 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинди.

Шунингдек, тижорат салоҳиятига эга бўлган углеводородлар, қимматбахо, рангли, нодир ва радиоактив металлар ва бошқа турдаги рудали фойдали қазилмалар бўйича солиқ савқалари ва солиқ базасини аниқлаш тартиби такомиллаштирилди.

Жўмладан, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари нефть ва табиий газ бўйича 10 фоизгача, олтин ва мис учун 7 фоизгача, вольфрам учун 2,7 фоизгача ва уран учун 8 фоизгача камайтирилди. Қолаверса, углеводородлар ҳамда металлар бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблашда солиқ базаси уларни ташиш ҳамда қайта ишлаш билан боғлиқ ҳаражатлар суммасига камайтирилди.

Бундан ташқари лицензиат талаборига танлов савдолари давомида айрим солиқ турлари бўйича солиқ ставкаларини оширилган миқдорда таклиф қилиш хукуқига берилди.

Шундан сўнг, Фаронда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ваколатли орган, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ишлаб чиқилган Вазирлар Маҳкамасининг “Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқи учун рухсатномалар бериш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 25 мартағи 133-сон қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорда ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукуқи учун рухсатнома бериш тартиб-таомилларини қамраб олган барча босқичлар такомиллаштирилди.

5. Хулоса.

Мавзу бўйича ўрганишлар асосида қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисидаги” Қонунини янги таҳрирда қабул қилиш ва унда айнт охирги йиллардаги ўзгаришларни киритиш.

2. Ер ости бойликлари тўғрисидаги норматив-хукуқий хужжатларни тизимлаштириш орқали ягона хукуқий база шакллантириш.

3. Аҳоли ва жамоатчилик саводҳонлигини ошириш бўйича ижтимоий тармоқларда расмий телеграмм ва бошқа каналларда тарғибот ишларини олиб бориш.

4. Давлат органлари томонидан ер қаъридан фойдаланувчилар номига рухсатнома (лицензия) расмийлаштирилишидан олдин маҳсус саводҳонлик курсларини ташкил қилиш.

Адабиётлар:

Зозуля В.В. (2011) “Методология формирования системы налогов и иных обязательных платежей за пользование лесными природными ресурсами” Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук 2011 г.

Налетов К.И. “Лицензионные и договорно-правовые формы пользования недрами в РФ и за рубежом” диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук 2008 г.

Мельникова Ю.В. (2011) “Регулирование ресурсно-рентного налогообложения Российских недропользователей” Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук 2011 г.

Солнышкова Ю.Н. (2005) “Система налоговых платежей за природные ресурсы: становление и развитие в России” Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук 2005 г.

Юхимова Я.Я (2008) “Налог на добычу полезных ископаемых и его реформирование” диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук 2008 г.

Юлдашева Н.В. (2021) “Маҳаллий бюджетларни тартибга солиш усусларини такомиллаштириш” Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ 2021 й.



ИШ ВАҚТИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Әрғашев С.Х.

Тошкент кимё ҳалқаро университети
мустақил изланувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада иш вақти ва дам олиш вақти билан боғлиқ айрим муаммолар ҳамда унинг иш самарадорлигига таъсирі бүйича айрим мұлоҳазалар ва қонунчилік нормалари ҳамда ҳалқаро тажриба үрганилган. Иш вақтіни ҳисобға олиш бүйича тавсиялар шакллантирилған.

Калит сүзлар. Иш вақти, дам олиш вақти, иш вақтінің ҳисобға олиш табели.

Аннотация. В данной статье рассматриваются некоторые вопросы, связанные с рабочим временем и временем отдыха, а также некоторые соображения, а также правовые нормы и международный опыт его влияния на эффективность труда. Сформулированы рекомендации по учету рабочего времени.

Ключевые слова. Время работы, время отдыха, учет рабочего времени.

Abstract. This article examines some issues related to working time and rest time and some considerations and legal norms and international experience on its impact on work efficiency. Recommendations on accounting for working hours have been formulated.

Keywords. Work time, rest time, accounting work time.

1. Кириш.

Республикамизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг сўнгги босқичларида корхоналарда ходимларнинг иш ва дам олиш вақтининг түғри ташкил этилиши, қўшимча ишланмайдиган ва дам олиш кунларининг ҳукумат томонидан белгилаб берилиши, дам олиш, байрам ва қўшимча ишланмайдиган кунларда ходимларнинг ишга чиқишини тегишли тартибда расмийлаштириш ва қонунчиликда белгиланган миқдорда қўшимча ҳақ тўлаш масаласига сезиларли ўзгаришлар қилинди. Бу ўзгаришлар албатта, ходимлар манфаати ва ҳуқуқлари томонга бўлди десак түғри бўлади. Бироқ, шуни ҳам инобатга олишимиз керакки, фикримизча, ходимларни иш вақтіни ҳисобға олиш билан муносабатлар ҳуқуқий томондан ҳам ҳисоб юритиш томонидан ҳам охирига етгани йўқ. Бу эса, мазкур масалада тадқиқот олиб боришни ва тегишли тартибда асосланган хулосалар шакллантиришни тақозо этади.

Жумладан, ходимларга меҳнат қонунчилигига кўра ишлаш ҳуқуқи берилган максимум соатни иш вақтіни ҳисобға олиш ҳужжатларида акс эттириш, асосли сабабларга кўра ишдан рухсат сўрашлар ва бошқа турли ҳолатларни иш вақтіни ҳисобға олиш табелларида ҳисобға олиш масаласи шулар жумласидандир. Шу боис, мазкур үрганиш айнан юқоридаги масалаларга бағищланганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, дунё мамлакатларида иш вақти ва дам олиш вақти, уни ҳисобга олиш, иш вақти меъёри каби масалалар доимий муҳокама марказида бўлиб келган. Жумладан, бир ҳафтада неча иш куни бўлиши, бир иш кунида неча соат бўлиши, ҳафтанинг қайси куни дам олиш куни бўлиши кераклиги масаласи дунёнинг турли мамлакатларида турлича эканлиги билан қизиқарли.

Маълумотларга кўра, аксарият малакатларда ҳафталик иш соати ўртacha 40 соатни, кунлик иш вақти 8 соатни ташкил этар экан. Бундан кўринади, аксарият соҳалар ҳафтасига 5 иш куни 8 соатдан ишлашади. Дам олиш кунлари кўпчилик давлатларда шанба ва якшанбани ташкил этиши билан бирга, айрим давлатлар бундан фарқ қиласди. Жумладан, Алжир, Саудия Арабистони шанбадан чоршанбагача, Эрон шанбадан пайшанбагача, Бирлашган араб амирликлари, Сурия, Ироқ, Мисрда якшанбадан пайшанбагача иш куни ҳисобланади. Юқоридаги давлатлар ўрганилганда улар, ислом давлати эканлиги ва одатда, жума куни аниқ дам олиш куни белгиланганлиги билан боғлиқ изоҳларга дуч келдик.

Францияда ҳафта иш кунлари душанбадан шанбагача давом этиб, ҳафталик 35 соатни ташкил этади. Данияда 37,5 соатни ташкил этиб, давлат хизматчилари учун иш соати бўйича бир мунча имтиёз берилиб, кунлик 30 минут тушлик учун танаффус иш кунига қўшиб ҳисобланади. Буюк Британияда 35 ёки 40 соат ҳафталик иш куни ҳисобланади. Умуман олганда Америка қўшма штатлари ва Европанинг аксарият мамлакатларидаги корхоналар стандарт-ҳафталик 5 кунлик иш режимида фаолият юритадилар.

Иш кунлари борасида дастлабки хulosса қилишимиз мумкинки, ҳар бир давлатнинг қонунчилиги билан ҳафталик иш кунлари ва дам олиш кунларини белгилашга ҳақли. Ўзбекистон Республикасида Меҳнат кодексининг 207-моддасида беш кунлик ва олти кунлик иш ҳафтасида умумий дам олиш куни якшанба эканлиги, беш кунлик иш ҳафтасидаги иккинчи дам олиш куни жамоа шартномасида ёки ички меҳнат тартиб қоидаларида ёхуд сменаларга бўлинниб ишлаш жадвалларида, улар мавжуд бўлмаганда эса меҳнат шартномасида белгиланиши ҳуқуқий норма сифатида белгиланган (Кодекс, 2022).

Ўзбекистон Республикасида иш вақти “Ишнинг давом этиши муддатини ҳафтасига қирқ соатгача қисқартириш тўғрисида”ги 47-Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциясига тўри келади. Бу конвенцияга республикамиз 1995 йил 6 майда қўшилган. Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексининг 115-моддасида ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги келтирилган (Конвенция).

Бугунги кунда меҳнат қонунчилигини етарли даражада тушунмаслик, иш вақтини ҳисобга олиш дастурларига маълумотларни киритиб бўлмаслиги натижасида иш вақтини ҳисобга олишда айрим муаммолар учрамоқда.

2. Адабиётлар шарҳи.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексининг 184-моддасига кўра, иши юқори даражадаги руҳий, ақлий ва асабий зўриқиши билан боғлиқ бўлган, яъни алоҳида хусусиятга эга бўлган тиббиёт ходимлари, педагоглар ва бошқа тоифадаги ходимлар учун иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига кўпи билан ўттиз олти соат қилиб белгиланиши, ва бундай ходимларнинг рўйхати ва улар иш вақтининг аниқ давомийлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши келтирилган (Кодекс, 2022).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартағи 133-сонли қарори билан тасдиқланган «Алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги қисқартирилган иш куни белгиланадиган ходимлар рўйхати»нинг 4-иловасида педагоглар таркиби батафсил ёритилиб, Олий ўқув юртлари ходимларининг

профессорлар-ўқитувчиларнинг ҳафталик иш ҳажми 36 соат этиб белгиланган (Қарор, 1997).

Корхоналарда иш вақтини ҳисобга олиш бўйича техник ёки меъёрий-хукуқий хужжатларга ёхуд амалиётга хос бўлмаган хатоликлар учрамоқда. К.Хотамовнинг тадқиқотида таълим муассасаларида иш вақтини ҳисобга олишнинг ҳукуқий ва амалий камчиликлари бўйича фикр мулоҳазарини келтириб, таълим муассасаларида иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш зарурияти, иш вақтини самарали ташкил этиш учун профессор-ўқитувчиларни ўз ишлари билан машғул бўлишлари дарс сифатига ҳам иқтисодиётга ҳам фойдали бўлиши хусусидаги таклифларини бериб ўтган (Хотамов, 2020).

Биз томонимиздан эса, айнан иш вақтини ҳисобга олиш табелининг юритилишининг амалдаги ҳолати ва қонунчилик талабларини мувофиқлаштириш бўйича хulosаларимизни келтириб ўтамиз.

Иш вақтини ҳисобга олиш табели бўйича сўнгги илмий ишларда алоҳида бир тизим нуқтаи назаридан хulosалар шакллантирилган. Тадқиқотчи оима, М.Каримжонова ўзининг диссертациясида иш вақтини ҳисобга олиш табели билан боғлиқ масалаларда ўрганишлар ўтказиб, иш вақтини тўғри ҳисобга олишда қўлланиладиган «табел»нинг янги намунавий шакли тавсия этилган (Каримжонова, 2020).

Юқоридаги муаллифларнинг илмий ишлари ва меъёрий хужжатларда иш вақтини ҳисобга олиш умумий ҳолда ўрганилган, бироқ алоҳида муаммо сифатида тўлиқ ўрганилмаган.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот давомида кузатиш, интервью, сўровнома каби усуслардан кенг фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар.

Муаллиф М.Каримжонова меҳнатга ҳақ тўлашда табелларни тўлдиришда “Ф” ҳақиқатда ишланган кунлар, ҳақ тўланмайдиган қисқа таътиллари учун “ЎҲТ” ҳамда дам олиш ва байрам кунлари учун “В” шартли белгилар билан табелларни тўлдириш ва электрон ҳужжат алмашинувини жорий этиш зарурлиги асослаб берилганлигини таъкидлаган. Ушбу таклифларни амалиётга жорий этилганлиги натижасида ортиқча вақт сарфи, иш ҳажми ва моддий харажатларни қисқартириши, натижада божхона қонунчилигига тўлиқ риоя этилиши таъминланиши ва бухгалтерия ҳисобида ходимлар меҳнатини тўғри ҳисобга олиш ва уларга ҳақ тўлашда аниқ ҳисоблашишлар имконияти яратилганлиги хulosада ўз ифодасини топган (1-жадвал).

1-жадвал

Иш вақтини ҳисобга олиш табели учун шартли белгилар (Йўриқнома)

Кўрсаткичлар номи	Шартли белги	Кўрсаткичлар номи	Шартли белги
Дам олиш ва байрам кунлари	В	Маъмурият рухсати билан ишга қатнашмаган кунлар	А
Кечалардаги иш вақти	Н	Ўқиш бўйича дам олишлар	ВУ
Давлат олдидаги мажбуриятларни бажариш	Г	Ўқув таътили	ОУ
Кейинги ва кўшимча меҳнат таътили	О	1 — 4 синфларда ўриндошлик	ЗН
Меҳнатга лаёқатсизлик	Б	Куни узайтирилган гурухларда ўриндошлик	ЗП
Туғиш билан боғлиқ таътиллар	Р	5-юқори синфларда ўриндошлик	ЗС
Навбатдан ташқари иш соатлари	С	Байрамда ишланган кунлар	РП
Прогуллар	П	Ҳақиқатда ишланган кунлар	Ф

Ушбу жадвал маълумотларидан қўришимиз мумкинки, иш вақтини ҳисобга олиш табелида ходим томонидан сабабли ва сабабсиз қолдирилган иш кунлари учун шартли белгилар келтириб ўтилган. Муаллиф М.Каримжонова ўз тадқиқоти натижаларига кўра, божхона хизматчилари учун “Ҳақиқатда ишланган кунлар - Ф” белгисини киритишни таклиф этган (мазмунан ўзгартирилмаган ҳолда тақдим этилди).

2-жадвал

Май ойи учун иш вақтини ҳисобга олиш табели (М.Каримжонова, 2020)

№	Ф.И.Ш	Лавозими	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	...	27	28	29	30
1	Нигманов Э	кафедра бошлиғи	Ф	Ф	Ф	Ф	В	Ф	Ф	Ф	В	В	В	Ф	Ф	Ф	Ф
2	Каримжонова М	кагта ўқитувчи	Ф	Ф	Ф	Ф	В	Ф	Ф	Ф	В	В	В	Ф	Ф	Ф	Ф
3	Юсупов С	доцент	Ф	Ф	Ф	Ф	В	Ф	Ф	Ф	В	В	В	Ф	Ф	Ф	Ф
4	Абулқосимов М	ўқитувчи	Ф	Ф	Ф	Ф	В	Ф	Ф	Ф	В	В	В	Ф	Ф	Ф	Ф

М.Каримжонова томонидан таклиф этилган шаклга кўра, ходимларнинг кунлик иш вақтини ҳисобга олишда сотанинг ўрнига “Ф” белгиси қўйилади. Бироқ, муаллиф томонидан фақат божхона тизими ҳисобга олинганда ҳам иш ватқини ҳисобга олиш табелида “Ҳақиқатда ишланган кунлар” учун “Ф” белгисини қўйиш ҳисоб-китоб тўлиқлигини таъминламайди. Чунки, одатда биз томонимиздан ўрганилган барча иш вақтини ҳисобга олиш табелларида “Ҳақиқатда ишланган кунлар”да соат қўйилади. Айтайлик, ходим 8 ёки 7 соат, ёхуд 4 соат ишлади маъносида. Ҳамда ойнинг охирида ҳақиқатда ишлаган кунлар ва соатлар жамланади. Агар муаллиф М.Каримжонова таклиф этганидай иш вақтини ҳисобга олиш табели расмийлаштириладиган бўлса, иш соатлари ҳисоби юритилмай қолади. Бу эса, бир кунда ёки тўлиқ ишлаш ёки ишламаслик лозим деган нотўғри хulosани шакллантиради. Айтайлик, такшкilotда ходим зарурият туфайли тўлиқ бўлмаган, 0,5 ставкада ишлади. Таклиф қилинган жадвалда Ф бўлинга 2 қўйиб бўлмайди. Ёки, тўлиқ ставкадаги ходим куннинг иккинчи ярмида рухсат сўради ва яrim кун ишлади. Унда ҳам ҳақиқатда ишлаган кунда Ф белгисини қўйилиши билан боғлиқ муаммо чиқади.

Демак, бизнинг фикримизча, 8 соатлик иш кунида ходимга 6, 4 ёки маълум бир бошқа соат иш соати қўйилиши керак бўлса, иш вақтини ҳисобга олиш табелида ҳисобга олишда муаммо пайдо бўлади. Чунки, таклиф қилинган иш вақтини ҳисобга олиш табелида соат бўйича маълумотларнинг киритилиши хусусида маълумотлар мавжуд эмас. Бу эса, тўлиқ ишламаган ходимни тўлиқ ишлаганлиги тўғрисида маълумот киритилишига ҳамда тўлиқ кунлик иш ҳақи ҳисобланишига ёки умуман шу куни ишламади дея ҳисобга олинишига сабаб бўлади.

Ёки ходим тўлиқ бир ставка билан бирга айнан шу ташкилотда 0,5 ёки 0.25 ставкада ишлаши мумкин. Мазкур ҳолатда ҳам ягона иш вақтини ҳисобга олиш табелида қўшимча ставкалар тўғрисидаги маълумотлар ҳам киритилиши мақсадга мувофиқ. Бундай ҳолатда ҳам юқоридаги, яъни, ҳақиқатда ишлаган кунларга “Ф” белгисини қўйилиши иш вақтини ҳисобга олиш табели маълумотидан фойдаланувчилар, жумладан, раҳбар ходимлар, менежерлар, бухгалтерия хизмати ходимларини ҳам чалғитади.

Шу билан бирга иш вақтини ҳисобга олиш табелида, одатда, дам олиш ва байрам кунлари бир хил қўйилади. Бизнинг фикримизча, нафақат дам олиш ва байрам кунлари, балки ҳукумат томонидан берилган қўшимча ишланмайдиган кун, қўшимча дам олиш кунлари ҳам алоҳида белгилар асосида келтирилиши ҳамда ҳисобни тўлиқлигини таъминлаши мақсадга мувофиқ. Чунки, ҳукумат қарори асосида байрам кунларида қўшимча дам олиш кунлари ёки ишланмайдиган

кунларнинг берилиши иш вақтини ҳисобга олиш табелида акс эттирилмаслиги ташкилотда иш вақтига муносиб ҳақ ҳисоблайдиган ходимларнинг ишини қийинлаштириши билан бирга, қачондир нега иш куни ҳам дам олиш куни белгиси қўйилган экан деган саволларни келтириб чиқаради. Шу боис, иш вақтини ҳисобга олиш табелида ҳам иқтисодий томондан ҳам юридик томондан ходимнинг ишлаганини, корхонада бўлган вақтини ҳисобга олиши керак бўлса, албатта унда маълумотлар тўлиқ бўлиши лозим

Бир вақтнинг ўзида меҳнат қонунчилига кўра, байрам кунларидан олдинги кун иш вақтининг бир соатга қисқариши ва иш вақтини ҳисобга олиш табелида айнан, мана шу бир соат кам ишлаганлик акс эттирилиши мақсадга мувофиқ. Каримжонова томонидан таклиф этилган табелда эса, соатга алоқадор маълумот бўлмаганлиги учун Ф белгисини бир соатга қисқартириб кўрсатиб бўлмайди.

Бундан ташқари қисқартирилган иш кунида ишлайдиган тоифадаги ходимлар учун ҳам иш вақтини ҳисобга олиш табелида бор, мавжуд ишлаган соатлари қўйилиши керак. Мисол учун 8 соат ўрнига 6 соат ёки 4 соат. Демак, улар учун ҳам алоҳида кунлик соат кўрсатиладиган иш вақтини ҳисобга олиш табелини шакллантириш зарурияти йўқ.

Умуман олганда, бизнинг фикримизча, иш вақтини ҳисобга олиш табели шундай бўлиши керакки, у ходимнинг ишлаган вақти бўйича маълумотларни аниқ ва тўлиқ ифода қилиши лозим. Табелдан фойдаланувчилар ундан шу ой учун шу ходим бўйича барча маълумотларни олиши керак.

5. Хулоса.

Ўрганишлар натижасида қўйидаги хулосаларга келинди:

Иш вақтини ҳисобга олиш табелида фақат кунлик маълумотлар киритилиши, соатлик маълумотларнинг акс эттирилмаслиги иш ҳақи ҳисобловчи ходимлар учун ҳам корхона бошқарувчилари учун ҳам тўлиқ маълумотни бермайди.

Ходимлар билан ҳисоблашишлар асосини иш вақтини ҳисобга олиш табели ташкил қиласи экан, ходимнинг ишлаш соатлари, дам олиш ёки бошқача шаклда ишда бўлмаслиги ҳолатларини ифодаловчи маълумотлар киритилиши керак.

Иш вақтини ҳисобга олиш табелида, ходим ишда бўлмаган кунлари айнан мос сабабга кўра, белгилар билан, соатларда акс эттирилиши керак. Мисол учун, дам олиш, байрам, қўшимча дам олиш, ишланмайдиган кун, кўчирилган кун, меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда бошқа иш топиш учун ходимнинг ихтиёрига кўра ҳафтада бериладиган бир кун, имтиёзли соатлар ва ҳоказо.

Биз томонимизда берилган таклифларнинг иш вақтини ҳисобга олиш табелида ҳисобга олиниш\и иш вақтини ҳисобга олиш табели орқали барча маълумотларни олиш имконини беради.

Адабиётлар:

Йўриқнома (2010) Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги.

Каримжонова М (2020). Божхона хизмати ходимлари меҳнати ва унга ҳақ тўлаш ҳисобини такомиллаштириш. Диссертация. (PhD) илмий даражасини олиш учун. Тошкент 2020.

Кодекс (2022). Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. Ўзбекистон қонун хужжатлари тўплами. Lex.uz сайти.

Фармон (2019). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони.

Қарор (1997) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган «Алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги қисқартирилган иш қуни белгиланадиган ходимлар рўйхати».

Хотамов К.Р (2020). Ҳам таълим самараదорлигини оширайлик, ҳам иқтисодиёт ривожига ҳисса қўшайлик. Логистика ва иқтисодиёт. Илмий-электрон журнал.



МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР: ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР ТАЪРИФИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Юсупова Ф.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Аннотация. Ушбу мақолада молиявий натижаларнинг асосий кўрсаткичи бўлган даромад ва харажатларга хорижий ва маҳаллий олимларимиз томонидан ҳамда норматив-хуқуқий хужжатларда келтирилган таърифлар тадқиқ этилиб такомиллашган таърифлар ишлаб чиқилди. Бизнес субъектларида юз берадиган ҳодисалар даромадлар ва харажатларни юзага келтирувчи ҳамда даромад ва харажатларни юза келтирмовчи ҳодисаларга ажратилиб таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: молиявий натижалар, даромадлар, харажатлар, соф фойда, хусусий капиталига нисбатан талаб қилиш хуқуқи эгалари, тақсимланмаган фойда.

Аннотация. В данной статье исследованы определения доходов и расходов, которые являются основными показателями финансового результата приведенные зарубежными и отечественными учеными и в нормативных правовых документах, События, происходящие в хозяйственных обществах, были проанализированы путем разделения их на события, приносящие доход и расход, и события, не приносящие доход и расход.

Ключевые слова: финансовые результаты, доходы, расходы, чистая прибыль, владельцы требований к собственному капиталу, нераспределенная прибыль.

Annotation. In this article, the definitions of income and expenses, which are the main indicators of financial results, have been researched and improved by our foreign and local scientists and the definitions given in regulatory legal documents. The events occurring in business entities were analyzed by dividing them into income and expense generating events and non-income and expense generating events.

Key words: financial results, income, expenses, net profit, owners of claims against private capital, retained earnings.

1. Кириш.

Корхоналарнинг молиявий ҳолатини яхшилаш долзарб масала ҳисобланади. Молиявий ҳолатни яхшилашда энг муҳим омил юқори молиявий натижаларга, яъни фойдага эришишдир. “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да “Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни - 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш” (2022) мақсадининг

қўйилиши ҳам корхоналарда яратилаётган маҳсулотларни (иш ва хизматлар) сотишдан олнаётган даромадлари ҳажми, шунингдек якуний молиявий натижаларга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Жаҳондаги бизнес субъектларининг ҳам асосий мақсади максимал даражада фойда олиш бўлиб ҳисобланади. Кейинги икки йил ичида дунёдаги йирик компанияларнинг фойдаси пасайлангигини кўриш мумкин. “Тадқиқот натижаларига кўра, жами бозор капиталлашувининг қарийб 80 фоизини ташкил этувчи Япония, АҚШ, Европа ва Хитойдаги энг яхши 4,5 мингта компаниянинг умумий фойдаси жорий йилнинг апрель-июн ойларида 7 фоизга камайиб, 849,3 млрд долларни ташкил этган”¹. Бунинг асосий сабаби энергия нархининг ўсиши, айrim давлатлардаги русурслар инқироз ва бошқа сабаблар бўлган. Бундан хуроса қилиш мумкинки, жаҳон иқтисодиётида компаниялар рентабеллик даражасининг ўсишини таъминлаш, ишсизликни бартараф этиш, янги иш ўринларини очиш, капитал инвестициялар ҳажмини ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш ўта муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида компанияларнинг фойдасини аниқлашда ягона услубиётни жорий қилишни тақозо этади. Фойда ҳисобида ягона услубиётга эришиш Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини (МХХС) жорий қилиш орқали мумкин бўлади.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, молиявий натижалар тадқиқотини даромад ва харажатларга берилган таърифларни ўрганишдан бошлаш керак. Соҳага доир адабиётларда даромад ва харажатларга турли мазмундаги таърифлар келтирилган. Энг муҳим масала концептуал асосларга таянган ҳолда даромад ва харажатларнинг молиявий ҳисбот элементи сифатида бухгалтерия ҳисоби мақсадларида такомиллашган таърифни ишлаб чиқиш бўлиб ҳисобланади. Шу мақсадда тадқиқот жараёнида соҳага доир адабиётларда келтирилган таърифларни ўргандик.

2. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот ишида гурухлаш, таққослаш, анализ, синтез, индукция, дедукция, горизонтал, вертикал ва омилли таҳлил ҳамда монографик кузатув усуллари қўлланилган.

3. Адабиётлар шарҳи.

Даромад ва харажатлар тушунчаларига муаллифлар томонидан турлича таърифлар келтирилган.

Даромадларга берилган таърифларни учта йўналишга ажратиш мумкин:

Биринчи йўналишдаги таърифлар, даромадларни маълум қайсиdir операцияларни (сотиш) амалга ошириш натижасида пул маблағлари ёки мулкларнинг келиб тушиши деб тавсифлайди (Р.В.Калиничева, Е.Б.Стародубцова, янги иқтисодий луғат ва бошқалар);

Иккинчи йўналишдаги олимлар томонидан берилган таърифларда даромадлар ташкилотнинг хусусий капиталининг кўпайишига олиб келувчи жараён эканлигини таъкидлашади (Н.Н.Хахонова, Д.В.Богатый ва бошқалар);

Учинчи йўналишдаги таърифлар халқаро стандартлар талабларидан келиб чиқиб, даромадларга активларнинг (хусусий капитал эгаларининг бадал киритишидан ташқари) кўпайиши ёки мажбуриятларнинг камайиши кўринишидаги иқтисодий наф олиш деб тавсифлайди (Халқаро концептуал асослар, Солиқ Кодекси, Россия Бухгалтерия ҳисоби Низоми ПБУ 9/99, З.Б.Эшпулатова ва бошқалар).

¹ <https://daryo.uz/k/2022/08/09/dunyodagi-eng-yirik-kompaniyalar-foydasi-ikki-yil-ichida-birinchi-marta-pasaydi>

Биринчи йўналишдаги таърифларни келтирамиз. Жумладан:

Янги иқтисодий луғатда (2006) “даромад – давлат, жисмоний ёки юридик шахслар томонидан аниқ бўлган вақт даври учун қайсиdir фаолиятни амалга ошириш натижасида олган пул маблағлари ёки моддий бойликлари” деб тавсифланган.

Р.В.Калиничева ва бошқалар (2021) томонидан “Корхонанинг даромадлиги деганда, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолияти натижаси бўйича пул ва пул бўлмаган келиб тушишлар тушунилади” деб таъриф келтирсан.

Е.Б.Стародубцева (2006) “даромадлар деганда, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолиятларидан келган пул тушуми тушунилади” деб таъриф келтирсан.

Албатта биринчи йўналишдаги таърифларнинг аҳамиятли жиҳати унинг умумиқтисодий категория сифатида тавсифланиши, даромадлар ҳисобидан пул маблағлари ёки бошқа моддий бойликлар келиб тушишини таъкидланиши диққатга сазовор ҳисобланади. Лекин, бизнес жараёнида барча пул келиб тушумларини даромад деб бўлмайди. Масалан, таъсисчи устав капиталига пул киритиши ёки корхона банкдан қарз олиши мумкин. Бундай пул маблағларининг келиб тушишини даромад деб бўлмайди. Шу боис, ушбу таърифларни маълум маънода такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

Иккинчи йўналишдаги таърифларнинг олимлар томонидан мазмун моҳиятини ёритилишини кўриб ўтайлик.

“Даромад - деб тавсифлайди Н.Н.Хахонова, Д.В.Богатый (2018) – бу фойдани ва мувофиқ равишда мулкдорнинг капиталини кўпайтиришнинг асосини ташкил қилувчи молиявий натижаларнинг муҳим омили ҳисобланади”. Ушбу таърифга қўшиламиз, даромадларнинг хусусиятларини очиб берган, чунки даромадлар фойдани юзага келтиради, соф фойда эса албатта хусусий капитални кўпайишига олиб келади. Лекин, даромад нафақат мулкдорнинг капиталининг кўпайиши, балки унинг дивиденд кўринишида маблағларни чегериб олишида ҳам ўз аксини топади, қайси бу жиҳатлар таърифда ўз аксини топмай қолган.

“Ташкилот (корхона)нинг даромади деганда – бу активларнинг келиб тушиши ва мажбуриятларнинг сўндирилиши натижасида иқтисодий нафнинг кўпайишидир; одатдаги фаолият турларидан – бу маҳсулотларни сотишдан тушум, ишларни бажариш, хизматлар қўрсатиш билан боғлиқ келиб тушишлар; ушбу корхонанинг капиталини кўпайишига олиб келувчи активларнинг (пул маблағлари, бошқа мулклар) келиб тушиши натижасида иқтисодий нафнинг кўпайиши ёки мажбуриятларнинг сўндирилиши” (2020). Ушбу таъриф халқаро стандартларга мувофиқ келтирилган, лекин унда ҳам хусусий капиталнинг қайси омиллар ҳисобидан кўпайиши таъкидланмаган.

Учинчи йўналишдаги таърифлар даромадларга молиявий ҳисботнинг элементи сифатида тавсифланиши диққатга сазовордир. Бу халқаро концептуал асосларда келтирилган таъриф ҳисобланади.

Халқаро концептуал асосларда (2018) “**Даромадлар - бу ташкилотнинг хусусий капиталига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи эгаларининг бадаллари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда хусусий капиталнинг кўпайишига олиб келадиган ҳолатдаги активларнинг ошиши ёки мажбуриятларнинг камайиши**” деб тавсифланган.

З.Б.Эшпулатова (2021) “Даромадлар – бу молиявий ҳисботнинг муҳим элементи бўлиб, ҳисбот даври давомида таъсисчilarнинг қўшимча капитал киритишидан ташқари хусусий капиталнинг кўпайишида ўз акси топган активларнинг келиб тушиши ва (ёки) сифатининг яхшиланиши ва (ёки) мажбуриятларнинг сўндирилиши қўринишида иқтисодий нафнинг олиниши” деб тавсиф келтирсан. Ушбу таърифнинг аҳамиятли жиҳати, шунда иборатки халқаро

стандартдаги таърифга тўлиқ мувофиқ ҳолда тавсифланиши билан бир қаторда, таърифда даромадлар молиявий ҳисббот эканлиги, шу билан бир қаторда нафақат активларнинг қўпайиши, балки уларнинг сифати ҳам яхшиланиши даромад эканлиги қайд қилинган. Бундан ташқари иқтисодий наф олиш эканлиги таъкидланган.

Россия бухгалтерия ҳисоби Низомига мувофиқ ([п. 2 ПБУ 9/99](#)) (1999) “даромад – бу ташкилотнинг турли хил активларнинг келиб тушиши ва мажбуриятларнинг тўланиши натижасида иқтисодий нафнинг қўпайиши”.

М.Б.Калонов (2019) томонидан даромадларга тавсиф бериш унинг турларига қараб берилиши кераклигини таъкидлайди: “Даромад тушунчаси турли соҳаларда, ҳисоб юритишда ҳам, жумладан, бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳисоби, бошқарув ҳисобида ҳам турлича талқин қилинганини боис, бу тушунчанинг таърифини бир хил мазмунда шакллантириш мураккаб ҳисобланади. Шу боис, даромадларни қайси мақсадда ўрганилаётганлиги ёки ҳисобга олинаётганлигига қараб уларни туркумларга бўлиш, баҳо бериш лозим”.

Б.Нидлз ва бошқалар (2003) “даромадлар (revenues) – бу мустақил бизнес бирликларининг асосий ва доимий иш йўналишларини ташкил этувчи товарларни етказиб бериш ёки ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ёки бошқа фаолиятларни амалга ошириш натижасида ушбу бизнес бирлиги активларнинг қўпайиши ёхуд унинг пассивларининг қопланиши (ёки униси ҳам бунисини ҳам биргаликда инобатга олиш)”. Лекин, ушбу таърифда даромадлар хусусий капиталнинг қўпайиши билан боғланмаган.

4. Таҳлил ва натижалар.

Солиқ Кодексининг 42-моддасида (2020) даромад тушунчасида солиқ мақсадларида қуидагича таъриф берилади: “Нафни баҳолаш имконияти мавжуд бўлган тақдирда ва бундай нафни баҳолаш мумкин бўлган даражада ҳисобга олинадиган пул ёки натура шаклидаги иқтисодий наф даромад деб эътироф этилади.” Ушбу таърифда даромадларнинг муҳим жиҳатлари, жумладан активларни қўпайиши ёки мажбуриятларнинг камайиши, соф фойдага боғлиқлик жиҳатлари етарли даражада ёритиб берилмаган. Юқоридаги мулоҳазалар асосида Солиқ Кодексининг ушбу моддасини такомиллаштириш зарурияти мавжуд деб ҳисоблаймиз.

1-жадвал

Солиқ Кодексида даромад тушунчасига берилган таърифни такомиллаштриш бўйича таклиф

Солиқ Кодексида	Таклиф этилади
42-модда. Нафни баҳолаш имконияти мавжуд бўлган тақдирда ва бундай нафни баҳолаш мумкин бўлган даражада ҳисобга олинадиган пул ёки натура шаклидаги иқтисодий наф даромад деб эътироф этилади	Даромад ташкилотнинг солиқقا тортиш мақсадида соф фойдани шакллантирища иштирок этадиган, хусусан соф фойда ҳисобидан дивидендлар тўланиши ҳамда хусусий капиталига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи эгаларининг бадаллари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда хусусий капиталнинг қўпайишига олиб келадиган ҳолатдаги активларнинг ошиши ёки мажбуриятларнинг камайиши кўринишида пул ва натура шаклидаги иқтисодий наф деб эътироф этилади

Ушбу келтирилган таърифни илмий асослашга ҳаракат қиласиз. Ушбу таъриф таҳлил қиладиган бўлсак, бухгалтерия ҳисоби мақсадларида хусусий капиталга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи эгалари бу хўжалик жамиятларида таъсисчилар бўлса, акциядорлик жамиятларида акциядорлар ҳисобланади. Улар хусусий капиталга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқига эга. Демак, даромад бу хусусий капитални талаб қилиш ҳуқуқи эгаларининг қўшимча капитал киритишини ҳисобга олмаган ҳолда активларнинг қўпайиши ёки мажбуриятларнинг камайишидир. Биринчидан, солиқ Кодекси солиққа тортиладиган даромадлар бўйича ишлайди. Корхонанинг барча даромадлар солиққа тортилмайди. Масалан, бошқа умумлашган даромадлар солиққа тортилмайди. Шу боис, даромадлар солиққа тортиладиган солиқ базасини ҳисоблашда қатнашадиган бўлиши керак. Даромадлар активларнинг ошиши ёки мажбуриятларнинг камайиши орқали хусусий капиталнинг қўпайишига олиб келиши керак. Бу қандай амалга ошади? Даромадлардан барча харажатлар чегирилгандан кейин соф фойда аниқланади. Соф фойда иккита қисмга йўналтирилади. Биринчиси, бу соф фойдадан таъсисчиларга, яъни хусусий капиталга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи эгаларига дивиденд тўловлари амалга оширилади. Қолган қисми эса тақсимланмаган фойдага йўналтирилади. Тақсимланганмаган фойда хусусий капиталнинг элементи ҳисобланади. Демак, соф фойда дивидендга йўналтирилади ва қолган қисми хусусий капиталнинг қўпайишида ўз аксини топади. Хусусий капиталнинг қўпайиши активларнинг қўпайиши ёки мажбуриятларнинг камайиши билан баланслашади. Хусусий капитал бошқа омиллар ҳисобидан ҳам қўпайиши мумкин. Масалан, таъсисчилар томонидан қўшимча бадал киритилса ёки акция эмиссияси амалга оширилса ҳам хусусий капитал қўпаяди ва мувофиқ равишда пул маблағлари ёки бошқа моддий кўринишда маблағлар ошади. Лекин, юқоридаги даромадларга берилган таъриф талаблари бўйича хусусий капиталнинг бундай қўпайиши активлар қўпайиши ёки мажбуриятларнинг камайиши билан мувофиқ амалга оширилган бўлса ҳам даромад сифатида тан олинмайди. Даромадларнинг активларни қўпайиши ёки мажбуриятларнинг камайиши кўринишида хусусий капиталнинг қўпайишида ўз аксини топади. Агарда тан олинадиган жараён ҳақиқатдан ҳам соф фойдани шакллантиришга хизмат қилса, унинг натижасида таъсисчининг оладиган дивиденди ҳамда тақсимланмаган фойда орқали хусусий капиталнинг қўпайишида ўз аксини топса, иккинчи томондан соф фойда активларнинг қўпайиши ёки мажбуриятларнинг камайиши кўринишида иқтисодий наф келтирса даромад сифатида қаралади.

Юқоридаги тадқиқотларга асосланиб, даромадларга молиявий ҳисбот элементи сифатида қўйидагича таърифни берамиз.

Даромад деганда, ташкилотнинг соф фойдани шакллантиришда иштирок этадиган, хусусан соф фойда ҳисобидан дивиденdlар тўланиши ҳамда хусусий капиталига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи эгаларининг бадаллари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда хусусий капиталнинг қўпайишига олиб келадиган ҳолатдаги активларнинг ошиши ёки мажбуриятларнинг камайиши кўринишидаги иқтисодий нафнинг олиниши тушунилади.

Бизнес фаолиятида юз берган жараёнларни даромад сифатида тан олишда ҳисобга олинадиган активларнинг қўпайиши ёки мажбуриятларнинг камайиши кўринишида иқтисодий нафнинг олиниши таъсирини аниқлаш мақсадида бизнес жараёнларини икки гурухга ажратиш мумкин: А - даромадларни юзага келтирувчи бизнес иқтисодий ҳодисалар; Б - даромадларнинг юзага келтирмовчи бизнес иқтисодий ҳодисалар.

2-жадвал

А - даромадларни юзага келтирувчи (даромадларнинг кўпайиши) бизнес иқтисодий ҳодисалар²

Пулда ўлчаниладиган иқтисодий операциялар	Активларга таъсири	Мажбурият ларга таъсири	Хусусий капиталга таъсири	Иқтисодий наф олиниши
1. Одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлган товарлар (тайёр маҳсулот, иш ва хизматлар) харидорга жўнатилиши бўйича тушум тан олингдана	Дебиторлик қарзи ёки пул маблағлари кўпаяди	Мажбуриятлар ўзгармай-ди	Тақсимланмаган фойда кўпаяди	Иқтисо-дий наф олиниди
2. Дивиденд, фоиз ёки ижара тўловлари олинди	Пул маблағлари ёки дебиторлик қарзлари кўпаяди	Мажбуриятлар ўзгармай-ди	Тақсимланмаган фойда кўпаяди	Иқтисо-дий наф олиниди
3. Одатдаги фолияти билан боғлиқ бўлмаган валюта курси фарқнинг ижобий ўзгариши натижасида даромад тан олинди	Дебиторлик қарзлари ёки пул маблағлари кўпайди	Мажбуриятлар ўзгармай-ди	Тақсимланмаган фойда кўпаяди	Иқтисо-дий наф олиниди
4. Кердиторлик қарзи ҳисобдан чиқарилди	Актив ўзгармади	Кредиторлик қарзи камаяди	Тақсимланмаган фойда кўпаяди	Иқтисо-дий наф олиниди
5. Корхонанинг фойдаланишида бўлган бино, машина ва асбоб-ускуналари қайта баҳоланишидан бошқа умумлашган даромад тан олинди	Машина ва асбоб-ускуналар кўпаяди	Мажбуриятлар ўзгармайди	Резерв капитали кўпаяди	Иқтисо-дий наф олиниди

Б - даромадларнинг юзага келтирмовчи бизнес иқтисодий ҳодисалар.

1. Харидорлардан олдиндан аванс тўловлари қабул қилинди	Пул маблағлари кўпаяди	Мажбуриятлар кўпайди	Фойдага таъсир кўрсатмайди	Иқтисодий наф олиномайди
2. Банкдан қисқа муддатли кредит олинди	Пул маблағлари кўпаяди	Мажбуриятлар кўпайди	Фойдага таъсир кўрсатмайди	Иқтисодий наф олиномайди
3. Таъсис бадали учун пул маблағлар келиб тушди	Пул маблағлари кўпаяди	Мажбуриятлар ўзгармайди	Пай бадаллари кўпаяди	Иқтисодий наф олиномайди
4. Асосий ишлаб чиқарышдан тайёр маҳсулотлар олинди	Тайёр маҳсулот кўпаяди, ТИЧ камаяди	Мажбуриятлар ўзгармайди	Фойдага таъсир кўрсатмайди	Иқтисодий наф олиномайди

Молиявий натижаларнинг иккинчи қисми бўлган харажатлар тушунчасига берилган таърифларни тадқиқ қиласайлик.

Харажатларга берилган таърифларни ўрганиш асосида хулоса қилиш мумкинки, ушбу таърифларни икки йўналишга ажратиш мумкин.

² Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

Биринчи йўналиш – бу харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва бошқа мақсадларни амалга ошириш учун срафланган ресурсларнинг пулдаги ифодаси сифатида тавсифланган (бошқарув ҳисобига оид дарсликларда берилган таъриф, Р.Энтони, Солиқ Кодекси, Т.Ю.Дружиловская ва бошқалар);

Иккинчи йўналишдаги таърифларда харажатлар – бу хусусий капиталнинг (таъсисчиларнинг капитални чегириб олиши ёки камайтиришидан ташқари) камайишига олиб келувчи активларнинг камайиши ёки мажбуриятларнинг кўпайиши кўринишидаги иқтисодий нафнинг камайиши сифатида эътироф этилади (МХХС, Россия Бухгалтерия ҳисоби бўйича Низом, Б.Нидлз ва бошқалар).

Олимлар ва меъёрий-хукуқий ҳужжатларда келтирилган таърифларнинг мазмуни билан танишиб чиқамиз.

Бошқарув ҳисоби мақсадларида қуйидаги таърифни келтирамиз (2021): “**Харажатлар** - бу кўзланган мақсадларга (маҳсулот ишлаб чиқариш, товарлар хариди, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш, лойиҳаларни амалга ошириш) эришиш учун сарфланган барча ресурслар қийматининг пулдаги ифодаси”.

Р.Энтони (1993) ҳам айнан ушбу таърифни келтириган “харажатлар деганда, қайсиdir мақсадда ишлатиладиган русурслар суммасининг пулдаги ифодасига тушунилади”.

Солиқ Кодексининг (2020) 305-моддаси 2-иккинчи хат бошида қуйидагича таъриф келтирилган “...солиқ тўловчи томонидан Ўзбекистон Республикасида ҳам, унинг худудидан ташқарида ҳам ҳисбот (солиқ) даври давомида амалга оширилган (кўрилган), асосланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган чиқимлари (ушбу Кодекснинг 333-336-моддаларида назарда тутилган ҳолларда эса заарлар) **харажатлар** деб эътироф этилади.

Асосланган харажатлар деганда баҳоси пул шаклида ифодаланган, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган чиқимлар тушунилади”.

Я.В.Соколов (2000) ўзининг асарида ““харажатлар (расходы)” ва “сарфлар” (затраты) тушунчаларининг моҳияти ҳисоб-китоб юритишида энг қийин, шунингдек, харажатлар сўзи бир қанча ноаниқликлар билан ажралиб турадиган тушунча, яъни у бир қанча ҳолатларда келтириладиган сўз бўлиб, “харажатлар – сарфлар – йўқотишлар – заарлар” кўп жиҳатларда синоним сифатида келади” деб таъкидлайди.

Албатта ушбу йўналишдаги таърифлар харажатларнинг асосий жиҳатларини тавсифлайди. Лекин, таърифларда молиявий натижалар, жумладан соф фойданинг шаклланиши ҳамда харажатларнинг активлар, мажбуриятлар, хусусий капиталга таъсири инобатга олинмай қолган. Бизнинг фикримизча, фойдаланилган ресурсларнинг пулдага ифодаси ҳамма вақт ҳам харажат сифатида тан олинмаслиги мумкин. Ушбу жиҳатлар иккинчи йўналишдаги таърифларда ўз аксини топган. Жумладан:

Т.Ю.Дружиловская (2015) таҳлиллар асосида харажатлар ва сарфлар турли тушунчалар эканлигини таъкидлаган ҳолда “сарфлар (затраты) активнинг ўзи бўлмасдан, уларнинг қиймат баҳосидир.Шундай қилиб, “сарфлар” тушунчасидан ушбу активларнинг “таннархи” контекстида фойдаланиш керак.сарфлар иқтисодий нафнинг камайиши ва хусусий капиталнинг камайишига олиб келмайди.сарфлар актив ҳам, мажбурият ҳам, даромад ҳам эмас. Бошқача сўз билан айтганда сарфлар тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотлар ва бошқа обьектларни баҳолаш усули” деган хulosага келади. Муаллиф томонидан қуйидаги таърифлар келтирилади: “Сарфлар (затраты) активларнинг кўпайишига олиб келувчи ишлатилган русурсларнинг баҳосидир, харажатлар эса (расходы) капиталнинг камайишига олиб келувчи иқтисодий нафнинг камайишидир”.

Халқаро стандартларда (2018) “**Харажатлар - бу ташкилотнинг хусусий капиталига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи эгаларининг фойдасига тақимлаш билан боғлиқ бўлмаган ҳолатда хусусий капиталнинг камайишига олиб келадиган активларнинг камайиши ёки мажбуриятларнинг ошиши**” деб тавсифлайди.

Россия Бухгалтерия ҳисоби бўйича Низом (ПБУ 10/99)нинг 2-бандида (1999) “ташкилотнинг харажатлари – ушбу ташкилотнинг капитал қатнашчилари (мулқдорлар) қарори билан ҳиссасининг камайишидан ташқари активларнинг (пул маблағлари ёки бошқа мулклар) чиқиб кетиши ва (ёки) мажбуриятларнинг юзага келиши натижасида иқтисодий нафнинг камайиши деб тан олинади”. Ушбу таъриф айнан халқаро стандартда келтирилган таърифга уйғун ҳисобланади.

Хорижий манбаларда (2020) “бизнес-муҳит барча харажатларни иккита категорияга ажратади: капитал ва операцион. Биринчи категория CAPEX (от англ. Capital Expenditure). Бу фойдани шакллантиришда активларни харид қилиш бўйича сарфлар. Иккинчи - OPEX (от англ. Operation Expenditure). Бу ташкилотнинг ҳаётий фаолиятини қўллаб -қувватлаш ва тутиб туриш учун сарфланган пуллар”.

Россияда амалиёт соҳасидаги мутахассислар И.Ремнова, О.Аксенова, Ю.Билетовалар (2023) сарфлар (затраты) ва харажатлар (расходы) тушунчаларига алоҳида тавсифлашга ҳаракат қилишган. Уларнинг фикрича “Сарфлар (затраты) – бу пул бўлиб, қайсики корхона амал қилиши ва тараққий этиши учун зарур бўлган активларни харид қилиш учун сарфлайди. Масалан, бу бино, асбоб-ускуна, компьютер хариди бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида иштирок этади. Сарфлар – бу компания келгусида даромад олишлари учун бугун сарфлайдиган ҳолат.Сарфларда учта йўл бор: активлар, харажатлар ёки заарларга айланиш. Ҳозирча станок ишлатилаяпдими – бу актив. Агарда компания уни сотса ва даромад олса, уни харид қилиш боғлиқ сарфлар харажат бўлади. Агарда станок яроқсиз ҳолга келиб қолса, унинг қиймати заарга олиб борилади”.

Беларуссия Республикасининг “Ташкилот харажатлари ва даромадлари” номли инструкцияциясида (2003) мувофиқ, “ташкилотнинг сарфлари (затраты) деганда ташкилот томонидан товарлар, маҳсулотларни ишлаб чиқиши ва реализация қилиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш жараёнида истеъмол қилинган ресурсларнинг қиймат баҳосига айтилади. Келгусида иқтисодий наф олишга олиб келувчи сарфлар ташкилотнинг активлари ва улардан иқтисодий наф олинган даврда харажат сифатида тан олинади. Келгусида иқтисодий наф олишга олиб келмайдиган сарфлар ушбу сарфларни амалга оширган даврдаги харажат сифатида тан олинади”.

Б.Нидлз (2003) қуйидаги таърифни келтиради: “Харажатлар – бу ушбу бизнес бирлигининг асосий ва доимий иш йўналишини ташкил этувчи товарларни етказиб бериш ёки ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ёки фаолиятнинг бошқа турларини амалга ошириш оқибатида активларнинг камайиши ёки бошқа сарфланиши ёхуд қарздорлик (пассив)нинг юза келиши, ёки унисини ҳам буниси ҳам бир вақтда амалга ошиши.”


Ушбу йўналишдаги таърифлар замонавий таърифлар ҳисобланади. Лекин, ҳар бир муаллиф ўз ёндашувларидан келиб чиқиб таъриф берган. Уларни маълум бир тизимга келтириш, харажатларнинг барча хусусиятларини ҳисобга олиш,

харажатларнинг соф фойда ва хусусий капиталга таъсирини ёрқин ифодалаш зарурияти мавжуд деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, харажатларни тавсифлашда унинг молиявий натижаларни, хусусан соф фойдани шакллантиришда тескари боғлиқликдаги омил эканлиги (харажатлар соф фойдани камайтиради ёки харажатлар даромадлардан катта бўлса зарап юзага келади), харажатларнинг юзага келиш муқаррар равишда ресурсларнинг чиқиб кетиши, яъни активларнинг камайиши ёки мажбуриятларнинг кўпайиши билан боғлиқ бўлиб, агарда ҳисобот йили соф фойда билан якунланган бўлса ҳам харажатлар соф фойдани камайтириши орқали хусусий капиталнинг камайишига таъсир кўрсатади, агарда ҳисобот йили зарап билан якунланган бўлса ўтган йиллар тақсимланмаган фойдасини камайтириш орқали хусусий капиталнинг камайишига таъсир кўрсатиш орқали иқтисодий нафнинг камайишида ўз аксини топиши каби хусусиятлари намоён бўлади. Ушбу хусусиятларини ҳисобга олиб, харажатларга қўйидагича таъриф келтирамиз.

Харажатлар деганда, молиявий ҳисоботнинг муҳим элементи сифатида корхонанинг фаолиятида сарфланган русурсларнинг пулдаги ифодаси бўлиб, соф фойдага тескари боғлиқликда ҳамда зарап юзага келишига олиб келувчи омил, унинг тан олиниши мақаррар равишда хусусий капиталига нисбатан талаб қилиш хуқуқи эгаларининг фойдасига тақсимлаш билан боғлиқ бўлмаган ҳолатда хусусий капиталнинг камайишига олиб келувчи активларнинг камайиши ёки мажбуриятларнинг кўпайиши тушунилади.

Ушбу таърифдан келиб чиқиб, айтиш мумкинки харажатлар зарап орқали тақсимланмаган фойдага таъсири кўрсатади, яъни тақсимланмаган фойда камаяди. Тақсимланмаган фойданинг камайиши хусусий капиталнинг камайишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида активларнинг камайиши ёки мажбуриятларнинг ошишида ўз аксини топади. Ушбу жараённинг амал қилишини қўйидаги 1-расмда ифодалашимиз мумкин.



1-расм. Харажатларнинг активлар камайиши ёки мажбуриятлар кўпайиши кўринишида хусусий капиталнинг камайишида ўз аксини топиши

Бизнес фаолиятида юз берган жараёнларни харажат сифатида тан олиш ёки тан олмаслик нуқтаи назаридан икки гурӯҳга ажратиш мумкин: А - харажатларни юзага келтирувчи бизнес иқтисодий ҳодисалар; Б - харажатларни юзага келтирмовчи бизнес иқтисодий ҳодисалар.

З-жадвал

А - харажатларни юзага келтирувчи бизнес иқтисодий ҳодисалар³

Пулда ўлчаниладиган иқтисодий операциялар	Активларга таъсири	Мажбуриятларга таъсири	Хусусий капиталга таъсири	Иқтисодий нафолиниши
Ишлаб чиқариш йўқотишлари ҳисобдан чиқарилди	Хом-ашё ва материаллар камаяди	Мажбуриятлар ўзгармайди	Харажат шаклланади, Соф фойда камаяди	Иқтисодий нафкамаяди
Жарима, пеъялар ҳисобга олинади	Пул маблағлари камаяди	Мажбурият ўзгармади	Соф фойда камаяди	Иқтисодий нафкамаяди
Брак бўлган тайёр маҳсулот ҳисобдан чиқарилди	Тайёр маҳсулот камаяди	Мажбуриятлар ўзгармайди	Соф фойда камаяди	Иқтисодий нафкамаяди
Сотилган тайёр маҳсулот таннарх ҳисобдан чиқарилди	Тайёр маҳсулот камаяди	Мажбурият ўзгармайди	Соф фойда камаяди	Иқтисодий нафкамаяди
Коммунал харажатлар ҳисобга олинди	Харажат юзага келади	Мажбурият ошади	Соф фойда камаяди	Иқтисодий нафкамаяди

Б - харажатларни юзага келтирмовчи бизнес иқтисодий ҳодисалар

Харид қилинган хом-ашё, товарлар учун таъминотчига пул ўтказиб берилди	Пул маблағлари камаяди	Мажбурият ҳам камаяди	Соф фойдага таъсир кўрсатмайди	Иқтисодий нафолинмайди
Таъминотчиларда хом-ашё кейинчалик тўлаб бериш шарти билан харид қилинди	Хом-ашё кўпаяди	Мажбурият кўпаяди	Соф фойдага таъсир кўрсатмайди	Иқтисодий нафолинмайди
Ишлаб чиқариш ишчиларига меҳнат ҳақи ҳисобланди	Тугалланма-ган ишлаб чиқариш кўпаяди	Мажбурият ҳам кўпаяди	Соф фойдага таъсир кўрсатмайди	Иқтисодий нафолинмайди
Ишлаб чиқаришга хом-ашё ва материаллар чиқарилди	Тугалланма-ган ишлаб чиқариш кўпаяди	Мажбурият ҳам кўпаяди	Соф фойдага таъсир кўрсатмайди	Иқтисодий нафолинмайди

Ушбу жадвал маълумотларидан хуроса қилиш мумкинки, харажатларни танолиш ва ҳисоботларда акс эттиришда муҳим шарти унинг активларни камайтириши ёки мажбуриятларнинг ошишига олиб келувчи ҳодиса эканлигини таъкидлаш лозим. Бизнес жараёнларини харажатларни юза келтирувчи ёки харажатларни юзага келтирмовчи ҳодисаларга тавсифлашда маълум қоидани инобатга олиш керак. Харажатларни юзага келтирувчи ҳодисалар ўрганилганда тўғридан-тўғри соғ

³ Тадқикотлар асосида муаллиф ишланмаси

фойданинг камайишига олиб келувчи ҳодисалар олинди. Масалан, хом-ашё ва материалларни ишлаб чиқаришга чиқарилиши харажатни юзага келтирувчи ҳодиса деб қаралмайди. Чунки, материалларнинг ишлаб чиқаришга чиқарилиши материалларни камайтиради, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар таннархини оширади. Худди шу тартибда ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча сарфлар тугалланмаган ишлаб чиқариш счётида жамланади. Ушбу жараёнлар таннархнинг шаклланишининг ушбу босқичларида соф фойдага таъсир қўрсатмайди. Тайёр маҳсулотлар таннархи бўйича қабул қилинади. Натижада, ишлаб чиқариш жараёни харжатлари ёпилади. Тайёр маҳсулот сотилгандан кейин эса унинг таннархи бўйича ҳисобдан чиқарилади. Ушбу сотилган товарларнинг таннархи активларнинг камайишини юзага келтиради. Сотилган товарлар таннархи соф тушумдан қопланилади. Натижада, соф фойда камайиши юз беради. Соф фойданинг камайиши тақсимланмаган фойдани камайтиради. Тақсимланмаган фойда хусусий капиталнинг элементи ҳисобланади.

5. Хулоса.

Даромадлар ва харажатларга берилган таърифларни тадқиқ қилиш асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, иш ва хизматларни сотишдан олинган даромадлар мамлакатда яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг муҳим омили эканлиги қайд қилиниб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларни таъминлашдаги мустаҳкам манба эканлиги қайд қилинди. Иқтисодиётни глабаллашуви шароитида жаҳон иқтисодиётида компаниялар рентабеллик даражасининг ўсишини таъминлаш, ишсизликни бартараф этиш, янги иш ўринларини очиш, капитал инвестициялар ҳажмини ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш ўта муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

2. Тадқиқотлар асосида даромадларга таъриф ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ даромадларни тавсифлашда ташкилотнинг соф фойдани шакллантиришда иштирок этадиган, хусусан соф фойда ҳисобидан дивиденdlар тўланиши ҳамда хусусий капиталлига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи эгаларининг бадаллари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда хусусий капиталнинг кўпайишига олиб келадиган ҳолатдаги активларнинг ошиши ёки мажбуриятларнинг камайиши қўринишидаги иқтисодий нафнинг олиниши каби хусуситлари инобатга олинди. Корхоналарда юз берган бизнес жараёнлари даромадларни юзага келтиувчи ҳодисалар ва даромадларни юзага елтирмовчи ҳодисаларга бўлинib, уларнинг мазмуни моҳияти очиб берилди.

3. Молиявий натижаларнинг шаклланишида муҳим омил бу харажатлар ҳисобланади. Мақолада харажатлар тушунчасига бухгалтерия ҳисоби маъносида таъриф ишлаб чиқилди. Ушбу таърифда харажатларнинг молиявий ҳисботнинг муҳим элементи сифатида корхонанинг фаолиятида сарфланган русурсларнинг пулдаги ифодаси, соф фойдага тескари боғлиқликда ҳамда зарар юзага келишига олиб келувчи омил, унинг тан олиниши мақаррар равишда хусусий капиталлига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи эгаларининг фойдасига тақсимлаш билан боғлиқ бўлмаган ҳолатда хусусий капиталнинг камайишига олиб келувчи активларнинг камайиши ёки мажбуриятларнинг кўпайишига олиб келувчи хусусиятлари ўз аксини топди.

Ушбу таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши молиявий натижалар бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ҳамда меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни такомиллаштиришга хизмат қиласди.

Адабиётлар:

Новый экономический словарь (2006) / Под редакцией А. Н. Азрилияна. — М.: Институт новой экономики, — 1088 с. — 4000 экз. — ISBN 5-89378-014-0.

Калиничева Р.В. (2021) Понятие и экономическая сущность доходности предприятия. // Jounal of economy and Business, vol 2.2 (72) <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-i-ekonomiceskaya-suschnost-dohodnosti-predpriyatiya/viewer>

Стародубцева. Е.Б. (2006) Банковские операции: Учебное пособие. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 128 с.

Хахонова Н.Н., Богатый Д.В. (2018) Доходы и расходы как ключевые элементы процесса определения финансовых результатов. <https://cyberleninka.ru/article/n/dohody-i-rashody-kak-klyuchevye-elementy-protsessa-opredeleniya-finansovyh-rezultatov/viewer>

Эшпулатова З.Б. (2021) Корхоналарда даромадлар ҳисобини такомиллаштириш". PhD докторлик диссертацияси. ТДИУ. 17-бет

Калонов М.Б. (2019) Корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш. DSc дисс. автореферати. Т. <https://tfi.uz/ru/doc-page/kalonov-muhiddin>

Нидлз Б. (2003) Принципы бухгалтерского учета. –М.: Финансы и статистика, 496. 45-б.

Ташназарова Д.С. (2021) Харажатлар ва таннарх тушунчаси, уларнинг мазмуни ва тавсифи // "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 3, май-июн.

Энтони Р. (1993) Учет: ситуация и примеры. М.Финансы и статистика.

Соколов Я.В. (2000) Теория бухгалтерского учета. М.: Финас и статистика. 496 с.

Дружиловская Т.Ю. (2015) Характистики "расходов" и "затрат" для бухгалтерского финансового учета. Журнал Международный бухгалтерский учет. 2 (344)- <https://cyberleninka.ru/article/n/harakteristika-rashodov-i-zatrat-dlya-buhgalterskogo-finansovogo-ucheta/viewer>. 38-39-б.

Ремнова И., О.Аксенова, Ю.Билетова (2023) Расходы и затраты: разница. <https://fintablo.ru/finances/rashody-i-zatraty-raznitsa>

Инструкция (2003) по бухгалтерскому учету доходов и расходов Республики Белорусь от 26.12.2003 №182. // https://www.minfin.gov.by/upload/accounting/acts/postmf_300911_102.pdf

Нидлз Б. (2003) Принципы бухгалтерского учета. М.: Финансы и статистика, 496-с. 46-б.



СОЛИҚ ВА ҲАЁТ

ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ
ОММАБОП ЖУРНАЛ